

МАЎНАВИЯТ ДАРСЛАРИ

ЎРТА МАҚТАБЛАРНИНГ
10—11- СИНФЛАРИ УЧУН
МАЖМУА

*Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими
вазирлиги тасдиқлаган*

Т у з у в ч и: *САНОБАР НИШОНОВА*

ТОШКЕНТ «ЎҚИТУВЧИ» 1994

Ушбу мажмуада Шарқ мутафаккирларининг ахлоқ-одоб, маънавий қадриятлар, анъаналар, урф-одатларга бағишланган сара асарларидан намуналар жамланган.

Мазкур мажмуадан умумтаълим мактаблари 10—11-синфларининг тарбиявий соатларида ҳамда «Одоб» дарсларида фойдаланиш мумкин.

Китоб умумтаълим мактабларининг ўқувчилари ва ўқитувчиларига, ота-оналарга ҳамда бўлажак муаллимларга мўлжалланган.

Жамоатчилик асосида филология фанлари номзоди, доцент
С. Матжонов тақриз қилган.

Н $\frac{4303020102 - 72}{353 (04) - 94}$ 12—94

© «Ўқитувчи» нашриёти, 1994

ISBN 5-645-02209-2

ТУЗУВЧИДАН

Маълумки, узоқ тарихга эга бўлган ўзбек халқи таълим-тарбияга оид бой меросга эга бўлиб, авлодларда инсонпарварлик, камтарлик, меҳнатсеварлик, дўстлик, меҳр-оқибат, биродарлик, адаблилик каби умуминсоний фазилатларни тарбиялаб келган. Шарқ мутафаккирларининг таълим-тарбияга оид асарлари ҳам ана шундай бой меросга киради. Лекин бу бой меросимиздан, ундаги одоб-ахлоққа оид дурдоналардан етарлича фойдалана олмадик.

Эндиликда олдимизда мактабдаги таълим-тарбиявий ишларимиз соҳасида бу дурдоналардан тўлароқ фойдаланишдек вазифа пайдо бўлмоқда. Мактабларда ҳар бир синфда ҳар ҳафтада ўтиладиган тарбиявий соатларни маънавий дарсларига айлантириш бу вазифани адо этиш учун яхши имкониятлар очиб беради. Бу тарбиявий соатлар синф раҳбарларининг ихтиёрига ва имкониятига кўра 5-синфдан бошлаб (ҳатто бошланғич синфлардан бошланса нур устига аъло нур бўларди) буюк мутафаккир алломалар Қайковус, Юсуф Хос Ҳожиб, Саъдий Шерозий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Муҳаммад Содиқ Кошғарий, Абдулла Авлоний ва бошқаларнинг хулқ-одобга оид асарларини, халқ оғзаки ижоди намуналарини ўрганишга, уларнинг мазмунини шарҳлашга, ҳаёт муаммоларини ечиш учун улар пандномаларини таққослашга бағишланса мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки, жамиятда яшаётган ҳар бир киши мактаб партасида ўтирар экан, бу ўғитларни бевосита ўрганиши улар онгига истаса-истамаса таъсир этади.

Биз алломалар асарларидан танлаган бўлимларни тарбиянинг маълум томонларига кўра мавзуларга бўлиб жойлаштирдик. Синф раҳбари, ўқитувчи тарбиявий

соатга мўлжалланган мавзу бўйича керакли материални мазкур дарс ўтказиладиган синф, ўқувчиларнинг ёшига қараб танлайди. Масалан, одоб-ахлоқ мавзусига оид берилган асарлар намуналарининг баъзиларидан айрим синфда фойдаланса, баъзиларидан эса бошқа синфларда фойдаланади. Масалан, Алишер Навоийнинг «Ҳайратул аброр» достонидан олинган мақолат ва ҳикоялардан «Сўз таърифида...» 6-синфда ўрганилса, «Адаблилик одати тўғрисида», «Нўширавон ҳаё боғида», «Қаноат ҳақида», «Вафо ҳақида», «Жаҳолат майи» каби мавзулардан 10—11-синфлардаги тарбиявий соатларда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Тарбиявий соатларни ҳам одатдагилардан бошқачароқ ташкил этиш мумкин. Масалан, «Хулқ-одоб қоидалари»га бағишланган тарбиявий соатда Алишер Навоийнинг «Ҳайратул аброр» асаридан олинган «Адаб даъбидаким...», яъни адаблилик тўғрисидаги машғулот қўйидагича ўтказилиши мумкин:

1. Мақолат ифодали ўқилади.

2. Мақолат адаблилик, тавозуъ, ҳаё нури ҳақидаги қисмларга ажратилади ва ҳар бири мақолатнинг насрий баёнидан фойдаланиб шарҳланади.

3. Одоблилик белгилари — ҳаё, тавозуъ, яхши ном, илму адабни ўрганиш, ота-онани ҳурматлаш, қаноат кабиларга ўқувчилар муносабати аниқланади.

4. Одобсизлик белгилари: меъёрсиз кулги, ортиқча тавозуъ, ҳаёсизликнинг ҳозирги даврда нималарда намоеън бўлаётганлиги ҳақида ўқувчилар фикри аниқланади.

5. Ҳаё ҳақида келтирилган ҳикоятга ўқувчилар диққати қаратилади.

6. Одоб-ахлоққа оид ўқувчилар тўплаган ривоят, ҳадислардан намуналар, ҳикоят, эртак, мақоллар ўқилади (бу топшириқ олдинги машғулотда ўқувчиларга берилиши мақсадга мувофиқ).

Мазкур тавсиялар тахминий бўлиб, тарбиячи буларга ижодий ёндашиши мумкин. Лекин ҳар ҳолда мажмуадаги берилган асарлардан намуналар ўқувчи 11-синфни битиргунча ўрганиб чиқилиши муҳим. Шундай қилсак, мутафаккирларимиз орзу этган комил инсонни шакллантириш, қолаверса, ҳозирги давр талаби даражасидаги юксак маънавиятга эга бўлган шахсни тарбиялашда муҳим ва зарур қадам қўйган бўламиз.

ХУЛҚ-ОДОБ ҲАҚИДА

АНУШИРАВОН ПАНДЛАРИН ЁД ОЛМОҚ ЗИКРИДА*

Эй фарзанд, Ануширавон деди: «...Агар розимни душман билмасин десанг, дўстингга айтмағил...»

Яна деди: «Агар ёру дўст бўлмоқни тиласанг, сергиналик бўлмағил...»

Яна деди: «Агар ғамсиз бўлмоқ тиласанг, ҳасадлик бўлмағил...»

Яна деди: «Агар шармисор бўлмаин десанг, қилмағон ишни қилдим дема...»

Яна деди: «Агар ўз сиригнинг очилишини истама-санг, бировнинг сирини фош қилмағил...»

Яна деди: «Агар юзимнинг пардаси йиртилмасин десанг, бировнинг юз пардасини йиртмағил...»

Яна деди: «Агар қадрли бўлмоқ тиласанг, халқнинг қадрин билғил...»

Яна деди: «Агар халойиқнинг ёмон сўзларидин йироқ бўлмоқ тиласанг, улардан зўрлиғ била ҳеч нарса олмағил...»

Яна деди: «Агар халойиқнинг севимлиси бўлмоқ тиласанг, улардин ҳеч нимани аямағил...»

Яна деди: «Агар тилинг узун бўлмоғин тиласанг, қўлингни қисқа қилғил...»

Эй фарзанд, Ануширавон Одилнинг сўзлари ва пандлари бу турур. Буларни ўқиғил ва уни хор тутмағил, нединким бу сўзлардин ҳам ҳикмат, ҳам салтанатнинг

* Ҳар бир матннинг қайси манбадан олинганлиги ҳақидаги маълумот матн охиридаги изоҳда берилди.

иси келур. Буларнинг барчасин йигитлик вақтида ўқиғил ва билғил. Аммо қаригондан сўнг пандни эшитмоққа ҳожат йўқдур, қарилар ҳар бобдин хабардор бўлурлар ва улар панд эшитмоқдан ожиз бўлурлар¹.

МАЗОҲ² ҚИЛМОҚ, ШАТРАНЖ³ ВА НАРД УЙНАМОҚ ОДОБИН БАЕНИ

Эй фарзанд, билғилким, кўп кишилар дебдурларким, мазоҳ — фасоднинг муқаддимасидур. Мазоҳ, яъни хонаки сўз била кишига дахл этмакдин ҳазар қилғил. Агар мазоҳ қилсанг мастликда қилмоғилки, кўпроқ шур ва шар⁴ мазоҳдин пайдо бўлур ва фаҳш ҳақида сўз очишдин шарм қилғил. Хусусан, нард ва шатранж ўйнагон вақтда икки кишининг орасида низо пайдо бўлур деб айтмағил. Нард ва шатранж ўйнамоқни кўп одат қилмағил. Агар ўйнасанг гаров боғлаб ўйнамағилки, ул қиморбозлиғ бўлур. Танга қўймай ўйнамоқ адабдандур. Агар ўйнамоқни яхши билсанг ҳам қиморбозликда машҳур бўлгон киши била ўйнамағил. Нард ва шатранж ўйнамоқда адаб улдурким, сен биринчи бўлиб муҳрага⁵ қўл урмағайсан, то ҳарифинг⁶ аввал на қилмоқ тиласа, шундоқ қилсун. Агар нард бўлса, аввал қаъбатайн⁷ ни ҳарифингга берғил. Аммо мастлар, турк ва авбошлар била ҳаргиз гаров боғлаб ўйнамағил ва бир шўриш орттирмағил. Нардда қаъбатайннинг нақши учун ҳарифинг била урушмағил ва фалон ишни қилдинг деб онт ичмағил. Агар рост десанг ҳам уни барча киши ёлгон дерлар. Ҳосил улким, мазоҳ ва арбададин парҳез қилғил.

Гарчи мазоҳ қилмоқ айб эрмасдур, аммо ундин эҳтиёт бўл.

Эй фарзанд, агар мазоҳ қилсанг ўзингдин пастроқ кишига қилғил, йўқ эрса қилмағил, то сенинг иззатинг кетмасдур. Агар ночор айтсанг ўзингга баробар одамларга айтғил, то агар бир жавоб берсалар айб бўлмағай.

¹ Кайковус Унсурулмаоний. Қобуснома. (Муҳаммад Ризо Огаҳий таржимаси.) «Ўқитувчи», Тошкент, 1988, 48—50-саҳифалар. ² Мазоҳ — ҳазил-мазах. ³ Шатранж — шахмат. ⁴ Шур ва шар — фитна ва фасод. ⁵ Муҳра — шахмат доналари. ⁶ Ҳариф — рақиб. ⁷ Қаъбатайн — нард ўйинидаги икки сўнгак.

Фаҳш¹ айтмоқдин парҳез қилғил. Ҳаддан зиёда мазоҳ қилмағилким, ул одамни хор ва бемиқдор² қилғувчи мазоҳ бўлур. Нединким, ҳар сўз десанг, халқдин уни эшитурсан ва ҳар иш қилсанг, улусдин³ уни кўрарсан. Аммо ҳеч киши била урушмағил, нединким урушмоқ оқил ва муҳташам кишиларнинг иши эрмасдур, ёш ўғлонларнинг ва хотинларнинг ишидур. Агар иттифоқо бир киши била урушсанг, оғзингга келғон дашном ва фаҳшларни айтмағил. Ул миқдор урушғилки, ярашмоққа жой қолсун. Бирдан бешармлик қилмағил, бу иш безори, авбошларнинг одатидур. Одатларнинг яхшироғи тавозеъли бўлмоқдур.

Шароб ичмак, мазоҳ қилмоқ ва ишқбозлик этмак йигитларнинг ишидур. Чунки ўз ишингга ҳаддин ташқари қадам урмасанг халқнинг маломатидин қутулурсан⁴.

ХИЗМАТ ҚИЛМОҚ УРФ-ОДАТЛАРИ

*Икки турли бўлар юмушчи киши,
Юмуш билан ҳар кун юксалар иши*

*Бир ишлигидан юмушда бўлар,
Яна бири ўсиб, улғайиб келар.*

*Иккиси ичида сараси деб бил,
Кичиклигидан ишга қўйса ким кўнғил.*

*Бу кун айтар бўлсам фикримни ўзим,
Кичиклардан бошлаб айтайин сўзим.*

*Сўзни сирли тутсанг, дард бўлар фақат,
Инсон ишонч билан топар саодат.*

Бундай одам илк ёшлигидан бошлаб хизматга киришса, ўзининг ҳам, элининг ҳам хизматлари ўнгланади. У барча ишларга муносиб ва лойиқ бўлади. Ходим тетик ва қилиғи бутун бўлса, қут топади, саодатга эришади.

Мерган, довқур йигитларнинг иши — ўқ-ёйчилик. Феъли тўғри, ишончлилар тамғачи, яъни муҳрдорликка

¹ Фаҳш — ярамас сўз, қабиҳлик, ҳақорат. ² Бемиқдор — беқадр. ³ Улус — халқ. ⁴ У ш а к и т о б, 61—62-саҳифалар.

лойиқ. Ҳисоб-китоб ишларига моҳир кишилар учун мос вазифа — хазиначилик. Ёзув-чизув усталари котиблик лавозимига мувофиқ келади.

Киши қайси ишда бўлмасин, унга муносиб хатти-ҳаракатлар қилса, севинчга сазовор бўлади.

...Хизматда турадиган одам эҳтиёт бўлиши, тилини ҳам, кўзини ҳам асраши керак. У кўнгил ва тилни рост тутсин, сўзларини пишиқ қилсин.

Барча ишлар хизмат-юмуш билан адо этилади. Эзгу кишилар ҳам хизмат чоғида аён бўлади. Шунинг учун эзгуликни истаган одам хизмат қилиши, меҳнат билан банд бўлиши керак. Қилинган меҳнат киши юзини ёритади. Давлат бошлиғига яқин бўлган одам қулоғини соғ, кўзини ўткир тутсин.

Хулқ-атворингни меъёрида тутишга урин. Сендан сўз сўралса, сўзнинг тўғри-чинини равон қил. Ярамас ёзувларга зинҳор ёндашма.

Бу айтилган гаплар бажарилса, кишининг қути ортади, иши кундан-кунга яхшиланади. Шундан кейин бир неча касб-ҳунарлар, амал-мартабалар саналади. Улар қуйидагича: лашкарбоши, ҳожиб, котиб ўғалик, кўк айиқлик.

Кимки ўз хизматига лойиқ иш тутса, унинг жавобига келадиган нарса — мақтов ва олқиш. Бунга шубҳа йўқ.

*Жуда яхши деган билимдон доно,
Нолойиқ одамга иш берма асло.*

Билим бу ҳақда яна ҳам яхшироқ сўзлайди: «Билим-сизга ҳеч қачон қўл берма», яъни уни ўзингга яқин келтирмагин.

Ақл-заковати бўлмаган кишидан билим ҳам йироқ кетади. Билимсиз киши элни бузади. Заковатсиз киши улуғликка эришса, дастлаб эгасининг бошини ейди, эй элчи боши. Шунга кўра:

*Ходимни керакдир кузатмоқ, синаш,
Зақоси тенги сўнг лозимдир сийлаш.*

Ходим бошқалар учун меҳрибон бўлсагина, у учун кишининг ичи ачишса арзийди.

Эл беги бир қарасанг, қут-саодатга ўхшайди. Унинг қўли ҳар қаерга етади. Бир қарасанг, унинг ўт-оловдан

фарқи қолмайди. У сени ёндиради, балоларга гирифтор қилади:

*Яна яхши деган синаб билган эр,
Юмуш билан ўсган, тилак олган эр.*

*Қандай эзгу нарса донолар сўзи,
Ипак-шоҳи мисол ҳар сўзнинг ўзи.*

Беклар сени қанчалик қадрламасин, эҳтиёт бўл. Улар гоҳо ўт бўлади, гоҳо сув. Баъзан кулдиради, баъзан йиғлатади. Уч нарсага қўшнилик қилмагин: бири тез оқар катта сув, иккинчиси ёниб турган олов, учинчиси эса беклардир.

Беклар арслонга ўхшайди: мақталса, сўзи юмшайди; ғазаби келса, томир тешади, қон сўради.

Яна учта иш борки, улардан узоқ турганларнинг юзи қизил бўлади: бири қаттиқлик ва хасислик, уни четга от. Яна бири ёлғон-яшиқларга аралашма, охиргиси — суқлик қилма. Бу учала ишнинг ҳам туби йўқликдир. Улар кишини хароб қилади.

Сени ҳурмат қилганларни эъзозла. Гердайма, қўлингни қўлтиқларинг орасига олиб юришдан ҳам сақлан.

*Ултирар чоғида ўрнингни билгин,
Ҳеч кимни паст кўрма, кишилик қилгин.*

*Бор овозни қўйиб кулмагин сира,
Тубанлик бўлар бу кишилар ора.*

Бошқаларнинг олдида ёнбошлаб ётма. Ёмон феъллик қилиб, унинг сўнгида эзгуликни кутмагин. Ўзингдан улуғларнинг гапини кўтариб юрма.

Уч нарсадан четда тур, улардан асранмасанг, муқаррар равишда зарар қилади. Бириси — катталар гапини сир тутмоқ. Сўзни ҳам киши ўз тани-жонини сақлагандек асраши лозим. Иккинчиси — шу сўзларни киши кўча-кўйларда ёйиб юрмасин. Учтинчиси — ёмон-ярамасларга аралашидан тийилмоқ. Шу ишдан қай бирини қиладиган бўлса, кишининг боши кетади.

Тўрда ўтирган бўлсанг ҳам ичкарига бошқалар кириб келса, ўрнингдан туриб кутиб ол. Сендан фикр сўралса, сўзни чўзма.

Сени эшитсалар, сўзингда давом эт, сўзингни бўлишса, ўша ерда тўхтат.

Меҳмонга таклиф қилинсанг, ошни одоб билан е. Бировнинг олдидаги овқатга қўл чўзма. Ўзингга яқин турган жойдан ол. Пичоқ ўйнатмагин. Қўлингга суяк олиб, кемириб ўтирма. Бошқаларнинг ош-овқатларини татиб кўришдан асраниш лозим, ўзгаларни зўрлаб-қис-таш ярамайди.

Аёлларга ўхшаб бемалол емагин, аммо шошилиш ҳам зарар. Аёллардек серилтифот бўлиш ортиқча. Буларга мулоҳаза юрит.

Қанчалик тўқ бўлсанг ҳам таклиф қилингандан кейин овқатдан ейиш лозим. Бу сенинг қадрингни оширади. Қайси бир ишни қилишга бел боғлаган бўлсанг, унга астойдил ёпиш.

*Ўзингга тиласанг узун эҳтиром,
Ўзгани қадр этгин, аё эзгу ном.*

*Улуғни улуғла, келтир ҳурматин,
Шунда сен оласан улуғлик қутин.*

*Эшит, нима дейди, оталар сўзи
Оталар сўзида ҳар ишнинг кўзи:*

*Улуғни ҳурматлаш қадим одат, кўр,
Улуғ келса ўзинг оёқда тик тур.*

*Улуққа етишса кичик ҳурмати,
Улуғ ҳам кичикка ҳурмат кўрсатур¹.*

Ҳикоят

Юнон тупроғида қароқчилар карвонни таладилар ва сон-саноқсиз ўлжани қўлга киритдилар. Савдогарлар зор-зор йиғлашиб, худо ва пайғамбардан мадад тиладилар, лекин фойдаси бўлмади.

*Гар бўлса бир ғаддор ўғри комрон,
Ғам емас йиғласа бутун карвон.*

Луқмони ҳаким ҳам ана шу карвонда эди. Савдогарлардан бири унга мурожаат қилди: «Буларга насиҳат

¹ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. «Юлдузча», Тошкент, 1990, 87—89- саҳифалар.

қилиб, ҳикматли сўз айт, зора талаган моллари-
миздан бир оз қисмини қайтариб беришса, ахир, шун-
ча мол-дунёнинг талон-тороғ бўлиши увол-ку!» Луқ-
мони ҳақим деди: «Буларга ҳикматли сўз айтиш хайф-
дир».

*Занглаган темирни минг ишқов бериб,
Кўзгудай сайқаллаб, боқиб бўлмайди.
Қора кўнгулларга ўғит фойдасиз,
Тошга темир михни қоқиб бўлмайди.*

*Шод кунларинг ғамгинларнинг кўнглин топ,
Дил оғритган балоларга қолади.
Бўла туриб тиланчига бермасанг,
Бирор золим сендан юлқиб олади.*

Ҳикоят

Луқмони ҳақимдан: «Одобни кимдан ўргандинг?»
деб сўрадилар. Луқмон жавоб берди: «Одобни беодоб-
лардан ўргандим, уларнинг ҳаракатларидаги менга
мақбул бўлмаган нарсалардан ўзимни сақладим!»

*Бирор эсли кишига ҳатто ҳазил сўз айтсанг
У шундан ҳам ўзига чиқаради хулоса.
Аммо аҳмоқ кишига юзлаб ҳикмат ўргатсанг
Барчаси унинг учун туюлар ҳазил нарса.*

Ҳикоят

Шайхлардан бирига шикоят қилиб дедим: «Фалон
киши мени бузуқ одам деяпти». Шайх менга деди:
«Сен уни яхшилик билан уялтир!»

*Узинг яхши бўлсанг юриш-туришда,
Сендан айб тополмас ҳеч бир ярамас.
Танбурнинг ўз сози жойида бўлса,
Созанда қулоғин бураб ўлтирмас.*

Ҳикоят

Бир семиз аблаҳни кўрдим, эғнида башанг либос,
остида тулпор от, бошига эса Миср шоҳисидан салла
ўраган эди. Биров менга деди: «Саъдий, бу бефаҳм

ҳайвоннинг эғнидаги гулдор шоҳи либосга нима дейсан?»

Мен шундай жавоб бердим: «Олтин суви билан ёзилган хунук хатдир».

*Яхши хулқ минг яхши либосдин аъло,
Одамга ўхшамас, бу ҳайвон асло.
Магарким, демасанг тўну салласин,
Синаб кўр борлигин: тан, қалб, калласин,
Ҳеч ҳалол жойи йўқ, қонидан ўзга¹.*

Ҳикоят

Нишида ўлим заҳри ва табиатида ёмонлик фахри бўлган бир чаён сафарга чиқди. Бир кенг дарё лабига етиб олди, аммо ўтолмай чорасиз қолди. На сузиб ўтиш гумони ва на қайтиб кетиш имкони бор. Буни кўриб турган тошбақанинг унга раҳми келиб орқасига миндирди ва ўзини сувга урди. Ўзга қирғоққа сузиб кетди-ю, дарёнинг қоқ ўртасига етди. Қулоғига қандайдир овоз келди, чаён унинг орқасига бир нарса санчаётганини билди.

— Бу ниманинг овози?— деб сўради чаёндан.

— Бу сенинг орқангга санчаётган нишимнинг овози,— деди чаён,— орқангга нишим асар қилмаслигини биламан, аммо ўз одатимни тарк этолмасам, нима ҳам қиламан.

Тошбақа бўлса, «бу бадхулқни ўз хулқидан ва бошқа яхшиларни бунинг қилиғидан халос қилганим яхши экан»— деб ўйлади ва сувга бир шўнғиди. Чаённи тўлқин шу заҳотиёқ юлиб кетди ва ному нишонсиз қилиб кетди.

*Ёмон золим киши ҳар кез сочар юз ҳийлаю найранг
Унинг хулқи билан фитна аламга тўлғуси олам.
Ўлим гирдобига шўнғиб йўқолса ном-нишонсиз у
Ўзин ҳам қутқарар бадхулқлиғидин барча элни ҳам².*

¹ Саъдий. Гулистон. Форсчадан шеърларни *Ғафур Ғулом билан Шоислом Шомуҳамедов*, наср қисмини Рустам Комилов таржима қилган. Ғафур Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1968, 72—73, 76, 103—104-саҳифалар.

² *Абдураҳмон Жомий*. Баҳористон. Танланган асарлар. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тузувчи Ш. Шомуҳамедов. Тошкент, 1971, 350—351-саҳифалар.

Адаб даъбидаким кичикларга мужиби саодатмандлиқ ва улуғларга боиси сарбаландлиқ дурур ва тавозеъ васфидаким «дол»дек қаддини ҳам қилгон қадамни давлат фарқиға қўяр ва ҳаёт зиёсидаким, ҳар киши кирса раҳмат ёгинлари била сероб бўлур

Эй талаб уйида нишаст айлаган,
Қаддини хидмат юки паст айлаган.

Эл йўлида, гард ўлубон дард ила,
Кибр кўзин кўр этиб ул гард ила.

Ашки риёзатки сочиб ҳар сари,
Андин ўчуб нафсу ҳаво ўтлари.

Оҳу надоматки чекиб сидқ аро,
Кизб юзин дудидин айлаб қаро.

Сидқ ила ҳар гарм нафасеким уруб,
Реву риё хирманини куйдуруб.

Қилмай ўзин рухсат ишига самар,
«Мим»и азимат била боғлаб камар,

Сарсари ғайратни чу бунёд этиб,
Ҳирсу тамаъ рахтини барбод этиб,

Бўйла тариқийки қабул айладинг,
Кўйи талаб сори нузул айладинг.

Лек бу йўл қатъида шарти талаб,
Билки тавозеъ била келмиш адаб.

Чунки тавозеъға ҳам ўлди ҳилол,
Бўлди фузунроқ анга ҳар кун камол.

«Ё»¹га тавозеъ сифати берди даст,
Қадр ила мусҳаф² уза топти нишаст.

Чарх тавозеъ уза то ҳам дурур,
Тобии амри бори олам дурур.

¹ Ё — ёй, ўқ-ёй. ² Мусҳаф — Қуръон.

«Ё» киби қошким бу дурур шон анга
Жонин улус айлади қурбон анга.

Элга шараф бўлмади жоҳу насаб,
Лек шараф келди ҳаёву адаб.

Чунки ёгин манбаи ўлди ҳаё¹,
Қатраси тупроғни қилур кимё.

Бўлмас адабсиз кишилар аржуманд,
Паст этар ул хайлни чархи баланд.

Тарки адабдин бири кулгу дурур,
Кулгу адаб таркига белгу дурур.

Қаҳқаҳадин кабк наво келтуруб,
Бошига ул кулгу бало келтуруб.

Ғунча кулуб бўлди очилмоқ анга,
Етти очилмоқда сочилмоқ анга.

Барқни кулгу йиқибон тоғ аро,
Балки қилиб ер қуйи тупроғ аро.

Субҳки бу шева писанд айлабон,
Меҳр ўти дуррини сипанд айлабон.

Кулгуки ўз ҳаддидин ўлди йироқ,
Йиғламоқ андин кўп эрур яхшироқ.

Равшан этиб шамъни ҳар куни йиғи,
Елга бериб ғунчани хандонлиғи.

Қилди булут ашки била дур нисор,
Бўлди чоқин кулгусидин хоксор.

Мастки йиғлай юруй ўздин кетиб,
Ашки ниёзи гунаҳин пок этиб.

Кимда адаб — кулгуга очмас оғиз,
Лек ҳаё абри эмас қатрасиз.

¹ Ҳаё — уятчанлик ва ёмғир маъноларида келади, бу ерда ёмғир маъносига келган бўлса-да, биринчи маънога ҳам ишора қилинган.

Қаққақаким ҳазл анинг ёридур,
Қурбақа савти била рафторидур¹.

Ҳар кишиким ҳинду ўлур ҳазл аро,
Юзини қилмоқ керак аввал қаро.

Ҳарза эрур чунки мушаъбид сўзи,
Ўз тилини, кўрки, кесар ҳам ўзи²,

Улки соқол боғлабон эл кулдурур,
Кулгу соқолига ўзи келтурур.

Қилмоқ учун кўзга фузун кўркини,
Бошиға маймун чу қўяр бўркини.

Кулгу учун келса улус қошиға,
Кулмас улус ёлғиз анинг бошиға.

Масхараким кулгу учун бож ер,
Бир дирам олгунча икки кож ер.

Шаклда чун масхараваш келди бум,
Урмоғиға қушлар этарлар ҳужум.

Ҳазлға лўли илик этса сутун,
Ўзини куч бирла қилур сарнигун.

Мунча мазаллат бориси булъажаб,
Дафъ бўлур келса ҳаёву адаб.

Жилвагар ўлди чу қуёш рояти,
Ер тубиға кирди кеча зулмати.

Музхик эрур маст чу айлар хуруш,
Сўзни тааммул била дер аҳли хуш.

Тулкуву ит кулгу эшигин очар,
Шер кўрунғач улус эвдин қочар.

Буки тавозеъ дурур оти анинг,
Ёки адаб келди сифоти анинг.

¹ Баланд овоз билан кулишга ҳазил-мазах айтиш жўр бўлиб, булар ҳам адаб ва ҳаёга зиддир, баланд кулги — қурбақа товушию ҳазил-мазах эса унинг юришидир. ² «Масхарабоз, беҳуда валақлаганидан, кўрингки, ўз тилини ўзи кесади».

Ғарчи хирад васфидин ўзга демас,
Борча улус шаънида бирдек эмас.

Ҳар кишининг тавриға лойиқ керак,
Сурати ҳолиға мувофиқ керак.

Қулғаки бек қилса тавозеъ фузун,
Риштаи ранж ўзига айлар узун.

Сажда гадо олдида эрмас карам,
Билки карамдир анга бермак дирам.

Тифл учун қўпмоқ эмасдур адаб,
Пирлар ул ишни демастур адаб.

Ул мутаккаббир бўлуру сен енгил,
Бу икки иш эл нега қилғай дегил.

Ғарчи адаб шарти бағоят керак,
Ҳар киши таврида риоят керак¹.

Рутбада сендин кишиким бўлса паст,
Кўрсанг ўз олингда ани зердаст.

Ғар санга худ тобиу худдом эрур,
Қайғулари кўнглунга ноком эрур.

Фарзу сунан улча эрур дилпазир,
Борчаға ўргатмак эрур ногузир.

Ҳар не алар қилса хилофи ҳисоб,
Фарздурур айламагинг эҳтисоб.

Ҳашрдадур чунки хитоби санга,
Ҳар не савол ўлса жавоби санга.

Лек риоятлари бўйнунгдадур,
Руқъаи рўзилари² қўйнунгдадур.

Вожиб эрур борчасиға ёрлиқ,
Яхши-ямон ишга хабардорлиқ.

¹ «Агарчи одоб — тавозуъ, ҳаё — уятчанлик кўрсатишни қаттиқ сақлаш керак бўлса-да, лекин бунини кишига қараб, ўз даражаси билан қилишга эътибор бериш лозим». ² «Уларнинг кун кечирришдаги керак-яроғлари сенинг қўлингда, яъни сенга қарамдилар», демак.

Бу сифат уммид илаким бийм эрур,
Ушбу жамоатқа бу таъзим эрур.

Гар эрур атфолу аёлинг¹ сенинг,
Будур аларға доғи ҳолинг сенинг.

Улча эрур тифлға шойиста иш,
Билки кичикликда эрур парвариш.

Қатраға чун тарбият этти садаф,
Эл бошиға чиққуча топти шараф,

Бириси қўймоқлик эрур яхши от,
Ким десалар етмагай андин уёт.

Исмда кўп келди тафовут паид,
Бири Ҳусайн ўлди, бириси Язид².

Қилмоқ эрур бири муаллим талаб,
Қилғали таълим анга илму адаб.

Итга тааллумда чу бўлди камол,
Сайд анинг оғзидин ўлди ҳалол.

Олим ул итким нажасул — айн эрур,
Ўғлунга жаҳл ўлса ажаб шайн эрур.

Гарчи анга шафқат эрур судманд,
Тегурур ифроти ва лекин газанд.

Меҳр ила зажрики таваққуъ дурур,
Тифлға сендин бу тавозеъ дурур³...

Бири эрур макруммати волидайн⁴,
Билки мунунг қилмоғидир фарзи айн.

¹ *Атфолу аёл* — болалар ва оила. ² Яхши ишларнинг бириси болага яхши от қўйиш, қўйилган от кишини уялтирмайдиган бўлишини, исм билан исмнинг фарқи борлигини айтиб, яхши отга Ҳусайн (Алининг ўғли), ёмонига Ҳусайнни ўлдирган, нафратга сазовор бўлган Язидни мисол келтирган. ³ Бу тўрт байтнинг маъноси: «Ит ўргатиш билан камол топдию, унинг оғзидаги ов ҳалол бўлди, ўзи аини нажосат бўлгани ҳолда у ит олим ҳисобланади; ўғлинг агар жоҳил — нодон бўлса ҳам, лекин ҳалдан ортиги зарардир. Меҳр кўрсатиш ва ёмонликдан қайтариш болага сендан бўладиган тавозуъдир». ⁴ *Макруммати волидайн* — ота-онани ҳурматлаш, улуғлаш.

Бу икининг хидматини бир бил,
Ҳар неча ифрот этса, тақсир бил.

Бошни фидо айла ато қошиға,
Жисмни қил садқа ано бошиға.

Икки жаҳонингга тиларсен фазо —
Ҳосил эт ушбу икисидин ризо.

Тун-кунунгга айлағали нур фош,
Бирини ой англа, бирисин қуёш.

Сўзларидин чекма қалам ташқари,
Хатларидин қўйма қадам ташқари.

Бўлсун адаб бирла бори хидматинг,
Хам қил адаб «дол»и киби қоматинг.

Сўнгра раҳминг силасин қарз бил,
Раҳм ўшул тоифага фарз бил.

Сойири нос ичра улуғ то кичик,
Ёхуд аро ерда васат чаргалик.

Кимки улуғроқ анга хидмат керак,
Улки кичикроқ анга шафқат керак.

Кимники қилсанг мутавассит хаёл,
Асра анинг ҳурматида эътидод,

Хидмат ила айлама тавқир ҳам,
Шанъат ила айлама таҳқир ҳам¹.

Тутқил анинг ҳурмати ичра зарур
Қондаи нуқтаи «хайрул-умур»².

Иzzати ҳаддин кам эса хўб эмас,
Ҳаддидин ортуқ доғи марғуб эмас.

Ёки сени гардиши чархи баланд
Айласа шаҳ хидматиға аржуманд.

¹ Бу икки байтнинг маъноси: «Хизмат билан талтайтириб ҳам юборма, ёмонлик билан таҳқир ҳам қилма». ² «Уни ҳурматлашда» ишларнинг яхшиси ўртача ҳолат» деган қондани зарур деб бил». Бу ерда «Хайрул-умури авсатуҳо» (ишнинг яхшиси ўртачасидир) деган ҳадисга ишора қилиниб, ҳар вақт ўртача (мўътадил) ҳолатни сақлаш қондасига эътибор беришга ўндалади.

Гарчики, шаҳ базми эрур дилрабо,
Вожиб эрур айламак андин ибо.

Суд эрур нечаки бўлсанг йироқ,
Турфа буким, бўлмағанинг яхшироқ.

Қимга фано кунжидин огоҳлик,
Мулки қаноатда анга шоҳлиқ.

Хидмат агар бўйнунгга беихтиёр
Тушса қилурда сенга не ихтиёр?

Мухтасар айлай, эшит ижмолини,
Фаҳмингга зоҳир қилай аҳволини.

Топсанг шаҳ хидматига интисоб,
Тўрт иш этгил ўзунгга иртиқоб:

Ният анинг бирла бурун рост қил,
Ғайрин анинг кўнглунгга беҳост қил.

Яна будурким, тони хидмат чоғин,
Айла, вале айламагандек соғин.

Яна буким, яхши-ямон дема сўз,
Эл ямону яхшисиға солма кўз.

Яна буким, ранж етар, гар тааб,
Асра ямон-яхшиға шарти адаб.

Тошқилиғингнинг бу сифат ҳоли бор,
Бўлса тақарруб¹ анинг ашколи² бор.

Бу неча иш бўлса муяссар санга,
Давлат ила ёруғай ахтар санга.

Бу бори жузви дурур, эй нотавон,
Кулли эрур улки, агар ногаҳон.

Бўлса ғино³ шеваси оринг сенинг,
Фақр уйига тушса гузоринг сенинг.

¹ Тақарруб — жуда яқин бўлиш. ² Ашкол — турлар. ³ Ғино — бойлик.

Анда дурур шарт тавозуъ санга,
Ўтрисида қатъи таваққуъ¹ санга.

Чарх киби етса забардастлик,
Ер қуйисида тиламак пастлик.

Етса ғаму ғусса юки тоғдек,
Бўлмоқ анинг остида туфроғдек.

Айламамак жола киби ёғса тош,
Рост бинафша киби юққори бош,

Вазъи тавозеъда вафо айламак,
Даъби адаб бирла ҳаё айламак,

То бу васила била топиб қабул,
Мақсади аслий сори бўлғай нузул².

ЯХШИ ФЕЪЛЛАР ВА ЁМОН ХИСЛАТЛАР ЎТРИСИДА

...Бахтли агар олим бўлса, нодонлар сўзи унга ибратли ва эътиборли бўлади: бахтсиз агар жоҳил бўлса, олим сўзидан ор қилади. Ҳақиқатан ҳам, жоҳилликдан кўра бадбахтроқ яна нима бор? Кимики, ўзини ўзи ёқтирса, қандай ёмонлик, кимики, ўз сўзини ўзи ёқтирса, қандай ярамаслик! Дунё кишилари ўзларини ўзлари севадилар ва ўз сўзларини ўзлари ёқимли сезадилар. Инсон жинси бу сифат билан жаҳолатда қолган ва нафслари ихтиёрсиз бу даъвога илинган.

ТАНБИҲЛАР

Танбиҳ

Нафс истагига берилган, нафсоният маконида ўрнашади. Ҳеч ким ўз кўнглига ғам тиламас ва ўз нафсига алам истамас, аммо бошқанинг азиз зотида ҳадсиз хорлик кўрса, ўзига келган озгина қаттиқчиликча ҳам тафовут қилмас. Яна бирор азиз киши шаънида беҳисоб

¹ *Қатъи таваққуъ* — умидворликни йўқ қилиш. ² *Алишер Навоий*. Ҳамса. Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986, 25—28-саҳифалар. Порсо Шамсиев тайёрлаган нашрдан қайта тузувчилар: А. Ҳайитметов, М. Мирзааҳмедова.

қийинчилик англаса, ўзига келган озгина кулфатча таъсирланмас. Ҳамма киши ҳам ўзгадан кўра, ўзини азизроқ ва ўзгалар сўзидан кўра, ўз сўзини лазизроқ билади. Киши дунё яхшиликларини ўзидан нари кет-кизмайди, аммо ўзга кишига яқинлаштирмайди.

Танбиҳ

Эрларнинг кўргазиш учун ясанмоғи — хотинларнинг ўзига зеб бериш учун безанмоғи кабидир. Агарчи бу иш икковига ҳам ярамайди, аммо эрларга кўпроқ расволик келтиради. Барча ўзини кўрсатиш ва безаш касали билан оғриган ва бундай қилиш эса бу иш ўз қошларида яхши кўриниш ҳар кимнинг ўзига яхши туюлишининг очиқ далилидир.

Беҳуда сўзи билан кулдирадиган шоир хаёлида ўзини Саъдий ва Хусравдан ортиқ билади. Қарғаоёқ хати қарғанинг ифлос оёғидан ярамас бўлган котиб (кўчирувчи) ёзган хатини ўз замонасининг машҳур котиблари Жаъфар ва Азҳар хатидан ёқимлироқ сезади. Расомнинг солган суратининг ёмони даҳшатда бўлади-ю, ўзини машҳур расомлар Абдулҳай ва Моний қаторида тасвирлайди. Китобларни олтин билан нақшловчининг хитойча нақши хато ва фарангчаси наққошлар тинкасига тегади-ю, сўзининг сиёқи эса Аторуд сайёрасига таън урмоқ бўлади. Ҳар бир ҳунар эгаси ўз ҳунарини таърифлашида муболаға бордир, у таъриф ҳақиқатан ўз шахсига оиддир. Мадрасада беҳуда мунозарачилар шов-шувидан ҳам манманлик англашилади; бу унинг сўзини ва у бунинг сўзини рад қилади, бунинг билан ҳар қайсиси ўз сўзини ва ўзини маъқуллайди.

Танбиҳ

Ўзига берилган ақлсиз — тентақдир. Ўзини безаган — хушрўй сатангдир. Ўзини тортган — панд еган, мағрурланган — лаънат остида қолган.

Танбиҳ

Ўзини панага олганлар кўп айтмоқдан қочадилар ва кўп эшитмоқни талаб қиладилар ва ёқтирадилар. Эшитмоқ кишини тўлатади, айтмоқ бўшатади. Эшитувчи ва айтувчининг ҳоли шундай бўлади. Кўп деган кўп янглишади, кўп еган кўп йиқилади.

Тан касалларининг асоси кўп емақдир, кўнгил касалларининг асоси кўп демақ. Кўп демақ сўзга бино қўйганлик. кўп емақ нафсга бўйсунганликдир. Кишига бу

сифатлар ортиқчалик қилади, барчаси ўзига берилганликка олиб боради.

Танбиҳ

Ўзига берилганликнинг асоси паришонликдир, бунинг ҳам фарқ ва даражалари бордир. Ўзига берилганнинг ҳар бир қилгани ўзига яхши кўринур, бу ёқимсиз қилиқда тафовут кўп бўлур. Агарчи у кўп қисмларга бўлинса-да, аммо бу ерда қисқартиш йўли билан уч қисмга бўлинади.

Биринчи қисм шуки, юқорида айтилгандай, қоғоз юзида ёзилганидай, агарчи кишиларга жирканч туюлса-да, ўзининг феъллари, сўзлари ва шакллари — ҳаммаси ўзига яхши кўринади.

Иккинчи қисм шуки, барча ҳоллари ва ёқимсиз хаёллари ўзига мақбул, ёқимли, яхши ва хуш кўринади. У ярамасликларни яхши деб мақтайди. Хунук киши ўзини машҳур ҳусндор Юсуф дейди. Чиқарган энг хунук овозини Юсуф Андижоний хониши ҳисоблайди. Ўхшовсиз байтларини шоир Салмоннинг санъатли қасидасидан яхшироқ билади. Бемаъни алжирашларини буюк олим Жориллоҳ (Замаҳшарий) ёзган «Қашшоф» номли китобдан ортиқроқ гумон қилади.

Ўз олдида ўзи доно ва чечан ва ҳар бир қиладиган номаъқул ишлари ўзига маъқул ва яхши кўринади. Майга иштаҳаси зўр, бадмаст ва ичкилик унга сингишиб қолган ва унинг мажлисига гирифтор бўлган кишининг қутулмоғи мумкин эмас.

Учинчи қисм, бу хилдаги ишда ўзини ҳаддан ташқари тута билмасликдир...

Танбиҳ

Такаббурлик шайтон иши, катталик нодон иши. Ўзига берилганнинг иши барча кишиларга ёқимсиз. Билимга мағрурланган билгувчилар қошида айбдор ва тангрининг қаҳрига дучордир. Ўзини кўтаришдан (худпарастликдан) бутга чўқиниш яхшироқдир.

Танбиҳ

Яна бир улуғ иш эҳсондир, унинг баёнида кўп сўз айтилгандир. Барча мазҳаб ва миллат кишилари олдида исботлангандирки, яхшиликнинг яхшиликдан бошқа эвази йўқдир.

Эҳсон деган сифатни абадий саодат бил, фитна ва офат яъжужининг дафъи учун сад (тўсиқ) бил. Киши-

лик боғининг кўнгилга ёқар дарахти эҳсондир, одамгарчилик конининг қийматлироқ гавҳари ҳам эҳсондир. Барча мақбул сифатлар ва маъқул ҳолатлар эҳсонга қарашлидир ва бу сифат ва ҳолатларни ўз ичига олган ҳам шунинг ўзида воқедир; у барча яхшиликларни ўзида тўплаган ва бари яхшиликлар, ҳақиқатан унга тегишлидир¹.

ИНСОНИЙ ФАЗИЛАТ ВА ИЛЛАТЛАР ҲАҚИДА

Ризоуддин ибн Фахриддин машҳур олим ва фозил эди. Унинг ахлоқ-одоб, тарбияга оид кўплаб асарлари бор. Шулардан бири—«Қатталарга насиҳат» номли асарининг сўнгги қисми «Ун бир насиҳат» деб номланди. Биз уни бир оз қисқартирилган ҳолда тақдим этапмиз.

Биринчи насиҳат: бутун аъзоларингизни гуноҳ ишлардан сақланг, қайғу-алам келганда сабр қилинг. Ин-ооф, адолатни ўзингизга раҳбар қилиб олинг. Ҳеч кимни ўзингизга душман қилманг. Ҳамманинг иззат ва ҳурматини бажо келтиринг. Пул, молу дунёнгизни тежаб сарф этинг, исрофгарчиликка йўл қўйманг.

Одамларнинг кўнгилларини оғритманг. Кўп ўйланг, оз сўзланг. Нодон ва хиёнатчиларга сирингизни айтманг, улар билан кенгашманг. Олим ва фозилларга эргашинг. Мурувват аҳлларида намунга олинг. Ташқи қиёфангиз ва кўнглингизни пок тутинг. Ўз билганингизга таянманг, яқинларингизнинг маслаҳатлари билан иш қилинг. Қариндош-уруғларингизни зиёрат қилиб, ҳолларидан хабар олиб туринг. Бировдан қарздор бўлсангиз, ваъда қилган кунингизда топшинг. Қўлингиздан келган хизматни ҳеч кимдан аяманг. Ҳар куни бошингизни ёстиққа қўйган вақтингизда кун бўйи қилган ишларингизни бирма-бир кўздан кечиринг, яхши иш қилган бўлсангиз, севининг, маъносиз ишларингиз бўлса, қайғуринг, тавба қилинг. Эртаси куни нима ишлар қилишингизни яхшилаб ўйлаб бир қарорга келинг, шу қарорларингиз бўйича иш олиб боринг. Кунлар қилган ишларингизни кўрсатувчи дафтарлардир, бу дафтарларга ёмон ишлар ёзилмаслигига ғайрат қилинг.

Иккинчи насиҳат: дўст, душман орасида юз қизартирадиган нарсаларни ишлашдан ҳазар қилинг, гўзал хулқли бўлиш билан шараф касб этинг. Тўғри йўлдан

¹ Алишер Навоий, 13-том. Тошкент, 1966, 210—214-саҳифалар.

бир қарич ҳам айрилманг. Ёши ўзингиздан катталарга иззат, ҳурмат, кичикларга шафқат ва марҳамат қилинг. Эзгулик уруғларини сочсангиз, саодат экинларини ўрасиз. Одоби, тарбияли одам билан ошна-оғайни бўлсангиз, мартабангиз, даражангиз ошади, халқнинг ишончини қозонасиз. Адабсиз, тарбиясиз билан ошна бўлсангиз, улар сизни ўз йўлларига тортадилар, даражангиздан туширадилар, омонатларингизга хиёнат қиладилар, сирларингизни фош этадилар.

Қитъа:

*Ҳасад олам аро ҳосидга басдир,
Қи, доим ғусса бирла ҳамнафасдир.
Қишига гарчи ўт ёндирғусидир,
Вале ул ўтга ўзин урғусидир.*

Учинчи насиҳат: бошқаларнинг айбларини кўрган вақтингизда ўз айбларингизни ҳам тушунинг, ўз айбини кўрган киши бошқаларнинг айби билан шуғулланмайди. Бировга чуқур қазиманг, у чуқурга ўзингиз тушасиз. Ҳақлик, тўғрилиққа қарши курашманг, ўзингиз йиқиласиз. Ҳеч кимни беобрў этманг, ўзингизнинг обрўингиз тўкилади. Ўз фикрингизгагина таянманг, адашасиз. Такаббурлик қилманг. Олим, фозил, донолар билан кенгашиб иш қилинг, пушаймон емайсиз. Олимлар мажлисига қатнашинг, даражангиз ошади, нодонлар билан улфат бўлманг, сиз ҳам улардан саналасиз. Оз сўзлангиз оз янглишасиз. Ёлғончилик билан шуҳратланманг, ҳамманинг назаридан қоласиз. Ҳар кимнинг даражасини билинг. Ҳеч кимдан тама қилманг. Билмаган нарсангизни «билмайман» дейишдан уялманг. Қерак бўлган илм, ҳунарни ўрганишдан тортинмасдан ўрганинг, ўрганмасангиз, кейин пушаймон қиласиз. Ўзингиз истаган яхши ишни бошқаларга ҳам тиланг. Тингланг, нафсингизнинг ҳамма орзуларини бажо келтириб, уни семиртисангиз ниҳоят фалокат, балки ҳалокатга учрайсиз. Утганларнинг иш ва ҳолларини фикр қилиб, улардан ибрат олинг. Ўзингизга керак бўлмаган сўзларга аралашманг. Бузуқликка олиб чиқадиган йўлга асло кирманг. Шафқатли, марҳаматли ва хайр-эҳсонли одамларга яқинлашсангиз, ҳамма сизни улар қаторида санайди. Ҳақингиз бўлмаган ерга кўз ташламанг. Ишламай бошқалар елкасига юк бўлиб ётманг, ғайрат қи-

либ ишланг. Уз нонингизни меҳнатингиз орқали топиб энг.

Тўртинчи насиҳат: истаган нарсангиз бўлмай қолса, қайғуриб, бетоқат бўлманг, сабр қилинг. Бир-бирингиз билан маслаҳатлашиб ишланг. Келгуси кунларингизни ўйланг. Хоҳ тўғри, хоҳ нотўғри бўлган нарса учун сира ҳам қасам ичманг. Жамиятга зарар келтирадиган ишлардан сақланинг. Очиқ жойда ишлаш уят бўладиган ишларни яширин жойда ҳам қилманг. Айтишга ярамаган сўзларни оғзингиздан чиқарманг. Ҳар бир маъносиз сўзни сўзловчи валдир-вайсақи бўлманг. Олди-қочди сўзларга ишониб юрманг. Бошқаларни менсимай «ўзим биламан» деб, даъво қилманг, ўзингизни билармон этиб кўрсатманг, илмда сиздан ҳам юқори зотлар борлигини унутманг, мақтанчоқлик жоҳил—нодон кишилар ишидир.

Бузуқ, ярамас кишилар билан ошна-оғайничилик қилишдан сақланинг, чунки ўзингиз сезмаган ҳолда уларнинг ёмон хулқлари сизга ҳам таъсир қилиб қолиши мумкин.

Нон ва бошқа нозу неъматларни хорламанг, исрофгарчиликка йўл қўйманг. Бировнинг ички ва ташқи ҳолини «ёмон одам»деб гувоҳлик берманг. Бир одамнинг оёғи тойиб, қайғу ҳасратга гирифтор бўлганига шодланманг, унинг ҳоли бир кун сизнинг бошингизга ҳам тушиши мумкин. Молу давлатингиз билан одамларни рози эта олмасангиз, уларни яхши хулқингиз билан рози қилинг. Бировдан ўч олишга кучингиз етса ҳам ўч олманг, хатосини кечиринг, аччиғланманг, ўзингизни босинг. Ҳузурингизда бировни ғийбат қилган киши бошқаларга сизни ғийбат қилади, бундай кишига кўнгил берманг. Маст киши билан ади-бади қилиб ўтирманг, ундан узоқлашинг.

Бир одам билан дўстлашишни истасангиз, муҳтожлик вақтингизда ёрдам қилувчи, тўғри сўзловчи, эзгулигингизни тақдир этувчи, қайғунгизга қайғуланиб, шодлигингизга шод бўлувчи, пок қалбли одам билан дўстлашинг, тилёғлама мунофиқлар билан дўст бўла кўрманг. Кўчаларда заруратсиз йиғилиб одамларнинг ўтишига халақит берманг.

Бешинчи насиҳат: бир киши учун иккинчи бир киши билан орангизни бузманг. Улар мабодо дўстлашиб қолсалар, сиз уялиб қоласиз. Гўзал ишларни кўриб турувчи кўзлар ва ёзиб турувчи қаламлар бордир. Шунинг

учун қилган яхшиликларингизни ҳаммага айтиб, мақтаниб юрманг. Тили кучли бўлган аччиқ сўзли ва маъносиз сўзлар сўзлаб юрган киши билан асло дўстлашманг. Ақлингиз — энг тўғри насиҳатгўй. Нодонликдан бошқа душмандан қўрқманг. Ёмон ишларни ишлаш эмас, ҳатто кўнглингизга келтирманг. Илм нурини бузуқлик суви билан ўчирманг. Одоб, ахлоқ кийимидан бошқа гўзал кийим топилмайди, буни унутманг.

Олтинчи насиҳат: орангизда адоват, гинажўйлик давом этаётган бўлса, уларни бартараф қилиб дўстлашинг. Бутун ҳимматингизни халқ манфаати учун сарф қилинг. Мартаба ва мансабни севишга мубтало бўлманг. Нопок нарсаларга вақтингиз ва пулингизни сарф этманг.

Байт:

*Шубҳасиз лозим йғил, қизга нурафшон тарбият,
Боиси бахту саодат — моҳи тобон тарбият!*

Еттинчи насиҳат: одамлардан айб ахтариб юрувчи бўлманг, ўзаро келиша олмай бир-бирингиздан узоқлашиб кетманг, балки дўстлашинг, бир оила аъзолари каби бир-бирингизга меҳр-муҳаббатли бўлинг. Зарурат бўлмаса, бировдан ҳеч нарса сўраманг, унинг миннати ни кўтариб юрманг. Арзимаган, аҳамиятсиз нарсалар учун бир-бирингиз билан жанжаллашманг, жоҳил, нодонлардан бўлманг.

Илм. фан, одоб, ахлоққа тегишли яхши сўзларни эшитсангиз, эсдан чиқармаслик чорасини кўринг. Кераксиз, бўлмағур сўзларни сўзлашдан тилингизни тийинг.

Ҳеч кимни ғийбат қилманг, бировга туҳмат қилишдан сақланинг. Қариндош-уруғларингиз, дўстларингиз ёки таниш-билишларингиздан бириси учраб қолса, ҳолини сўранг. Уйингизга келган меҳмоннинг иззат-хурматини бажо келтиринг.

Байт:

*Гар ёмонлик йўлини ҳар кимса қилса ихтиёр,
Халқ ишончин йўқ этиб бўлгай балоларга дучор.*

Саккизинчи насиҳат: ақлни биз инсонларга улуғ ҳадея, улуғ неъмат деб билинг, уни соф ва комил равишда асрашга эътибор беринг. Бундай улуғ неъматни ва

бундай шариф ҳадяни сақлаш ҳар кимнинг энг биринчи ва шарафли бурчи эканини унутманг.

Тўққизинчи насиҳат: бир-бирингизнинг турмушингизга, молу дунёингизга ҳасад қилманг, аччиғланманг, ёмон сўзга боришманг, ғазаб вақтида ўзингизни тутинг. Иккиюзлама, мунофиқликдан, бахилликдан сақланинг. Ёлғончи, ғийбатчи, тухматчи ва чақимчи бўлманг. Ваъдангизга вафо қилинг, меҳнатсевар, ишчан, ғайратли ва матонатли бўлинг. Омонатга хиёнат этманг. Одамларни қулдириш учун маъносиз, одоб, тарбияга хилоф бўлган сўзларни сўзламанг.

Байт:

*Истасангиз қайғу ғамлардан нажот,
Ножўя ишлардан айланг эҳтиёт.*

Унинчи насиҳат: ақлли одам ўзининг кимлигини, даражасини билиб, шунга қараб иш олиб боради. Гўзал хулқли одамларда мунофиқлик бўлмайди. Ёмонликдан қайғуриб, яхшилик учун севиниш комил инсонда топилади. Ризқ-рўзингизни тупроқ остидан изланг, яъни ер ҳайдаб уруғ сепинг, тоғларга чиқиб конларни изланг, бу ишларга мутахассис бўлиш учун махсус ўқув юр틀арига кириб ўқинг. Молу давлатингизни, оилангизни тарбия этишдан қизғанманг. Мабодо ишингиз ўнганмаса, қайғуриб ўтирманг, ўнгланишига ғов бўлиб турган нарсаларни битиришга ғайрат қилиб ишга киришинг. Билмаган нарсангизни «биламан» деб даъво қилманг. Ёлғондан гувоҳлик берманг. Ҳақингиз йўқ нарсаларни даъво қилиб олманг. Нафис санъатларни ўрганишга ҳавас қилинг, ўрганинг. Она тилингизни севинг, ҳурматланг, қадр-қимматини тақдир қилинг, юксак мақомга кўтаринг.

Байт:

*Ҳар тилакнинг аввалидир, шубҳасиз, тил очқичи,
Тил — тараққий ҳам саодатнинг биринчи босқичи.*

Ун биринчи насиҳат: гуноҳ унутилмайди, эзгулик ерда қолмайди. Ҳар ким нима экса, шуни ўради. Эзгулик этишга шошилинг. Нафсингизнинг ҳамма истагини бажо келтиришдан чекилинг. Хайрли ишлар учун саъй ғайрат қилинг.

Донишмандлар инсоннинг шу ўн икки фазилатга эга бўлишини ҳам айтганлар:

Риёзат эгаси бўл: ортиқ даражада еб-ичма, шундай қилсанг, ўз фикрингга эга бўласан, яхшироқ ўйлайсан.

Сукут сақла: ўзингга ва бошқаларга фойдаси тегмайдиган сўзлар сўзлама, эзмалик қилма.

Интизомли бўл: ҳар бир нарсанинг ўз ери ва ҳар бир ишнинг ўз вақти бўлсин.

Мақсад эгаси бўл: қиладиган ишингни аввал яхши ўйлаб, бир қарорга кел, кейин у ишни камчиликсиз бажар.

Тежамкор бўл: молу дунёингни ҳеч фойдаси бўлмаган ерларга сарф этма, пулингни тежа, яъни исрофдан сақлан.

Саъй ғайрат эгаси бўл: вақтингни бекорга ўтказма, фойдали ишлар билан машғул бўл, саъй ғайрат қил. Керак бўлмаган ишлардан қўлингни торт.

Тўғрилиқ пеша қил, доимо тўғри сўзла, тўғри ишла, ҳийла-найрангдан ўзингни сақла, қалбинг пок бўлсин, ҳақиқатпарвар бўл, ҳақ, рост сўзни дангал сўзла.

Мўътадилликни сақла: ҳар нарсада ўртача ҳолни тут, чегарадан чиқиб кетма, бир одамнинг ҳақсиз бўлганини жуда яхши билганингда ҳам ундан ўч олишга интилма, ўзингни тут.

Покдомон бўл: аъзойи баданингни, кийим-кечак, уй ва бошқа нарсаларингни сира ҳам ифлос қилма, тозалikka диққат бер.

Қалб ҳузурига эга бўл: майда-чуйда, ҳеч нарсага арзимайдиган нарсалардан қайғуриб, саломатлигингни бузма.

Иффатли бўл: ўзинг тугул бошқаларнинг тинчлигини ҳам қўрқинч остида қолдирма, доимо иффатли, номусли бўл, маъносиз йўлларда юрма.

Адабли бўл: тарбияли ва олим-фозиллардан ўрнак ол, тавозели, мулойим сўзли бўл, ўзингни ҳаммадан юқори тутма, камтарлик яхши хислат эканини эсингдан чиқарма!

Олижаноблик бир қувватдирки, бу қувватга эга бўлган одам бойликка ва одамларнинг мақташларига ёки камситишларига сира илтифот қилмайди, турмушнинг ўзгариб туришига қайғурмайди. Ғайратига ва олий-ҳимматларига камчилик келтирмайди, яъни мол-дунёси кўп бўлса ғурурланиб, мутаккаббир бўлиб кетмайди, халқнинг мақташига севинмайди. Ҳар вақт бир хилда бўлиб, ўзининг даража ва ҳимматини сақлайди.

Сабр, қайғу аламларга, машаққатларга чидаш фой-

дали бир ишдир, бунга эга бўлганлар ҳар нарсага ортиқ даражада қайғуриб ўз саломатликларини йўқотмайдилар.

Шижоат эгаси бўл: хавф-хатарларга учраганда, киши ўзини қўрқмай сақлаши — қаҳрамонликдир. Бу фазилат қўрқинчли пайтда одамни нолюйиқ иш қилиб қўйишдан сақлайди.

Мулоимлик шиорин тут: аччиғланган вақтда ўзни тутта бил. Мулоимлик улуғ фазилатларнинг биридир. Қаҳр-ғазаб вақтида ўзни босиб, тинч тура олиш одамни жуда кўп хавф-хатарлардан, ёмонликлардан сақлайди. Мулоим, юмшоқ кўнгилли кишиларни ҳар ким севади.

Осойишталик қилган одам жанжал, ғавғо вақтларида қичқириб енгиллик ва қизиққонлик кўрсатмайди, сукут ва сабр сақлайди. Қизиққонлик саломатликка, ҳатто умрга зарар етказди. Қизиққонлик, енгиллик, қаҳр-ғазаб одамни уятга қолдиради. «Ғазаб билан сарғайган юз пушаймонлик билан қизаради», деб шунга айтадилар.

Тавозеъ — халқдан ўзини юқори тутмаслик, бошқаларни камситмаслик каби гўзал хислатдир. Ўзини ҳар кимдан ортиқ билмаган одам мақташга сазовор улуғ одамдир. Бу инсоннинг энг яхши фазилатидир. Шундай бўлса-да, тавозеъни жуда ҳам кўпайтириб ўзини ҳақир тутиш ёки мунофиқона тавозеъ қилиш ярамаган бир ишдир, ўртача тавозеъ мақбул ва марғубдир.

Ҳамият — номус ва диёнатни сақлашдир.

Чидамлилиқ — гўзал сифатларга, олий ишларга эришиш йўлида машаққатларга бардош беришдир.

Ҳамдардлиқ — бир одамнинг қайғу ҳасратларига ачиниб, ўзида ҳам қайғу ҳосил қилишдир. Лекин қуруқ ҳамдардлиқ фойда бермайди, балки қайғули одамга ёрдам бериб, уни қайғу, ҳасратдан қутқазиб чорасига киришиш лозимдир. Ҳамдардлиқнинг тўла маъноси мана шундадир.

* * *

Бир донишманд ўз дўстларига ушбу ўн турли насиҳатни айтиб қолдирган экан:

1. Тўғри ўйла, тўғри сўйла. 2. Ишингнинг ҳамма катта ва кичик ерларига диққат қил. 3. Бу соат ичида ишлашинг мумкин бўлган ишингни дарҳол ишла, кейинга қолдирма. 4. Ишингга берилиб муҳаббат билан ишла, агар янглишганингни билсанг, уни кечиктирмай

тузатишга ғайрат қил. 5. Бурчингни ваъда қилган вақтда адо эт, ваъдасизлик қилма. 6. Фойдасиз ошна-оғайниларингга боғланиб юрма. 7. Ичкиликдан ҳазар қил, бу заҳардан ўзингни сақла. 8. Нима бўлса пешонамга ёзилгани бўлади, деб пешонага ишониб юрма. 9. Қўпол сўзли бўлма, хушмуомалали бўл. 10. Ўз ишингда, ўз сўзингда қаттиқ тур.

Олимлардан Сайид Али Ҳамадоний айтади:

— Фалокатга дучор бўлишни истамасанг, мағрур ва мутақаббир бўлма. Роҳатда яшашни истасанг, дилингни ҳиредан пок қил. Хор-зорликни истамасанг, тамагир бўлма, ўзингга яхшилик қилинишини истасанг, яхшилик қил, ҳеч кимга озор берма, яхшиликни улуғ иш деб бил. Қадр-қимматинг ошишини истасанг, баланд ҳимматли бўл, ишинг пушаймонлик билан натижаланишини истамасанг, аввал яхшироқ ўйлаб, доно тажрибакорлар билан кенгашиб, сўнгра ишга кириш. Ўзингни ҳаммага севдиришни истасанг, феъл-атворингни тузат, адабли, тарбияли бўл. Обрўга, иззат ва ҳурматга эга бўлишни хоҳласанг ҳалол меҳнат қил, фидо-корона ишла. Ҳамманинг қошида ишончли, марғуб ва мақбул одам бўлишни тиласанг ёлғончиликдан сақлан, чақимчи, ифвогар бўлма, маъносиз, тутуриқсиз сўзларни сўзлаб юришдан ҳазар қил. Мабодо ўнғайсиз ҳолда қолсанг, ишингда омадинг юришмай қайғу-ҳасрат ичида қолсанг дод-фарёд қилиб юрма, сабр қил. Ўнғайсиз ҳолдан қутулиш чорасини кўр.

Қитъа:

*Сен қазо-ла қасдлашиб йиғлама, кўп етса алам,
Сенинг минг йиғлаганинг бирла қазонинг иши йўқ.
Ғам-аламдин қутулмоқлик чорасин кўрсанг агар,
Тинч, роҳатда яшайсан, ранжу жафонинг иши йўқ.*

Ҳамиятли одам паноҳ истаб келганларни ўз паноҳига олади. Имкони борича уни ҳимоя қилади, зарар еткизмасликка тиришади.

*
* * *

Донишмандлар қуйидаги айтилган ўн тўртта ахлоқий фазилатни инсон учун энг кераклилари, деб топганлар:

Риёзат:— Нафсингни тий, ортиқ даражада ейишдан, ичишдан сақлан.

Сукут:— Ўзингга ҳам, бошқаларга ҳам ҳеч бир фойдаси тегмайдиган олди-қочди сўзларни сўзлашдан чекил, жим бўл.

Интизом:— Ишларинг тартибли, интизомли бўлсин, ишингни ўз вақтида бажар, кечиктирма.

Мақсад:— Бир ишга киришмоқчи бўлсанг, энг аввал яхшилаб ўйла, шу ишдан кутган мақсадинг нима эканини яхши тушун, бир қарорга кел. Кейин қарорлаштирилган ишингни ҳеч бир камчиликсиз адо қил.

Тежаш:— Иқтисод, яъни тежашга риоя қил, ўзингга ва халққа фойдаси тегмайдиган ерларга пул ва мол сарф қилма, исрофдан сақлан.

Саъй ва шуғулланиш:— Вақт ва фурсатингни бекордан-бекорга ўтказма. Доимо фойдали иш билан машғул бўл, керак бўлмаган нарсадан чекил.

Матонат:— Ишингда чидамли, матонатли бўл. Ҳийла-найранг ишлатишдан ҳазар қил, тушунчанг пок, соф ва ҳаққоний бўлсин, тушунганинг каби сўзла ва ишла.

Ҳаққоният, тўғрилиқ:— Адолат ва ҳаққониятни ўзингга раҳбар қилиб ол, ҳеч кимга зарар етказишга қасд этма.

Муътадиллик:— Ҳар вақт муътадил ҳолда иш юрит, ҳаддан ортиқчаликдан сақлан. Ноҳақ кишини ўзингга лойиқ кўриб, ундан интиқом олишга журъат қилма.

Назокат:— Қир, ифлосликдан ҳазар қил, вужудинг, либосинг ва уй-жойингни тоза, покизалигига диққат қил.

Қалб ҳузур-роҳати: Майда-чуйда ва истаганингча бўлмай қолган ишлардан хафаланиб саломатлигингни бузма, қалбингнинг ҳузур-роҳатини кўзла.

Иффат:— Адабли, шарм-хаёли, номусли бўл. Бу гўзал хислатлардан ажралма.

Тавозеъ:— Ўзингни камтар тут, тавозеъ шараф ва иззат босқичи эканини унутма.

Мулоимлик:— Сабрли, мулоим, очиқ чеҳра, ширинсухан бўл. Ҳеч кимга қўпол муомала қилма.

Хулоса: юқорида зикр этилган ўн тўртта ахлоқий фазилат билан ўзингни ораста қилсанг, халқнинг муҳаббатини ўзингга жалб этасан, ҳамма сенга ҳурмат назари билан қарайди¹.

¹ Оз-оздан ўрганиб доно бўлур. Донишмандлар бисотидан ҳикоятлар, ўғитлар, ҳикमतлар. Таржимон ва тўпловчи *Шорасул Зуннун*. Нашрга тайёрловчи: Саидбек Ҳасан. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1988, 37—43, 59, 73—74, 81—82- саҳифалар.

ҲИҚМАТЛИ САВОЛ-ЖАВОБЛАР

Қадимги Эрон донишманди Бузургмеҳр бир ҳинд донишманди билан ахлоқ-одоб борасида суҳбатлашарди:

— Қайси хислат одамни паст мартабадан аъло даражага кўтаради?

— Ақл ва тамиз.

— Одам нима билан одам бўла олади?

— Одамгарчилик билан. Агар одамда шу хислат бўлмаса, унинг ҳайвондан фарқи йўқдир.

— Адаб, тарбия одамга қандай фойдалар еткази?

— Адабли, тарбияли одам бошқаларга муҳтож бўлмайди, балки улар бунга муҳтож бўладилар. Адабли, тарбияли одам ҳеч кимдан қойиш эшитмайди, ҳамма уни дўст тутади.

— Ҳаммадан ҳам аччиқ нарса нима?

— Пасткаш, ноаҳил одамларга муҳтожлик, улардан бемаъни сўзлар эшитиш.

— Қайси нарсалар одамга алам ва пушаймонлик келтиради?

— Ғазаб, тақаббурлик ва ноҳўя ҳаракат.

— Қандай одамларни ақлли ва қандай одамларни зийрак, деб айтамыз?

— Бир ишга киришмасдан аввал унинг оқибатини яхшилаб ўйлаб, сўнг у ишга киришган одамни ақлли, кейин келадиган воқеани илгарироқ сезиб, унинг чора ва тадбирга киришган одамни зийрак, деб айтамыз.

— Қайси нарсалар инсон учун айб саналади?

— Бахиллик, ёлғончилик, чақимчилик, дўстларининг озгина камчиликларини кўриш билан улардан юз ўгириш, ўз айбини кўрмай, бошқаларнинг айбларини ошкор қилиш¹.

МАТЛУБ МЕРОС

Миср ҳукмдори Рум ҳукмдори билан келишиб, ораларидаги адоватни бартараф қилдилар. Дўстлик аҳдин туздилар. Дўстликларини ҳам кучайтириш, абадийлаштириш учун Миср ҳукмдори ўз қизини Рум ҳукмдорининг ўғлига берди. Рум ҳукмдори ҳам ўз қизини унинг ўғлига никоҳлади. Шундай қилиб, ҳар икки ҳукмрон бир-бирларига қарши қуда бўлдилар. Бу ошнолик ту-

¹ У ш а к и т о б, 117- саҳифа.

файли ҳар икки томондан элчи ва мактуб бот-бот бориб-келиб турди, ҳар иккиси бир-бирлари билан маслаҳатлашиб иш олиб бордилар.

Бир куни Миср ҳукмдори қудаси Рум ҳукмдорига шу мазмунда хат ёзиб юборди:

— Қўзларимизнинг нурлари бўлган фарзандларимизнинг вафотимиздан кейин ҳам роҳат ва фароғатда яшашлари учун шу топдан бошлаб чора кўришимиз керак. Мен ўғлим учун жуда кўп мол-дунё жамладим. Чиройли боғ ва иморат вужудга келтирдим. Сиз ҳам куёвим бўлган ўғлингиз учун шундай қилган бўлсангиз керак.

Рум ҳукмдори қудаси Миср ҳукмдорининг хатини ўқиб табассум қилди ва шу мазмунда мактуб битди:

— Мен сиздан кўра бошқачароқ йўл топдим. Вафосиз мол-дунё, матоларга илтифот этмайман. Шунинг учун мен ўғлимга молу дунё тўпламай, уни илм-ҳунарли, одобли, ахлоқли қилиб ўстирдим, адаб жилоси билан уни безадим, яхши хислатларни ўғлим учун мерос этиб қўйдим. Мол-дунёга завол етади, аммо одобга завол етмайди. Миср ҳукмдори қудасининг хатини ўқи-гач, унинг сўзини маъқуллаб:

— Қудам тўғри айтади, одоб, ахлоқ олтиндан ҳам қимматли,— деди.

Қитъа:

*Эмас манзур хуш аҳлиға моли,
Нечукким молнинг бордир заволи.
Улар матлуби бўлган илму одоб
Ки топганлар адабдан яхши алқоб.*

ХУЛҚИ ХУШ

Абусайд исмли бир мўътабар одам кунлардан бир кун ёру дўстлари учун зиёфат берди. Ошпазини чақириб:

— Мен яхши кўрганим фалон хил таомни пишириб олиб кел,— деб буюрди. Ошпаз у буюрган таомни тайёрлаб, бошқа таомлар билан бирга олиб келди. Абусайд ўзи буюрган таомдан бир луқма олган эди, унда бир қилни кўриб олиб ташлади, иккинчи-учинчи марта олган луқмаларида ҳам қил учратди. Ниҳоят у таомдан қўл тортиб, бошқа таомлардан ейишга мажбур бўлди.

Овқатдан кейин ошпазни чақириб:

— Мен буюрган таомни жуда ҳам лаззатли қилиб тайёрлагансан, эртага яна ўша таомдан ичида қил бўлмаслик шарти билан пишириб келтир,— деб буюрди. Зиёфатда ҳозир бўлганлар Абусаиднинг латофатли сўзига кулишдилар ва таажжубланиб:

— Абусанд дўстимиз ўз ошпазини шундай силлиқ ва мулойим сўзлар сўзлаб уялтирдиларки, унга қаттиқроқ танбеҳ беришга ҳожат қолмади,— деб таҳсин, офарин қилдилар.

Байт:

*Кўрмадик сайр айлабон офоқни,
Хулқи хушдан ўзига яхшироқни¹.*

ТАВБА ҚИЛМОҚ БАЁНИДА

Ҳақиқий тавба — қилган ярамас ишлардан ўкиниб, у ноҳўя ишлардан тортинмоқдир. Тавба — гуноҳкорни исён лойидан тозалайди. Тавба — ёвузлик йўлининг ниҳояти, ҳидоят кўчасининг бидояти, бошидир. Тавба — манманлик ғафлатидан сесканиш, ўзининг номаъқул аҳволини англаб номуносиб ишлардан пушаймон бўлишдир.

Бу гавҳар кимга муяссар бўлса, у одам қилган номаъқул ишларидан уялиб, уят дуди димоғидан чиқади, қилган номаъқул ва номақбул ишларини эслаб афсусланади, у ношойиста ишларни иккинчи бор қилмасликка бел боғлайди. Шу билан ярамас ишларга чек қўяди, эгри йўлдан воз кечиб, тўғри йўлга қадам босади.

Байт:

*Ўзингни айла тавба баҳрига фарқ,
Юзингдан шамъи имонинг урар барқ².*

ЯХШИ ХУЛҚ, ЁМОН ХУЛҚ

Ахлоқ уламози инсонларнинг хулқларини иккига бўлмишлар: агар нафс тарбият топиб, яхши ишларни қилурга одат қилса, яхшиликга тавсиф бўлуб «яхши хулқ», «агар тарбиятсиз ўсуб ёмон ишлайдурган бўлуб кетса, ёмонликга тавсиф бўлуб, «ёмон хулқ» деб аталур.

¹ Уша китоб, 117, 239—240, 255-саҳифалар.

² Уша китоб. 113-саҳифа.

Жаноби ҳақ инсонларнинг асл хилқатда истеъдод ва қобилиятли, яхши ила ёмонни фойда ила зарарни, оқ ила қорани айирадурган қилиб яратмишдур. Лекин бу инсондаги қобилиятни камолга еткурмак тарбия ила бўладур. «Қуш уясинда кўрганин қиладур». Инсон жавҳари қобилдур. Агар яхши тарбия топиб, бузуқ хулқлардан сақлануб, гўзал хулқларга одатлануб катта бўлса, ҳар ким қошида мақбул, бахтиёр бир инсон бўлуб чиқар. Агар тарбиятсиз, ахлоқи бузулуб ўсса, аллоҳдан кўрқмайдурган, шариатга амал қилмайдурган, насиҳатни қулоғига олмайдурган, ҳар хил бузуқ ишларни қиладурган, нодон, жоҳил бир расвои олам бўлиб қолур.

Расули акрам набиййи муҳтарам афандимиз: «имони комил бўлган кишилар яхши хулқли бўлурлар, сизнинг энг яхшиларингиз хотунларига яхшилик қилганларингиздур»¹— демишлар.

*Худонинг раҳмату файзи ҳама инсонга яксардур,
Ва лекин тарбият бирла етушмак шарти акбардур.
Туғуб тошлов ила бўлмас бола, бўлгай бало сизга,
Вужуди тарбият топса, бўлур ул раҳнамо сизга.*

*Темурчининг боласи тарбият топса, бўлур олим,
Бузулса хулқи, Луқмон ўғли бўлса, бўлғуси золим.
Ёмонларга қўшулди Нуҳнинг ўғли ўлди беимон,
Юруди қаҳф ити хублар ила бўлди оти инсон.*

ЯХШИ ХУЛҚЛАР

Яхши хулқ: бир қисми ўз нафсимизга, бир қисмини бир-биримизга қаршу ишлатмак учун керакли бўлган яхши хулқлар: фатонат, диёнат, исломият, назофат, ғайрат, риёзат, қаноат, шижоат, илм, сабр, ҳилм, интизом, миқёси нафс, виждон, ватанни суймак, ҳаққоният, назари ибрат, иффат, ҳаё, идрок ва зако, ҳифзаи лисон, иқтисод, виқор, хавф ва ражо, итоат, ҳақшунослик, хайрихоҳлик, мунислик, садоқат, муҳаббат ва афвдур. Мана бу ёздиғимиз яхши хулқлар ақл ва шаръи шарифга мувофиқ. Аллоҳ таоло ҳам бандалар қошида мақбул ва мўътабардур. Энди бу яхши хулқларни қўлга олмак учун ота-она, муаллим устодларимиз ҳазратларининг ҳик-

¹ Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. «Ўқитувчи». Тошкент, 1992. 12-саҳифа.

матли насиҳатларини жон қулоғи бирла тинглаб, доим хотирда тутмоқ, ахлоқи яхши кишилар бирла улфат бўлмак, ахлоқи бузуқ ёки ёмон кишиларда қочмак лозимдур. Бизим шарияти исломияда «ахлоқи ҳасана» — яхши хулқлар ила хулқланмак, ҳар нарсага ибрат кўз ила боқуб, хулқини тузатмак вожибдур. Расули акрам набийи муҳтарам саллоллоҳу алайҳи вассалам «исломиятда бузуқлик йўқдур, бузуқликни устига олув ҳам йўқдур. Исломиятда энг мўътабар кишилар яхши хулқ эгаларидур», — демишлар.

Байт:

*Яхши бирла юрса, ҳар ким мақсуди ҳосил бўлур,
Юрса нодонлар ила, бир кун бориб қотил бўлур.
Катталар қилган насиҳатни кичиклар олмаса,
Оқибат хулқи бузуқ бир беадаб жоҳил бўлур¹.*

КЎЗ ОДОБИ

Ҳар нарсани қаноат кўзи билан қаранг, ҳеч кимга ҳасад қилманг. Бева-бечора ва касалларга кулиб ва масхара қилиб кўз ташламанг. Ярамас, айб ишларни томоша қилиб турманг.

Эшик, дераза тирқишидан, парда орасидан бошқа кишиларнинг уйларига, кишиларнинг хатларига руҳсатсиз қараманг².

ОТА ВА ОНА ҲУРМАТИ

ОТА ВА ОНА ҲАҚИНИ БИЛМАК ЗИКРИДА

Эй фарзанд, билғилки, ақл юзасидан фарзандга ота-онани иззат ва ҳурмат қилиш вожибдур, нединким, унинг асли ота ва онадур. Ота ва онани нима учун ҳурмат қилурман деб кўнглингга келтурмағил, билғилки улар сенинг учун ўлимга тайёр турадурлар.

Ҳар фарзандки оқил ва доно бўлса, ҳеч вақт ота-онанинг меҳр ҳақини адо қилмоқдан холи бўлмағусидир. Ота-она фармонбардорликда ҳам иш бўлғай ва ҳам фармон бўлғай. Ота-онанинг иши сени парвариш қилмоқдир ва фармони сенга яхшилик ўргатмоқдир. Эй фарзанд, шул важди ота-онангни сағал ҳам ранжитмағил.

¹ Уша китоб, 17-саҳифа. ² Инсон одоби. Тузувчилар Рус-там Саидов, Нормухаммад Холлиев. Тошкент, 1988. 129-саҳифа.

Айтишларича, амиралмўъминин Алидан сўрадиларки: «Фарзандда ота-онанинг ҳақи қанчадур?» Ҳазрат Али деди: «Ҳақ таоло бу адабни расулнинг ота-онаси ўлмада кўргузди. Нединким, бу ҳазрат ота-онасининг ҳаётлик айёмин топса эрди, уларни ўзидан илгари тутмоқ, уларнинг ҳақини билмоқ ва уларга фарзандлик юзидан тавозеъ кўргузмоқ вожиб бўлур эрди».

Бас, ота-онанинг ҳақиға дин нуқтаи назаридан риоя қилмасанг ҳам, ақл юзасидан, мурувват юзасидан риоя қил ва кўрғил ота ва она аслда сени жон ва дил била парвариш қилмишлар. Агар улар ҳақида камчиликлар қилсанг, тақсир кўргузсанг, сен ҳеч яхшиликка сазовор эмасдурсан, нединким ҳар киши аслнинг яхшилиғин билмаса, ўзганинг ҳам яхшилиғин билмагусидир. Ўз фарзандинг сенинг ҳақингда қандай бўлишин тиласанг, сен ҳам ота-онанг ҳақида шундай бўлғил, нединким, сен ота-онанг ҳақида нима иш қилсанг, фарзандинг ҳам сенинг ҳақингда шундоқ иш қилур, чунки одам мевага, ота-она дарахтга ўхшайдур. Дарахтни ҳар қандай яхши тарбият қилсанг, меваси шунча яхшироқ ва ширинроқ бўлур. Ота-онага иззат ва ҳурматни қанча кўп қилсанг, уларнинг сенинг ҳақингдаги дуоиси шунча тезроқ мустажоб бўлур.

Зинҳор мерос олмоқ ҳирси била ота-онанг ўлимини тиламағилки, уларнинг ризқи била сенинг ризқинг етишур. Ота-онанинг ўлимини тиламағил, чунки ота-она ўлмай юрсалар ҳам ризқинг етишаверади, нединким, ризқ мақсумдур¹ ва у ҳар йўл била сенга восил бўлур. Рўзий насиба учун ўзингни кўп ранж-машаққатга қўймағил, рўзий ранж ва азоб-уқубат била зиёда бўлмагусидир.

Ҳоли-аҳволи сендан яхшироқ бўлгон кишиларга қарамағил, ҳоли-аҳволи сендан ёмонроқ бўлган кишиларга қарағил.

Агар молсизликдан қашшоқ бўлсанг, ақлдан бой бўлмоққа саъй кўргузғилки, мол била бой бўлгондан, ақл била бой бўлгон яхшироқдур, нединким, ақл била мол жам этса бўлур, аммо мол била ақл ўрганиб бўлмас. Билғил, ақл бир молдурки, уни ўғри ололмас, у ўтда ёнмас, сувда оқмас.

Бас, агар ақлинг бўлса ҳунар ўрганғил, нединким ҳунарсиз ақл-бошсиз тан, суратсиз бадандекдир. Ундокким дебдурлар: ал-алдаб — суратил ақл².

¹ *Мақсумдур* — тақсимланган, бўлинган. ² *Кайковус Унсурулмаоний*. Қобуснома «Уқитувчи», Тошкент, 1986, 30—31-саҳифалар.

ОТА-ОНА ВА ФАРЗАНД БУРЧИ

Отанинг фарзандга муҳаббати чексиздир, чунки у фарзандини ўз суратидан кўчирилган нусха, деб англайди. Зотан, отанинг бу тасавури тўғридир. Фарзанд отанинг бур жузви, суратда, хулқ-атворда унга ўхшайди. Шунинг учун ота фарзандининг тарбиясига диққат қилади. Ўзи истаган фазлу камолни фарзандга беришга, уни ўзидан кўра ҳам мукаммал қилиб етиштиришга ғайрат қилади. Шу мақсад йўлида ҳар қандай машаққатга бардош беради. Фарзанди ҳақида халқдан: «Тарбия қилган отасига раҳмат!» деган сўзни эшитса, севинади, фарзанди орқали кўзлаган мақсадига етишни истайди, неварга, эваралар кўриб, наслининг давом этишини орзу қилади.

Фарзанднинг ҳаётига сабаб бўладиган биринчи қувват — она жисмидаги қондир. Чақалоқ шу қондан озиқланиб, ҳаётини сақлайди. Бола биринчи сўзни онадан эшитади. Шунинг учун у сўзлаган тилга «ота тили» демасдан «она тили» дейишнинг ҳикмати ҳам ана шундадир. Демак, болани тарбия қилиб ўстиришда отага қараганда ҳам она кўпроқ ҳисса қўшади, фарзандига муҳаббати отаникидан ортиқроқ бўлади. Шунинг учун бўлса керак, хусусан ёш болалар отадан кўра онага кўпроқ майл этадилар. Она фарзанди учун ҳатто ўзини фидо қилишга ҳам тайёрдир. Шу сабабли донишмандлар онанинг ҳақи отанинг ҳақига қараганда икки ҳисса кўпроқ, деганлар. Шунинг учун эй суюкли ўғил-қизларимиз! Сизнинг дунёга келишингизга сабабчи бўлган, тарбиялаб ўстирган ота-онангизнинг ҳақларини ҳеч камчиликсиз адо қилинг, иззат-ҳурматларини бажо келтиринг. Уларнинг хизматларида бўлиб, розиликларини олинг, аччиқ сўзлар сўзлаб, дилларини оғритишдан сақланинг, уларга бўлган муҳаббатингизни тил билан ва бошқа ишлар билан изҳор қилинг. Насихатларини бажону дил қабул қилиб, амалда кўрсатинг. Уларнинг турмушларидан доим хабардор бўлиб, ҳеч нарсага зориктирманг. Улар сизларга ҳеч қачон ёмонлик тиламайдилар, бахтли, саодатли бўлиб, роҳатда умр кечиришингизни орзу қиладилар. Шунинг учун уларнинг айтганларига итоат қилинг. Сиз ота-онангизга қандай муомалада бўлсангиз, кейинчалик бола-чақангиздан шундай муомалани кўрасиз, чунки улар сиздан намуна оладилар. Буни ёдингиздан чиқарманг. Баъзи вақтларда ота-онангиз тушунмасликлари орқасида тарбия, одобга

тескари сўзлаб қолишлари мумкин. Бундай ҳолда айтганларининг тўғри эмаслигини секинлик, мулойимлик, билан тушунтиринг, қаттиқ муомала қилманг, муборак дилларини оғритманг. Ота-онангизнинг маслаҳатлари ва ризоликларини олмасдан ҳеч бир ишга киришманг¹.

ОТА НАСИХАТИ

Бир донишманд ўғлига шундай насиҳат қилди:

— Ўғлим, халқнинг ўзингга хайрихоҳ бўлишини хоҳласанг, аввал ўзинг халққа хайрихоҳ бўл. Ўз меҳнатинг бекорга кетишини тиламасанг, халқ меҳнатини бекорга кетказма, зое қилма. Обрўли бўлишни истасанг, тавозели бўл. Одамлар сени масхара қилиб кулишларини истамасанг, юриш-туришингни тузат. Қадр-қимматим ошсин десанг, бошқаларнинг қадр-қимматларини бил. Ҳаммани ўзингга дўст бўлишни истасанг, одамларга қўлинг ва тилинг билан озор берма. Иззат-ҳурмат эгаси бўлишни хоҳласанг, мумкин қадар молингни муҳтожлардан аяма. Мукамал бир инсон бўлишни орзу қилсанг, ўзингга мақбул бўлмаган бир ишни бошқаларга раво кўрма. Дилинг оғриб, асабийлашишни тиламасанг, жоҳил, аблаҳ кишилар билан сўзга боришиб ўтирма. Беғам бўлишни истасанг, ҳасадчи бўлма. Қайғу-аламдан узоқ бўлишни истасанг, қўлингдан чиққан нарсага афсус-надомат қилиб юрма. Дўст-ошноларнинг кўпайишини хоҳласанг, очиқ юзли, ширин сўзли бўл, ҳеч кимдан гина ва адоват сақлама. Сиринг ошкор бўлишини хоҳламасанг, дўстингга ҳам айтма².

КЕКСАЛИК ВА ЙИГИТЛИК ҲАҚИДА

ҚАРИЛИК ВА ЙИГИТЛИК СИФАТИ ЗИКРИДА

Эй фарзанд, ҳар нечун йигит бўлсанг ҳам ақлинг қари бўлсун. Мен сенга: «Йигитлик қилмағил» демасман. Аммо йигитликни чидам била қилғил. Енгил йигитлардин бўлмағил, чунки йигитларга оғирлик муносибдур. Бу ҳақда Аристотелис дониш шундай дебдур:

¹ Оз-оз ўрганиб доно бўлур. Донишмандлар бисотидан ҳикоятлар, ўғитлар, ҳикматлар. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1988, 128—129-саҳифалар. ² Уш а к и т о б, 131-саҳифа.

«Йигитлик жунуннинг бир навъидур». Жоҳил йигитлардин бўлмағил, жоҳилликдин бало пайдо бўлғусидир. Йигитлик замонда зиндагонлик қил, токим қаригон чоғда ўз ҳолингга йиғламағил. Ҳар қанча ёш бўлсанг ҳам ҳеч вақтда ўлимдин беҳабар бўлмағил, нединким ўлим на қарини ва на йигитни қўйғувсидур».

Ҳикоят. Ундоқ эшитибманки, бир шаҳарда бир пардозгир устанинг дўкони бор эрди ва қозуққа бир кўзани осиб қўймиш эрди. Унинг иши эрдиким, ҳар ўликни гўристонга кетирғонларида уста кўзанинг ичига бир тош ташлар эрди ва ҳар ойда ул тошларни санаб неча киши ўлғонин билур эрди. Яна кўзани бўшатиб, уни мазкур қозуққа осиб қўяр эрди. Яна шул зайл бир ой муддатинда кўзага тош ташлар эрди. У неча вақтгача умрини шундай ўтказди. Қазо етиб ул пардозгир ўлди. Бир неча кундан сўнг бир киши уни йўқлаб келди. Унинг ўлғонидин бу кишининг хабари йўқ эрди. Дўконнинг эшиги боғлиқ эрди. У устанинг ҳамсояси (қўшниси) дан: «Пардозгир дўкониде йўқдур, қаерга кетғон?»— деб сўради. Ҳамсояси эрса: «Пардозгир ҳам кўзанинг ичига тушди»— дея жавоб берди.

Эй фарзанд, ҳушёр бўл, йигитликка ғарра бўлмағил, то афв тилағил ва ўлимдин қўрқғил, то ул пардозгир янглиғ оғир юк ва гуноҳ била кўзанинг ичига тушмағайсан.

Барча вақт йигитлар била суҳбатда бўлмағил, қарилар била ҳам суҳбатда бўлғил ва мажолисингни ҳам қарилар била ва ҳам йигитлар суҳбати била музайян қил, нединким йигитлар билмағон кўп нарсани қарилар билурлар. Йигитларнинг одати андоқдурким, улар қариларни тамасхур¹ қилиб ўйнарлар, улар қариларни йигитликка муҳтож билурлар. Ушбу сабаб била қариларни тамасхур қилиб, беҳурмат қилмоқлари яхши эмасдур. Чунки қарилар қанчалик йигитлик орзусида бўлсалар, йигитлар ҳам бешак қарилик орзусидадурлар. Лекин қарилар ул орзуга етибтурлар, аммо йигитларга маълум эрмаским, бул орзуга улар ё етгайлар, ё етмағайлар. Яхши назар қил, чунки қари ва йигит бир-бирларининг маҳсулидур.

Йигит ўзини ҳамма кишидан донороқ билур, аммо шул иши била у барчадин нодонроқдур. Бас, эй фарзанд, бундоқ йигитларнинг қаторидин бўлмағил, қари-

¹ Тамасхур — масхаралаш.

ларни ҳурмат қилғил. Улар ҳақида беҳуда сўз демағил, уларнинг олдида мискинлик (камтарлик) била сўзлағил.

Ҳикоят. Ундоқ эшитибманким, юз йил яшағон ва қадди ёйдек ҳам бўлғон бир қари киши қўлига асо тутуб борур эрди. Бир йигит уни тамасхур қилиб деди: «Эй шайх, ушбу ёйни неча тангага олдинг? Айтғил, то мен ҳам олурман». Шайх деди: «Агар умр топсанг ва сабр қилсанг бу ёйни сенга текинга берурлар».

Эй фарзанд, қарилик ҳолига етсанг йигитлардин йироқ бўлғил, нединким қарилиғда йигит феълин қилмоқ номуносибдур ва йигитликда қарилар феълин қилмоқ ҳам ёмон кўринур. Ўзиға оро берғон қаридин қочғил, нединким зоҳирни беағон қари жоҳил йигитдин ёмонроқдур. Нопок қарилардин қочғил. Йигитлик замонин ғанимат бил ва унга муносиб иш қил, чунки сезгиларинг ишдин қолиб, эшитмоқ, кўрмоқ, ишламоқ, маза топмоқ, қаттиқ ва юмшоқни сийпалаб билмоқ лаззатидин жудо бўлсанг, ундоқ тирикликдин ўзинг ҳам шод бўла олмассан, ўзгани ҳам шод қила олмассан. Шунда одамларнинг бўйниға тушган оғир юк бўлурсан, ундоқ тирикликдин эса ўлим яхшироқдур. Аммо қариғонда йигит хаёли ва мажолидин йириқ бўл, чунки қарилик ўлимга яқинроқдур.

Барча халойиқнинг умри қуёш янглиғдур: йигитларнинг қуёши машриқдадур, қариларнинг қуёши мағрибадур ва мағрибада бўлғон қуёш тез ботғусидур. Бу сабабдин қариларга йигитлар феълин қилмоқ номуносибдур.

Эй фарзанд, ҳамиша қариларга тараҳҳум қил, қарилик бир беморликдур, ҳеч киши уни кўришга бормас. Қарилик иллатдурки, ўлимдан бошқа ҳеч киши унинг иложи борисин билмас. Қарилар то ўлгунча қарилик ранжидин асло қутулмаслар. Ундин бошқа ҳар иллат борки, ул иллатнинг ҳар кун яхшироқ бўлмоқ умиди бордур, аммо қарилик иллатли ҳар кун ёмонроқ бўлур ва яхшилик умиди йўқдур. Фақир (мен) бир китобда ўқимишманким, одамнинг қуввати то ўттиз тўрт йилгача ҳар кун зиёда бўлур. Ўттиз ёшдин сўнг қуёш осмоннинг ўртасига ётғондек зиёда бўлмай ва нуқсон топмай турар. Ундин сўнг ботиш сайри оҳистароқ бўлғай. Қирқ ёшига етғондин сўнг то эллик ёшгача ҳар йил ўзида нуқсон кўрғайким, бурунғи йилда кўрмамиш бўлғай. Эллик ёшидин олтмиш ёшгача ҳар ой ўзида нуқсон

кўрарким, аввалги ойда кўрмамиш бўлмай. Агар ёши олтмишдан ўтса, ҳар соатда дард ва ранж кўрғайким, ўтгон соатда кўрмамиш бўлмай. Умрнинг ҳадди қирқ йил бўлур. Мана, умр нурунинг қирқлончи зинасига чиқдинг, энди юқорига йўл топмағунгдур, ундин сўнг даража ошмоғинг учун пастга тушиб, бурунғи жойингга етмоғинг лозимдур.

Эй фарзанд, қариликнинг ҳикоятин сенинг олдингда шул жиҳатдин айтдимки, мен ундин гиламанддурман¹. Нединким, қарилик душмандур ва душмандин шикоят этмак ажаб эрмасдур. Сен менинг дўст кишимдурсан. Душманнинг шикоятин дўстнинг олдида айтурлар (илоҳим сен ҳам фарзандларингга шундай шикоят қилғайсан), нединким, қариликнинг дард ва ранжин қарилик яхши билурлар.

Отам ҳожиблар² жумласидин эрди ва уни ҳожибни комил дер эрдилар. Ул саксон ёшдин ўтгон қари киши эрди. Бир куни от олмоқ тилади. Унинг олдига бир от келтурдиларки, от ниҳоятда семиз ва хушранг эрди. Ул отни кўриб хоҳлади ва лабларин очиб, тишини кўрди. Бироқ от қари эркон, бул жиҳатдан уни олмади. Мен дедим: «Эй ота, ул отни фалоини олди, сиз нечун олмадингиз?» Отам деди: «У йигит кишидур, қарилик ранжидин хабари йўқдур. Ул отнинг ранг ва суратига маҳлиё бўлубдир. Бу ишда у маъзурдур. Мен қариликнинг ранж, офат ва заифликларидин хабардордурман. Қари от олсам маъзур бўлмағумдур».

Эй фарзанд, агар қарилик мақомига етсанг, бир жойда мутамаккин³ бўлғил. Айниқса, қариликда хусусан бенаволикда⁴ сафар қилмоқ ақлдин йироқдур. Нединким, қарилик бир душмандур ва бенаволик ҳам бир душмандур. Бу икки душман била сафар қилмоқ доноликдин эрмасдур. Аммо агар бир иш бошингга тушса ва изтироб⁵ била уйингдин чиқсанг ва агар сафарда яхшироқ роҳат олсанг, ҳаргиз уйингни орзу қилмағил, мол ва озук талаб қилмағил. Ҳар жойдаким ишингга (тартиб) топсанг, унда мақом қил ва у жойни ўзингга яхши мол ва озук бил. Ўз ҳолингнинг фойдасига қарағил. Дебдурларким, некбахтлар⁶ ўз ҳолин яхши бўлишлигин орзу қилурлар, бадбахтлар эса озук ва мол жам этмак-

¹ Гиламанддурман — норозиман. ² Ҳожиб — пардадор. ³ Мутамаккин — бир жойда маҳкам турувчи. ⁴ Бенаволик — қашшоқлик, камбағаллик. ⁵ Изтироб — бегоҳатлик. ⁶ Некбахт — бахтиёр.

ни яхши иш билурлар. Аммо сен ўзингда бир яхши хол кўрсанг ва бир фойдали ишни қўлга киритсанг, жаҳд қилиб ул ишингни собит ва маҳкам қил, то шу ишни мустаҳкам қилмагунча ундан баландроқ ишни талаб қилмағил, токи баландликни талаб қилиш била пастликка тушмағайсан. Дебдурларким, яхши нарсани қўйиб, ундин яхшироқ нарсани талаб қилмағил, бундай маҳалда тамаъ била ундин ҳам бебаҳра қолғайсан. Аммо ўз рўзгорингни ўткармакда бетартиб бўлмағил. Агар дўст ва душманинг кўзига яхши кўринмоқ тиласанг даража ва ҳунарингни халойиқнинг орасида зоҳир қил, беҳуда зиндагонлик қилмағил ва барча ишингни тартиб била қилғил¹.

ЗАИФЛИҚ ВА КЕКСАЛИК БАЕНИДА

Ҳикоят

Дамашқнинг масжиди Жомеида бир неча донишмандлар билан мубоҳаса қилур эдим, бир йигит кириб: «Ораларингизда форс тилини биладиган одам борми?» деб сўради. Кўпчилик менга ишора қилди. Мен йигитга дедим: «Хўш, нима ишинг бор?» Йигит деди: «Бир юзу эллик ёшга кирган бир чол жон талвасасида ётибди. У форсчалаб алланималар деяпти, лекин бизлар тушунмаямпиз, агар лутфан мўйсафиднинг ҳузурига қадам ранжида қилсангиз, савоб топардингиз, эҳтимол у васият қилмоқчи».

Ёстиғи тепасига етиб борганимда бемор бу шеърни ўқир эди:

*Дедим, олай яна бир неча бор дам
Орзуга етолмай бўғилди нафас.
Умр дастурхони устида афсус,
Бирпас ўлтирмасдан дедиларки, бас.*

Шеърнинг маъносини шомликларга таржима қилиб бердим. Улар чолнинг шунчалар узоқ умр кўрганига, шунда ҳам ҳаётнинг бевафолигидан афсусланганига ҳайрон қолдилар. Мен чолдан сўрадим: «Шу ҳолатингда қалайсан?» У айтди: «Нима десам экан?»

¹ *Кайковус Унсурулмаоний*. Қобуснома. «Ўқитувчи», Тошкент, 1986, 50—53-саҳифалар.

*Қўрибмидинг бирор кимса тишни суғурган чоғи,
Не азобда чиқар кўкка унинг оҳу фиғони.
Кўз олдинга кетир энди нима бўлар аҳволи,
Агар азиз вужудидан чиқар эса пок жони.*

Унга дедим: «Улим фикрини хаёлингдан чиқар. Узингни ўзинг ваҳимага солма, чунки Юнон файласуфлари: «Бадан қанчалик соғлом бўлса ҳам, лекин соғломликнинг доимий эканига ишониб бўлмайди, касал нақадар оғир бўлмасин, бу албатта ҳалокат нишони бўлавермайди», деганлар. Агар хоҳишинг бўлса, табиб чақирамиз, сени даволасин!» Чол кўзини очиб кулди-да, деди:

*Ҳушёр табиб қўлин қўлга уришни
Бошлар, касал киши йўқотгач ҳушни.*

*Бино негизидан бошлаб вайрондир,
Эгасин ташвиши нақши айвондир.*

*Улим талвасада чол инграр оғир,
Сандал қириб дори ҳозирлар кампир.*

*Мувозанат кетиб, бузилса мижоз,
Топилмас дори-ю дармондан илож¹*

Ҳикоят

Бир кун ёшлик ғурури билан кун бўйи елдай югуриб, кечга томон тинка-мадорим қуриб, бир тепа ортига бориб йиқилдим. Карвоннинг ортидан судралиб келаётган, мункиллаб қолган бир чол мени кўриб хитоб қилди: «Нега ётибсан, бу ер ётадиган жой эмас-ку?» Мен дедим: «Оёғимда мадор қолмаган бўлса, қандай юрай?»

Чол деди:— Эшитмаганмисанки, донишмандлар демишлар: «Юриб дам олмоқ — югуриб силласи куриб йиқилгандан яхшироқдир!»

*Эй манзилга муштоқ йўлчи, кўп шошмағил,
Чопқир отлар кўпи йўлда қолиб кетди.
Пандим эшит, сабр қилиш бўлсин ишинг,
Оқсоқ эшак манзилга бориб етди².*

¹ Саъдий. Гулистон. Фафур Ғулум номидаги бадний адабиёт нашриёти, Тошкент, 1968, 135—136-саҳифалар.

² У ш а к и т о б. 139—140-саҳифалар.

Бизнинг давримизда эпчил, тийрак, қувноқ ва ширинзабон бир йигит бор эди. У ҳеч маҳал қайғурмас, лабидан бир он ҳам кулги аримасди. Орадан анча вақт ўтиб, бир-биримиз билан учраша олмадик. Бир сафар унга дуч келдим. Уйланибди, жойланибди, бола-чақали бўлибди, шодлигининг гули сўлибди. Ундан сўрадим: «Хўш, аҳволинг нечук, қандай яшаяпсан?» У деди: «Болали бўлганимдан кейин, ўзим болалик қилиқларини ташладим».

*Сочларимга оқ тушибдир, қайда қолди болалик?
Замон ўтди, кўп ўзгартди, замон — бало нолалик.*

*Қаригач ташлагил ёшликни тамом,
Уйинқароқликни ёшга қил инъом.*

*Кексадан истама қувноқлик ҳавас,
Ёшлик ўтмиш оқар сув — ортга қайтмас.*

*Экинга етаркан ўроқ замони,
Сабзадек мавж урмас, тинар жавлони.*

*Кетди қўлимдан мени ёшлик ҳамон,
Оҳ урайин, қайда у дилкаш замон.*

*Шердек эдим, кетди қўлим қуввати,
Пишлоқ ўлиб ризқима ов итсимон.*

*Кампир сочларин бўяр бирма-бир.
Дедим: эй кўп замон яшаган кампир.*

*Найранг билан сочинг қиласан қора,
Аммо букчайган бел рост бўлмас сира¹.*

ИШБИЛАРМОН ЧОЛ БИЛАН ЁШ УСПИРИН СУҲБАТИ

Бир йигит бор эди фаросатлик,
Тутди бир чол билан у улфатлик.
Чолни офтоб агар қилинса гумон,
Кетидан у йигит кўланкасимон.
Чиқди бир ноқулай ва тайғоқ йўл,
Шилта лою ёмону ботқоқ йўл!

¹ Уша китоб, 140—141-саҳифалар.

Чол ўзин тиймайин юрар илдам,
 Йигит андишалаб босарди қадам.
 Кўнглида ўйлади йигитки бу чол,
 Лойга ботмасмикин, қарай-чи, на ҳол,
 Чол буни сизди, деди: «Қандай иш,
 Лою сувдан эшак каби қўрқиш?
 Тўнни тоқайгача сен асрайсан,
 Дилни покиза сақла ифлосдан.
 Лойқадан тўнни тозалаш осон,
 Яна покиза бўлғуси чандон.
 Дил сиёҳланса тозалаш мушкул,
 Шуни ўйла, бўлакни қўй буткул»¹

*

* *

Олимлардан Руфъат ибн Исмоил айтади:

— Болаларингизни чет кишилар ёнида уришиб, таъ-
 зирини берманг, меҳмондорчиликка чақирсалар, бола-
 ларингизни бирга олиб борманг. Уйингизга меҳмонлар
 келса, ёш болаларингизни улар ёнига ўтказиб, дастур-
 хонга қўл узаттирманг, чет кишилар ёнида оилангиздан
 шикоят қилманг. Мунофиқона равишда бошқаларни
 камситиб, сизнинг ақл ва ҳаракатингизни мақтаган
 риёкор мунофиқларнинг сўзларига учманг. Болаларин-
 гизга бирор хизмат буюрар экансиз, яхши сўзлар айтиб,
 мулоимлик билан буюринг. Мағрур, мутаккаббир ва
 аччиқ сўзли бўлманг. Оилангиз ва дўстларингизга ўзин-
 гизни севдириг.

Илгари қилган яхшилигингизни ҳадеб қайтариб
 мақтаниб юрманг. Орангизда бўлган қариндошлик,
 дўстликка таяниб, улардан фойдаланиш орзусида бўл-
 манг. Ҳеч кимни уялтирманг. Уятли латифаларни сўз-
 ламанг. Ҳайвонларга ҳам раҳмдил бўлинг, уларни уриб
 озор беришдан сақланг. «Ёшим катта бўлгани учун
 кичиклар олдида нима сўзласам бўлаверди»,— деб
 ўйламанг. Йиғилишда эр ўз хотинидан, хотин ўз эридан
 шикоят қилиши дуруст эмас. Йиғилишда ҳар хил савол-
 жавобдан тортинг, саволингизга жавоб беришни ис-
 тамаган одамни «жавоб бер» деб зўрламанг, одоб, тар-
 бияга риоя қилинг².

¹ Абдурахмон Жомий. Танланган асарлар. Ғафур Ғулом номи-
 даги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тузувчи Ш. Шомухамедов.
 Тошкент, 1971. 162—163-бетлар. ² Оз-оздан ўрганиб доно бўлур.
 Донишмандлар бисотидан ҳикоятлар, ўғитлар, ҳикматлар. Ғафур
 Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1983,
 90-саҳифа.

ЕШЛАРГА УН БЕШ НАСИХАТ

— Сенга ҳаёт бахш этган ота-онангни ва ҳар вақт сенга ёрдам бериб, ҳаётингни қўриқловчи зотларни ҳурмат қил, уларнинг иззат ва икромларини бажо келтир.

— Ака-ука, опа-сингил, қариндош-уруғ ва ёр-дўстларингга муҳаббат ва садоқат ипи билан боғлан.

— Ватаннинг чин, ҳақиқий фарзанди бўл, ватан ва халққа хизмат қил, манфаат етказ.

— Маъносиз йўллардан, шараф ва номусингни барбод қиладиган ишлардан йироқ бўл.

— Ёшлигингни, ҳиссиётинг, соф-поклигингни, сиҳатинг, номусинг, обрў ва эътиборингни қўриқла.

— Севишни бил, муҳаббат ва соғлом ақл ўзингга умр йўлдоши танлашда йўлбошчи бўлсин.

— Уйланишни истар экансан, садоқатли, олижаноб, соғлом, умуман моддий ва маънавий жиҳатдан гўзал хислатларга эга бўлган қизни танла.

— Кучинг етган вақтда дарҳол уйлан, бир оила ташкил қил, ўзингга бир саодат ошёнини ҳозирла. Бу ишинг инсоний ва ижтимоий бир вазифа, ўхшаши бўлмаган саодат воситасидир.

— Оиланинг бутун моддий ва маънавий эҳтиёжларини таъмин қилишга интил, ғайрат қил.

— Жамоат эҳтиёжини ўтайдиган фарзандлар етиштир. Фарзандларингни фақат ўзинг учун эмас, ватанинг, халқинг учун ва инсоният учун тарбия қил.

— Ўғилларингни сабрли, матонатли, фазилатли ва шижоатли қилиб етиштир. Қизларингни ҳам ўзингга умр йўлдоши этиб танлаб олган хотининг сингари гўзал хислатли қилиб тарбияла.

— Оиланг ҳаётини гўзал суратда давом эттир. Оила даврасини сев, у кўзга ёқимли, қалбга завқ-шавқ бахш этиши учун кучингни сарф қил.

— Уйинг эшиги самимий дўстларинг учун доим очиқ бўлсин.

— Лутфкор ва шафқатпарвар бўл. Бошларига мушкул иш тушган, фалокатга йўлиққанларга тасалли бер, мушкулликдан қутулишида уларга ёрдам қил.

— Бўш вақтларингдан бир қисмини одоб ва ахлоққа қарши бўлмаган ўйин-кулгиларга сарф қил.

Байт:

*Айла мустаҳкам ишингда, эй ўғил,
Ҳар нима ҳикмат эли дер, қил қабул¹.*

¹ Уша китоб. 144—145-саҳифалар.

ФАРЗАНДЛИК БУРЧИ

ФАРЗАНД ПАРВАРИШ ҚИЛМОҚ ЗИКРИДА

Эй фарзанд, агар фарзандинг бўлса анга яхши от қўйғил, нединким, отадан фарзанд хақларидин бири, унга яхши от қўймоқдур. Яна бири улдурким, фарзандни оқил ва меҳрибон дояларга топшурғайсан. Суннат қилур вақтида суннат қилғайсан, қудратингга лойиқ тўй-томоша қилғайсан ҳамда ўқишни ўргатғайсан. Улуғроқ бўлғондан сўнг, агар раият¹ бўлсанг, унга ҳунар ва касб ўргатғайсан, агар сипоҳ аҳлидин² бўлсанг, сипоҳ илмин ўргатғайсан. Буларни билғондан сўнг шиноварлик, яъни сувда юзмакни ўргатғил Андоқким, мен ўн ёшимда эргонда менинг бир ҳожибим бор эрди, унга Манзар соҳиб дер эрдилар. Ул от минмак илмин яхши билур эрди ва Райҳон отлиқ бир ходимим бор эрди. Отам мени ул икковига топширди, токи улар менга отда юрмоқ, найза урмоқ, завбин отмоқ, чавгон урмоқ, каманд ташламоқ илмин ўргатғайлар. Мен уларнинг ёнида юриб, бир оз фурсатда от устида юришнинг барча илмин ўргандим ва ҳунарларини билдим. Ундан сўнг Манзар соҳиб ва Райҳон ходим мени отамнинг олдида олиб бориб дедилар: «Эй амир, агар рухсат берсангиз эрта тонгда саҳрода фарзандингиз амирзода ўйнаса, сиз унинг барча ўрганғон ишларин кўрсангиз». Амир «Кўп яхши бўлур!»— деди. Мен иккинчи кун ҳар на билғон илмин ва ҳунаримни отамга намойиш қилдим, отам ҳожиб ва ходимга яхши хильатлар инъом қилди. Ундин сўнг уларга деди: «Фарзандим ўргатғон ишларингизни барчасин яхши билибдур, ҳунарларнинг яхшисин ўргатмишсизлар, лекин яна бир зарур ҳунар қолибдур». Улар дедилар: «Ул на ҳунардур?» Отам деди: «Бу ўргатғон ҳунарларингизни зарур вақтда фарзандим учун бошқалар ҳам қила олур, лекин унинг ўзи қиладурғон, унинг учун бошқалар қила олмайтурғон ҳунар қолибдур». Улар «Ул қайси ҳунар?» дедилар. Амир: «Сувда юзмакдурким, бундай ишни фарзандим учун ҳамма одамлар қила олмас»,— деди. Шундан кейин икки маллоҳни, яъни икки кемачини келтуриб, мени

Раият — тобе халқ. ² *Сипоҳ аҳли* — ҳарбий кишилар.

уларга топширди. Улар менга юзмак ҳунарин ўргатдилар. Мен каробит¹ била ул ишга машғул бўлдим ва яхши ўргандим. Бир вақт бир неча киши билан кемага кириб (ўтириб) Дажла дарёсидан ўтар бўлдик. Тоғгир^а отлиғ жойда гирдоб бор эрди ва хавфлиғ жой эрди. Устод кемачилар ундин кўп машаққатлар била ўтар эрдилар. Биз кема била ўша жойга етушдик. Аммо кемачи уста эрмас эрди ва кемани нечук сурарни билмади. Алқисса, йигирма етти чоғлиқ киши барча бирдан ғарқ бўлдик. Аммо мен ва яна бир киши, яъни менинг ғуломим, уни зийрак Қайковус дер эрдилар, сузуб чиқдик. Бу воқеадин сўнг отамнинг меҳри кўнглумда беҳад зиёда бўлди, садақалар бердим ва кўп дуолар қилдим. Мен отамнинг бошига ҳам шундай иш тушғонин билмас эрдим. Шунинг учун менга юзмак ҳунарин ўргатғон экан.

Бас, керакдурким, ҳар турлик фазл ва ҳунарин фарзандингга ўргатғайсан, то оталик шафқати шартин бажо келтурмиш бўлғайсан. Киши бошига на иш тушарни билмағусидур, фазл ва ҳунар ишга ярағусидур.

Демак, фарзандингга ҳунар ва фазл ўргатмакда тақсир қилмағил ва ҳар илмни ўргатувда муаллимлар таълим учун урсалар, сен шафқат кўргузғил, майли урсунлар, нединким ёш ўғлон илм ва адабни таёқ била ўрганур ва ўз ихтиёри била ўрганмас. Аммо фарзанд беадаб бўлса ва сенинг ул сабабдин қаҳринг келса, ўз қўлинг била урмағил, муаллимларнинг таёқи била қўрқутғил. Болаларга муаллимлар адаб берсунлар, токи сендан ўғлингнинг кўнглида гина қолмасин. Аммо унинг кўзига ўзингни ҳайбатлиғ кўргузғил, то сени хор тутмасин ва ҳамиша сендин қўрқиб юрсин. У бир нарсани орзу қилса, қудратинг етгунча ундин аямағил, то танга ҳавоси билан сенинг ўлимингни тиламасин.

Фарзандга адаб, ҳунар ўргатмакни мерос деб билғил. Агар сен хоҳ унга адаб ўргатғил, хоҳ ўргатмағил турмуш машаққатларининг ўзи унга ўргатур. Ундоқким дебдурлар, ота-она тарбияламаса, кеча ва кундуз уни тарбиялайдурлар.

Оталиқ шартин бажо келтурғилки, фарзандинг вужудга келғондагидек тириклик қилсин, яъни ҳар одамки вужудга келур ва шу кундин эътиборан хулқи ва табиати унга ҳамроҳ бўлур, аммо ул ожизлик ва беқув-

¹ Каробит — хуррам-хуррамлик билан.

ватликдин уни намоён қила олмағусидур. Катта бўлгон сойин жисми ва руҳи қувват топар ва барча руҳи¹ ривожланадур, камолга етгондан сўнг тамоми яхшилик ва ёмонлиғини зоҳир қилур. Лекин сен адаб, ҳунар ва донишни фарзандингга ўзингдан мерос қилғил, токи унинг ҳаққин бажо келтурмуш бўлғайсан. Чунки хос кишиларнинг фарзандларига адаб ва ҳунардин яхшироқ мерос йўқтур ва олий халойиқнинг фарзандларига ҳирфа², пеша³ дин яхшироқ мерос йўқдур. Пеша қилмоқ (ўрганмоқ) муҳташамларнинг фарзандларига номуносиб кўринур. Аммо пеша ҳақиқатда барча ҳунарларнинг улуғидур. Агар хос одамларнинг фарзанди юз ҳунар билса ва лекин ҳеч касбни қилмаса, айб эрмасдур. Ҳунар эса бир кун ишга ярағусидур.

Ҳикоят. Гиштосб ўзининг мулки ва салтанатидин жудо бўлди. Унинг қиссаси бағоят узоқдур. Салтанатдин жудо бўлгондин сўнг Рум шаҳарларидан Кустантана шаҳрига борди. Ёнида бир танга йўқ эрди, кишилардин бир танга ҳам тилай олмади. Аммо ундоқ эрдиким, ёшликда бир темирчининг фарзандин кўрмиш эрдиким, ул ҳунар ўрганиб, отаси била пичоқлар ва қиличлар тузатур эрди. Гиштосбнинг толеъига ушбу ҳунар эсига тушмиш. Ноилож, бир кун уларнинг олдига бориб, темирчилик пеша син (ҳунарин) ўргонмиш эрди. Бир кун Рум шаҳрига борди, лекин авқотгузарлик учун ҳеч нарсаси йўқ эрди. Охир бир темирчининг дўконига борди ва деди: «Мен бу ҳунарин билурман». Алар уни муздурлик (мардикорчилик) учун ишлатди. Ул мазкур вилоятда мутаваққиф⁴ бўлди ва ул ҳунар сабабидан ўз элига келгунча ҳеч кишига мухтож бўлмади, унинг қиссаси машҳурдур. Ундин сўнг: «Ҳеч бир муҳташам, ҳашаматли, ҳайбатли киши ўз фарзандига ҳунар ва пеша ўрганмоқни айб билмасун. Кўп вақтлар бўлурки, мол, асбоб ва шижоат наф қилмағусидур. Бирон пешани ўргонса, бир кун ул пеша ишга ярағусидур»,— деб буюрди. Ундин сўнг Ажам аслзодалари орасида расм ундоқ бўлдиким, муҳташам кишилардин пешасиз ҳеч ким қолмади ва унга мухтож бўлмасалар ҳам ўзларига ул ҳунарни одат қилдилар.

Бас, фарзандингга ҳар на ўргата олсанг ўргатғил, унинг фойдаси сенга ҳам етишур. Аммо фарзандинг

¹ Барча руҳи — ҳамма феъл-атвори. ² Ҳирфа — савдо, ҳунар. ³ Пеша — касб. ⁴ Мутаваққиф — тўхташ, яшаб қолиш.

балоғатга етғон бўлса кўрғил, унинг оила бошлиғи бўлмоққа, хотин олмоқ ва рўзғор ишларига машғул бўлмоқга салоҳияти бўлса, сен унга хотин олиб берғил, токи шу била сен унинг бу ҳақин ҳам бажарғон бўлғайсан. Лекин агар ўғлингни уйлантирмоқ ва қизингни эрга бермоқ тиласанг зинҳор ўз қариндошларинг била беришиб олишмағил. Бегонадин хотин олғил, нединким ўз қариндошларингдин олмасанг ҳам улар сенинг била гўшт, қондек яқиндурлар. Бошқа қабиладин хотин олғил. Бу била бир қабилани икки қабила қилмиш бўлғайсан, бегонани ўзингга қариндош қилғайсан, токи бир қувватинг икки бўлғай, икки тарафдин мададинг ва кўмагинг кўпайғай.

Аммо агар билсангким, ўғлингга кадхудо¹ бўлмоқлик ва хотин олмоқлик майли бўлмаса, бир мусулмоннинг қизини балога қўймағилки, иккови ҳам бир-бириндин безор бўлурлар. Қиз ва йигитларни ўз ҳолига қўйғил, катта бўлғондан кейин ўзи нима қилса, шундоқ қилсун.

Агар қизинг бўлса, уни мастура дояларга топширғил, токи яхши парвариш қилғайлар ва каттароқ бўлғондин сўнг муаллимга топширғил. . . . Балоғатга етғондан сўнг ҳаракат қилиб эрга берғил, унга шафқат ва муҳаббат кўргузғил, нединким қиз отанинг асири бўлур. Ўғил отасиз бўлса ҳам бир иш талабига бора олур ва ўзин майшатлиғ тутар. Қиз эса ожиз ва бечора бўлур. Ҳар на боринг бўлса аввал бурун қизга берғил ва унинг асбобин тузатғил. Тезроқ уни бир кишининг бўйнига банд этғил, токи унинг ғамидин қутулғайсан. Агар қизинг эрга тегмағон бўлса, уйланмағон йигитга топширғил, токи унга кўнгил боғласин ва ул бунга кўнгул боғласин.

Ҳикоят. Ундоқ эшитибманки, Ажам подшоҳининг қизи Шаҳрбонуни асир этиб, Ажамдан Арабга Салмон Форисининг уйиға кетурдилар ва шу ерда уни эрга бермоқчи бўлибдилар. Шаҳрбону деди: «То куёвни кўрмагунимча унга хотин бўлмасман. Мени мезанага ўтказиб, арабнинг сайидларини менинг олдидин ўтказинглар. Мен қай кишини ихтиёр қилсам, ул киши менга эр бўлур». Уни Салмоннинг уйида бир мезанага ўтказиб қўйдилар ва Салмон ҳам унинг қошида ўлтуруб, сайидларни унинг олдидин ўтказиб, «бу фалон, бу фалондур»

¹ Кадхудо — рўзғорбоши.

деб таъриф қилур эрди ва ҳар бирининг ҳақида бир нима дер эрди.

Ҳазрат Умар келган вақтда Шаҳрбону: «Бу кимдур?»,— деб сўради. Салмон деди: «Умардур!». Шаҳрбону деди: «Бу бағоят улуғ ва муҳташам кишидур, аммо қаридур». Ундан сўнг ҳазрат Али ўтди. Шаҳрбону сўради: «Бу кимдур?» Салмон деди: «Ҳазрат Расул Акрамнинг амакизодаси Алидур». Шаҳрбону деди: «Бу бағоят улуғ ва муҳташамдур ва менга муносибдур. Лекин мен эрта қиёматда Фотимаи захродин шарм қилурман, бу жиҳатдин уни қабул қилмасман». Ундан сўнг ҳазрат имом Ҳасанни кўриб деди: «Бу менга лойиқдур, аммо кўп хотин олибдур. Бу сабабдин уни ҳам қабул қилмасман». Ундан сўнг имом Ҳусанни кўриб деди: «Бу киши менга муносибдур, яъни бўйдоқ йигитга эрга тегмағон қиз муносиб. Мен шу вақтга қадар эрга текканим йўқ, у ҳам шу вақтга қадар уйланмағон».

Аммо, эй фарзанд, яхши юзлик куёв талаб қил ва қизингни хунук юзли одамга бермағил, нединким, қиз бадруй йигитга кўнгул қўймағусидур ва сенга ҳамда куёвга бадномлик ҳосил бўлғусидур. Куёвнинг юзи, сўзи пок бўлсун. У номусли ва кадхудо бўлмоғи керакдур, аммо куёв неъмат ва ҳашаматда сендин пастроқ бўлсун, у сен била фахрлансун, аммо сен у била фахрланмағил, токи қизинг иззат ва роҳат била зиндагонлик қилсун. Бундоқ бўлғонидин сўнг куёвдин кўп нарса талаб қилмағил.

Қизингни канизакдек сотмағил, токи унинг ўзи мурувват ва ҳамият¹ қоидасин қўлдан бермағусидур. Сен ҳар нарсани қабул қилиб қизингни куёвингнинг бўйнига банд қилғил ва шунинг билан қизингнинг ҳам меҳнатидин қутулғил.²

СЕВИМЛИ АЗИЗ ФАРЗАНДГА НАСИҲАТ³

Етди ёшим етмишга, сенда энди етти ёш,
Менинг бахтим қорайди — сенинг иқболинг қуёш.
Ачинаман шунчаки, умрим ўтиб кетибдир,
Паришонман қанчалаб ою йиллар етибдир.
Арзигулик бирор иш қилолмадим, вақт ўтди,
Тикандан ортиқ бир гул узолмадим, вақт ўтди.

¹ Ҳамият — ор-номусни сақлаш. ² Кайковус Унсрулмаолий. Қобуснома. «Уқитувчи», Тошкент, 1986, 83—88-саҳифалар ³ Бу бўлим Ш. Шомухамедов таржимаси.

Кетди дариғо қўлдан, у фурсат қайтиб келмас,
Ихтиёринг тизгини қўлга қайта илинмас.
Сенда куч бор, билак бор, дам ғанимат ғайрат қил,
Бошда ёшлик соябон, унинг қадрига етгил.
Бир иш қилғилки ундан элга етсин манфаат.
Охирида у ишинг сенга келтирсин роҳат.
Ҳаммадан аввал фарзанд, билимдан баҳраманд бўл.
Нодонлик юртдан чиқ, билим томон олгил йўл.
Ҳар бир кишига бу сўз, ойна каби аёндыр.
Доно тирик ҳамиша, нодон ўликсимондыр.
Мардоналикни кимки, даъво қилар экан ҳам,
Нега ўзини айлар у мурдаларга ҳамдам?
Илм йўлига қадам қўй, чунки шу йўл фаровон,
Аммо умрингнинг йўли, ғоятда қисқа — бир он.
Ҳеч бир кишига бўлмас қайта яшаш муяссар,
Эгалла сен билимни, мангу турар муқаррар.
Билим эгалладингми, унга доим амал қил,
Илминг амалсиз бўлса сен они бир заҳар бил.
Фараз қилдик биларсан, ул илми кимёни,
Зар қилмасанг мисингни, қолмас ишинг нишони.
Хом иш кишига ҳаргиз бир манфаат беролмас,
Хом бўлса, ҳолва ҳам бир касаллик юқтирар, бас.
Ҳар кимки яхшилик-ла айлар сени навозиш,
Сен они ҳаққига ҳеч кўрма раво ёмон иш.
Тулки каби агарда, қуйруқ кўриб қувонсанг,
Қучуксимонлар сенинг ҳолингни этгуси танг.
Ҳар жойга тузки тотдинг, шул тузни қадрига ет,
Туздонга қасд айлаб, этма ўзингни сурбет.
Дўстларга меҳрибону, очиқ кўнгил, сахий бўл,
Юрма бахиллик сари, будир зарарли бир йўл.
Дўстларга айла доим эҳсону лутфу бахшиш,
Қарзинг оғирлиғи-ла, берма уларга ташвиш.
Чин дўстга, эй азизим, жонингни сен фидо қил,
Лекин дўсту душманни бир-биридан жудо қил.
Дўст у киши эрурки, ёринг, ғамхўринг бўлсин,
Қалби ҳамиша дўстлик ёғдулари-ла тўлсин.
Тушганда бошга мушкул бўлсин сенга мададкор.
Насиҳат-ла қайтарсин ёмон йўлдан у зинҳор.
Ёмон йўлдан қайтарган дўстинг сени қўллағай,
Ҳамирдан қил суғуриб, яхши йўлга йўллағай,
Яхши ишда у бўлур, ҳақиқатда сенга ёр,
Раҳбар бўлиб бу ишга у келтирар ифтихор..
Қитобга юз ўгиргин, эй жигарим, фарзандим,
Қитобга улфат бўлгин, қулоққа ол бу пандим.

Танҳоликда мунисинг, билсанг агар китобдир,
Доноликнинг тонгига, шуъла сочар китобдир.
Бепул, беминнат сенга устоз бўлиб ўқитар,
Билим бағишлаб сенга, чигилларингни ечар.
Китобдир яхши ҳамдам, тери ёпинган олим,
Иш сиридан гоҳ сўзлаб, аммо гоҳи турар жим.
Унинг ичи ғунчадек, варақлардан лиқ тўла,
Ҳар варағи гўёки, дурдонадир бир йўла.
Қасру айвонлари бор ғоят зебо, мунаққаш,
Унда маскан қургандир неча юзлаб париваш.
Паривашлар ҳаммаси — хушбўй, чиройли, рухсор
Бир-бирига ярашган, бир-бирига талабгор.
Ҳар бир варақ ёпишган, бир-бирига ҳамнафас,
Варақласанг агарда, ҳар биридан чиқар сас.
Оғиз очиб ҳар бири маърифатдан сўзлашар,
Ҳар сўзидан юз туман гавҳари маъни тошар.
Улар гоҳда куйлашур меҳру вафо мадҳини,
Улар гоҳда шарҳ этар сидқу сафо мадҳини.
Улар гоҳда айтади, кўҳна замон қиссасин,
Улар гоҳда билдирар келгусининг ҳиссасини.
Улар гоҳда тарихдан, очиқ-ойдин очар сўз,
Улар гоҳда келгуси кунлардан кўрсатар юз.
Улар гоҳда ашъордан қалбингни дарё қилур,
Маориф гавҳари-ла дилни мусаффо қилур...
Айтмоқ учун сиррингни лабингни очсанг агар,
Яхши, ёмонлигини ўйлаб, сўнгра қил хабар!
Шуни яхши билгинки гар учса қуш қафасдан,
Қайтиб уни ушламоқ бир ишки мушкул ҳаддан...
Бўлса агар замиринг аслида хира — нософ,
Сен маърифат ҳақида, яхшиси урмагил лоф.
Такаббурлик зиёндин, ундан андиша қилғил,
Мулойим бўл одамга, камтарлик пеша қилғил.
Кўрдингми бу бошоқни бош кўтарди на бўлди,
Уроқнинг зарби бирлан ерга йиқилди, сўлди.
Кўрдингми, дон ўзини тупроққа ташлар камтар,
Уни авайлаб ердан кўтаргусидир қушлар.
Кимки камтарлик айлар, у дер улуғликка хос
Эгилган бошни ҳар ким, улуғлайди беқиёс.
Ваъда бердингми, албат, сен ваъдага вафо қил,
Бевафолик ёмондур, ўзни ундан суво қил!
Нодонлардек отангинг, кимлигини пеш қилма,
Ўзингга сен ҳунардан ўзгани ота билма.
Тутун гарчи оташнинг фарзанди бўлса ҳам бас,
Не фойдаки тутунга, оташ зиёси юқмас?!

Доно насиҳатини, туткил қулоққа маҳкам
Идрок этиб пандини, дардинга айла малҳам,
Наинки, нодонлардек, бир қулоққа эшитсанг,
Насиҳатини аммо дарҳол эсдан чиқарсанг!
Машҳур бир масал бор мазмуни панду ҳикмат:
«Уйда киши бўлганда фақат бир сўз кифоят!»¹

НИМА ЭКСАНГ, ШУНИ УРАСАН

Бир йигит кўзлари хиралашган, овқат еганда қўллари қалтирайдиган қари отасининг иззат-хурматини бажо келтирмасди.

Бир кун чол бечора қўли титраб, ош сузиб берилган косани тушириб синдирди, буни кўрган келини нордон сўзлар айтиб, унинг кўнглини вайрон қилди. Шундан кейин, йигит отасини ҳовлининг бир чеккасидаги зах уйга кўчирди. Келин эса эри келтириб берган ёғоч косада қайнотасига овқат бера бошлади. Угли ва келинининг бу каби ярамас муомалаларидан кўнгли озор топган ота вафот этган кампирини эслаб, баъзан ўксиниб-ўксиниб йиғларди. Беш-олти ёшли невараси билангина тасалли топар эди. Бола бобосининг ёнига келиб ўтирарди, маъсумона сўзлари, ёқимли қилиқлари билан бобосини кулдириб, унинг қайғу-аламларини енгиллатарди.

Бола бир кун қўлига пичоқ олиб бир ёғочни йўниб ўтирарди. Шу пайтда дадаси келиб қолди. Уғлининг ёғоч йўниб ўтирганини кўриб: «Уғлим, нима қиляпсан?» деб сўради. Угли югуриб келиб, дадасини қучоқлаб олди ва эркаланиб айтди:

— Дадажон, сиз бувамга ёғоч коса келтириб берган эдингиз-ку, ойим ўша косада бувамга овқат берадилар, мен ҳам ёғоч коса ясаяпман, катта бўлганимда ойим билан сизга шу косада овқат бераман.

Уғлининг бу сўзи йигитга қаттиқ таъсир қилди. У кўз ёши қилиб, отасининг ҳузурига кирди, тиз чўкиб узр сўради, қучоқлаб-ўпиб унинг кўнглини кўтарди. Дарров уни ўзи турган уй ёнидаги иссиқ хонага кўчирди. Ҳар вақт отасининг ҳолидан хабар олиб турди, у билан бирга овқатланди. Келин ҳам қайнотасининг иззат-хурма-

¹ *Абдураҳмон Жомий*. Танланган асарлар. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1971, 189—192-саҳифалар.

тини ўрнига қўя бошлади. Уғли ва келинининг бу ишларидан хурсанд бўлган ота:

— Болаларим, мана энди кўнглим қайғу-аламдан озод бўлди, сизлардан розиман, шу кичкина қўзичоғим сизларни рафлат уйқусидан уйғотди,— деб неварасини тиззасига ўтқизди ва юз-кўзларидан ўпиб, эркалади¹.

БИЛИМ ҲАҚИДА

ИНСОН ҚАДРИ БИЛИМДА

*Яна бир ҳикмат бор: Ҳазрати одам —
Билим, ақлу идрок сабаб муҳтарам.*

Одамзод наслининг улуғлиги билимдан. У ақл-идрок туфайли не-не тугунларни ечишга қодир. Уқув-идрок ва билим эгаси бўлган ҳар қандай одам шарафлидир.

*Билимни буюк бил, уқувни улуғ,
Шу инков улуғлар кишини тўлиқ.*

Бунга асос бўладиган бошқа сўзлар бор. Уларни эшитиб йўл-йўриқ тузса бўлади. Мана:

*Уқув қайда бўлса, улуғлик бўлар,
Билим кимда бўлса, буюклик олар
Уқувли уқару билимли билар,
Билимли, уқувли шодликка тўлар.*

Билим ҳақида айтилган фикрларга қулоқ тutilса, уларда шундай ҳикмат мавжуд: «Билимдонга бало йўқ». Билимга интилмаган кишида-чи?

*Билимсиз кишида касаллик бўлар,
Касал эмланмаса, яшамас, ўлар!*

Шунинг учун ҳам:

¹ Оз-оз ўрганиб, доно бўлур. Донишмандлар бисотидан ҳикоятлар, ўғитлар, ҳикматлар. Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1988, 206-саҳифа.

*Кел, у касалингни тузатгин, нодон.
Билимсиз тубандир, билимдон шодон.*

Билим, ўйлаб кўрилса, мисоли бир жилов. У барча ёмон, ярамас ишлардан тийиб туради. Билим эгаси ўз тилакларини топади, орзу-мақсадларига эришади.

Ақл-идрок эгаларининг нафи ҳар доим кўпчиликка тегиб туради. Билим эгалари эса элда азиз бўлади, ҳурмат қозонади. Бутун ишлар уқув-идрок билан амалга ошади. Барча мураккаб ишлар билим билан ҳал этилади¹.

ИККИ ХИЛ НОМ ҚОЛАР ТИЛДА БЕГУМОН

Қўлинг эл аро узун бўлса, сен ўз феъл-атворингни эзгу тут. Йигитлик мангу эмас, у жуда тез кечади. Тириклик чироғи ҳам кўз очиб-юмгунча ўчади. Ҳаёт тушдек гап. У яшиндек тез кўчади. Тирикликда жами эзгуликларни йиғмоқ керак. Улар кейинчалик егулик ва кийгулик бўлади. Қишиларнинг эзгуси бу ҳақда шундай деган:

— Бу нафас олувчи, яъни тирик жон охир-оқибатда ўлади. Ахир оламда туғилган одамзоднинг бири озроқ, бошқа бири кўпроқ яшайди, сўнг, барибир, вафот этади. Лекин подшонинг ҳам, оддий одамнинг ҳам вафотидан кейин қоладиган нарсаси — номи бор.

Агар сенга шу навбат жойи теккан бўлса, сен унга муносиб тарзда яшагин.

*Тирик охир ўлар қора ер қучиб,
Ном эзгу эса-чи, кетарми ўчиб?!*

*Икки хил ном қолар тилда бегумон,
Бири яхшилигу бириси — ёмон.*

*Доно мақтов олар, нодон-чи, сўкиш,
Ўзинг ўйла, сенга маъқул, қайси иш?!*

Эзгуларнинг номи буюк бўлади, ёмонлар насиби эса қарғиш ва сўкишдан бошқа нарса бўлмайди. Бунга та-рихдаги қуйидаги ҳодиса жуда яхши мисолдир:

¹ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг: «Юлдузча», Тошкент, 1990. 11—12-саҳифалар.

*Недан бўлди Заҳҳок¹ сўкишга дучор,
Фаридунга² нечун омад сазовор.*

*Бири эзгу эрди — олди у дуо,
Эсиз бўлгани-чи, сўкиш беадо.*

Ана энди ўзинг айтгин-чи, сенинг табиатингга эзгулик мосми ёхуд ёмонлик? Сен ўз шаънингга мақтов истайсанми ёки сўкиш-қарғишми?

Тилагинг қанақа бўлса, шундан келиб чиқиб ўзинг бирини танлаб ол. Кейин ўкиниб юрма.

*Шунга ўхшатибди синаган одам,
Синаган одамга аёндир олам.*

*Яхши ном олади, кўр, эзгу киши,
Ёмонлар насиби — эл-юрт қарғиши.*

Тажрибаларда жуда кўп марта тасдиқланган шундай ҳикмат бор: ёмонларнинг омади ҳеч қачон келмайди, уларнинг иши ҳар вақт орқага кетади.

*Ёмонлик гўё ўт, ёндирар, ёқар,
Ўтишга кечиг йўқ; у сой тез оқар.*

Агар ўтмишдаги аждодларга назар солгудай бўлсанг, бир ҳолатни кузатасан, оддий одам ҳам, катта мартабадаги кишилар ҳам билимли ва доно бўлса, улар эл-юрт тадбирини ўйлашган. Бугун ҳам эзгу деб аталган ҳар қандай одам эзгуларга бош бўлади. Бошлиқ билимли ва доно бўлса, атрофига ўзига ўхшаганларни йиғади. Бу хил бошлиқ элини бойитади. Билимли ва доно бошлиқ сахий деган ном олади. Сахий бўлса ҳам номи тирик қолаверади.

Жаҳонда билимдан улуғ, билимдан азиз нима бор? Билимсиз десалар, бу инсон учун ҳақоратдир.

*Нима дер, эшитинг, билимли киши,
Жаҳонни кўп кўриб, оқарган боши:*

¹ Заҳҳок — ситамкорлиги, қаттиққўл ва зулмпарварлиги билан шуҳрат қозонган афсонавий ҳукмдор. Афсоналарга кўра, унинг елкасига жойлашиб олган икки илон (аждар) одамнинг мияси билан озиқланган. ² Фаридун — шахс номи, Эроннинг мифологик ҳукмдорларидан бўлиб, Жамшид авлодларидан саналади, у Заҳҳокни енгиб, қоронғи бир ғорга тиқиб қўяди ва бутун инсониятни унинг зулмидан озод қилади.

*Билимсизга тўрдан ўрин бўлса, кўр,
Бу тўр пойгак бўлди, пойгак эса тўр.*

Аммо донога қуйидан, пойгакдан тегса, ўша пойгак тўрдан ҳам баланд саналади. Донога кўрсатиладиган бундай иззат-икром, ҳурматнинг сабаби, ҳеч шубҳасиз, билимдир.

Билимсиз киши йили — ҳайвон билан тенг. Билим оталар сўзидан жамланган:

*Оталар сўзидир биз учун мерос,
Оталар сўзининг нафи беқиёс.*

Билимсизни ақл-идрок эгалари кўзи кўр одамга қиёслашади. Эй ўғлон, билимдан улуш олгин!

*Киши кўрки сўзу бу сўз бепоеъ
Э тил, мақта эзгу кишини ҳар он!*

*Масал бор туркчада, бунга қиёслаб,
Ушани дейин мен сўзимга мослаб.*

*Уқув кўрки сўзу бу тил кўрки сўз,
Киши кўрки юзу бу юз кўрки кўз.*

Киши сўзини тили билан сўзлайди. Сўзлари яхши бўлса, унинг юзи сув олади, яъни обрў қозонади, эътибор топади. Бунга қадимги турк халқларида мисоллар кўп:

*Бу турк бекларининг етук, сараси,
Алп Эр Тўнга эди — ёйилган саси.*

Алп Эр Тўнганинг билими улуғ, ҳунари талай эди. Унинг тенги топилмасди. Тожиклар уни Афросиёб деб аташган.

*Ҳунарлар керак эр йигитга, билим,
Агар етсин деса ҳар ишга қўлим.
Тожиклар китобда битишган бунни,
Битигда бўлмаса ким уқар уни.*

*Жуда яхши деган озиқли ботир,
Туғунлар ёзишга озиқли қодир¹*

¹ Уша китоб, 15—17-саҳифалар.

УҚУВ ҚУТ БЕРАДИ, БИЛИМ — ШАРАФ-ШОН

Уқув-идрок, билим ҳақида алоҳида тўхташ жоиз. Уқув-идрок қоронғи тундаги машъалга ўхшайди. Билим эса ўша машъалдан таралаётган нурга қиёс. У кишини ёритади, унга рўшнолик беради.

*Уқув қут беради, билим — шараф-шон,
Шу икков туфайли улғудир инсон.*

Бунга ишонмасанг, шубҳа қилсанг, кўзингни катта оч! Ўзингни заковат нури билан ёритиб кўр. Менга до-нишмандларнинг битта ҳикматли сўзи яхши маълум: билимдон ўз билимлари туфайли бало-офатлардан омон қолади.

Телба, нодон киши ўлса, ажабланмаслик керак: аслида уларнинг тирик чоғлари ҳам ўлимдан фарқ қилмайди. Уқувсиз кишининг иши юришмайди.

Ҳурмат кишининг уқув-идрокидан келади. Уқув-идроксиз киши бир ҳовуч кепак билан тенг. Буларнинг барини кузат, қара, бил! Шунда уқув-идрокли доно кишиларнинг туб-асли сенга маълум бўлади.

Уқув-идрок кишини покиза қилади. Билим эса юксалтиради. Инсон заминда пайдо бўлган экан, бошқа мавжудотлардан ўз билими билан фарқланади.

Дунёдаги турли-туман санъат, сон-саноқсиз ҳунарлар уқув ва билимга таянгани учун мақталади, тиллардан тилларга кўчиб юради. Уқув-идрокдан озгина улуш олган киши ҳам талай наф кўради. Зеҳн солиб қара ва билгинки, қуйидаги тўрт нарсанинг озини ҳам асло оз ҳисоблаб бўлмайди.

*Бу тўртнинг бири ўт, бирови — ёғи¹,
Учинчи — касаллик — умр тузоғи.
Яна бу билимдир уларнинг бири,
Бошингда баланд тут, шу улар сири.
Билим кимё мисол: у туради жим,
Заковат саройи каби ўзи ҳам.*

Билим ипар² билан жуда ўхшаш. Уларнинг ҳар иккисини ҳам яширмақ беҳуда. Ипорни яширсанг, ҳиди

¹ *Ёғи* — душман, ёв. ² *Ипор* — мумтоз поэзияда жуда кенг қўлланадиган образлардан бўлиб, гоҳ рангига, гоҳ ҳидига кўра ўхшатилади. Ипор аслида қуриб олинадиган хушбўй моддалардан бири. Ранги қорамтир бўлиб, сандал, гулоб, мушк ва заъфарондан қўшиб тайёрланади.

билдириб қўяди. Билимингни яширсанг, тилинг фош этади. Билим аслида битмас-туганмас бойликка ўхшаш. Аммо унинг бошқа бойликлардан туб фарқи бор:

*Билим — бойлик ахир, заволдан йироқ,
Уни ола билмас қароқчи бироқ.*

Билим ва заковат кишига қўйилган ўзига хос кишандир. Кишиланган от, одатда ёвуз ва ярамас нарсалардан узоқ бўлади. Шунингдек, суюкли зўр отлар ҳам кўпинча тушовланган бўлади. Суюкли отнинг тушовланишига сабаб — унинг эҳтиётланиши.

*Кишанлик кечолмас, керакча юрар,
Тушоқлик кетолмас, тургунча турар.*

Заковат ўзаро онт ичишиб дўстлашган кишиларга ўхшаса, билим яқин қариндошларга ўхшайди. Буни дилга тугиб олиш лозим. Дўст-оғайнилар, қариндош-уруғлар даврасидаги киши ўзини дадил сезади. Билим-сизлар-чи?

*Билимсизга душман билим, қилиғи,
Етар икковининг шу қилғилиғи.*

*Шунга ўхшар энди бу туркча мақол,
Уқигин уни сен, дилу жонга ол:
Уқувли кишига заковати эш,
Билимсиз кишига мукофот — сўкиш.*

*Билимлига билим тугал тўн, ош-эй,
Билимсиз қилиғи ёвуз йўлдош-эй!*

Эй, заковатли инсон! Қаҳру ғазабдан йироқ тур. Эзгу йўлни — билим йўлини танлагин. Агар қаҳру ғазаб ишга тушадиган бўлса, барча тириклигу кечаётган ҳаётинг бекор.

*Укинчи бўлади ғазабнинг иши,
Ишида адашар ғазабкор киши.*

Йигитга оғирлик ярашади. Қилиғи гўзаллик унга чирой. Унинг феъл-атвори худди Кун ва Ойдек бошқаларни ўзига жалб этсин.

*Уқувли бўлса, то фарқласа кишин,
Билимли бўлса, то соз этса ишин.*

*Қобил-ноқобилни кўролса тугал,
Керак-кераксизни билса мукаммал.*

Йигит деган ҳар ишнинг уддасидан чиқса. Бутун ишда ўзини қўлга ола билганлар барча ишларни тўла ва тугал адо этишади. Билимдиларнинг ишни ҳал этиш усуллари шу. Бундай одам тилагига етади, мақсадига осон эришади.

*Ёвуздир кишига бу қаҳру итоб,
Булардан ширин жон чекади азоб.*

Донишмандлар кузатиши шундай ҳикматни юзага келтирган: одам қаҳрланса, билимсиз бўлади, жаҳл келса, ақл кетади:

*Бу бир қанча нарса кишига бало,
Буни билиб олсанг, бўлади аъло.*

*Буларнинг бошида тилнинг ёлғони,
Яна бири — алдов, билиб ол они.*

*Яна бир бошқаси май ичса суйиб,
Бўлар иш бўлади, дил қолар куйиб.*

*Яна бири ортиқ қилиқ, ҳаракат,
Бу ортиқ қилиқдан кетар баракат.*

*Яна бири яроқсиз ёмон феъл бутун,
У қўзғар кишилар уйда тутун.*

*Булар гар бирикса бари ўзаро,
Муқаддас саодат кетар аввало.*

*Фалак боқмас унга — боши айланар,
Бошида тегирмон тоши айланар.*

Киши эзгулик қилиши керак. Эзгунинг ҳар бир иши чиройли, ҳар бир қадами гўзал. Эзгу асло қаримайди. Ёмон юзга кирса ҳам эзгу бўлолмайди. Узун ёшли эзгу эса севинчда юради. Эзгу ҳар куни янгидан-янги тилак-мақсадларга эришаверади. Ёмонларнинг эса кундан-кунга мунг ва алами ортади¹.

¹ Уша китоб, 17—19- саҳифалар.

ХАТ ЧИРОЙЛИ БЎЛСА, ҚЎНГИЛ ОЧИЛАР

... Хабар беришнинг энг қулай усули ёзувдир. Чунки барча эзгу сўзлар ёзувда жамланган бўлади. Хотирада сақланадиган кўплаб эзгу сўзлар сабаби ҳам ёзув. Агар бизгача қолган бу қадар кўп мактуб ва ёзувлар бўлмаганида билим ва ҳикматларни, илм-фанни ҳам англаб бўлмас эди.

*Битиб қўймасайди доно қалами,
Қоронғи қоларди мозий олами.*

Ёзув бўлмаса, оддий сўзларга ҳамма ҳам ишонавермайди. Хусусан, бошқаларга, узоқ элларга хабарлаш эҳтиёжи туғилганида, бу ишни бирор мулозим ёзувсиз эплай олмайди.

Мамлакат ишига нафи энг кўп тегадиган тоифа уч хилдир: биринчиси— билимли, донишманд кишилар; турли касб-ҳунар эгалари; иккинчиси — ботир, шер-юраклар. Улар бўри-ёвга қарши кураш пайтида асқотади; ниҳоят, учинчи гуруҳни сўзамол котиблар ташкил этади.

Доно, заковатли кишилар қийин муаммоларни ҳал этишда ёрдамга келади.

Ботирлар қўлига қилич тутгудай бўлса, ёв титроққа тушади. Ёзувчи-котиб эса эл ишини осонлаштиради. Ундан машаққат тугунлари ечилади.

Агар шу уч тоифа бир ерга жамлангудай бўлса, барча тилаклар амалга ошади. Бошқаларнинг барчаси уларга эргашади.

*Фозилдир билимдон эса ҳар киши,
Қилич қайрамоқ ҳам йигитнинг иши.
Қиличга бош эгар гарчи юрту эл,
Қаламдан яшнагай элат ёз-қиши¹.*

Ҳикоят

Мисрда икки амирзода бор эди. Улардан бири илм ўрганиш билан, иккинчиси эса мол-дунё тўплаш билан шуғулланди. Оқибатда, бири ўз асрининг бемисл олими, иккинчиси эса Миср подшоҳи бўлди. Шундан кейин давлатманд амирзода олим амирзодага таҳқир назари

¹ У ш а к и т о б, 61—62-саҳифалар.

билан боқиб деди: «Мен салтанатга эга бўлдим, сен ҳамон хор-зор бўлиб юрибсан». Шунда олим амирзода деди: «Эй биродар, мен парвардигорга кўпроқ шукур айтмоғим керак, зероки, мен пайғамбарлар меросига эга бўлдим, яъни илм-фанни эгалладим, сен бўлсанг, Фиръавн ҳамда Ҳомоннинг меросига эга бўлдинг, яъни Миср мамлакатига подшоҳ бўлдинг».

*Эзилган бир чумолиман оёқ остда жим,
Аримасман ва дастимдан нолимас ҳеч ким.
Одамларга озор бермоқ учун йўқ кучим,
Шукрим қандай изҳор этай бу неъмат учун¹.*

Ҳикоят

Бир кишининг кўзи оғриб қолди, у байтор (мол доктори) нинг олдига бориб: «Кўзимни давола»,— деди. Байтор қорамолларнинг кўзига қуядиган доридан қуйди. Беморнинг кўзи кўр бўлиб қолди. Улар жанжаллашиб қозининг олдига бордилар. Қози деди: «Байторда айб йўқ. Агар бу бемор эшак бўлмасайди, байторнинг олдига бормасди».

Ушбу ҳикоятдан мақсадим шуки, ҳар кимса билим-сиз одамга катта ишни топширса, охирида пушаймон бўлади ва донолар наздида тентак саналади.

*Буюрмас ақллик киши ҳеч маҳал
Тамизсиз кишига муҳимроқ бир иш.
Бўйра тўқиган ҳам тўқувчи, лекин
Қўлидан келарми ипак иш тўқиш².*

Ҳикоят

Бир вазирнинг такасалтанг ўғли бор эди. Вазир ўғлини бир донишманд ҳузурига элтиб: «Шуни тарбия қил, шояд, ақли кириб, одам бўлса»,— деди. Донишманд вазирзодани узоқ муддат тарбия қилди, фойдаси бўлмади. Боланинг отасига бир одам орқали: «Ўғлинг одам бўлмади, мени ҳам ақлдан оздирди», деб хабар қилди.

¹ *Саздий*. Гулистон. Фафур Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1968, 93—94-саҳифалар. ² Уша китоб, 153-саҳифа.

*Қобилият бўлса аслида,
Тарбият унга қилади асар.
Қанча уринма бўлмас сайқали,
Темир аслида бўлмаса жавҳар.
Шундайча қолур Исо эшаги,
Маккага бориб келса ҳам агар¹.*

КАМБАҒАЛ ДАРВЕШ ВА МУТАҚАББИР ҚОЗИ

Қадим замонларда бир қозикалон маҳкамасига муллалар ва бойлар йиғилиб, диний бир масалани муҳокама қилардилар. Шу вақтда эски кийимли бир камбағал дарвеш йиғинга кириб келиб, мулла ва бойлар қаторидан жой олди.

Қози дарвешнинг мулла ва бойлар қаторида ўтирганини кўриб, ғазабланди:

— Сен нега муллалар ва бойлар орасида ўтирасан, ўз мартабангни билмайсанми? Дарҳол туриб пастда ўтир ёки чиқиб кет,— деди ва хизматчисига дарвешни эшик ёнига ўтқазишни буюрди. Хизматчи келиб дарвешнинг ёқасидан ушлаб, пастга туширишга ҳаракат қилиб:

— Сен уламою бойлар мажлисида ўтиришга муносиб одам эмассан, нега ўз ҳаддингни билмай, улар орасида ўтирасан? Пашшанинг арслон билан курашишга кучи етмайди. Сенинг фазл-камолинг йўқ, камбағал дарвеш одамсан, уламо ва бойлар музокараларига аралашиб учун илмий куч керак, сенда у йўқ, тур, пастда ўтир, бўлмаса қувлаб чиқараман,— деди.

Дарвеш оҳ тортди, қози ва хизматчининг сўзларидан дили ранжиб, ноилож пастга тушиб ўтиришга мажбур бўлди. Муллалар музокара қилаётган масалалари устидан тортишдилар, хўрозга ўхшаб бир-бирларига ҳужум қилдилар, икки томонга бўлиниб, ғавғо, жанжал кўтардилар. Ёқа бўғишишга яқин қолди. Лекин масала ҳал этилмади. Дарвеш уларнинг қилиқларидан кулиб жим ўтирарди, ниҳоят, чидамади, икки тарафни жанжалдан тўхтатишга даъват қилиб айтди:

— Бўйинларингизни чўзиб, гардан томирларингизни шишириб жанжал қилишингизнинг масалани ҳал қилишга ҳеч алоқаси йўқ. Масала далилсиз, ҳужжатсиз ҳал этилмайди. Бу масала устидан менинг ҳам маълу-

¹ Саъдий. Гулистон. Ғафур Ғулум номидаги бадий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1968, 143-саҳифа.

мотим бор. Илмда қувват-қудратим етарли даражада, савол ва жавобга тайёрман, ўтиринг, жанжаллашманг, сўзимга қулоқ солинг.

Мулла ва бойлар ҳайрон бўлиб, ундан ўз фикрини сўзлашни сўрадилар. Камбағал дарвеш шу қадар фасоҳат билан сўзладик, мажлис аҳли ҳайратда қолди. Дарвеш масалани қатъий далиллар билан ҳал қилди, ҳар тарафдан таҳсин, офарин товушлари эшитилди.

Мутакаббир қози ҳам дарвешнинг илм-фазлига қойил бўлиб, ўзининг ипакли тўнини, мисқоли салласини хизматчисининг қўлига берди ва буларни дарвешга кийдиришга буюрди, дарвешдан узр сўраб:

— Эй дарвеш, сенинг қадр-қимматингни билмабман. Бу тўнни кийиб, саллани ўраб, юқори чиқиб ўтир,— деди.

Хизматчи дарвешга таъзим қилиб, салла ва чопонни унга кийгизмоқчи бўлди. Дарвеш уни ёнига яқинлаштирмай, айтди:

— Нар и туринг, такаббурлик ва ғурурга сабаб бўладиган бу тўн билан салла менга керак эмас. Эски-туски либос ақл-фаросатимни камайтирмагани каби ипакли тўн, мисқоли салла оширмайди. Ақл либосда эмас, бошдадир. Шундай кишилар бор, қимматбаҳо либослар кийганлар, ўзларига оро берганлару илм, маърифатдан, одоб-тарбиядан бебаҳрадилар. Шундай кишиларни бошқалардан юқори, эски-туски кийимдагиларни эса улардан тубан санаш инсофдан эмас...

«Ўзига қарама, сўзига қара», дейилган ҳикматли мақолга биноан одамнинг либосига, зоҳирий суратига эмас, фазл-камолига, ақл-ирфонига, сўзига, ахлоқ-тарбиясига эътибор беринг¹.

ИЛМ

Илм деб ўқимак, ёзмакни яхши билмак, ҳар бир керакли нарсаларни ўрганмакни айтулур. Илм — дунёнинг иззати, охиратнинг шарофатидур. Илм инсон учун ғоят олий ва муқаддас бир фазилатдур. Зероки, илм бизга ўз аҳволимизни, ҳаракотимизни ойина каби ўткур қилур. Савобни гуноҳдан, ҳалолни ҳаромдан, тозани мурдордан айуруб берур. Тўғри йўлга раҳнамолик қилуб, дунё ва охиратда масъуд бўлишимизга сабаб бў-

¹ Оз-оз ўрганиб доно бўлур. Донишмандлар бисотидан ҳикоятлар, ўғитлар, ҳикматлар. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1988, 180—181-саҳифалар.

лур. Илмсиэ инсон мевасиэ дарахт кабидур. Чунки илм-
сиэ кишилар ота-онасига, қариндош-уруғига, ёр-дўсти-
га, дин ва миллатига фойда еткурмак бир тарафда
турсун, ўз устига лозим бўлган ибодат ва тоатни ҳам
лойиқича қила олмас. Илмнинг фойдаси у қадар кўп-
дурки, таъриф қилгон бирла адо қилмак мумкин эмас-
дур. Бизларни жаҳолат қоронғулиғидан қутқарур. Ма-
даният, инсоният, маърифат дунёсига чиқарур, ёмон
феъллардан, бузуғ ишлардан қайтарур, яхши хулқ ва
адаб соҳиби қилур, аллоҳ таолога муҳаббат ва эътиқо-
димизни ортдирур, жаноби ҳақнинг азамат ва қудрати-
ни билдирур. Алҳосил, бутун ҳаётимиз, саломатимиз,
саодатимиз, сарватимиз, маишатимиз, ҳимматимиз,
ғайратимиз, дунё ва охиратимиз илмга боғлидур. Пай-
ғамбаримиз: «Илмга амал қилгучилардан бўлингиз,
нақл ва ривоят қилгучилардан бўлмангиз»,— демишлар.

*Илм бир дарё, ичи тўлмиш дуру гавҳар билон,
Қиймату қадрин қачон билғай они жоҳил йилон.*

Олим кишилар ҳар ерда азиз ва ҳурматлидур. Ша-
риятимизда қайси илмга муҳтож бўлсанг, шуни билмак
бизга фарздур.

Шунинг учун ўқимак, билмак замонларини қўлдан
бермай, вужудимизнинг душмани бўлган жаҳолатдан
қутулмакка жонимиз борича саъй қилмагимиз лозим-
дур¹.

ИНСОНПАРВАРЛИК

ЖУВОНМАРДЛИК² ЗИКРИДА

Эй фарзанд, агар сен жувонмардлардек ҳаракат
қилмоқ тиласанг, дастлаб жувонмардлик нима эканли-
гин ва унинг қандоғ пайдо бўлурын аниқ билғил. Бил-
ғилки, одам уч хил сифатга эгадур. Барча шахс, у хоҳ
доно, хоҳ нодон бўлсин, шу уч нарса била хушнуддур...
Бу уч нарсанинг бири ақл, бири ростлик ва бири жу-
вонмардликдур.

Халқнинг даъвосига ҳақиқат била қарасанг, ҳеч киши
ақл, ростлик ва жувонмардлик билан ёлғон даъво қил-

¹ Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. «Ўқитувчи»,
Тошкент, 1992, 22—23- саҳифалар. ² Жувонмардлик — инсонпарвар,
сахий.

мағусидур. Нединким бу уч сифатга эга бўлмагон ҳеч киши йўқдур. Аммо одатнинг тундлиғи (шиддатлиғи, ғазаби) ва хиралиғи (даҳшатли қоронғулик) халқнинг асли йўлини боғлаб қўяди. Инсон асли барча илми ўргана олади. Одамнинг тани кўзга кўринадурғон ва кўзга кўринмайдурғон моддалардин тузилғон. Демак, инсоннинг баданида бир қисм табиий кучлар: осмон гумбази, юлдузлар, моддалар, унсурлар, нафас, шакллар, жонлар, ақллар мавжуддурки, уларнинг ҳар бири алоҳида бир оламдур, яъни мураккаб бир мажмуъ бўлмишдур. Бас, кўрмасмусан, бу улуғ жаҳонда кўк гумбази ҳам, юлдузлар ҳам, табиий кучлар ҳам буларнинг бари хилма-хил моддалар бўлсалар ҳам, табиат бандида бир-бирларига боғлиқдурлар, яъни ўт ва сув барча сифатда бир-бирига зиддур. Андоқким, ўт ва сув барча сифатлари била зиддурлар, тупроқ ва ел ҳам бир-бирига зиддур. Демак, ер тупроқ, ўт ва сувнинг орасида воситачи бўлиб, уларнинг орасини улуғ банд қилиб боғлайдур. Шу тариқа ердаги қурғоқчиликнинг олов била, совуқликнинг сув била боғланиши орасида банд пайдо бўлди, лекин қувват моддаси била мазкур банд узилди. Кўп фалакдин, фалак ҳаюло¹ дин, яъни ҳар бир нарсанинг асл моддаси ва моҳиятидин, ҳаюло нафасдин, нафас ақлдин ушбу қиёс била жудо бўлди. Одам жисмида тириклик ва оғирлик табиат қуввати орқали жам бўлади. Сурат, чеҳра, ҳаё, қувват, ҳаракат фалакдин жам бўлди. Бешта жисмоний сезги, яъни эшитмоқ, кўрмоқ, искаммоқ, тотмоқ, сийпаламоқ ҳаюлодин жам бўлди; ёд этмоқ, тафаккур қилмоқ, хаёл этмоқ, сўз айтмоқ, тадбир қилмоқ жон орқали жам бўлди. Одамнинг баданидаги шариф² нарсаларнинг манбаи йўқдур ва уларнинг ўрнини кўрсатиб бўлмас. Нединким жувонмардлик, донишлик, камолот, шариф — буларнинг ҳаммаси ақлнинг сармоясидур ва олий ақл ташаббуси била баданда пайдо бўлдилар. Демак, тан жон била, жон нафас била ва нафас ақл била тирикдур. Ҳар кишини тирик кўрсанг, у жонсиз эмасдур, ҳар одамни жонли кўрсанг, у нафассиз эмасдур, ҳар кишини нафасли кўрсанг, у ақлсиз эмасдур. Бу аҳвол барча одамда мавжуддур. Лекин тан била жоннинг орасида беморлик пардаси бўлса, жондин танга модда, яъни қувват ва ҳаракат етишмас. Ҳар кишининг нафаси била жони орасида

¹ Ҳаюло — модда. ² Шариф — тароватли, шарафли, азиз, қадрли, олжаноб.

оғирлик ва нодурустлик шардаси бўлса, нафасдан жонга модда тамом етишмас. Ҳар бир одамнинг нафаси била ақли орасида жаҳл хиралик пардаси бўлса, ақлдан жонга фикр, тадбир, жувонмардлик ва ростлик етишмас. Демак, ҳақиқатан, ақлли ҳамиятсиз бўлмағусидур. Лекин олий файзга руҳоний йўли боғланса, бундай ҳолда бемаъни фикрлар туғиладур.

Дунёда мардумлик, яъни жувонмардлик даъвосини қилмағон ҳеч одам йўқдур, лекин, эй фарзанд, сен жаҳл қилиб ўзгалардек бўлмағил ва бемаъни даъво қилмағил, Файзи олийни ўрганмоқ ва идрок қилмоқ зикринда руҳоний йўлни таълим ва тафҳим¹ била очиқ тутғил токи сендан маъно даъво қилмағайлар.

Эй фарзанд, билғилки, донишлар ақл ва жувонмардликдин алфоз² била жасадсиз бир неча сурат ясабдурлар. Бу суратлар тан, жон, ҳавос³ ва маоний⁴ сура-тидур. Дебдурларки, бу суратнинг тани — жувонмардлик, жони — ростлик, ҳавоси — донишмандлик, маонийси — сафодур. Бу суратларни халққа тақсим қилдилар: бир гуруҳга тан тегди, ўзга нарса етмади, бир гуруҳга тан, жон, ҳавос ва маоний тегди. Тан етгон гуруҳ иёрлар ва сипоҳийлардурки, халойиқ уларга жувонмардлар деб от қўйдилар; тан ва жон етгон гуруҳ зоҳирда маърифат соҳибидурларки, халойиқ уларга ёлгон маърифат деб от қўйдилар; тан жон ва ҳавос етгон гуруҳ ҳукамо, анбиё ва авлиёдурларки, халойиқ уларга ғоят донишманд деб от қўйдилар: тан, жон, ҳавос ва маоний етгон гуруҳ фаришталардур ва уларга жувонмардлик насиб бўлди.

Жувонмардликнинг асли уч нарсадур: бири улким, айтгон сўзингни ўзинг қилсанг; иккинчиси улким, ростликка хилоф қилмасанг; учинчиси улким, хайр ишини илгари тутсанг. Одамдаги қолгон барча сифатлар бу уч нарсанинг остидадур.

Эй фарзанд, агар сенга мушкул бўлса, мен бу уч сифатни тадбир била, бу қавмнинг ҳар бирига мартаба ва андозасига лойиқ тақсим қилурман. Билғил, жувонмардлик ва иёрлик шундай кишига сазовордурки, унинг бир қанча ҳунари бўлсин. Бу ҳунардин бири: жасур, мард, сабр-матонат, ваъдага вафо қилмоқ, пок дил ва пок забон бўлмоқ бўлса, яна бири улким, ўз маифаатин кўзлаб асирларга озор бермаса, бечораларга мадад етурса, ёмонларнинг ёмонлигини яхшилардин йироқ тут-

¹ Тафҳим — тушунтириш, англатиш. ² Алфоз — сўзлар, лафз. ³ Ҳавос — ҳислар, сезгилар. ⁴ Маоний — маънолар.

са, рост сўз айтса, ўз танидин дод берса, яхшига ёмонлик еткурмаса, зиёнидин омон тутса, одамларга зиёнзарар еткурмаса, яхши қарағилки, бундай ишларнинг ҳам охири ул уч сифатга вобастадур.

Ҳикоят. Айтурларки, бир кун Кўҳистондаги бир уйда иёрлар жам бўлиб ўлтирар эрдилар. Бир киши эшикдин кириб, салом бериб деди: «Мен Марв иёрларининг элчисидурман. Улар сизларга салом бериб юбордилар ва дедиларки, бизлар бир масалани сўрармиз. Агар бу масалага жавоб берсангизлар, сизларнинг улуғлигингизга рози бўлурмиз. Агар тўғри жавоб бера олмасангизлар сизлар бизларнинг улуғлигимизга иқрор бўлингизлар». Улар элчига дедилар: «У масалани сўрағил». Элчи деди: «Улар сўраб юбордиларки, жувонмардлик недур ва жувонмардлик била ножувонмардликнинг орасида фарқ недур? Агар бир иёр йўлнинг бошида ўтирғон бўлса ва бир киши унинг олдидин ўтиб кетса. Бир оз фурсатдин сўнг унинг изидин яланғоч қилични қўлга олиб бошқа бир киши ўтса. У ўтиб кетгон одамни ўлдирмоқ учун йўл бошида ўтирғон иёрдан «фалон киши шу ердан ўтдим» деб сўраса, қандай жавоб бермоқ керакдур. Ўтмади деса ёлғон сўз айтгон бўлур, агар ўтди деса ғаммозлик қилғай. Бу икки иш ҳам жувонмардлик тариқидин эмас».

Кўҳистон иёрлари бу масалани ва бу сўзни эшитгонларидин сўнг ҳайрон бўлиб, бир-бирларига қарашдилар. Буларнинг орасида Афзал Ҳамадоний дегон бир киши бор эрди. У деди: «Жувонмардликнинг асли — айтгон сўзни бажармоқдур. Жувонмардлик била ножувонмардлик орасидаги фарқ сабрдур. Йўл устидаги иёр ўтирғон жойидин бир қадам илгари ёки бир қадам кейинроқ ўтириб: «Мен бу ерда ўтириб эрдим, ҳеч киши бу ердан ўтгон йўқдур», деб жавоб берса, у шу тадбир била рост сўз айтгон бўлур».

Демак, эй фарзанд, бу иёрларни эсга солса-да, сипоҳийлар ҳам бу расм била бўлмоқлари шартдурки, сипоҳийнинг иши иёрлик иши била тамоm бўлур. Лекин каримлик, меҳмондорлик, сахийлик, тўғрилик, ҳақшунослик, пок жомалик, яхши яроғланиш сипоҳийга хосдур. Сипоҳийга тавозеъ ва сарафкандалик¹ бир ҳунардур, иёрга айбдур. Аммо бозор одамларининг жувонмардлигида ҳам анча шартлар бордурки, уларни мен ўзга

¹ *Сарафканда* — боши эгилган, камтар.

пешаварларнинг бобида зикр қилдим, такрор қилмоққа ҳожат йўқдур. . Жувонмардлик одоби шундоқки: ни-фоқ жиҳатидин ҳеч одамнинг пардасин йиртмаслар; халойиқни бир ишда саҳв¹ этиб, омонлик тилаб келса бахиллик қилмаслар; . . . халқнинг орасида кишига кўп панд² бермаслар. Кишининг ҳаргиз қони тўкилишига саъй этмаслар. Қатли вожибга ҳам фатво бермаслар, нединким, хато фатвони тузатса бўлур, аммо бегуноҳ ўлдирилғонни тузатиб бўлмас, ўлғон асло тирилмас. Авоми гуноҳга далир қилмаслар.

Аҳли тасаввуфнинг жувонмардлигини ўтғон устодлар кўп китобларда зикр этибдурлар, мен уларнинг ҳаммасин баён қила олмағайман.

Эй фарзанд, менинг арзим бу китобда сенга панд бермоқдур. Агар сен ушбу гуруҳ била ҳаммажлис бўлсанг, сен уларга оғир тушмағил ва улар ҳам сенга оғир тушмасин. Бу тоифанинг жувонмардлигини сенга айтурман, нединким, яхши зиндагонлик қилмоқда. Бу тоифага ўзга тоифадин кўп ранж етишар ва ўзларин барчадин баландроқ кўрарлар. Жувонмардликнинг асосий фазилати манманликни бошидин чиқармоқ ва ўзгага қасд қилмасликдур. Яна бу тоифанинг адаб ва жувонмардлиги икки нав бўлур: бири тасаввуф дарвешларига хос бўлур, бири муҳибларга мансуб бўлур. Мен иккала навини ҳам баён қилурман.

Билғил дарвешликнинг шарти улдурким, у ҳамиша мужаррад³ бўлғай.

Ҳикоят. Шундоқ эшитдимки, бир вақт икки сўфи йўлдош бўлиб бир тарафга борур эрдилар. Бири мужаррад эрди ва бирининг ёнида беш тиллоси бор эрди. Мужаррад сўфи ҳеч хавфсиз борур эрди ва ҳамроҳ талаб қилмасди. Ҳар жойгаки борса, у жой қанчалик хавотирли бўлса ҳам у ҳеч андиша қилмас ва ўтириб роҳат қилар эрди. Беш тиллоси бор сўфи ҳам уни билан кетиб борарди. Аммо доимо бадбуруш, мутафаккир ва андуҳгин эрди. Бир вақт бир қудуқнинг бошига етдилар. Бу ер ҳаддин зиёда хавфли ва ўғриси кўп эрди. Мужаррад сўфи мазкур қудуқдин сув ичиб, беҳавотир ётиб роҳат қилди, аммо беш тиллоси бор сўфи хавфдин ухлай олмади ва ҳамиша ўзига дер эрдикки, «Оҳ, на қилай?!» Бунинг овози мужаррад сўфининг қулоғига етиб уйғонди ва унга деди: «Эй фалончи, сенга нима

¹ Саҳв — хато, янглишиш. ² Панд — ўғит, насиҳат. ³ Мужаррад — яланғоч, холи, танҳо.

бўлди, тинмай, «Оҳ на қилай»,— дерсан?». У деди: «Эй биродар, менда беш тилло бордур. Бу жой хавфликдур, сен бу жойда бежавотир ухларсан, мен эрса хавотирдин ухлай олмасман ва ҳатто ўтира олмасман ҳам».

Мужаррад сўфи деди: «Тиллонгни менга берғил, токи мен бу тиллонгга бирон чора қилай». Сўфи тилло-ни унга берди. У олиб тиллони қудуққа ташлаб юборди ва деди: «Мана энди, «оҳ, на қилай» ингдан қутулдинг. Энди тинчгина ўтирғил, фароғат билан ухлағил. Билғилки, мужаррад кишининг ҳеч офатдин хавфи бўлма-ғай.

Эй фарзанд, билғилки, агар назаринг бир бўлса, барча офатдин омон юрғайсан. Агар биродаринг ҳақида жанжал қилсанг ҳам, ўзинг ҳаққингда биродаринг била ҳеч вақт мукошафа¹ қилмағил. Манманликни бошингдан чиқарғил ва соҳибни беғараз бўлғил. Тасдиқ ва тажаррудга назар қилғил ва ҳеч нарсага иккилик кўзи била қарамағил.

Эй фарзанд, билғилки, агар киши сидқидил била сувга оёқ қўйса, сув ҳам унинг оёғи остида қаттиқ бўлур. Агар бирон киши бу бобда сенга авлиё кароматидан бир ҳикоят қилса ва ул ҳикоят ақл тариқидин йироқ бўлса, ҳамда сенга номумкин кўринса ҳам унга рой, эътиқод қилғил. Дарвеш шундай кишидурки, у ҳар бир нарсага сидқ кўзи билан қарағай, унинг зоҳири ва ботини бир бўлғай ва кўнглини тавҳид фикридин холи қилмағай. Қаттиқ андиша ва оҳисталикни ихтиёр этғай, токим тафаккур ўтига қўймағай, нединким бу тариқа соҳиблари тафаккурни улуг ўт деб билурлар, сидқ суви эса унинг тасаллиси бўлур. Демак, улар ишрат ва рақс самоъ² ни тасаллига дом қилмишлар, агар дарвешлар самоъ оҳангига мойил бўлмасалар, ҳамиша тафаккур ўтига куярлар, нединким ҳар кишида тавҳид тафаккури бўлмаса, унга самоъ қилмоқ маҳолдур... Дарвеш: ... мулойим сўзлик бўлғай: тан ва жомасин пок тутғай; сафарни дўст тутғай ва биродарларига ҳамма вақт хизмат қилғай; сафарга ҳар одам ҳамроҳ бўлмоғ тиласа ман этмағай ва белини устидин боғлаб, халқ орасига бормағай; ҳар ердин жой берсалар, унда ўтирғай, ичкари кирғон вақтда салом берғай; яхши одамлар билан суҳбат тутғай, беҳуда сўзлашмағай; бир ерга чақирсалар тезроқ борғай, токи азиз бўлғай. Бир

¹ *Мукошафа* — очиш, фoш қилиш. ² *Самоъ* — ашула.

иш қилмоқ бўлса кўпнинг ҳукми ва ризоси била қил-
ғай... Агар ҳожат юзасидин бир жойга кетмоқ, ё либос
киймоқ, ё либосни танидин чиқармоқ тиласа, кўпдан
рухсат олғай; халқдин яширин равишда ҳеч нарса ема-
ғай ва халқнинг олдида кўп сўзламағай... Кўп халқ-
нинг орасида шитоб била юрмағай...

Бу гуруҳ ранж била топғон нонни ганж билғай.
Нон емоқ вақтида суфра¹ дан ғойиб бўлмағай, токи ўз-
галар уни келур деб интизорлик чекмағайлар. Халқ-
нинг олдидаги нонга қўлин урмағай. Агар бир иллат
сабаби била таом егуси келмаса суфра ёйилмасдин бу-
рун узр айтғай.

Эй фарзанд, жаҳд қилки, қандай сифатга эга бўл-
санг ҳам олдинни кўрадиғон бўлғил ва жувонмардлик-
ка яқин бўлғил, токи жаҳон аҳлининг яхшиси бўлғай-
сан.

Агар жувонмардлик йўлида юрмоқ тиласанг ҳамиша
уч нарсани кўзда тутғил: кўзни ёмон назардин, қўлни
ёмон ишдин ва тилни ёмон сўздин сақлашни. Уч нар-
сани дўст ва душманга очиқ тутғил: уй эшигини, суфра
бошини, ҳамёнингнинг боғичини.

Ҳаргиз ёлғон сўз демағилки, барча ножувонмардлар
ёлғон сўз айтмоқдадурлар. Агар ҳар киши сенинг жу-
вонмардлигингга эътиқод қилса, агар у азиз киши бўл-
са ҳам, сенинг олдинда ўзини хор тутар, агар улур
душман бўлса ҳам сенга ўзини таслим қилур ва барча
халқнинг орасида сенинг жувонмардлигингга эътимод
этар.

Бас, жонинг борича кўшиш қилиб жувонмардликни
эгаллағил. Ва яна ҳаргиз ўтғон иш юзасидан интиқом²
қилмоққа машғул бўлмағил, хиёнат қилмоқни асло ўй-
ламағил, нединким хиёнат қилмоқ жувонмардликнинг
шарти эмасдур.

Эй фарзанд, огоҳ бўлғилки, сўз кўпдур. Агар ҳар
тоифанинг жувонмардлигини айтсам, сўз чўзилур, аммо
сўзни мухтасар қилурманки, айтғонларимнинг барчаси
юқорида баён этилғон фикрларга тобедур.

Билғилки, камоли жувонмардлик шулдурки, ўз мо-
лингни аниқ билғил, киши молини киши моли билғил,
халқ молидин тамаъ қилмағил. Ўз қўлинг била қўйма-
ғон нарсани олмағил. Халққа яхшилик қила олмасанг
ҳам ёмонлик қилмағил. Оламда жувонмардроқ киши

¹ Суфра — дастурхон. ² Интиқом қилмоқ — ўч олмоқ.

ҳамиша менинг айтғонимдек тирикчилик қилғай, токи ҳам бу дунёни, ҳам охиратни топғай.

Эй фарзанд, билғилки, бу китобнинг неча жойида қаноатни зикр этдим ва яна такрор қилурман. Аммо ҳамиша дилтанг бўлмасликни тиласанг, қаноатлиғ бўлғил, ҳасадчи бўлмағил, токи вақтинг ҳамиша хуш бўлғай. Нединким, барча ғамнокликнинг асли ҳасаддур. Билғилки, фалак гардишининг таъсиридин одамга нек¹ ва бад² етар. Менинг устозим дердики: «Фалак таъсири била одам бўйнини узатғай ва оғзини очғай. Фалакдин бир саъб³ етса, одам бўйнида кўтарғай ва агар бир луқма етса, оғзига олғай. . .»

Фалак таъсири ҳам шул икки ишдин ташқари эрмасдур. Бу тариқани илгари тутиб, қаноатга одат қилсанг, озод баданинг ҳеч кишининг бандаси бўлмас. Ҳаргиз тамаъни хаёлингга келтурмағил. Нек ёки баддин наинки олдинга келса, рози бўлғил. Билғилки, одам тоифаси хилма-хилдур. . . Лекин уларнинг бир-биридан кам бўлмоғи ниёз ва тамаъ жиҳатидандур. Шунинг учун киши тамаъни тарк этиб, қаноатни одат қилса, барча жаҳон аҳлидин бениёз бўлғай. Демак, ҳеч кишидин тамаъ талаб қилмағон киши жаҳонда энг азиз, мухташамдир. Ул ҳеч одамга ниёзи бўлмағай, тамаъгир ва ниёзманд паст ва хордир. Нединким, бундай киши ўз моли ва жувонмардлиғидин тама қилғай.

Ҳикоят. Шундоқ эшитибманки, Шайх Шибли бир кун бир мачитга борди ва икки ракаат намоз ўқиб, бир оз вақт осойиш топди. Ул мачитда ёш ўғлонлар жам бўлиб китоб ўқир эрдилар. Уғлонларнинг таом ейдиғон вақтлари бўлиб қолди. Буларнинг орасида бир бойнинг ўғли ҳам бор эрди ва бир фақирнинг ҳам ўғли бор эрди. Бойнинг ўғли олдида ҳалво, фақирнинг ўғли олдида қуруқ нон эди. Бойнинг ўғли ҳалво ерди, фақирнинг ўғли ундан ҳалво тилади. Бойнинг ўғли унга деди: «Агар ҳалво емак тиласанг, менинг итим бўл, шундан сўнг ҳалво берурман». Фақирнинг ўғли деди: «Мен сенинг итингман». Бойнинг ўғли деди: «Шундоқ бўлса, итдек ҳурғил». У бечора ит янглиғ ҳурди, шундан кейин бойнинг ўғли бир бўлак ҳалво берди. У ҳар вақт итдек ҳурарди ва бир бўлак ҳалво оларди. Шайх Шибли ҳар вақт уларга қараб йиғлар эрди. Бир куни муридлари ундан сўрадилар: «Эй шайх, не ваядан йиғларсан?».

¹ Нек — яхши. ² Бад — ёмон. ³ Саъб — қийин, оғир, машаққатли.

Шайх деди: «Кўрингларки, беқаноатлик ва тамаъгирлик одамнинг бошига на савдоларни солур. Агар бу ўғлон қуруқ нонга қаноатли бўлиб, ундин ҳалво тиламаса эрди, ўзидек бир ўғлоннинг ити бўлмасди».

Бас, агар зоҳид ва фасих бўлсанг ҳам, қаноатли бўлғил.

Эй фарзанд, билғилки, мен... ақллилик бобини зўрлик била айта олмасман. Ақлни кишига зўрлик била ўргатиб бўлмас. Билғилки, ақл икки хилдур: бири туғма ақлдур, уни азалий дерлар, иккинчиси касбий ақл, бун муктасиб дерлар, касбий ақлга дониш ҳам дерлар. Бас, агар азалий ақл бўлмаса, мен ва сен ҳеч илож қила олмасмиз. Сен муктасиб ақлни пеша қилмоқда камчил қилмағил, қурбинг етғонича ўрганғил. Ақлликлар тоифасидин бўлмасанг ҳам, донишлар тоифасидансан, иккисидан бирига эга бўлғонинг яхшидур, нединким дебдурлар, агар ота бўлмаса, онадин яхши киши йўқдур. Агар оқил бўлмоқ тиласанг ҳикмат¹ ўрганғилки, ақл ҳикмат била камолга етар. Аристотелис донишдин: «Оқилнинг қуввати нимада?»—деб сўрабдурлар. Донишманд: «Барча кишининг кучи овқатдандур, ақлнинг кучи эса ҳикматдандур»,—дея жавоб бермишдур².

КАМБАҒАЛЛАР ҲАҚИДА СЎЗ

Булардан бўлаги бева-бечора,
Едир, ичир, қилғин дардига чора.
Дуочи эрурлар сенга, эй қардош,
Кўп эзгу нарса бу дуо, қариндош,
Элда қўшилажак шу хил кўп киши,
Сенингми тушар ё уларнинг иши,
Ишлари тушганда етказгин ҳақин,
Сенга содиқ бўлар барча ҳам яқин.
Чексиз ҳузур олар шу ширин жонинг,
Номинг эзгу бўлар, ёйилар шонинг³

Ҳикоят

Бир фақиҳ (ҳуқуқшунос) отасига деди: «Воизларнинг дабдабали ва безакли сўзлари менга сира таъсир

¹ *Ҳикмат* — фалсафа. ² *Кайковус Унсурулмаолий*. Қобуснома. «Уқптувчи», Тошкент, 1986, 151—159-саҳифалар. ³ *Юсуф Хос Ҳожиб*. Қутадғу билиг. «Юлдузча». Тошкент, 1990, 97-саҳифа.

этмайди, чунки уларнинг гапирган гаплари қилган ишларига мос келмайди».

*Тарки дунё қилмоқни халққа ўргатар,
Ўзи-чи, йиғади кумуш, ғалла, зар.
Ҳар олим айтганин ўзи қилмаса,
Не ажаб халқ унинг сўзин илмаса?!
Олим ўша киши — ёмонлик қилмас,
Ўз сўзин аксини қилғучи эмас.
Танпарварлик, тўйин ҳаёт пайдан бўлган олим,
Йўлбошчилик қила олмас, ўз-ўзидан бўлар гум.*

Отаси деди: «Эй ўғлим, шундай бир асоссиз мулоҳаза билан насиҳатгўйлардан юз ўгириб, барча олимларни қоралаш, айбсиз олим ахтараман, дея илм ўрганишдан бебаҳра қолмоқ оқилларга муносиб иш эмасдир. Бу ишинг бир кўрнинг ҳолига ўхшайди. Кўр бир кун кечаси лойга ботиб қолиб: «Эй мусулмонлар, менга чироқ тутсанглар-чи, ахир»,— деганида, бир ҳазилкаш аёл: «Ўзинг чироқни кўрмайсану чироқ ёруғида нима кўрардинг!»— деб хитоб қилган. Шунга ўхшаш, воизлар (насиҳатгўйлар) мажлиси ҳам чопонфурушлар дўкони кабидир. Нақд пулинг бўлмаса чопонфурушлик дўконидан мол ололмайсан, воизлар мажлисида ихлос қилмасанг, кўнглингда хотиржамлик пайдо бўлмайди».

*Олим айтганига жон қулоғин тут маҳкам,
Ўз сўзи ишига тенг бўлмаган чоғида ҳам.
Мақтанчоқ кишиларнинг гаплари эрур бекор,
Ухлаган ухлаганни уйғотганми бирор дам?*

*Деворга ёзилган бўлса ҳам ўғит,
Унга амал қилгай эси бор одам.
Хонақоҳдан мадрасага келди юракли киши
Ва тариқат аҳли билан улфатчиликни узди.*

*Мен сўрадим: «Олим билан художўйнинг фарқин айт,
Нима учун олимларга тортимингни кўргуздинг?»
Деди: «Обид тўфон қўпса шолчасин ахтаради,
Олим эса сув фарқ қилган кишини қутқаради».*

Ҳикоят

Маст бир йигит йўл чеккасида узала тушиб, оламдаги ўтган-кетгандан беҳабар ётарди. Бир художўй

ўша ердан ўтаркан, бу жирканч манзарага боқди.
Йигит мастлик уйқусидан бош кўтариб, шу оятни ўқиди.
«Мўминлар жирканч нарсалар ёнидан ўтарканлар, ка-
рам юзасидан ўзларини уни кўрмаганга солишлари
лозим».

*Бир гуноҳкор учратдингми, шафқат қил, айбин яшир,
Гуноҳидан жиркансанг ҳам, кўриб-кўрмай ўтабер.
Гуноҳкордан юз йўзириб кета берма, ҳой, йигит,
Унга айбин кечирганлар кўзи билан қарағил.
Мен-ку, ушбу қилиқ билан бир номардлик қилибман,
Сен-чи, менга жувонмардлик қилмоқликка ярагил¹.*

САХОВАТ ВА КАРАМ ҲАҚИДА НАСИҲАТ

Саховат бирор нарсага қараб, ёки эвазига бирор
нарса талаб бўлса, ҳатто талаб этилган нарса мақтов
ва миннатдорчилик бўлгани тақдирда ҳам, у саховат
эмас.

*Сахий дема саховатига
Бирор талаб қўйса гар одам.
Сахийликмас бу савдогарлик,
Бунда йўқдир шараф ва карам.*

*Саховатдан кимнинг мақсади —
Агар бўлса шуҳрат, овоза,
Аҳли карам шаҳрида унга
Ҳар доимо беркдир дарвоза.*

ҲИКОЯТ

Бир бадавий араб мусулмонлар амири ҳазрати Али
қаршисига келиб, индамай ўтираверди. Қашшоқлик ва
хорлик, гадолик ва зорлик аломатлари чеҳрасидан на-
моён эрди.

— Менга нима ҳожатинг тушди,— деб сўради ундан
ҳазрати амир.

Бадавий тилга олишга уялган сўзини ерга чизиб:
«қашшоқман» деб ёзиб қўйди.

¹ Саъдий. Гулистон. Ғафур Ғулом номидаги бадий адабиёт
нашриёти. Тошкент, 1968, 86—87, 88- саҳифалар.

Ҳазрати амир унга икки бўлак мато берди. Унинг бундан бошқа ҳеч нимаси йўқ эди.

Бадавий ўрнidan туриб бир бўлак матога танасини ўради, иккинчисини бошига салла қилиб олди ва бу ҳолатига мувофиқ фасоҳат ва балоғатга баркамол бир неча байтни филбадиҳа¹ ўқиди. Шеърлар ҳазрати амирга ниҳоятда маъқул тушди. Мўминлар амири Ҳасан ва мўминлар амири Ҳусан... шаҳзодалар ҳақи бўлган уч динор пул ул кишининг олдиларида эди, шуларни ҳам бадавийга инъом қилиб юбордилар.

Бадавий пулни олиб:

— Эй мўминлар амири, мени уруғингдаги энг бадавлат киши қилиб қўйдинг,— деди ва чиқиб кетди.

Карамли амир деди:

— Мен ҳазрати пайғамбар, саллоллоҳу алайҳи вас-саламдан эшитган эдимки: «Ҳар бир кишининг қадр қиммати унинг феълу камоли ва сўзлари жамоли билан ўлчанади».

*Одамнинг қиймати эмас симу зар,
Одамнинг қиймати билим ҳам ҳунар.
Назар сол, дунёда ҳунар туфайли
Хожасидан қадри ортиқ кўп қуллар.
Қанчалак хожалар ҳунарсиз учун,
Қуллари олдида бе ўқ, бе сипар².*

Ҳикоят ۶

Бир куни кечаси Мисрнинг Жоме мачитига ўт тушиб ёниб кетибди. Мусулмонлар бу ишни христианлардан кўриб, уларнинг уйларига ўт қўя бошлашибди. Миср султони ўт қўювчилардан бир қанчасини тутиб олибди-да, бир жойга йиғиб, улар нечта бўлса, шунча чек тайёрлашга буюрибди. Чекларда ўлим жазоси, қўлини чопиб ташлаш ёки қамчилаш жазолари ёзилган бўлиб, кимнинг чекига нима тушса, шул жазони олар экан. Чек ташлаш бошланибди. Бир киши чек олган экан, ўлим жазоси чиқибди.

— Мен ўлимдан қўрқмайман,— дебди ҳалиги одам,— аммо онам бор, унинг мендан бошқа ҳеч кими йўқ.

¹ Филбадиҳа — тайёргарликсиз, бирдан ҳозиржаноблик билан ижод этиб шеър ўқиш. Шундай ўқилган шеър «Бадиҳа» дейилади.
² Абдураҳмон Жомий. Баҳористон. Танланган асарлар. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1971, 317—318-саҳифалар.

Бу одамнинг ёнида бошқа бир киши турган экан, унинг чекида «қамчилаш» жазоси ёзилган экан, у:

— Менда она йўқ,— дебди-да, ўз чекини қўшнисига бериб, ўзи унинг чекини олибди, унинг ўрнига буни қатл қилишибди, аввалги киши эса қамчи жазоси билан тирик қолибди.

*Қўплар молни бериб, мардлик қилади,
Мардлар жонин бериб, мардлик қилади.
Билдиким, дўстининг эҳтиёжи жон,
Аямай ўз жонин айлади қурбон.*

Ҳикоят

Ҳотамдан:

— Узингдан сахийроқ кишини ҳеч кўрганмисан?— деб сўрашибди.

— Ҳа!— дебди у.— Бир куни бир етимчанинг уйига кириб қолдим. Унинг ўн беш қўйи бор эди. Дарҳол бир қўйни сўйиб, пишириб, менинг олдимга олиб келди. Қўй гўштининг бир жойи менга ёқиб қолди-ю, мен: «Худо ҳаққи, жуда лаззатли экан», дедим.

У йигит ташқарига чиқиб, қўйларни бирин-кетин сўйиб, менга маъкул тушган жойини пишириб менинг олдимга қўяверибди. Менинг бу ишдан хабарим бўлмабди. Ташқарига чиқиб отга минай деб турганда, ҳовлида жуда кўп қон тўкилганлигини кўриб, сабабини сўрадим.

— У ҳамма қўйларни сўйди,— дейишди.

— Нега бундай қилдинг?— деб койий бошладим.

— Худога шукрки, менинг бир нарсам сенга ёқиб қолибди, агар хасислик қилганимда араб шаънига ёмон иш бўлар эди.

— Бунинг эвазига сен нима бердинг,— деб сўрашибди.

— Уч юзта саман туя ва беш юз бош қўй,— дебди Ҳотам.

— Бундай бўлса сен ундан олиҳимматлироқ экансан-да,— дейишган экан, Ҳотам шундай жавоб берибди:

— Ҳайҳот!... У бор-йўғининг ҳаммасини берган эди, мен эса бор нарсамдан бир қисминигина бердим, холос.

*Агарда уйдан чиқариб берса
Бору йўқ яримта нонини гадо.*

ОТАНИНГ ВАСИЯТИ

Қадим замонда Бағдод шаҳрида Абдулла исмли хайр-саховатли, марҳамат-шафқатли, адолатпарвар, мўтабар бир одам яшарди. Эҳтиёжини арз этиб, ёрдам сўраб келган одамни қуруқ қайтармасдан унга ёрдам қўлини чўзарди. Шунинг учун у халқ орасида иззат ва обрўга эга эди.

Абдулланинг уч ўғли ва уларга атаган икки ҳовли билан жуда ҳам гўзал бир боғи бор эди. Бир куни Абдулла ўғилларини ҳузурига чақиртириб:

— Ўғилларим, мен энди қаридим, анча ёшга кирдим, кўзим тириклигида боғ ва ҳовлини сизларга топшироқчиман. Узаро келишиб, бирингиз боғни, иккинчигиз ҳовлиларни олинг, деди. Ўғилларнинг биттаси ҳам ҳовлига рози бўлмади, боғни ўзига талаб қилди. Абдулла бобо ўғилларининг келиша олмаганларини кўриб бир оз ўйлаб тургандан кейин айтди:

— Ўғилларим, боғ ва ҳовлилар тўғрисида келиша олмаганингизни кўриб, шу фикрга келдим: ҳаммангиз саёҳат қилиб, ер юзини айланинг, қайси бирингиз менга энг қимматбаҳо тош келтирсангиз, боғни ўша ўғлимга бераман, эшитдингизми?

Уч ўғил энг қимматбаҳо тош келтириш умидида саёҳатга чиқиб кетдилар. Катта ўғил бир неча ой сарсон ва саргардон бўлиб юриб, бир араб қабиласи жойлашган ерга келди. У қабила бошлиғининг тожида қимматбаҳо ёқутни кўриб қолди. Дарҳол бошлиқ билан танишиб, унга бир қанча нарсани совға тариқасида тақдим қилди. Кейин ўша ёқутни эсдалик учун беришни бошлиқдан илтимос қилди. Бошлиқ қабул қилиб, ёқутни унинг қўлига топширди. Шундай қилиб, катта ўғил севина-севина уйига қайтди.

Абдулла бобо катта ўғлининг келтирган ёқутини олиб текширгандан кейин айтди:

— Ўғлим, чиндан ҳам қимматбаҳо тош келтиргансан. Энди сабр қил, кўрайлик, укаларинг қандай қимматбаҳо тош келтирадилар. Ундан кейин боғ масаласини ҳал қиламиз.

¹ Уша китоб, 321—322-саҳифалар.

Ўртанча ўғил ҳам қимматбаҳо тош ахтариб, бир денгиз бўйига етиб келди. У ерда ғаввослар сувга шўнғиб, денгиздан қимматбаҳо тошларни олиб чиқардилар. Ўртанча ўғил ҳамма воқеани айтиб, улардан ёрдам сўради. Ғаввосларнинг раҳми келиб, унга битта қимматбаҳо тош ҳадя қилдилар. Фақат бу тошнинг усти ғадирбудур бўлиб қолгани учун уни тозалаш керак эди. Ўртанча ўғил ғаввосларга ташаккур айтиб, ўша ерга яқин бўлган шаҳарга қайтди. Дарҳол тош тозалайдиган устани топиб, унга шогирд бўлиб кирди. Бир неча ой хизмат қилиб, қўлидаги тошга сайқал берди. Кейин уйига қайтиб, тошни отасининг қўлига топширди. Абдулла бобо ўртанча ўғил келтирган қимматбаҳо тошни олиб:

— Ўғлим, сен ҳам қимматбаҳо тош келтиргансан, сабр қил, уканг келсин, эҳтимол у ҳам қимматбаҳо тош келтирар. Ҳаммангизнинг келтирган тошларингизни текшириб, ким энг қимматбаҳо тош келтирган бўлса, боғни ўша ўғлимга бераман,— деб катта ўғлига айтган сўзларини такрорлади.

Кичик ўғил олти ой саргардон бўлиб юриб, ҳеч қардан қимматбаҳо тош топа олмади, ниҳоят ноумид бўлиб уйга қайтишга мажбур бўлди. Уйига яқин келган вақтда жуда чарчагани учун дам олгани бир ҳовлининг эшиги ёнида ўтирди. Ҳовли ичидан йиғи товуши эшитиларди. Кичик ўғил ҳайрон бўлиб, эшик тирқишидан ҳовлига қаради.

Ҳовли ўртасида бир сигир ўлиб ётарди. Уч ёш бола сигирни қучоқлаб йиғларди. Буларнинг ота-онаси ҳам сигирга қараб кўз ёшларини тўкарди. Кичик ўғил буларнинг йиғисига тоқатсизланиб, эшикни очиб ичкарига кирди, ҳовли эгаси билан кўришиб, йиғининг сабабини сўради. У киши кўзларидан ёш тўкиб, ҳол-аҳволни баён қилишга киришди.

— Энг камбағал оиламиз, дунёликдан ҳеч нарсамиз йўқ, фақат битта сигиримиз бор эди. Унинг сутини сотиб кун кечирардик. Мана, сигиримиз ҳам ўлиб қолди, энди нима қилишимизни билмай йиғлаб ўтирибмиз.

Кичик ўғил ҳам уларнинг ҳолига ачиниб кўзидан ёш тўкди. Кейин болаларнинг юз-кўзларини ўпиб, ота-онасига тасалли берди. Уйига ҳам қайтмай, у кишини ўзи билан бирга олиб бозорга кетди. Бозордан ун, ёғ, гуруч, нон ва бошқа нарсаларни сотиб олиб, унинг уйи-

га келтирди. Яна уй эгаси билан бирга мол бозорига бориб, энг яхши говмиш сигир олиб берди.

Бечора дардманд оила аъзолари бу олижаноб йигитнинг қилган яхшиликларини кўриб, ўзларини тутолмай яна йиғига киришдилар. Болалар йигитнинг пинжига кириб, ота унинг бир елкасига, она иккинчи елкасига бошларини қўйиб кўзларидан ёшларини оқиздилар. Йигит болаларнинг юз-кўзларидан ўпиб, уларни эркалади, ота-онага тасалли бериб, ўз уйига қайтди.

Олижаноб, мурувватли йигит уйга кириб, ота-онаси ва акалари билан кўришди. Абдулла бобо ўғлининг елкаларида қуёш нури остида ялтираб турган кўз ёшларига диққат қилиб:

— Сен қимматбаҳо тош келтирдингми? Елкаларингда нима ялтираб турибди?— деб сўради. Уғли қимматбаҳо тош келтира олмаганлигини, елкаларида ялтираб турган нарса бир бечора дардманднинг кўз ёшлари эканини айтиб, бутун воқеани бирма-бир баён қилди.

Абдулла бобо кичик ўғлининг сўзларини эшитиб, фарёд қилиб олижаноб ўғлига ўзини ташлади, уни қучоқлаб, юз-кўзларидан ўпиб айтди:

— Олижаноб, мурувватли ўғлим, сен ҳақиқий ўғил эканингни билдирдинг. Эй кўзимнинг нури, азиз ўғлим, сен у бечорага ёрдам этиб, инсоний вазифангни адо қилгансан. Инсонлар бир-бирларига биродар эканликларини, адолатпарвар бўлишлари лозимлигини шу ишларинг билан кўрсатгансан, мен сендан розиман. Менга бир бечора, нотавоннинг севинч кўз ёши мингларча қимматбаҳо тошлардан афзалдир. Белимнинг қуввати, севгили ўғлим, боғимни сенга бердим, бу боққа эга бўлишга фақат сен ҳақлисан¹.

ЖАСУР ЙИГИТ

Илк баҳор. Тоғлардан эриган қор сувлари пастга шиддат билан оқиб тушади. Наҳр кўпригининг ўртасида бўлган кичкина бир уй ичида кўприк қоровули ва унинг шаҳардан кўргани келган хотини, иккита боласи суҳбатлашиб ўтиришарди.

Шу пайт ҳар томондан:

— Қоровул, тезроқ бўл, ўзингни ва оилангни ҳало-

¹ Оз-оз ўрганиб доно бўлур. Донишмандлар бисотидан ҳикоятлар, ўғитлар, ҳикматлар. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1988, 181—183-саҳифалар.

катдан қутқаз!— деган товушлар эшитилди. Сел ва тўлқинлар кўприкдан ошиб, қоровул уйи атрофини емира бошлади, кўприк силкинарди. Қоровул дарров уйчасининг томига чиқиб олиб:

— Бизга ёрдам қилинг, ёрдам!— деб қичқирди.

Бир қари чол:

— Уларнинг ҳалок бўлишларига озгина вақт қолди. Уйча ағанай деб турибди, нега қараб турибмиз? Бир жасур йигит борми ахир?— деб фарёд қилди. Бошқа қишлоқдан келган бир йигит қари чолнинг сўзларини эшитгач, отилиб ўртага чиқди.

Жасур йигит наҳр қирғоғидаги кичкина бир қайиқчага ўтириб, шиддат билан оқиб турган сувда кўп машаққатлар чекиб, уйчанинг ёнига етиб келди. Аввал қоровулнинг икки боласини қайиқчага ўтқазиб машаққатлар билан уларни соҳилга соғ-саломат етказди. Сўнгра яна кўп машаққат тортиб, бориб қоровул ва унинг хотинини олиб келди.

Ҳамма ҳаддан зиёд шодланиб, олижаноб, жасур йигитни олқишлаб миннатдорчилик изҳор қилдилар. Қари чол ва кампир кўзларидан шодлик ёшларини тўқдилар, жасур йигитга таҳсинлар ўқидилар.

Уша ердаги мўътабар бир одам жасур йигитни мукофотламоқчи бўлиб:

— Раҳмат, олижаноб йигит, қилган одамгарчилигинг, яхши хизматинг учун мана бу мукофотимни қабул қил,— деб унинг қўлига пул узатди.

Жасур йигит мукофотни қабул қилмай:

— Илтифотингизга раҳмат, мен мукофот олиш учун эмас, виждон амри билан, инсоний вазифамни адо этдим, буни пулга сотмайман. Менга берадиган шу пулларингизни қоровулга берсангиз, мен жуда ҳам хурсанд бўлман, чунки у рўзғордаги ҳамма нарсаларини бой берди, ёрдамга муҳтождир,— деб ҳамма билан хайрлашиб, ўз қишлоғига жўнади. Ҳамма у йигитга қойил қолди¹.

БОҶИЙ УМР

Айтишларича, мўътабар бир одамнинг мажлисида бир олим, фозил кишини кўп таъриф ва тавсиф қилдилар. Мўътабар одам у олимни кўриб суҳбатидан фойдаланишни орзу қилиб, уни шу мажлисга даъват қилиш учун

¹ Уша китоб, 250—251-саҳифалар.

ўз қариндошини юборди. Олим мажлисга келгач, салом бериб ҳамма билан кўришди. Кейин муътабар одамга таъзим қилиб:

— Мажлисингизга даъват қилганингиз учун та-шаккур айтаман, минг йил роҳат ва фароғатда умр кечиринг,— деди.

Муътабар одам олимнинг сўзига таажжуб билан айтди:

— Мажлисимизда ҳали ўтирмай туриб, мумкин бўлмаган сўзни оғзингиздан чиқардингиз, бир одамнинг минг йил умр кўришига ақл бовар қиладими?! Бундай сўзни айтиш сиздек олим ва фозил кишига муносибми-кан?

— Инсоннинг тириклиги фақат жисмнинг боқийлиги билангина эмас. Одам минг йил умр кўрмаслигини ҳамма билади. Лекин ўлгандан кейин қолган яхши ном яна бўлак умрдир. Сизнинг олижаноб, марҳаматли, шафқатли одам эканлигингизни халқ унутмай, номингизни доимо ҳурмат билан ёд этиб туради. Вафотингиздан кейин ҳам қилган яхшилигингизни халқ унутмайди, номингизни кўнглида абадий сақлайди, деган маънода «минг йил умр кўринг», дедим,— деб жавоб берди олим¹.

КАМТАРЛИК, КИБРУ ҲАВО ВА МАНМАНЛИК

УЛУҒ БУЛСАНГ, КАМТАР ТУТГИЛ УЗИНГНИ

Яна эзгу тутгин қўлинг остини,
Едиргин, ичиргин, бут қил устини.
Ортиқча машаққат етказма асло,
Улар учун сенга етади жазо.
Улар бўлди кичик, сен улуғ ахир,
Улуғ кичик узра бўлар кенг бағир,
Улуғ бўлсанг кичик тут энди кўнгил,
Улуққа камтарлик ярашар, ўғил.
Нима дейди, эшит, уқувли сенга.
Бу сўзни ишга сол, билимли кенг-а:
«Агар узун қилсанг халқ узра қўлни,
Кичик тутсанг нафли кўнгилни, тилни.

¹ Уша китоб, 252—253-саҳифалар.

Узингни унутма, йўриқ бузмагин,
Қут келади тутсанг шу соғлом йўлни».
Туз-нон — дастурхонни яна кенгроқ тут,
Отинг эзгу бўлар, кела бергай қут.
Кирымга яраша чиқимни қара,
Кирым-чиқим билсанг берар самара.
Қўлинг қисқа бўлиб қолса мабодо,
Бировларга юкинг солмагин асло:
Севаринг ишингга қўлин сунмагай,
Сени севмагучи кулиб тинмагай,
Арзимас тутади ошна, қардошинг,
Кўнгил яраланар, ҳам бўлар бошинг.
Киши эзгусига қўшилиб яша,
Киши бўл, доим эт кишилик пеша.
Улуғ йўлга тутма уй-жойни яқин,
Бало юз уради, билиб қўй тағин,
Зиқна қўшни тутма, очофатни ҳам,
Дўнгликдан узоқ тур, э феъли кўркам.
Бу уч қўшниликнинг нафи йўқ асло.
Урин қоплаб бўлмас, етса у бало.
Уй олмоқ тиласанг қўшнисин сўра,
Ер олмоқ тиласанг, ер-сувин кўр-а,
Ёмонга қўшилма — кўрмайсан завол,
Феълни тўғри тутгин, йўрға от мисол,
Сўзни ўйлаб сўзла — яша қайғусиз,
Бекор берма вақтни — чекмайсан афсус,
Гердайма кўп ортиқ — олқиш оласан,
Хасис бўлма асло — қарғиш оласан.
Нима дейди, эшит, нозик дил киши,
Кишига кишилик бўлган ҳар иши.
Десанг: эзгу номли бўлайин ўзим,
Сахий бўл, урингин, шунга эй қўзим.
Бошим кўкка тегсин десанг сен юриб,
Билим билан қилгин бор ишни кўриб,
Оламга ёйилмоқ тиласа отинг.
Меҳмонни эзгу тут, югурар отинг.
Эзгуликка етай десанг сен агар.
Нафсингни тийиб тур, бўлма таъмагир.
Жуда яхши деган табаррук инсон.
Бу сўзни ишга сол, э феъли ёмон.
Бу нафсингга берма орзу ва ўйин.
Тилак топса, қилар эгасин ўйин.

Эзгулик топса, у қилар ёмонлик,
Ёмон бўлсанг, сенга беради бўйин¹.

Ҳикоят

Болаёлак кунларимда жуда ибодатга берилиб кетиб, кечалари тинмай намоз-ниёз билан машғул бўлганлигим ёдимда. Бир кеча отам ҳузурда қуръонни бағримга босиб, тиловат қилиш билан машғул бўлдим. Атрофимизда бир неча одам ухлаб ётарди. Шунда мен отамга дедим: «Булардан бирортаси лоақал икки рақат намоз ўқигали бошини кўтармайди-я, шу қадар ғафлат уйқусига ботибдиларки, ухлагандан кўра кўпроқ ўлганга ўхшайдилар!»

Отам деди: «Эй жоним ўғлим, сен ҳам одамларни маломат қилгандан кўра ухлаб қўя қолсанг бўларди».

*Кўз олдини парда босган, манман деган кеккайма
Бу дунёда ўзидан ҳам етук кишини кўрмас.
Сиз мабодо ўз-ўзини кўрарлик ойнак топиб
Берсайдингиз, кўрар эди ўзини ҳаммадан наст².*

Ҳикоят

Шом (Сурия) обидларидан бири ўрмонда истиқомат қилар ва овқат ўрнига дарахтларнинг япроқларини ерди. Бир подшоҳ уни зиёрат қилгани келиб деди: «Агар маслаҳат кўрсангиз, шаҳарда сиз учун бир қаср қурдириб берай, токим ўзингиз осуда ибодат билан шуғуллана олинг, ўзгалар ҳам сизнинг муборак нафасингиздан баҳраманд бўлсинлар ва улар ҳам сиздан эзгу одатларни ўргансинлар». Обид подшоҳнинг таклифни рад этди. Вазирлардан бири унга деди: «Подшоҳнинг кўнгли учун бир неча кун шаҳарга боришингиз, у айтган қасрда яшаб туришингиз керак эди. Башарти, бегона одамлар қимматли вақтингизни олиб, кўнглингизни озурда қилгудек бўлса, яна ихтиёр ўзингизда бўларди».

Обид таклифни қабул қилиб, шаҳарга борди. Подшоҳнинг дилкушо ва руҳафзо боғидан унга жой бердилар.

¹ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. «Юлдузча», Тошкент, 1990, 99—100-саҳифалар. ² Саъдий. Гулистон. Ғафур Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1968, 69-саҳифа.

Подшоҳ дарҳол унинг ҳузурига гўзал бир канизак-ни юборди.

*Бу малак сурат, товус рафтор,
Ойжамолни кўргач тақводор,
Ошиқи шайдо бўлиб қолар,
Қўлидан кетар сабру қарор.*

Кейин подшоҳ унга соҳибжамол — ҳуснда бемисол бир қулни ҳам бағишлади.

*Кўз ҳар қанча боқса ҳам тўймасди жамолидан,
Худди чанқоқ кишики Фиротнинг зилолидан.*

Обид лаззатли таомлар емоққа ва башанг либослар киймоққа бошлади, тотли меваларнинг хушбўйидан кайф қилиб, қул ва канизакнинг ҳусну жамоли томошаси билан банд бўлди. Донишмандлар: «Гўзаллар зулфи ақл оёғига кишану зийрак қушларга тузоқдир» дейдилар.

*Дунёда бор билганимни, ишончимни бой бериб,
Зийраккина қуш эдим, тузоғинга илиндим.*

Хулласи калом, обиднинг тақвосига завол етди. Ахир дейдилар-ку:

*Майли ким бўлмасин: пирми, муридми,
Пок нафас ёки зўр донишманд,
Бу дунёга қадам қўйиши биланоқ
Пашшадек оёғи бўлур болга банд.*

Бир кун подшоҳ обидни кўргуси келди. Қарасаки, шайхнинг қиёфаси тамоман ўзгарибди: тани оқариб, ранги қизариб, ўзи семириб кетибди. У шоҳи ёстиққа ястанган бўлиб, гўзал қул товус патидан ясалган елпигич билан унинг бош томонида турарди... Подшоҳ унинг сиҳат-саломатлигидан мамнун бўлиб, ҳар борада суҳбатлашиб ўтирди. Суҳбат охирида шоҳ деди: «Оламда мен икки тонфа одамни яхши кўраман: олимлару, шайхларни. Уларни мендек яхши кўрадиган одам йўқ!» Подшоҳнинг кўпни кўрган файласуф вазири ҳам шу ерда эди, у деди: «Эй ҳукмдор, дўстликнинг шарти будирки, ҳар иккала тонфага ҳам яхшилик қилмоқ лозим: олимларга олтин бергинки, улар илмларини такомиллаш-

тирсинлар, шайхларга ҳеч нарса берма, улар обидлик-ларича қолсин».

*Гўзал чирой, тоза юзли хотинга
Упа-элик, зебу зийнат керакмас.
Эркин-озод, етук ақл дарвешлар
Нон қидириб кўча-кўйни изғимас¹.*

КИРЧИ БИЛАН УРДАК ҲИКОЯСИ

Эрди бир кирчи, маскани Бағдод,
Кир ювиш санъатида зўр устод.
Дажла олдида кир ювар эрди,
Шу равиш бирла ризқини ерди.
Сув ёқасида у кўрар эрди,
Катта ўрдак кезиб юрар эрди.
Қурт-қумурсқа чиқарса сувдан бош,
Чўқилаб, титкилаб қиларди маош.
Шу билан у дилини хушларди,
Ўзга ишни йироққа ташларди...
Бир куни қарчиғай етиб келди,
Қилди парвозу ел каби елди.
Ташланиб каптар устига бирдан,
Чангалига илиб уни ердан.
Титкилаб-титкилаб еди оз-моз,
Яна қолдирди луқма ҳам бир оз.
(Ялмоғизлик қилиш саховат эмас
Ҳеч киши суфрани тамом емас.)
Содда ўрдак унинг ишин кўрди,
Рашк қонини қурт каби сўрди...
Д е д и:
Мен қарчиғайдан устунман,
Зўрлигимдан ҳамиша мамнунман...
Қурт-қумурсқа териш уят менга,
Олмагайман бу ишни бир тийинга,
Нима кўп, дунёда жонивор кўп,
Қурт ови энди менга бўлмас хўп.
Ишни ғоят бўлакча тузгумдир,
Ўзгалардан юришда ўзгумдир.
Мен сахийлик йўлин қилиб пеша,
Ўзгаю ўзни айлай андеша».
Гердайиб ўзича сафар қучди,
Қарчиғайдек қанот қоқиб учди...

¹ Ўша китоб, 82—84-саҳифалар.

Ногаҳон кўрдик ҳавода учар,
 Толеига чиройли бир каптар.
 Ухшатиб чангалини наштарга,
 Уқ каби ўзни отди каптарга.
 Омади келмади унинг, бирдан
 Тушди ботқоқ ичига боши билан.
 Лойқага ботди, талпиниб қолди,
 Парпираб, қўл қаноти ҳам толди.
 Югуриб келди овчи, тутди уни,
 (Чеккада кирчи кўрди воқеани.)
 Деди овчики: Омадимдир бу,
 Яхши луқма экан, насибам шу!
 Шоду хуррам уйи томон юрди,
 Йўлда ҳайрон қолиб биров сўради:
 «Бу нечук қуш?»
 Жавобига у деди:
 «Қарчиғайлик қилибди бу ўрдак,
 Тушмуш энди бошига шул калтак.
 Улкан ов — ўлжа ҳирсига тушмиш,
 Ов деб ўзни тузоққа ҳам солмиш!»¹

ТАҚАББУР БУЛМА!

Гар салом берса биров сенга қараб,
 Нега очмайсан алиқ олмоққа лаб?!
 Бу нечук кибру ҳаво-ю, ғўдайиш,
 Пасткашлик, пасткашликдир бу иш.
 Сен ўзингдан ўзгани қилмай писанд,
 Ҳаммадан тутмоқдасан ўзни баланд.
 Тўлғазибсан бодхўрликдан димоғ,
 Бодхўрлик бодидан ўчғай чироғ.
 Қўз юмиб йўлга тушишликдур хатар,
 Ўзгага таҳқир ила солма назар.
 Келса гар олдингга суратда гадо,
 Лекин асли олийҳимматли расо,
 Сен уни паст деб билиб, гар боқмасанг,
 Бой-бадавлат, хон-вазирни чоқласанг,
 Бу ишинг инсон учун иснод эрур,
 Охири қаттиқ пушаймонлик бўлуру!
 Қайсар одам бурдсиздир, беҳунар,
 Хуштавозеъ кимса доим мўътабар.

¹ *Абдураҳмон Жомий*. Танланган асарлар. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1971, 147—148-саҳифалар.

Мевасиз шох осмонга тирмашур,
 Мевали шох бўлса ерга энгашур...
 Кўп бино қўйма пулу молиннга ҳам,
 Бир куни ундан келур бошинга ғам.
 Дум ликиллатмоқ эрур итнинг иши,
 Билмагай они тавозеъ деб киши.
 Кимсаки айлаб тамаъ дум силкитар,
 Одам эрмас, балки итдан ҳам баттар.
 Гар хушомадгўй сени яхши деса,
 Нафини кўзлаб, юзингда мақтаса,
 Вайсай берсин, унга ҳеч солма қулоқ,
 Яхши эрсанг, сен ёмондан бўл йироқ.
 Орқа-олдинга қараб, андиша қил,
 Кимлигинга хислатинг бўлғай далил¹.

*
* * *

Туя билан эшак ҳамроҳ бўлиб кетишди ва бир катта ариқ бўйига етишди. Аввал туя сувга тушди, ўртасигача борган эди, сув қорнидан келди.

— Туш,— деб қичқирди у эшакка,— сув қорнимдан ошмайди.

— Рост айтасан,— деди эшак, аммо қориндан қориннинг фарқи бор. Модомоки, сув сенинг қорнингга етар, менинг устимдан ошиб кетар.

*Узга сендан яхши билмас, биродар,
 Сени ортиқ мақтаб юборса агар,
 Яхшилаб синаб боқ у ёқ бу ёғинг
 Узатгил кўрпанга қараб оёғинг².*

ТАВОЗУЪ ВА АДАБ ТУҒРИСИДА

Тавозуъ (киши ҳузурида ўзни паст тутиш, камтарлик кўрсатиш) халқ муҳаббатини ўзига тортар ва одамларни шу ишни бажарувчи билан дўстлаштирар. Тавозуъ дўстлик чаманида тоза гуллар очар ва у чамандан ошналик ва улфатчилик базмига хилма-хил гуллар сочар. Такаббур киши ўз душманига юмшоқлик сари йўл кўргузар ва гердайган одам халқ кўнглига инсонлик завқини ўтиргизар. Қайта-қайта такаббурлик

¹ Уша китоб, 188—189-саҳифалар.

² Уша китоб, 356-саҳифа.

қилиш ҳаёсиз лофчини уят чегарасига йўллар ва ҳаддидан ошган инсофсиз душманни ёмонликдан қайтарар.

Адабли, агарчи барча кишилардан яхшидир ва ҳамма халойиқдан ёқимлидир, аммо улуғлардан кўра яхшироқ ва қўли устунлилардан кўра ёқимлироқдир. Адабли ўз тенгқурлари орасида бир-бирига мақтанарли бўлади, каттадан-катта ўртасида яхши кўринади. Сахийлик қилмай элни шод қилади ва бирор нарса ҳадя қилмай кишини ғамдан озод қилади. Адаб кичик ёшдагиларни улуғлар дуосига сазовор этади ва у дуо барақати билан умрбод баҳраманд бўлади. Адаб, кичкиналар меҳрини улуғлар кўнглига солади ва у муҳаббат кўнгилда абадий қолади.

Ёшларни кўзга улуғ кўрсатади, уларнинг юриш-туришини халқ улуғвор билади. Ўзига қарши халқ томонидан бўладиган ҳурматсизлик эшигини боғлайди ва кишини ҳазил-мазоқдан ва камситилишдан сақлайди. Киши табиатини инсонлик йўлига солади ва одам мижозига, одамгарчилик манзилига ором беради. Кичикларга ундан мунча натижа ҳосил бўлгач, катталарга аллақанча бўлишини кўрарсан.

Адабдан муҳаббатга безак ва пардоз этади, адаб таркидан дўстликнинг равнақ ва баҳоси кетади. Адаб ва тавозуъ дўстлик кўзгусини ярқиратади, икки томондан ёруғлик етказди.

Тавозуъли ва одоблиларга таъзим ва ҳурмат этади ва у уруғни эккан бу қийматбаҳо ҳосилни тўплаб олади. Халқ муомаласида яхши ахлоқнинг бошланғичи шу хислатдир ва бу хислат қаттиқ ўрнашса муҳаббатга халал етиши маҳолдир. Агар ҳар икки томонда яхши хулқ бўлса, адаб ва тавозуъ эвазига иззат ва таъзим пайдо бўлади. Бу хил дўстлар орасида муҳаббат ва бу йўсин ҳамсуҳбатлар орасида баҳамжиҳатлик бўлса, қандай яхши! Бундай муҳаббатли ва баҳамжиҳат кишилар дўст ва иттифоқ одамлардир, нақадар гўзал!

Ҳикоя

Хабарларни айтиб берувчилар ва асарларни қамраб олганлар бундай айтадиларки, бир ов пайти ғавғосида, чопиш, отиш орасида Хисрав Парвизнинг юксак тожидан ярқироқ гавҳар ва порлоқ инжу узилиб ерга тушди, овга берилиб кетиш натижасида ундан ҳеч кимнинг хабари бўлмади. Овдан Мадойинга қайтдилар. Бу иш-

ни билгандан сўнг, кишиларни жарчиликка чиқардилар ва у топилмас гавҳарни қидира бердилар.

У тож безаги мамлакат хирожига арзир эди, топган кишига кўп нарса ва қийматли мукофот ваъда қилинди. Халқ эса, ўша даштда у гавҳарни қидирувда ва мукофот олиш устида сўзлашувда эди.

Иттифоқо: бири ғафлатга чўмган, бири хушёр (ғафлатдагиси жоҳиллик юзидан гердайган, хушёр эса тавозуъ ва адаб безаги билан юксалган) икки ҳамроҳ ўша даштдаги йўл билан бориб ва шаҳар сари етишга интилиб, қадам ташлар ва дашт кезар эдилар. Булардан бирининг оти жаҳонгашта Мудбир ва бирининг оти йигитлар марди Муқбил эди. Булар инжу қидирган халойиққа яқинлашдилар, халқни бошлаб чиққан кишига йўлиқишдилар. Мудбир такаббурлик билан унга боқмай ўтди, Муқбил эса инсонлик йўлини илгари сурди. У бошлиққа адаб ва тавозуъ юзидан бош эгди, оёғи остида эса гавҳар ётган экан, кўриб, олди ва ҳалиги бошлиққа тақдим этди, у эса ўша ваъда қилинган мукофотнинг вакили эди. Муқбилнинг қўлидан ушлаб шаҳарга қайтди ва бўлиб ўтган воқеани Хисрав қошида тўлиқ баён қилди. Хисрав хушҳол ва шод бўлди. Муқбилга деганидан ортиқ инъомлар бериб, ундан узрлар сўради.

Мудбир гердаиш натижасида шаҳар гўлоҳидан жой олди. Муқбил эса, тавозуъ ва адаб хосиятидан мақсад гавҳарини топиб, шоҳ чаманида ором олди¹.

ҚАНОАТ ВА ОЧКЎЗЛИК ҲАҚИДА

Ҳикоят

Бир подшоҳнинг умри тугади, унинг ўрнига қоладиған валиаҳди йўқ эди. Подшоҳ васият қилдики, эрталаб азонда шаҳарга биринчи бўлиб кирган одамга тож кийгизинг ва мамлакатни унинг ихтиёрига топширинг. Иттифоқо ўша кун эрталаб шаҳарга бир гадой кирди. Бу гадойнинг умри бурда нон йиғишу эғнидаги жулдур кийими ямоғи устига ямоқ солиш билан ўтарди. Давлат аъёнлари ва мамлакатнинг мўтабар зотлари подшоҳнинг васиятини бажо келтирдилар. Салтанат ва хазиналарнинг калитларини гадойга топширдилар ва у бир қанча маҳал ҳукмронлик қилди. Лекин орадан кўп

¹ Алишер Навоий. Асарлар, 13- том. Тошкент, 1966, 206—207-саҳифалар.

вақт ўтмай давлат аъёнларидан баъзилари унга итоат этишдан бўйин товладилар. Қўшни мамлакатларнинг подшоҳлари ҳар томондан унга қарши қўшин торта бошладилар. Хулласи калом, аҳоли билан душман қўшини бирлашиб, мамлакатнинг айрим шаҳарлари унинг қўл остидан ажралиб чиқди.

Гадой-подшоҳ бу воқеалардан қаттиқ қайғуга ботиб ўтирганида гадойчилик қилиб юрган маҳалида қадрдон бўлган бир дўсти узоқ сафардан қайтди. У дўстининг бу қадар юксак мансаб эгаси бўлганини кўриб деди: «Худои таолога шукурлар бўлғайким, гулингдан тикан ажралиб чиқибди, қашшоқлик тикани эса оёғингдан суғурилибди. Бахтинг ёр, толеинг мададкор бўлиб, шундай мартабага етибсан. Ҳақиқатан ҳам машаққатнинг охири роҳатдир».

*Гуллар баъзан очилади, баъзан бўлади хазон,
Дарахтлар ҳам гоҳ яланғоч, гоҳ кияр яшил чопон.*

Гадой-подшоҳ деди: «Эй азиз дўстим, сен мени қутлама, балки таъзия билдир, чунки сен кўрган маҳалда нон ғамини еган бўлсам, ҳозир жаҳон ғамини емоқдаман!»

*Мол, дунё бўлмаса-чи, қайғумиз юрак доғлар,
Агар бўла қолса-чи, меҳри оёқни боғлар.
Жаҳон ташвишидир энг оғир бало,
Бўлса ҳам, бўлмаса ҳам қийин мижаро.
Агар сен истасанг бойлик ва давлат,
Энг катта бойликка тенгдир қаноат,
Этагинг тўлдирса бир бой зар билан,
Сен унга қарама шод назар билан.
Катта кишилардан эшитдим ҳар гал,
Дарвешлар чидами бойликдан афзал¹.*

' Ҳикоят

Бир подшоҳнинг бошига мушкул иш тушди. У: «Агарда шу иш кўнглимдагидай анжом топса, обидларга бунча дирҳам (пул) бераман», деб аҳд қилди. Орзу ушалиб, кўнгли хотиржам бўлгач, аҳдини амалга оширмоқчи бўлди. Ўзининг яқин қулларидан бирига бир ҳамён пул бериб, обидларга улашишни тайинлади.

¹ Саъдий. Гулистон. Ғафур Ғулом номидаги бадний адабиёт нашриёти, Тошкент, 1968, 77—79-саҳифалар.

Қул оқил ва ҳушёр эди, кун бўйи шаҳарни кезиб, қош қорайганда подшоҳнинг ҳузурига қайтди, ҳамённи ўйиб подшоҳнинг олдига қўйиб деди:

«Қанча ахтармайин бирорта ҳам обидни топа олмадим». Подшоҳ деди: «Бу қандай гап ўзи, билишимча, мамлакатда тўрт юз нафар шайх-обид бор». Қул деди: «Эй подшоҳи олам, обид бўлган одам пулни олмайди, пулни олган одам эса, обид бўлолмайди». Подшоҳ кулиб юборди-да, суҳбатдошларига деди: «Художўйларни қанчалик севсам, эҳтиром этсаму бу беорга қарши қанча адоват сақласам-да, эътибор этишга мажбурманки, унинг (яъни қулнинг) гапи ҳақ»¹.

Ҳикоят

Бир денгиз соҳилида бир шайхни кўрдим, уни йўлбарс ярадор қилган бўлиб, ҳеч бир дори-дармон кор қилмасди. Кўп вақтдан бери баданидаги жароҳатлар уни азобларди-ю, у бўлса худога шукур қиларди. Ундан сўрадилар: «Шукур қилишининг боиси нима?» У жавоб берди: «Шукур этишимнинг боиси шуки, яхшиямки хаста бўлиб ётибману, аммо гуноҳга ботганим йўқ».

*Гар мени ўлдирмоқни чоғласа севгили ёр,
Сен хаёл қила кўрма, чекар, деб жон ғамини,
«Мен шўрликда не гуноҳ?» сўрашга ийманаман,
Дилини оғритмай, деб тортиб жонон ғамини².*

Ҳикоят

Бир мағрибий гадой Ҳалабдаги баззозлик растасида дерди: «Эй давлатмандлар! Башарти сизларда инсофу, менда қаноат бўлганда эди, оламда тиланчилик деган гап қолмасди».

*Давлатманд қилғил, эй қаноат, мени,
Чунки йўқдир сендан яхшироқ неъмат.
Луқмоннинг муроди — сабр бурчаги,
Сабрсиз кишида бўлмайди ҳикмат³.*

¹ Уша китоб, 84—85-саҳифалар. ² Уша китоб, 70—71-саҳифалар. ³ Уша китоб, 93-саҳифа.

Ҳикоят

Бир савдогарни кўрдим, юз эллик туя моли, қирқта қул ва хизматкори бор эди. Бир куни кечаси Кеш оролида у мени ўз ҳужрасига олиб кирди-да, кечаси билан бўлар-бўлмас гапларни гапириб чиқди: «Фалон омборим Туркистонда, фалон молим Ҳиндистонда, манави, фалон ернинг васиқаси ва фалон жойдаги молларимга фалончи кафил». Гоҳ дерди: «Искандарияга бормоқчиман, у ернинг ҳавоси менга ёқиб қолган». Яна дерди: «Мағриб денгизи жуда нотинч! Эй Саъдий, олдимда яна бир сафар бор, агар ўша сафарга ҳам эсон-омон бориб келсам, қолган умримни бир гўшада ўтириб оёйишта ўтказаман».

Мен: «У қандай сафар экан?» деб сўрадим. Савдогар жавоб берди: «Эрондан Хитойга гугурт олиб бораман, чунки у ерда гугурт қиммат эмиш. Хитойдан чинни косаларни Румга элтаман. Рум ипак-шоҳиларини Ҳиндистонга олиб бораман ва Ҳалаб шишаларини Яманга олиб бораман. Яманнинг оқ матоларини Эронга элтиб сотаман. Шундан кейин савдогарликни тарк этиб, бир дўкончада ўтираман». Шу таҳлитда у ўзининг хом хаёлларини гапиравериш, охири ҳориб, гапиришга мадори қолмади.

Кейин менга деди: «Саъдий, энди сен ҳам кўрганинг ёки эшнтганларингдан бирор нарса айтиб бер!» Мен дедим:

*Эшитдингми, узоқ Ғўрда бир савдогар,
Улаётиб, отдан тушиб, бир сўз демиш:
«Кўз оч экан, ё қаноат билан тўяр,
Еки мазор тупроғисиз тўлмас эмиш»¹.*

Ҳикоят

Мен бир донишманддан: «Энг ашаддий душманинг — икки кифтинг орасида жой олган нафсингдир», деган ҳадиснинг маънисини нима?» деб сўрадим. Донишманд шундай жавоб берди: «Маъноси шуки, ҳар бир душманга эҳсон қилсанг, у сенга дўст бўлади, илло нафс деган нарсага қанча илтифот қилсанг, адоватини шунча ошираверади».

¹ У ш а к и т о б, 101—102- саҳифалар.

*Маромида овқат еган фаришта бўлур,
Ҳайвон каби еса тушар оғир тош мисол.
Ким истагин бажо қилсанг амрингга тобе,
Нафс айтганин қилдингми, бўйсундирмоқ маҳол¹.*

Ҳикоят

Бир тулки бир бўрига ҳамсухбатлик дамин урди ва тамом мувофиқат йўлига юрди. Бир куни бир боққа бордилар, боғнинг эшиги маҳкам банд ва девори баланд эди.

Девор атрофида чолишди, охири, бир тешик топишди. У тулкига кенгу бўрига тор эди. Тулки осонликча кириб кетди-ю, бўри сиқилиб қийналиб ўтди.

Узумлар ва хилма-хил мевалар топишди, баридан топишди.

Тулки зийракроқ бўлди, чиқиб кетиш андешасин қилди.

Аҳмоқ бўри бўлса қоринга сиққунча еди. Бирдан боғбон билиб қолди, қўлига таёқ олди ва булар тараф йўл солди. Хипча бел тулки лип этиб тешикдан ўтдикетди. Боғбон эса қорни шишиб тешикка қисилиб қолган бўри бошига етди. Уни чунонам саваладики, бечоранинг пўсти шилиниб, жуни юлиниб тору танг тешикдан аранг чиқиб кетди.

*Эй хожа, олтинга кўп ҳирс қўймагил,
Охири яланғоч, ҳақир кетасан.
Нозу неъматдан кўп семираверма,
Уйлагил, гўрингда нечук ётасан².*

Ҳикоят

Бир сичқон бир баққол дўқонида истиқомат қилар, ундаги қуруқ ва ҳўл мевалардан хоҳлаганча тотиб юрар эди. Баққолнинг бундан хабари бўлса-да, бепарво қарар, унга ҳеч чора кўрмас эди. Аммо

*Олчоқ разил қорин тўйган чоқ,
Олчоқлиги бўлур дадилроқ.*

¹ Уша китоб, 155—156-саҳифалар.

² Абдурахмон Жомий. Баҳористон, Танланган асарлар. Фафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1971, 350-саҳифа.

деганларидек сичқоннинг ҳам ҳирси ошиб, баққол ҳам-
ёнини тешиб тегига етди ва ундаги олтин-кумушдан
ҳарна бўлса барини инига ташиб кетди. Баққолга пул
керак бўлиб ҳамёнга қўл урди ва уни гадоё тўрваси-
дек бўш, очлар меъдасидек ҳоли кўрди. Билдиким бу
ўша сичқоннинг иши. Баққол мушукдек пусиб ётди ва
сичқон чиқиши билан унга ўзини отди.

Ушлаб олиб оёғига бир учун ип боғлади. Қўйиб юбор-
ган эди сичқон инига олиб борадиган бир тешикка
кириб кетди. Баққол ипни ўлчаб кўриб, сичқон инининг
қанча чуқурлигини билиб қолди. Тешикни кавлаб қара-
са сичқон уяси саррофнинг дўконидек олтин-кумушга,
динор ва дирҳамларга лиқ тўла. Пулларини олди ва
сичқонни ташқарига чиқариб, мушук оғзига солди. У
қилганига яраша кўрди ва нонкўрлиги учун бўлганича
бўлди.

*Ҳирсу настлик келтирар, бошларга ташвиш доимо
Ким қаноат аҳлидур хуррам дилу хуррам ҳаёт.
Билмагай бош оғриғин, роҳатдадир қонё киши,
Кимки ҳирси бўлди ортиқ топмаган боши нажот¹.*

* * *

Итдан сўрадилар:

— Нима учун сен бор уйга гадо қадами етмайди,
сен ётган остонани тиламчи ҳатлаб ўтмайди?

— Мен ҳирс ва тамаъдан узоқман — деди ит.
— Тамаъсизлик ва қаноатда машҳурман. Дастурхондан
бир бурда нонга қаноат қиламан, қозондан бир ғажил-
ган устухонга хурсанд бўламан. Аммо тиламчи ҳирс
ва тамаъда шуҳрат қозонган. У ҳамма вақт очман деб
қўл чўзади. Халтасида бир ҳафталик нону, ўзи очман
деб нолон. Орқасида бир ҳафталик овқат, қўлида гадо
ҳассаси. Қаноат ҳамма вақт ҳирсу тамаъдан узоқ, қа-
ноатли ҳам тамаъгир билан бўлолмас ўртоқ.

*Кимнинг қалби дилига кирди қаноат,
Ҳирс билан тамаъдан қутулди бори.
Қаноат гилами тўшалган ерда
Синди очкўзлигу тамаъ бозори².*

¹ Уша китоб, 351—352-саҳифалар. ² Уша китоб, 354-саҳифа.

Бир туя арқонини судраб саҳрода ўтлаб юрарди. Бир сичқон учраб қолди. Қараса унинг эгаси йўқ. Ҳирси қўзғаб кетди ва уни жиловидан тишлаб уясига етаклади.

Табиати бўйсунуш ва одати хўп дейиш бўлган туя ҳам қаршилиқ қилмай эргашиб кетаверди.

Сичқон уясига етиб келди, туя қараса жуда тор.

— Эй хомтамаъ,— деди туя сичқонга,— бу нима қилганинг, уйинг шундай кичик, менинг гавдам эса шундай катта. На сенинг уянг бундан каттароқ бўла олади-ю, на менинг гавдам кичикроқ. Бас, мен билан сенинг йўлдошлигинг қаерга боради-ю, дўстлигимиз нима бўлади.

*Ажал тор уйга бошлар он, эмасдир сиғмоғинг осон,
Булубдурман, юкинг орқангда ҳирсдан кўп-ку, э инсон,
Бу юкларни тушир, қолдир, кўпам ҳирс қўйма давлатга
Ажал тор уйга бошлар он, эмасдир сиғмоғинг осон¹.*

ҚАНОАТ ТУҒРИСИДА

Қаноат булоқдир — суви олган билан қуримайди; хазинадир — нақдинаси сочган билан камаймайди; экинзордир — уруғи иззат ва шавкат меваси беради; дарахтдир — шохи тортинчоқлик ва ҳурмат меваси еткизади.

Кўнгилга ундан равшанлик фойдаси етар ва кўз ундан ёруғлик натижаси ҳосил этар.

Қаноатли дарвишнинг қуруқ нони тамагир шоҳнинг хитойча дастурхонидан яхшироқ; фақирлик йўлида бўлган фароғатлининг ёвғон умочи олғир бадавлатнинг наботлик овқатидан тоғлироқ. Шоҳ улдирки, олмайди-ю, беради. Гадой улдирки, сочмайди-ю теради.

Кимки қаноатга одатланса, шоҳ ва гадой бордикелдисидан озод бўлади. Тирикчилик уйи агарчи тордир, аммо ҳар қанча муболага қилинса ўрни бордир: қаноат — қўрғондир, у ерга кирсанг нафас ёмонлигидан қутуларсан, тоғлиқдир — у ерга чиқсанг душман ва дўстга қарамликдан халос бўларсан, тубанлашишдир — натижаси юксаклик; зориқишлиқдир — фойдаси

¹ Уша китоб, 355-саҳифа.

эҳтиёжсизлик, уруғининг меваси фаровонлик, дарахт-дир — самараси тортинчоқлик; майдир — аччиқ ва нашъаси шодлантирувчи; йўлдир — қаттиқ, аммо севинтирувчи.

Қаноатда тинчлик ва фароғат бўлганидай, аксинча, тамаъда разиллик ва уқубат бор.

Хасис табиатлига нокас дўстдир, унинг равишига гадой сифатлик ва разиллик яхшидир. Икковининг қелишувида хорлик, муносабатида эса, енгилтаклик ҳосил бўлади. Ҳар кимнинг табиатида бу нарса мавжуд бўлса, ундай киши халққа ёмон кўринади. Унинг орқали нокаслик ва разиллик камол топади, одамгарчилик ва инсонликка завол келади. У — номус уйини куйдирувчи ўтдир; у — иззат хирмонини совирувчи ва улғворлик шамини ўчирувчи елдир. Тамагирнинг бировдан олишга ўчлиги, еб тўймаснинг овқатга ўчлигидай. У бири пасткашлар ҳаракати, бу бири ҳайвонлар сифати.

Қаноат жавҳардир — кишиларни бундай икки балодан халос этади ва бундай икки мубталоликдан қутқаради. Бу икки ярамас феъл ёмон бўлгач, гўё икки ёқимсиз эгиздир: у бундан ёмон, бу ундан ёмон, иккаласи ёмондан-ёмон. Бири нокас ва бири иқболи пастдир — иккаласининг ҳақиқати бирдир.

Рубой:

*Ҳар кимки қанот тарафи нисбати бор,
Борча эл аро тавозуу иззати бор,
Улким тамау ҳирс била улфати бор,
Яхши-ёмон ичра заллату накбати бор¹.*

САБР ТУҒРИСИДА

Сабр аччиқдир — аммо фойда берувчи, қаттиқдир — аммо зарарни даф этувчи. Қайси бир тилагига эришолмаган сабр этагига қўл урди-ю, тилагига эришолмади? Қайси бир гирифтор сабрнинг бандига кўнгил қўйди-ю, кушодлик топмади? Сабр шодликлар калитидир ва бандлар очқичидир.

У ўртоқдир — суҳбати зериктирарли, аммо мақсадга олиб борувчи: улфатдир — умиди узун, аммо охири истакка элтувчи. Уловдир — юриши тихир, аммо ман-

¹ Алишер Навоий, 13- том. Тошкент, 1966, 203—204- саҳифалар.

зилга етказувчи; туядир — қадами оғир, лекин бекатга туширгувчи.

Ачкиқ сўзли насиҳатчидай табиат ундан олинади; лекин зимнида мақсад ҳосил бўлади. Бадхўр дори берувчи табибдай касал ундан қийналади, аммо сўнгида соғлик юз беради.

Ошиқ кишилар бу сўзни айтишдан чўчийдилар, лекин натижаси етишишга умид туғдиради.

Айрилиқдаги кишилар уни эслашдан жирканадилар, лекин ниҳояти қовушишга олиб боради.

Унинг қафасида жон булбулига на жимлик, на нола ва на хониш фойда беради. Унинг мажлисида руҳ тўтисига на сукут, на фарёд ва на фиғон наф етказади. Саҳросида тинчишлик ҳам биру, беқарорлик ҳам бир. Айрилиқда куйганларга ўлишдан ғам йўқ. Иштиёқ ҳосил қилганларга куйишдан алам йўқ...

Ҳикоя

Бир бечоранинг кўнглига бир гул юзнинг орзуси тушди. У эса туҳмат билан қамоққа гирифторм бўлди. У иш иқрори учун унга қилинмаган азоб қолмади. Аммо у яширин сирини кўнглидан тилига келтирмади. Охирида бир куни миршаблар зиндонга бордилар ва уни зиндондан банд билан судраб чиқардилар. Бош-оёғидан тортиб узатдилар ва бир қучоқ ёғочни унинг аъзойи баданига уриб ушатдилар. Шу даражага етдики, бошдан-оёғи жароҳат бўлди ва бари аъзосининг териси шилди. Таёқ танасини шундай тилкаладики, қон у йиғинни лозазор қилди. Бу мазлум ҳеч қандай дам урмади ва иқрор сўзини тилига келтирмади. Жазолашдан ҳориганларидан кейин, йиғиндан судраб чиқардилар. Ноиложликдан, қўйиб юбордилар, инсофга қараганда тўғри иш қилдилар. Жафогарлар узоқ кетгач, жафокаш оғзидан майдаланган танга чиқарди. Кўрган кишилар бу иш сабабини сўрадилар. Жавобдан билингани шу нарса бўлди: жазоланиш пайтида кутгани ҳозир экан ва бир чеккада унинг ҳолига қараб турар экан. Унга жабр-зулм қилинаётганда, у пул тиши остида экан. Азоб ҳаддан ошиб кетганда пулни тиши билан қаттиқ қисар, тиш зарби билан пулни майда-майда қилиб ушатар экан, кутган кишиси унинг олдида сабр ва бардош қилар экан ва унинг кўз ташлаб турганини билар экан. Кутгани бу ҳолни билгач, меҳр ва шафқат билан бошига келди, юмшоқ сўз билан яраларига малҳам қўйди ва

чучук тил билан ярадорнинг танига жон киргизди. Хаёлга келмайдиган бойликка сазовор бўлди ва гумон ҳам қилинмайдиган саодатга эришди. Бу — барча қийинчиликдаги сабр ва чидамнинг нишонаси эди ва у нарса қийинчилик ва қаттиқчиликка бардош бериш орқали қўлга кирди.¹

Танбиҳ

Қаноат — тортинчоқликнинг негизидир, шараф ва иззатнинг тантанасидир. Қаноатли қашшоқ — бадавлатдир ва шоҳ билан гадойга иши тушмайдир. Тамахўрликнинг далили: давлатли тамагир — хор ва пасткашдир.

Кимики тамаъ бирла ола билар, лекин олмас, тама-сизлик сахийликдан ҳеч қолишмас. Бу хилдаги сахийлар яхшлик қилувчи, тамагирлар эса жирканчиликда судралувчидир.

Танбиҳ

Тез қўлга кирган узоққа чўзилмас, мақтаган билан баҳоси ортмас. Бир хумдондан мингта сопол идиш чиқар, баҳоси бир тангадан ортиқ бўлмас, кунда юзтаси сінса ҳам киши ҳайф демас ва ачинмас. Чинни косанинг баҳоси яшадаги қийинчилигига кўрадир ва асрашдаги авайлаш қимматига кўрадир. Қиммати оз — ҳурмати оз.

*Қайси нарса оз бўлса унинг қиймати ортар,
Унинг қийматига мувофиқ ҳурмати ортар.*

Танбиҳ

Сабр орқали кўп боғланган иш очилар, ишда ошиққан кўп тойилар, кўп тойилган кўп йиқилар. Ишда ошиқмоқ ёш болалар иши. Оғирлик билан иш қилиш тажрибали катта ёшдаги киши ишидир.

*Ҳар кимки ошиқишни айламас хаёл,
Япроқни ипак қилар, чечак баргини бол².*

¹ Уша китоб, 205—206- саҳифалар.

² Уша китоб, 228—229- саҳифалар.

ҚАНОАТНИНГ ФОЙДАСИ

Қадим замонда Қобул шаҳрида яшовчи икки киши маишатларини яхши ўтказиш иложини тополмай, султон Маҳмуд Ғазнавийдан ёрдам сўраш мақсадида Ғазна шаҳрига сафар қилдилар. Йўлда бир киши буларга ҳамроҳ бўлди. Бу одам жуда қаноатли бир одам бўлиб, ўз қўл кучи билан кун кечирарди, топганига қаноат қилиб яшарди. У икки киши қаноатли кишига қандай мақсад билан Ғазнага кетаётганликларини айтиб, ундан ҳам сафарининг сабабини сўрадилар. Қаноатли киши уларга:

— Мен дурадгорман, ўз ҳалол касбим орқасида топганимга қаноат қилиб яшайман, ҳеч кимдан бирор нарса тама қилмайман, султоннинг инъом-эҳсони менга керак эмас, фақат Ғазна шаҳрини бир томоша қилиб келиш орзуси билан сафарга чиқдим,— деб жавоб берди.

Булар Ғазнага етиб келиб, бир харобазор жойга тушдилар. Кечани ўша жойда ўтказиб, эртаси кун икки йўлдош султон ҳузурига етди, аммо қаноатли киши бормади. У икки киши султонга нима мақсад билан Ғазнага келганларини айтиб, қаноатли кишининг келмаганини ҳам айтиб ўтдилар. Султон одам юбориб учинчи йўлдошни ҳам ҳузурига келтирди. Сўнгра икки йўлдошдан истакларини сўради. Улардан бири султондан бир халта олтин сўради, иккинчиси ҳали уйланмаганини, султон ўз саройидаги чўри қизлардан бирига уйлантириб қўйишини ўтинди. Султон буларнинг тилакларини қабул қилиб, сўнг қаноатли кишидан:

— Ғазнага нима мақсад билан келдингиз? Нега менинг ҳузуримга келишни истамадингиз?— деб сўраганда, қаноатли киши айтди:

— Мен Ғазнани бир томоша қилиб кетиш учунгина келдим. Мен ўз ҳалол касбим билан кун кечиришни истайман, номус-орим ва обрўйимнинг барбод бўлишини истамайман, сизнинг инъом-эҳсонингиз керак эмас, шунинг учун ҳузурингизга келишни истамадим.

Султон Маҳмуд инъом-эҳсон қилишни истаса ҳам қаноатли киши ҳеч бир қабул қилмади. Кейин султон икки йўлдошнинг бирига бир халта олтин инъом қилди, иккинчисига саройдаги чўри қизлардан бирини никоҳлаб берди. Улар султоннинг ижозати билан ўз жойларига қайтиш учун йўлга чиқдилар. Шаҳардан чиқиб,

бир оз юрганларидан сўнг олтин эгаси чарчаб, халтани қаноатли кишига топшириб, ундан бир оз кўтариб бо-ришни ўтинди.

Қаноатли киши инъом-эҳсонни қабул қилмаганидан Султон Маҳмуд ғазабланиб, дарҳол бир хизматчисига:

— Халтаси ва чўриси бўлмаган кишини ўлдириб, калласини келтир,— деб буюрди. Хизматчи бориб халта эгасини ўлдириб, калласини келтирди.

Султон халта эгасининг бошини таниб, хизматчига: «Янглиш ўлдирибсан, дарҳол бориб халтаси ва чўри хотини бўлмаган кишининг бошини келтир», деб буюрди. Уша вақтда чўри хотин эгаси хотинини қаноатли киши ёнига қўйиб, зарурат юзасидан нарироқ кетган эди. Хизматчи бориб уни ўлдириб, калласини келтирди. Султон ҳайрон бўлиб: «Халтаси ва чўри хотини бор бўлган кишини ўлдирмай, тириклигича олиб кел», деб буюрди. Хизматчи бориб, қаноатли кишини чўри ва халта билан бирга олиб келди.

Султон табассум қилиб:

— Ҳамроҳларингизга нима бўлди?— деб сўради.

Қаноатли киши айтди:

— Сиз кимга олтин ва чўри инъом қилган бўлсангиз, уларнинг жонларини ҳам ўзингиз олдингиз. Мен сиздан ҳеч нарса олмаганим учун саломат қолдим.

Султон унинг сўзидан таъсирланиб: «Мендан бирор нарсани тила!» деб ундан илтимос қилди. Қаноатли киши айтди:

— Хўп, сиздан уч нарсани сўрайман. Аввало, халтадаги олтинларга яна кўпроқ олтин қўшиб, ўлган икки ҳамроҳимнинг оилаларига юборинг, уларни рози қилинг, гуноҳларингизни кечиришларини сўранг; кейин ғазабланиб ва ифвогарларнинг сўзига кириб, ҳеч кимни ўлдиришга буюрманг, ўзингизни адолатли раҳбар қилинг; учинчиси: сиздан ҳеч нарса тиламайман. Агар руҳсат берсангиз, хотин ва бола-чақамни Ғазнага келтириб ўз ҳалол касбим билан машғул бўлай.

Султон Маҳмуд унинг тилагини қабул қилиб, айтди:

— Менинг ҳам учта тилагим бор, сиз ҳам қабул қилинг. Бириси: менинг қилган хатоларимни кечиринг. Иккинчиси: ишларимда менга маслаҳат бериб туринг. Учинчиси: ҳар жума кун кечаси менинг ёнимга келинг, суҳбатингиздан баҳраманд бўлай.

Қаноатли киши султоннинг илтимосини қабул қилди.

Байт:

*Гар қаноат бирла бўлсанг барқарор,
Бўлмагайсан дунёда ҳеч хору зор¹.*

УЧ УҒИЛ

Қадим замонда мўътабар бир одамнинг уч ўғли бор эди: бу одамнинг кичик ўғли ота-онасининг измидан чиқмай, уларни иззат-ҳурмат қиларди, ахлоқли, тарбияли ўғил эди. Иккита катта ўғли эса ёмонларга қўшилиб, маъносиз йўлда юрардилар. Ота-оналарини доимо ранжитардилар, насиҳатларига қулоқ солмасдилар. Бир кун бечора она қаттиқ касалга чалиниб вафот қилди. Орадан кўп вақт ўтмади, ота ҳам оғир касалликка учради. У ўзининг вафоти яқин эканлигини сезиб, уч ўғлини ҳузурига чақириб айтди:

— Уғилларим, вафотим яқинлашиб қолганга ўхшайди, мендан кейин фақат учовингиздан биттангизгина меросхўр бўла оласиз. Шаҳар қозиси ва улуғлари қайси бирингизга ҳукм қилса ўша ворис бўлади. Улар менинг кўнглимдагини топиб ҳукм қиладилар, деб ўйлайман.

Бир неча кундан кейин у мўътабар одам вафот қилди. Уч ўғил отадан қолган меросни таллашиб, қози ҳузурига келдилар, отанинг айтган сўзини унга билдирдилар. Қози бу масалани ҳал қилишдан ожиз бўлиб:

— Мен бу масалани ҳал қила олмайман. Отангиз қайси бирингиз меросхўр бўлишингизни очиқ айтмаган, «учовингиздан бирингиз меросхўр бўласиз», деб қўя қолган, холос. Шу шаҳарда фозил, донишманд одам бор. Унинг ҳузурига бориб, отангизнинг васиятини айтинг. Бу масалани у донишманд ҳал эта олади, деб ўйлайман. У қандай ҳукм қилса, мен ҳам тасдиқлайман,— деб уларни донишманд ҳузурига юборди.

Уғиллар донишмандни излаб топиб, воқеани унга баён қилдилар. Донишманд ғазабланган бўлиб:

— Шу хилда ҳам мужмал васият бўладими? Боринглар, шундай тутуруқсиз васият қилган отангизнинг қабрини бузиб, ер билан яқсон қилиб, сўнгра ҳузуримга келинглар. Келганингиздан кейин тўғри ҳаққоний ҳукмни эшитасиз,— деди.

Эртаси куни икки катта ўғил кетмон, бел кўтариб,

¹ Оз-оз ўрганиб доно бўлур. Донишмандлар бисотидан ҳикоятлар, ўғитлар, ҳикматлар. Рафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1988, 162—163- саҳифалар.

кичик ўғил қўлига қилич олиб оталарининг қабри ёнига келдилар, икки катта ўғил қабрни бузишга ҳаракат қилган эдилар, кичик ўғил қилич кўтариб уларга:

— Қандай одобсиз, тарбиясиз, виждонсиз ўғил экансизлар. Мол-дунё деб отангизнинг қабрини бузишни истайсиз, уятсизлар, мен бундай ифлос ишингизга йўл қўймайман, қани, қабрга бир кетмон уриб кўринг-чи, иккингишни ҳам ўлдираман. Мен меросдан кечдим, мерос сизларга бўла қолсин. Ота-онамиз ҳаёт вақтларида уларни ҳурмат қилмадингиз, муборак дилларини оғритдингиз. Энди қабрда ҳам тинч ётгани қўймайсиз, эй, номуссиз акалар!— деди. Катта ўғиллар укаларидан кўрқиб, қабрни бузишга ботина олмадилар.

Кейин уч ўғил донишманд олдиға қайтиб келдилар. Катта ўғиллар донишмандга:

— Укамиз сизнинг буйруғингизни бажаришга йўл қўймади. Отамиз қабрини бузмоқчи эдик, қилич кўтариб бизни ўлдирмоқчи бўлди,— деб шикоят қилдилар. Кичик ўғил ҳам нима учун ота қабрини бузишга йўл қўймаганлигининг сабабини айтди. Кейин донишманд катта ўғилларига хитоб қилиб:

— Отангиз сизлардан қайси бирингиз меросхўр бўлишга ҳақли эканини очиқ айтмай, бу масалани ҳал этишни бизга нима учун ҳавола қилганлиги англашилди. Сизларни синаш учун отангиз қабрини бузишга буюрдим. Сиз икки ноқобил фарзанд шу жирканч ишга рози бўлдингиз, укангиз эса қабул қилмай, ҳатто сизларни ҳам бу ифлос ишдан қайтарган. Энди инсоф қилиб айтинг, ҳақиқий меросхўр сизларми ёки уми?— деди ва кичик ўғилнинг пешонасини силаб, офарин ўғлим, отангнинг чин фарзанди сен экансан, ота меросиға фақат сен эга бўласан, бу икки ярамас аканг бундан маҳрум қилинади. Менинг ҳукмим шу,— деди.

Эртаси кун қози уч ўғилни чақиртирди. Донишманднинг фикрини тасдиқлаб, отанинг молу дунёсини кичик ўғилга ҳукм қилди. Ноқобил икки катта ўғил шарманда бўлиб қолдилар¹.

ТАМАГИР КАМПИР

Бир кампирнинг биттагина гўзал товуғи бор эди; Бу товуқ ҳар икки кунда бир марта тухум қиларди. Кампир бир кун:

¹ Уша китоб, 164—165-саҳифалар.

— Товуғимнинг қорнида тухум хазинаси бор бўлса керак. Ҳар икки кунда бир тухум олишдан кўра, унинг қорнидаги тухум хазинасида сақланган ҳамма тухумни биратўласи ола қолай,— деб дарҳол товуғини бўғизлади. Афсуски, товуқ қорнида тухум хазинаси у ёқда турсин, бир дона ҳам тухум тополмади, бунинг устига сердаромад товуғидан ҳам айрилди.

Хулоса: инсон ҳеч вақт тамагир бўлмасдан, қўлида борига қаноат қилиши керак. Тамагирлик инсонга ҳеч нарса ҳосил этмайди, балки ҳар вақт ҳосил бериб турган нарсасини ҳам ғойиб этади.

Тамагирлик ҳақида Алишер Навоий айтади:

*Чунки тама бўлди гадолар иши,
Билки гадодир тама этган киши.
Улки этиб тарки қаноат шиор,
Айлаб ани ул тама эл ичра хор¹.*

ҚАНОАТ

Қаноат деб жаноби ҳақ тарафидан эҳсон бўлган аҳволга етишдугимиз неъмат ва молга шукр, бошимизга келган фақр, мусибат, фалокатларга чидаб, сабр қилмоқни айтилур. Қаноат ҳасад, тама, ҳирс, хорлик каби иллатларнинг давоси, нафсимизнинг ғиносидур.

Қаноат бир хазинадурки, нақдинаси кундан-кун ортар. Бу хазинага эга бўлган кишилар умрларини шавқ ва роҳатда кечирурлар. Бунинг ила баробар қаноатсизликдан пайдо бўладурган ҳасад деган жоннинг энг зўр душманидан қутулурлар. Чин инсонлар кишининг молина, мулкина, саодатина, маишатина ҳасад қилмас, қаноатдан айрилмас, умрини роҳатда ўткарур. Инсон ҳар бир ишга кучи етгунча чолишмоқ жаноби ҳақ тақдирдаги нарсасидан нимани берса, шунга қаноат қилмоқ лозимдур.

Зероки, инсон ўз маишатини, номусини сақламсқ учун фидойи жон даражасига боргунча саъй қилмоқга буюрилмишдур. лекин бу саъйнинг машруи ҳар бир ишда қаноатни қўлдан бермасликдур. Оламда қаноат каби дилни поклайдурган нарса йўқдур. Жаноби ҳақнинг амрига итоат қандай саодат эса, тақдирига қаноат зиёда бахтиёрликдур. Ҳазрати Али афандимиз: «Дунёда саъй-жадали ила маишат ўтқирган қаноат эгаси ҳеч

¹ У ш а к и т о б, 271-саҳифа.

кимга муҳтож бўлмаган зўр бойлар каби роҳатда, саодатда яшар»,— демишлар.

Афлотун ҳаким: «Инсоннинг саодати қаноатини қўлда тутмоқда, сарват ва маишат тўғрисида жаноби ҳақнинг тақдирига рози бўлмакдадур»,— демишлар¹.

САБР

Сабр деб бошимизга келган бало ва қазоларга чидамли бўлмакни айтилуру. Ҳар бир ишда сабр ва совуққонлик ила ҳаракат қилмак лозимдур. Чунки бошимизга келадурғон бало ва қазо, заҳмат ва машаққатларнинг барчаси жаноби ҳақнинг иродаси ила ўлдиғи учун буларга сабрсизлик қилган кишилар ажр ва савобдин қуруқ қолурлар. Сабр инсонлар учун буюк бир фазилатдурки, жаноби ҳақ собирларни суяр. Қуръони карим ичида кўп ерда сабрни, собирларни мадҳ қилмишдур. Шариати исломияда жаноби ҳақ тарафидан келган бало ва қазога сабр қилмоқ фарзи айндур.

Инсон ҳар бир ишни сабр ва матонат ила юрутса, мақсудига тинч ва роҳатда боруб етар. Ҳамиша саодатда яшар.

*Секин борган киши мақсуда етгай,
Шошуб бесабрлар каж йўлга кетгай.
Агар сабринг бўлса нафсингга йўлдош,
Сени тавфиқи раббонига элтгай.*

Нафсини сабр ила ром қилган киши ҳар ишда ошиқмай, оҳиста ҳаракат қилур. Нафсини ҳалокатдан, ғурурдан сақлар. Сабр шундай бир кучли нарсадурки, шахватни ифбатга, ғазабни шижоатга, шиддатни ҳилмага, катталикни тавозуъга, ёмонликни яхшиликга айлаңдурмакга қуввати етар.

Шул хусусда сўйланмиш бир ҳадиси шарифнинг маъноси «илм имонли кишиларнинг муҳиби, ҳилм ҳомийси, ақл далили, яхши амал сармоясси, мулойимат волиди, афв ахавони, сабр ҳокими виждонидур», дейилмиш. Араблар «ассабру мифтоҳулфараҳ»— сабр шодлиғнинг калидидур»— деюрлар.

*Сабр ила ҳар мушкил иш зойил бўлур,
Сабр эдан мақсудина нойил бўлур.*

¹ Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. «Уқитувчи», Тошкент, 1992, 22-саҳифа.

*Ҳар кишида бўлмаса сабри жамил,
Нафс кўйина юруб сойил бўлур.
Сабр қилсанг, ғўрадан ҳалво битар
Сабрсизлар ўз оёғидан йитар¹.*

КАСБ-ҲУНАР ҲАҚИДА

ҲУНАР АФЗУНЛИҒИ. БАЛАНД ҚАДР ВА ОЛИЙ ТАБЪ БЎЛМОҚ ЗИКРИДА

Эй фарзанд, огоҳ бўлки, ҳунарсиз киши ҳамиша фойдасиз бўлур ва ҳеч кишига нафъ еткурмас. Билурсанки, хори муғилоннинг² тани бордур, аммо сояси йўқдур. Ҳунарсиз киши ҳам хори муғилон янглиғ на ўзига ва на ўзгага фойда берур.

Агар киши ҳар қанчаки олий насаб ва асл бўлса, аммо ҳунари бўлмаса, халойиқнинг иззат ва ҳурмати-дин ноумид бўлур. Агар кишида ҳам насаб гавҳари ва ҳам ҳунар зевари³ бўлмаса, ундан баттарроқдур. Жаҳд қилғил, агар гавҳаринг ҳар нечаки асл бўлса, унга ғарра бўлмағил, нединким тан гавҳари ҳунар зевари била музайян⁴ бўлмаса, у ҳеч нарсага арзимағусидур. Андоқким дебдурлар: «Улуғлик ақл ва донишлик билладур, гавҳар ва насаб била бўлмас».

Отни ота ва онанг қўймишлар, сен унга ғарра бўлмағил, нединким, ул от маҳзи⁵ бир нишондин ўзга нарса эмасдур. Аммо сен ҳунар била бир номга эга бўлғил. Ўзингни «Жаъфар», «Муҳаммад», «Аҳмад», «устод», «хўжа», «фозил» оти била атаб, аммо унга лойиқ бўлмасанг, у от эрмасдур. Агар кишида насаб гавҳари бўлса, аммо ҳунар зевари бўлмаса, у ҳеч кишининг суҳбатига лойиқ бўлмағусидур. Гарчи бу икки гавҳар ҳосил қилғон кишини топсанг, этагини маҳкам тутғил ва ундин илкингни чекмағил, билки у барча кишиларнинг мушқулин осон қилғай.

Барча ҳунардин сўз ҳунари яхшироқдур, нединким, ҳамма маҳлуқотдин одам яхшироқ яралди ва ўзга жониворлардин одам ўн даража зиёдадур ва бу ўн даража одамнинг баданида ҳамиша бордур. Беши ташида зоҳирдир, беши ичида пинҳондур. Ул пинҳон

¹ Уша китоб, 24-саҳифа. ² Хори муғилон — бир хил тиканли бута. ³ Зевар — безак, зийнат. ⁴ Музайян — зийнатланган. ⁵ Маҳз — холис.

нарсалар: бири, бир нарсани ёд олмоқ; бири, ҳамиша эсда сақламоқ, бири тахайюл¹ бири таҳаввур², бири такаллум³. Аммо ул бештаким ташида зоҳирдур: бу завқ, яъни эшитмоқ, кўрмоқ, ҳид билмоқ, тотмоқ, сий-паламоқ, яъни сезув. Булар гарчи бошқа жониворларда бўлса ҳам, одамда бўлғондан эмасдурлар. Бу сабабдан одамзод ўзга жониворларга подшоҳ манзаласидандур.

Шуларни билғондек кейин тилингни яхши ҳунар била ўрғатғил ва мулоим сўздин бошқа нарсани одат қилмағил. Нединким, тилга ҳар нечўк сўзни ўргатсанг, шуни айтур, сўзни ўз жойида ишлатғил, сўз агар яхши бўлса, аммо ноўрин ишлатилса, гарчанд у ҳар нечуқ яхши сўз бўлса ҳам ёмон, нобоп эшитилур. Шунинг учун беҳуда сўзламағилки, фойдасиздур. Бундай бефойда сўз зиён келтирур ва ҳар сўзки ундан ҳунар иси келмаса, бундай сўзни гапирмаслик лозим. . .

Аммо сўралмоғон сўзни айтмағил ва беҳуда сўздан парҳез қилғил, ҳар бир сўзни сўрасалар, рост айтғил. Сендан талаб қилмаса, кишига насиҳат қилмағил, панд бермағил, хусусан сени тингламағон кишига ҳеч сўз дема, чунки бундай кишилар пандни эшитмағайлар. Кўп кишиларнинг орасида бир кишига панд-насиҳат қилмағил.

Агар бирор киши кажликка⁴ одат қилғон бўлса, унинг ёнига бормағил, у ҳаргиз рост сўзламас. Нединким бир дарахт эгри бўлса, то уни чопиб йўнмагунча, у тўғри бўлмас.

Мулоим сўзга бахил бўлмағил, халқ мулоим сўз эшитмаса, мол ва дунёга мағрур бўлур. Қаттиқ сўз демағил, яхши сўз дегил, токи яхши сўз эшитғайсан. Шўристонға тухум сочмағилким, ҳосил бермағай, меҳнатинг беҳуда бўлғай, яъни яхшиликни билмағон кишига яхшилик қилмоқ шўристон ерга тухум сочмоқдур. Аммо яхшиликка лойиқ кишидан яхшиликни дариф тутмағил ва унга ҳам яхшиликни ўрғатғил. . .

Эй фарзанд, яхшилик қил ва қилғон яхшиликдин ҳаргиз пушаймон бўлмағил. Бир кишига бир яхшилик қилсанг, кўргилки, яхшилик қилғон вақтда у кишига нақадар роҳат етғон бўлса, сенинг кўнглингга ҳам ундан зиёдроқ шодлик ва хуррамлик етишур. Агар бир кишига ёмонлик қилсанг, унга нақадар ранж етса, се-

¹ Тахайюл — хаёлга келтирмоқ. ² Таҳаввур — ғазаб ва шиддат билан ҳужум этиш. ³ Такаллум — сўзлаш. ⁴ Кажлик — қинғирлик, ёлғонлик.

нинг кўнглинга ҳам ул миқдор танглик етишур. Демак, бу жаҳонда яхшилик ва ёмонлик мукофоти, албатта, етгусидир. Менинг бу сўзимга мункир бўлмағилки, ҳар киши бутун умрида бир кишига яхшилик ё ёмонлик қилғон бўлса, бу ҳақда андиша қилсин, менинг бу сўзим ростдур. Бас, агар қила олсанг ҳеч кишидан яхшиликни дариф тутмағил, яхшиликнинг фойдаси бир куни рўёбга чиқар.

Ҳикоят. Андоқ эшитибманки, Мутаваккил у айёмда Бағдод халифаси эрди. Унинг Фатҳ отлиғ бир бандаси бор эди, у ғоятда донишманд, гўзал сиймоли, адаблиғ ва таваккалчи эрди. Ҳамма илм ва санъатни ўрганганди. Мутаваккил Фатҳни фарзанд атаб, ўз фарзандларидан ҳам азизроқ тутарди. Бир куни Фатҳ сувда юзмоқни ўрганмоқ тилади ва кемачилар келиб унга Дажла дарёсида сувда юзишни ўргатдилар. Аммо Фатҳ ёш бола эрди, сувда юзишни ҳали у қадарли яхши билмасди, шунга қарамай: «Мен энди юзишни яхши ўргондим»— деб кемачиларга айтмай, танҳо ўзи Дажла дарёси қирғоғига бориб, ўзини сувга ташлади. Сув тез оқарди. Фатҳни оқизиб кетди. Фатҳ юзмоқдин ожиз эрди ва сувнинг юзида қалқиб борарди. Ниҳоят тўлқин зарбидан қирғоққа чиқиб қолди. Бир айланмада дарё қирғоғида сув мавжининг қилғон ўнгирликлари бор эди. Фатҳ шу ўнгирликларнинг бирига тушиб ўтирди ва «Жонимни ҳалокат гирдобидан қутқардим, энди худои таоло ҳар на хоҳласа, уни кўргумдур» деб етти кун муддати мазкур ўнғурда ўтирди. Бир неча кундан кейин: «Фатҳ сувга ташлаб ғарқ бўлди ва сувнинг юзида қалқиб қолди. Билмадик, қирғоққа чиқдимۇ ё чиқмадимۇ»— деб Мутаваккилга хабар еткурдилар. Мутаваккил кемачиларни чақириб деди: «Ҳар киши Фатҳнинг ўлигин ё тиригин келтурса, унга минг динор берурман» ва ўзи «То Фатҳни кўрмагунимча таом емағайман»— деб онт ичди. Кемачилар ўзларин дарёга ташлаб шўнғиб ва юзиб, ҳар тарафга бориб Фатҳни ахтарур эрдилар. Еттинчи куни иттифоқо бир кемачи ул ўнғурга етиб, Фатҳни кўриб шод бўлди ва унга деди: «Ушбу ерда турғил, то мен бир қайиқ келтируб, сени халифанинг қошига олиб кетай» ва тезда Мутаваккил халифанинг олдига қайтиб келиб деди: «Эй, амиралмўъминин, агар мен Фатҳни сенинг олдинга тирик олиб келсам, менга нима берурсан?». Мутаваккил деди: «Беш минг динор берурман». Кемачи қайтиб бориб

Фатҳни тирик келтурди. Халифа унга ваъда қилғон динорни берди ва вазирга деди: «Хазинага борғил, қанча мол бўлса, ярмини дарвешларга берғил», Ондин сўнг деди: «Таом келтуринг, Фатҳ етти кундан бери очдур», Фатҳ деди: «Мен тўқдурман». Халифа деди: «Дажла дарёси суви билан тўйғондурсан?». Фатҳ деди: «Йўқ, етти кун муддатда ҳар кун бир табақ¹ ичида йиғирма чоғлик нон сувнинг юзида оқиб келур эрди ва мен чувстик била² ундан икки-уч нон олиб ер эдим. Менинг тириклигимга сабаб ул эрди.

Ҳар нонга бундак хат ёзилмиш эрди: «Мен ким, Муҳаммад бинни Ҳусайн ал-Аскоф, яъни бу нонларни дарёга ташлағон киши Ҳусайн кафшдўзнинг ўғли Муҳаммаддур».

Мутаваккил: «Ҳар куни Дажла дарёсига нон ташлағон кимдур? Амиралмуъминин уни қадрлайди ва бахтиёр қилади, ўзин маълум қилсун» деб шаҳарга жар солдирди. Сўнгги кун бир киши келиб: «Мен эрдим»— деди. Халифа: «Нишонинг борму?»— деб сўради. Ул: «Нишоним улдулки, ҳар ноннинг юзида «Муҳаммад бинни Ҳусайн ал-Аскоф» деб ёзилғон хат бор»— деб жавоб берди. Халифа: «Нишонинг дурустдур, аммо неча муддатдин бери дарёга нон ташларсан?»— деб сўради. Ул: «Бир йил бўлди»— деб жавоб берди. Халифа: «Бундан муддаонг нима эрди?»— деб сўради. Ул одам: «Бундоқ эшитиб эрдимки, яхшилик қилиб дарёга ташлағил то бир кун сенга фойдаси етгай», аммо менинг қўлимдан бошқа яхшилик келмас эрди ва қудратим етғони ушбу нон эрдик, дарёга ташлаб, ундин менга қандай фойда етушгай?»— деб кўз тутар эдим»— деди. Халифа деди: «Ҳар нима эшитдинг — қилдинг, ҳар нима ким қилдинг — унинг фойдасини топдинг».

Дарҳол унга Бағдодда кўп мулк ва асбоб берди ва у оз вақт ичида муҳтарам ва муҳташам бўлди. Унинг авлоди ва ихфонди³ ҳануз Бағдодда бордур. Мен ал-Қойимби-амриллоҳи замонида ҳажга бормиш эрдим. Байтуллоҳни зийрат қилиб Бағдодга келдим ва Бағдодда ҳам у кишининг фарзандларини кўрдим ва бу ҳикоятни ҳам шу тариқа эшитдим.

Эй фарзанд, ҳаргиз яхшилик қилмоқни тарк этмағил, ҳамиша яхшиликни халойиққа кўргузғил ва асло унинг аксин кўргузмағил, бошқа тил била сўзламағил.

¹ Табак — лаган. ² Чист — чаққон. ³ Ихфоди — насл.

Бошқа кўнгил била фикр этмағил, буғдойни кўргузиб Һрпани сотмағил ва барча ерда ўзингдин дод¹ берғил. Һар кишиким ўзидин дод берса, доди мустағни бўлур. Агар ғаминг бўлса, ғам ва шодлиғи бор кишининг ёнида айтғил ва шодликни ношод кишиларнинг қошида зоҺир қилмағил, Һар турлук иш учун дилтанг бўлмағилким, бу иш ёш ўғлоннинг ишидур.

Билғилки, донишмандлар охири ғам бўлғон шодликни шодлик билмаслар ва охири шодлик бўлғон ғамни ғам ҳисоб қилмаслар. Ноумидлик вақтида умидворроқ бўл ва ноумидликка умид эшигин боғлиқ бил, умид эшигин ноумидликка боғлиқ қилмағил. Һеч кишининг меҺнатини зоеъ қилмағил ва Һар кишининг қолига лойиқ Һақини бажо келтурғил. Һусусан, ўзингнинг яқин қариндошларингга имкон борича яхшилик қил ва ўзингнинг қабила ва уруғинг қариларини иззат, Һурмат қил... , лекин уларга буткул мухлис бўлмағил. Уларнинг Һунарини кўрсанг, айбларига Һам қарағил. Агар бегонадан хавфсиз бўлсанг, мазкур хавфсизлик даврни ўзинг сақла, хавфсизликни хавфлилик гумон қилмағил. Гумон қилиб заҺар ичиш нодонликдан ёмонроқдур.

Халқнинг оз Һунарини кўп кўрғил, Һаққин яхши билғил. БеҺунарликдан, беҺирадликдан яхши от ва яхши таом қўлга келтура олсанг, беҺунар, беҺирад бўлғил, йўқ эрса Һунар ўрганғил. Урганмоқ, эшитмақдин номус қилмағил, то хижолат ва пушаймонлиғдин қутулғайсан.

Халойиқнинг айб ва Һунарига боққил, уларнинг наф ва зарари на чоғлиқдур. Бунинг фойда ва зиёнлари қайси ерга қадар борур, ундан сўнг ўз манфаатингни талаб қил. Кўрғил, қайси нарса халқни манфаатга яқин қилур. Узинг ана шундоқ ақл ва Һунарни ўрганмоқ била баландликка кўтарилурсан. Бу иш сенга икки нарса била Һосил бўлур: ё билғон Һунарга яраша иш қилмоқ била, ё билмағон Һунарни ўрганмоқ била. Суқрот Һақим айтурки: «Һунардин яхшироқ нарса йўқтур ва донишдан улугроқ нарса йўқтур, шармдин яхшироқ зевар йўқтур ва бадхўйликдин ёмонроқ душман йўқтур». Һунарни ул вақтда ўрганурсанки, агар бир соатни Һам бекор ўтказмасанг. Агар ул вақтда доно киши Һозир бўлмаса, нодондин ўрганғил, чунки Һунарни нодондин яхшироқ ўрганса бўлур. Бу шул жиҺатдинки, Һар вақт

¹ *Дод* — инсоф, адолат, ёрдам: *дод бермоқ* — додига етмоқ.

кўнги кўзи ва ақл назари била нодонга боқсанг, унинг нописандида ишларин кўруб, ундин парҳез қилурсан. Искандар деди: «Барча дўстлардин худ манфаат топарман, аммо душманлардин ундин кўпроқ манфаат топарман. Сабаби менинг ёмон феълимни дўстлар манфаат юзидин пинҳон тутарлар ва мен уни билмай қолурман. Душманлар душманлик жиҳатидан ул феълни менга айтурлар ва мен ул феълни ўзимдин йироқ тутарман».

Эй фарзанд, сен ҳунарни донодин ўрганмасанг, нодондин ўрганғил. Барча катта, кичикка ҳунар ўргатмак вожибдур, нединким киши ҳунар ўрганмоқ била ўз ҳамроҳларидан баланд мартабада бўлур. Чунки ўзингда ҳунар кўриб ўз тенгларингда ул фазилатни кўрмасанг, ўзингни улардин баланд кўрарсан ва улар яна сени ўзларидан баланд мартабада билурлар. Ҳунарманд киши улдуким, фазли ва ҳунар сабаби била қадр ва мартабаси ўзгалардин баланд бўлгон эканин билиб фазл ва ҳунарга аввалгидин зиёдроқ ҳаракат қилғай ва бурунғидин зиёдроқ фозил ва ҳунарманд бўлғай. Ҳар кишики бундоқ қилса тезда халқнинг орасида азиз ва улўғ бўлғай. Бас, буни билгон киши фазл ва ҳунардин қўл тортса, бу ақлсизлик нишонасидур. Ҳунар ўрганмоқда меҳнат қилмоқ, баданни ялқовлик, яъни бекорчиликдин қутқармоқ фойдалидур, нединким бекорчилик баданнинг фасод ва беморлиғига сабаб бўлур. Агар баданга ранж бериб, уни ўзинга мутеъ қилмасанг, қаҳр била мартабали бўла олмасан. Нединким, бадан қоҳилликни¹ ва роҳатни дўст тутғони жиҳатидин ҳам ўз ихтиёри била сенга фармонбардор бўлмас. Ул сабаб билаким, баданда асли ҳаракат йўқтур. У ҳаракатни фармон била қилур, ўз муроди била қилмас ва то сен буюрмагунча баданнинг ҳеч ишга рағбати бўлмас.

Бас, эй фарзанд, баданни ўзинга мутеъ қил ва уни қаҳр била итоатга буюрғил.

Ҳар киши ўз баданин ўзига мутеъ қилса, ўзгаларнинг баданин ҳам мутеъ қила олур, чунки ҳар киши ўз баданин ўзига фармонбардор қилса фазл ва ҳунар ўрганмак била икки жаҳоннинг саломат ва шарофатин ҳосил қилур.

Барча дониш ва ҳунарнинг сармоysi: адаб, тавозъе, ҳаё, пок диллик, парҳезкорлик, безорлик, сабр ва

¹ Қоҳил — суст, бўш.

матонатликдур. Лекин кўп вақтлар бўлурки, шарм кишига зиён еткарур. Шундай шармли бўлмағилки, бу ишингга ҳалал еткармасин, нединким, кўп вақтлар бўлурки, бешармлиқ била мақсуд ҳосил бўлур. Агар қила олсанг фаҳш, ёлғон ва ножуванмардликдин шарм қилғил, салоҳиятлик сўз ва манфаатлик ишдин шармни қўйғил. Кўп кишилар бўлурки, шарм қилиб ўзларининг барча мақсудларидин айрилурулар. Сен ул миқдор шарм қилғилки, бу имон субути ҳосилига сабаб бўлсин. Ўзингга зарар-ва зиён етказур даражада шарм қилмағил.

Сенга шарм жойин ва бешарм жойин билмак лозимдур, токим қайси яхшироқ бўлса уни қилғайсан. Дебдурлар: «Яхшилик муқаддимаси шармдур, ёмонлиқ муқаддимаси бепарҳезкорлик ва бешармлиқдур».

Нодон била ҳамсуҳбат бўлмағил, хусусан сени доно гумон этгон била.

Ўз жаҳлингга хурсанд бўлмағил ва некном¹ кишилар била суҳбат тутғил, некномлар суҳбати шарофатидин некном бўлғунг ва ҳамиша саъй ва қўшиш қилғилки, олимлар маҳбуби бўлғайсан ва жоҳиллар марғуби² бўлмағайсан. Ундоқким, бир ҳикоятда эшитгонман:

Ҳикоят. Бир кун Афлотун ўлтурмуш эрди, шаҳар халқининг улуғларидин бир киши унинг саломига келиб ўлтурди ва ҳар турлук сўз айтиб туриб, сўз орасида деди:

— Эй ҳақим, бугун фалон одамни кўрдум. Ул сени таъриф этиб, ҳақингга кўп дуолар қилди ва мен унинг шукрин сенга еткурмақдаман.

Афлотун ҳайрон бўлди. Ул киши деди:

— Эй, менинг бу сўзимдин ҳайрон ва дилтанг бўлдингму?

Афлотун деди:

— Йўқ хўжа, менга сенинг сўзингдин ҳеч ранж ва танглик етушмади. Лекин менинг фикримда улуғ мусибат мавжуд бўлди. Нединки, мени бир жоҳил таъриф қилмиш ва менинг ишим унга мақбул тушмиш. Гуё мен бир жоҳилона иш қилмиш эрманки, мени бир жоҳил тавсиф этгай. Мен шул важдин ғамгинманки, жоҳилларнинг марғуби бўлмишман. Нединким, жоҳилнинг марғуби жоҳил бўлғусидур.

Яна бу маънода бир ҳикоят ёдимга тушди.

Ҳикоят. Эшитибманки, Муҳаммад Закарийёи Розий

¹ Некном — яхши. ² Марғуб — севимли, ёқимли.

Ўзининг шогирдларидин бир жамоа била ўлтурмуш эрди, бир девона уларнинг олдига келди ва ҳеч кишига қарамади. Аммо бир кун Муҳаммад Закариёининг юзига қараб кулди. Ундан сўнг Муҳаммад Закариёи бир яхши таом буюруб, пиширтириб еди.

Шогирдлари сўради:

— Эй ҳаким, бу таомни бурун емас эдингиз, ҳозир нечук ерсиз?

Ҳаким деди:

— Ул девона менинг юзимга қараб кулғони учун ерман, нединким ул то бу вақтгача менга илтифот қилмас эрди ва юзимга қараб кулмас эрди. Энди билдимки, ул мени ўз аҳлидин ҳисоб қилди. Андоқким дебдурлар:

*«Қабулар бо кабулар, ғоз бо ғоз
Қунад ҳамжинс бо ҳамжинс парвоз».*

Тундлик ва тезликни одат қилмағил. Лекин ул миқдор ҳам мулойим бўлмағилки, сени одамлар ёмон кўрмасунлар ва дурушт¹ бўлмағилки, сендин қочмасунлар. Дўст ва душманга мувофақат қилмоқдин мурод ҳосил қилса бўлур деб барча била мувофиқ бўлмағил.

Ҳеч кимга ёмонлик ўргатмағил, ўргатмак ҳам ёмонликнинг биридур. Агар бир киши сенга ҳеч гуноҳсиз озор берса, сен унга бермағил, одамнинг асили кам озорликдур.

Агар одам эрсанг, кам озор бўл, халойиққа хулқингний яхши қил. Одамга дийдор керакдур, нединким ойнага қарагон агар дийдори яхши бўлса кирдорини ҳам дийдоридек қилғай. Чунки яхшидин ёмонликнинг чиқмоғи яхши эмасдур, яъни буғдойдин арпа кўкармоғи номуносибдур. Агар киши ойнага қарагонда юзи ёмон кўринса ҳам яхшилиқ қилсун, йўқ эрса ёмонлиқ устига ёмонликни зиёда қилмиш бўлғай ва икки ёмоннинг бир ерда жамъ бўлмоғи ниҳоятда ёмондур.

Мушфиқларни қабул этғил ва улар била ҳар вақт хилватда суҳбат қилғил, нединким улардин кўпроқ фойда сенга хилват вақтда етар. Бу сўзларни мен сенга баён қилдим, агар ўқиб, билиб фазл ва ҳунарлар ҳосил қилсанг, унда ҳам фазл ва ҳунарингга ғарра² бўлмағил ва ўзингни нодон санамағил. Доно ул вақтда бўлурсанким, нодонликдин хабардор бўлсанг.

¹ Дурушт — қўпол, дағал. ² Ғарра — мағрур.

Ҳикоят. Эшитибманким, Хисрав Парвезнинг подшоҳлиги замонида ва Абузуржмеҳрнинг вазирлиги вақтида Румдин бир элчи келди. Хисрав уни олдиға чақириб Абузуржмеҳрнинг донолигини унга маълум этмак истади ва элчининг қошида Абузуржмеҳрга деди: «Эй фарзони, ҳар нарсаки оламда бордур, сен унинг барчасин билурсан». Хисравнинг бу сўздан муддаоси: «Абузуржмеҳр биламан деб ҳозир жавоб беради», деб ўйларди. Аммо Абузуржмеҳр: «Билмасман» деб жавоб берди. Хисрав бу жавобдин танг бўлуб, элчининг қошида кўп хижолат чекди ва яна сўради: «Ҳамма нарсани ким билур?». Абузуржмеҳр: «Ҳамма нарсани ҳамма билур, аммо ҳамма нарса ҳануз онадин туғулмашидур»,—деди.

Эй фарзанд, сен ҳар нечаки доно бўлсанг, ўзингни халқдин донороқ билмағил, нединким ўзингни нодон билдинг — доно бўлдинг. Рост, доно ул кишидурким, қачон ўзин нодон ва ожиз ҳисоблар. Чунки Суқрот ҳақим айтурки: «Агар бир киши десақим, Суқрот ҳақим донишманддур ва жаҳон донишининг даъвосин қилур. Дарҳол айтур эрдимки, мен ожизман ва ҳеч нарсани билмасман. Лекин бу сўзни ҳам айта олмағумдур, нединким, бу сўз ҳам мен томондин айтилғон улуг даъводур».

Демак, эй фарзанд, донишлиғингга ғарра бўлмағил. Киши донишлиғига ғарра бўлса, албатта ул ҳаммаша пушаймон бўлур.

Ҳар ишда машварат¹ қил, нединким, машварат қилмоқсин айб билмағил, оқил ва мушфиқ дўстларга машварат қил. . . , ҳар ишда ўз ёрларингга машварат қил. . .

Билғилким, бир кишининг раъйи икки кишининг раъйи чоғлиқ бўлмағусидур ва бир кўз икки кўз янглиғ кўра олмағусидур. Кўрмасмусанким, бир табиб бемор бўлса, ўз муолижасига эътимод қилмағусидир. Бошқа бир табибни келтуриб, унинг машварати била даво қилғусидир.

Агар ўз ҳамжинсингдин бирининг сенга иши тушса, унинг ишин, битқарурга жонинг била ҳаракат қилғил. Агар ул душман бўлса ҳам мол харжин ва тан ранжин ундин дариф тутмағил. Чунки агар ул сен унинг мушқулин осон қилғонингни билса, бул жиҳатдин унинг душманлиги дўстликка айланур.

Сухандон кишилар сенинг саломингга келсалар, улар-

¹ *Машварат* — кенгаш, маслаҳат.

ни ҳурмат қил ва эҳсон кўргазғил. Шунда сендин улар хушҳол ва миннатдор бўлғайлар ва ҳамиша саломингга келғайлар. Жаҳонда нокасроқ киши ул кишидурким, ҳеч ким унинг саломига келмағай.

Сухандон кишилар била ҳам суҳбатда бўлғил ва қандай қилиб сўзлаш кераклиги шартларин ҳам бил-ғил¹.

ҲАЙРАТЛИ ИШЛАРНИНГ ЭГАЛАРИ

Яна бир тоифа — ҳунарманд бўлар,
Тириклик тилашиб шу ишни қилар.
Булар нафи сенга кўп бебаҳодир,
Керакли, яқин тут уни, баҳодир.
Темирчи, этикчи яна ўймакор,
Бўёқчи, рассом ҳам ўқ-ёйчилар бор.
Олам безаклари уларда бўлар,
Ҳайратли иш-амал эгаси — шулар.
Булар билан қўшил, қоришиб тургин,
Уларни севинтир, ўзинг шод юргин.
Ишинг қилсалар ҳақ бергин ишга тенг.
Едир, ичир, тутгин озиқларин кенг.
Ғийбат қилишмасин сени халқ ора,
Яхши билгин, номинг бўлмасин қора,
Яна яхши деган билимли сўзин,
Дилин поклаб, халққа ёқтириб ўзин:
Тириклик тилама, эзгу от тила,
От эзгу эса шу — тириклик, бил-а!
Ўзинг ўлиб, охир қолар бу отинг,
Номинг эзгу бўлса татир ҳаётинг.
Номи ёмон бўлиб тарқалсами сал,
Тирик турмагани у учун афзал.
Тириклик — қисқа, сен тила эзгу от,
Ёмон эмас, қилгин номни мангу от².

ДЕҲҚОННИНГ ҚУЛИ КЕНГ

Тағин бир тоифа бўлади — деҳқон,
Керакли кишилар булар ҳар қачон,
Булар билан яқин бўлгин ҳамиша,
То томоқ ташвишин билмасдан яша.

¹ Кайковус Унсурулмиолий. Қобуснома. «Ўқитувчи», Тошкент, 1986, 31—40-саҳифалар.

² Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. «Юлдузча», Тошкент, 1990, 96—97-саҳифалар.

Қимирлаган жонга наф берар улар,
Ейишу ичишга жон берган шулар,
Нафас олган бутун тирик жонивор
Деҳқондан бўлмоғи керак миннатдор.
Шубҳасиз сенга ҳам керак бу киши,
То тугал ҳал бўлсин томоқнинг иши.
Булар билан бирга бўла бер, қардош,
Тоза бўлар бўғзинг, ҳалол келар ош.
Сахийликда йўқдир асло унга тенг,
Унинг бор вужуди: феъли, дили кенг.
Ундан ризқ топади қимирлаган жон,
У боис бор жонзот яшайди омон.
Буларга қўшилгин, аралаш ўзинг,
Доим яхши сўзла, очиқ тут юзинг.¹

ЧОРВАДОР — ҲАММА ҲАЙВОНЛАРГА САРДОР

Булардан бўлаги бўлди чорвадор,
Ҳамма ҳайвонларга улардир сардор.
Бутун, чин бўлурлар, йўқ ер-боғ мулки
Кишиларга тушмас уларнинг юки.
Кийим, овқат, яна от, айғир, байтал,
Юкчи ҳайвон унда бўлар мукамал.
Қимизу сут ё юнг, ё сузма, қурут,
Намат, кийгиз бўлар чорвадорда бут.
Фойдали кишилар бўлар бу бўлак,
Буларни ҳам эзгу тутмоғинг керак.
Қўшилгин, қорилгин, едир ҳам ичир,
Тўғрилиқ ичида тириклик кечир.
Нени сўрса бергин, керак бўлса ол,
Чиндан кўрдим: улар билмас ҳийла, ол.
Булардан тилама тартиб қоида,
Бир оз кенглик бўлар феъли-ройида.
Бу хил бўлар барча аҳли чорвадор,
Қўшилсанг, сўзим тут, сенга нафи бор.²

Ҳикоят

Бир донишманд фарзандларига шундай панду на-
сиҳат қиларди: «Азиз ўғлонларим, ҳунар ўрганинглр,
зероки, моли дунёга эътимод йўқ ва олтин-қумуш са-
фарда хатарлидир. Қароқчи ўғирлаб кетади ёки эгаси

¹ Уша китоб, 95-саҳифа. ² Уша китоб, 96-саҳифа.

еб-ичиб тамомлайди. Аммо ҳунар қайнар булоқ, туганмас давлатдир, агар ҳунарманд молицдан маҳрум бўлса, қайғуси йўқдир, чунки ҳунарнинг ўзи давлатдир. Ҳунарманд қаерга борса, қадрланади ва уйнинг тўридан жой олади. Ҳунарсиз одам эса, ҳамиша машаққат чекади, тиланчилик қилади».

*Ўзи буюрмоққа ўрганган киши
Қийин бошқаларга қулоқ солиши.
Қим агар ўсибди нозу неъматда,
Ҳоли оғир бўлар қолса кулфатда.
Бир маҳал Шомда қўзғалди фитна,
Ҳар ким уйдан зада югуришди зир.
Қишлоқлардан келган ақлли ёшлар,
Янги подшоҳга бўлишди вазир.
Шаҳарлик калтафаҳм вазирзодалар,
Гадо бўлиб, қишлоқ кетишди охир.
Истар эсанг отангдан мерос
Боғла отанг илмига ихлос.
Не нафи бор отанг бойлигин,
Бир кун тугатарсан неча ойлигин¹.*

МЕҲНАТСЕВАРЛИК ВА ТЕКИНХҲҶРЛИК

Ҳикоят

Олимлардан бирининг бола-чақаси кўп эди-ю, топиш-тутиши оз эди. Ўзига мухлис бўлган бир мансабдорга аҳволини сўзлади. Мансабдор унинг шикоятини эшитиб, қош-қовоғини солди, олим одамнинг таъмаланиши унга жирканч кўринди.

*Бахтсизликда қовоқ уйиб кирма дўстинг ёнига,
Талх айлама дўстингни ҳам роҳату ишратини.
Бирор ҳожат бўлганда ҳам очиқ чеҳра, хандон кир,
Ҳожатингни чиқаргучин. бузмай кайфиятини.*

Дейдиларки, мансабдор олимнинг маошини бир оз оширди-ю, лекин ихлосини анча камайтирди. Олим бир неча кундан кейин мансабдорнинг одатдаги дўстона муомаласидан асар кўрмай, деди:

¹ Саъдий. Гулистон. Фафур Ғулум номидаги бадиний адабиёт нашриёти. Тошкент, 143—144-саҳифалар.

*Ноним ошди, обрў камайди; бироқ,
Хорликдан кўра йўқчилик яхшироқ¹.*

Ҳикоят

Бир дарвеш бир нарсага жуда муҳтож бўлиб қолди. Бир одам унга: «Фалон кишининг мол-давлати ниҳоятда кўп. Агар эҳтиёжингдан хабар топса, албатта сенга ёрдам беради»,— деди. «Ахир, мен у одамни танимайман-ку», деди дарвеш. «Мен сени таништириб қўяман»,— деб дарвешнинг қўлидан етаклаб, бойнинг уйига бошлаб борди. Дарвеш лабини чўччайтириб, кибр билан керилиб ўтирган одамни кўриб, орқасига қайтди. Бошлаб келган киши деди: «Бу нима қилганинг?» Дарвеш жавоб берди: «Унинг бахшишини кибр билан ўтиришига бағишладим».

*Агар бўлса қовоқ уйган, бадбуруш,
Кайфинг бузар, ҳеч айтма ҳожатингни.
Бориб айт истагинг хушрў кишига,
Топарсан чеҳрасидан роҳатингни².*

Ҳикоят

Шунга ўхшаш, бир кенг саҳрода бир мусофир йўлини йўқотиб қўйди, озуқаси тугаб, тинка-мадори қуриди. Белига тугиб олган бир неча дирҳам пулидан бўлак ҳеч нимаси йўқ эди. У қанчалик жаҳду жадал қилиб ахтармасин, йўл тополмади, кейин очлик ва ташналикдан қаттиқ азоб чекиб, ҳалок бўлди. Уша жойдан ўтиб бораётган бир жамоа келиб кўрсаларки, мусофир дирҳамларни олдига қўйиб, тупроққа қуйидаги сўзларни ёзиб қолдирибди:

*«Ҳамёни соф тилла тўла бўлса ҳам,
Оч киши саҳрода қўёлмас қадам.
Биёбонда қолган оч бечорага,
Кумушдан яхшидир қайнаган шолғам»³.*

¹ *Савдий*. Гулистон. Ғафур Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1968, 97—98-саҳифалар.

² Уша китоб, 98—99-саҳифалар. ³ Уша китоб, 100-саҳифа.

Ҳикоят

Мен ҳеч маҳал давр жабр-жафоси-ю фалакнинг кажрафторлигидан шикоят қилмаган эдим, лекин бир марта нолидим. Ушанда оёқ яланг қолган эдим ва кафш сотиб олишга қодир эмасдим. Қаттиқ ўксиниб, Куфа шаҳридаги жомеъ масжидига кирганимда, оёқсиз бир одамга кўзим тушди. Шунда шукур қилиб, кафшсизлигимга сабр этдим.

*Қоврилган қуш қадри тўқлар олдида
Дастурхонда пиёз, кашнич, ўтдан кам.
Оч олдида ўтар товуқ ўрнига
Қуруқ сувда қайнаб пишган бир шолғам¹.*

Ҳотами Тойи ҳикоятим, ҳиммат ва сахо аҳлига пешво эрди ва анинг меҳмонлиғи таъзимига бош индурмаган гадо ҳимматин кўруб инсоф берди

Ҳотами Тойиға бир озодаваш
Дедики: «Эй ҳимматинг озодакаш,

Токи сахо бўлди кафинг варзиши,
Кўрдунг экинму бир ўзунгдек киши?»

Дедики: «Бир кун қилибон жашни ом,
Индаб эдим бодия аҳлин тамом.

Матбах аро юз тева қурбон эди,
Қўю қўзи беҳаду поён эди.

Базм ичидин дашт сори бир нафас
Касби ҳаво айламак эттим ҳавас,

Сайрда кўрдум бир асири миҳан²,
Бир қучоқ орқасиға юқлаб тикан,

Ҳисми уйин айлабон ул юк нигун,
Тиркабон ул уйга асодин сутун,

¹ Уша китоб. 100—101-саҳифалар. ² Асири миҳан — меҳнат остида эзилган меҳнаткаш.

Ҳар қадам олғунча тиниб муддате,
Ҳар нафас урғунча ўтуб фурсате.

Солди ул эмгак ўти кўнглумга тоб,
Лутфу тараҳҳум бирла қилдим хитоб:

«К-эй қадинг эмгак юки паст айлаган,
Жисмида ғам хори нишаст айлаган!

Даштда гўёки хабар билмадинг,
Ҳотам уйи сори гузар қилмадинг?

Даъват этиб асру фаровон букун,
Қилди ямон-яхшини меҳмон букун.

Ташла тикан, гулшани иззатқа ет,
Чекма машаққат қўпу даъватқа ет».

Менда чу фаҳм этди бу навъ изтироб,
Бош кўтариб кулдию берди жавоб:

«К-эй солибон ҳирс аёғингға банд,
Озу тамаъ бўйнуға боғлаб каманд.

Водийи ғайратқа қадам урмағон,
Кунгури ҳимматқа алам урмағон.

Сен доғи чеккил бу тикан меҳнатин,
Тортмағил Ҳотами Тойи миннатин.

Бир дирам олмоқ чекибон дастранж
Яхшироқ андинки, биров берса ганж».

Улки бу янглиғ сўзи мавзун эди,
Мендин анинг ҳиммати афзун эди»¹.

Ҳиммат агар бўлса Наъбойи санга
Банда дурур Ҳотами Тойи санга.

Соқий, аёқ тут, карам изҳор қил,
Базлни Ҳотамға намудор қил.

¹ Утинчи чол жавобининг охирида: «қўл кучи билан, меҳнат билан бир танга топиш — бировнинг бутун бошлиқ хазина инъом қилишидан кўра яхшироқ» дейди. Бу гапга Шарқда ўз сахийлиги билан ном чиқарган Ҳотам Тойи қойил бўлади ва чолни ўзига нисбатан олий ҳимматроқ деб билади.

Бизда чу май важҳиға камдур дирам,
Камлиқ эрур биздину сендин карам¹.

ФАҲМ-ФАРОСАТЛИ БЎЛИШ ВА ЗИЙРАКЛИК

Ҳикоят

Бир йили Балхдан Бомиён сафарига чиқдим. Йўлларда қароқчилар кўп бўлиб, жуда хатарли эди. Бир йигит йўл бошловчи тариқасида бизга ҳамроҳ бўлди. У қиличбоз, камонандоз йигит шу қадар зўру забардаст эдики, ўн киши бир бўлиб унинг камонини торта олмасди, энг зўр паҳлавонлар унинг елкасини ерга теккизишдан ожиз эдилар. Лекин шундай бўлишига қарамай, у ноз-неъматлар орасида ўсган, сояпарвар, умрида ҳеч нимани кўрмаган, сафар машаққатини чекмаган, баҳодирларнинг жангу жадал асносида чалинадиган ноғоралари садосини эшитмаган ва суворийлар қиличининг чақмоқдай ярақлашини кўрмаган эди.

*Ғанимлар қўлида асир бўлмаган,
Атрофида ўқлар ёмғир бўлмаган.*

Иттифоқо, у йигит билан иккаламиз кетма-кет борардик. У кучини намойиш қилиш учун рўпара келган қадимий деворларни уриб ағдарар ва азим туп дарахтларни илдизи билан қўпориб ташлаб ғурур билан дерди:

*Фил қани, паҳлавон қўлларга боқса,
Шер қани, бу мардон қўлларга боқса?*

Биз шундай кетаётган маҳалимизда икки ҳинди биз билан жанг қилиш ниятида тош ортидан бошларини чиқардилар. Улардан бирининг қўлида сўйил ва иккинчисининг қўлтиғида эса тўқмоқ бор эди. Йигитга дедим: «Нимага қараб турибсан?»

*Мардлигу кучингни кўрсатгил, душман —
Ажал келур ўзи оёғи билан.*

¹ Алишер Навоий. Хамса. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1986, 25-саҳифа.

Кўрдим, камон йигитнинг қўлидан тушди ва аъзойи бадани қалтирай бошлади.

*Қалқонтешар ўқ ила қилни бўлган ҳар ким ҳам
Жангчилар ҳамласига эта олмайди чидам.*

Молимиз, қурол-яроғимиз ва кийим-кечагимизни қароқчиларга топшириб, жонимизни халос этишдан ўзга чора топмадик.

*Қийин ишга кўпни кўрган одамни юбор,
Ташлай олсин қутурган шер бўйнига арқон.
Тажрибасиз ёш, бўлса ҳам қудратли, филтан
Қирғин жангда қўрқувидан чиқиб кетар жон.
Жангда пицган уруш йўли билади аниқ,
Доно киши қонунларни билгандек осон¹.*

* * *

Бир чумоли бор кучини йиғиб, ўзига ўн баробар келадиган чигирткани тортиб кетарди. Уни кўрганлар таажжуб билан:

— Бу чумолини қаранглар, шу қилтириқлиги билан шундай оғирликдаги юкни тортиб кетмоқда,— дейишди.

Буни эшитган чумоли хахолаб кулиб:

— Мардлар юкни тананинг зўрлиги ва жуссанинг салмоғи билан эмас, ғайрат ва шижоат билан тортади,— деди.

*Ер осмон кўтармас оғир бир юкни
Торта олурму бу нозик жисму жон!
Ҳиммат белин боғла ишқ аҳли билан,
Ҳиммат қудрати-ла тортасан осон².*

ЗИЙРАК УЧ ЙИГИТ

Қадимги замонда фаҳм-фаросатли ва зукко Иброҳим, Исмоил ва Умар исмли уч ака-ука сафарга чиқдилар. Йўлда кетишаркан, ўша йўлдан ўтиб кетган бир туянинг изи уларнинг диққатини жалб этди. Туя бир неча белгилар қолдириб кетган эди. Уч йигит туя қол-

¹ Саъдий. Гулистон. Ғафур Ғулом номидаги бадний адабиёт нашриёти, Тошкент, 1968, 153—155-саҳифалар. ² Абдурахмон Жамий. Баҳористон. Танланган асарлар, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1971, 355-саҳифа.

дирган белгиларни диққат билан текшириб йўлларида давом этдилар. Бир оз юрган эдилар, чопиб келаётган ўрта ёшли бир кишини кўрдилар. У булар ёнига ҳовлиқиб келиб:

— Йигитлар, мен туямни йўқотдим, мабодо уни кўрмадингизми?— деб сўради. Иброҳим унга:

— Туянинг бир кўзи кўр, унинг устига бирида ёр; иккинчисида асал бўлган икки идиш осгансан, тўғрими?— деди. Ҳалиги киши: «Тўғри сўзладингиз», деб унинг сўзини тасдиқлади. Кейин Исмоил айтди:

— Туянинг бир тиши тушган эдими?

— Тўғри топдингиз, туямнинг бир тиши йўқ эди,— деб жавоб берди.

Ҳалиги киши туянинг белгиларини тўғри айтиб берганларидан ҳайратда қолиб:— Йигитлар, туямнинг ҳамма белгиларини топдингиз, айтинг-чи, туям қаерда?— деди.

Йигитлар унинг туясини учратмаганларини айтдилар. Ҳалиги киши ғазабланиб:

— Бекорчи сўзларни сўзламанг, туямни кўргансиз, кўрмаган бўлсангиз унинг белгиларини топиб сўзламангиз. Сизлар уни тутиб олиб бир ерга яширгансиз, ёки бировга сотиб юборгансиз, агар туямни топиб бермасангиз, устингиздан ҳокимга шикоят қиламан, ҳоким албатта бунинг чорасини кўриб, сиз ўғриларга жазо беради,— деб дўқ урди.

Йигитлар туяни кўрмаганларини қайта-қайта англа тасалар ҳам у асло кўнмади. Шундан кейин улар яна йўлга тушдилар. Ҳалиги киши дарҳол шаҳар ҳокимининг ҳузурига бориб воқеани баён қилди.

Ҳоким бу уч йигитни тутиб келтириш учун бир нечта отлиқ аскарни юборди. Аскарлар уларнинг қўлларини боғлаб, ҳокимнинг ҳузурига келтирдилар. Ҳоким йигитларнинг қўлларини ечиб, ўтиришга буюрди. Сўнг-ра уларга хитоб қилиб:

— Йигитлар, туя эгасига туянинг ҳамма белгиларини тўппа-тўғри айтиб бергансиз-у, кейин туяни кўрганмиз йўқ, деб тонгансиз, киши кўрмаган нарсасининг белгиларини қаердан билади. Бунга ким ишонади? Туяни яширган бўлсангиз, эгасига олиб келиб беринг, сотиб юборган бўлсангиз баҳосини тўлаб, эгасини рози қилинг, бўлмаса жазо бераман,— деди.

Йигитлар ҳалиги кишига айтган гапларини такрорлаб, туяни кўрмаганларини айтдилар. Ҳоким ғазабланиб уларни зиндонга ташлади.

Орадан бир неча кун ўтгач, ҳалиги киши бошқа бир қабиладан туясини топиб олди. Уч йигитга туҳмат қилганига кўп ўқинди. Дарҳол ҳокимнинг ҳузурига келиб:

— Бечора йигитларга туҳмат қилибман, ҳақиқатдан улар ўғри эмас, пок, соф йигитлар экан. Туям бошқа қабилага кетган экан, ўша қабиладан топиб олдим. Йигитларни озод қилишингизни ўтинаман, лекин туямнинг белгиларини қандай қилиб топганларига ҳайронман, сизнинг ҳузурингизда айтиб берсинлар. Бу билан сизни ҳам, мени ҳам ҳайратдан қутқазадилар,— деди.

Ҳоким йигитларни дарҳол зиндондан чиқариб ўз ҳузурига келтирди, кўп илтифотлар қилиб, уларнинг кўнгилларини кўтарди, сўнгра:

— Йигитлар, сизлар туяни кўрмасдан туриб унинг белгиларини қандай қилиб билдингиз? Шунга ҳайронмиз. айтиб беринг, бизни ҳайратдан қутқаринг,— деди.

Иброҳим ўрнидан туриб таъзим қилиб айтди:

— Йўлда келарканмиз, бир туянинг изларини кўрдик, туя бир томондаги ўтларни еб борган-у, иккинчи томондаги ўтлар жойида қолган. Шундан мен туянинг бир кўзи кўр эканини англадим. Яна йўлнинг бир томонида юмронқозиқ бир жойни ялаб турганди, иккинчи томонида пашшалар ғувуллашарди. Шундан туянинг устида бирига ёғ, иккинчисига асал тўлдирилган икки идиш борлигини билдим, идишлар чайқалиб бир оз ёғ ва бир оз асал ерга тўкилган.

Исмоил айтди:

— Туя тишлари билан ўтни тортганда, ҳар тишлаб тортилган ўтлардан биттаси қолиб кетаверган, бу эса туянинг бир тиши йўқлигини кўрсатди.

Ҳоким йигитларнинг фаҳм-фаросатларига, зийраклик, сезгирликларига таҳсин, офарин қилиб, уларга кўп инъом-эҳсон қилди. Ҳеч қўярда-қўймасдан ўша йигитларни ўз ёнида олиб қолди.

Йигитлар ҳар кеча узоқ вақтгача сўзлашиб ўтирардилар. Кўпинча ҳоким ҳам келиб йигитлар билан суҳбатлашиб ўтирарди.

Бир кун кечаси ҳоким уларнинг уйига келди, йигитлар кабоб еб, шароб ичиб гаплашиб ўтиргандилар. Ҳоким эшик орқасида туриб йигитларнинг гапларига қулоқ солди. Бир оздан кейин йигитлар шароб, кабоб ва ҳоким устида сўзга киришдилар. Иброҳим:

— Бу ичиб ўтирган шаробимиз гўристонда ўсиб турган узумдан тайёрланганга ўхшайди, чунки шаробдан гўристон ҳиди келиб турибди,— деди. Кейин Исмоил:

— Бу еб турган кабобимиз ит сутини ичган қўзи гўштидан тайёрланганга ўхшайди,— деди. Умар ҳам сўзга киришиб:

— Ҳоким — ҳоким ўғли эмас, балки ошпаз ўғли, деб ўйлайман,— деди.

Ҳоким йигитларнинг сўзини эшитиб, ҳуши бошидан учди, чунки фаҳму фаросатли бу йигитларнинг сўзлари тўғри чиқишига ишонарди. Шунинг учун улар ёнига кирмасдан саройга қайтиб кетди. Эртаси кун эрталаб шароб келтирувчи хизматчисини хилват жойга чақириб йигитларга берилган шаробни кимдан олиб келганлигини сўради. Шароб келтирувчи:

— Ўзимизнинг боғимиздан олган эдим,— деб жавоб берди. Ҳоким боғбонни чақириб:

— Кеча шаробкашимга берган шаробингни қайси токнинг узумидан тайёрлаган эдинг? Менга тўғриси айтиб бер,— деди. Боғбон аввал тониб турса ҳам ҳоким кўп қистагандан кейин тўғриси айтишга мажбур бўлди:

— Бир кеча боққа ўғри кирганди, мен хабардор бўлиб қолдим. Ўғри қоча бошлади. Мен қувлаб етиб бориб, уни белкурак билан уриб ўлдирдим, ўлигини фалон токнинг остини ковлаб кўмдим. Кеча шаробкашингизга бериб юборган шаробни ўша — остига ўлик кўмилган токнинг узумидан тайёрлагандим,— деди.

Ҳокимга ҳақиқат маълум бўлгач, ошпазни чақириб:

— Йигитларнинг овқати учун кеча бир қўзини сўйиб, гўштидан кабоб қилган эдинг, ўша қўзини кимдан олдинг, деб сўради. Ошпаз:

— Ўзингизнинг чўпонингиздан олган эдим,— деди.

Ҳоким чўпонни чақириб сўради. Чўпон гапнинг тўғриси айтишга мажбур бўлиб:

— Қўзичоқ туғилган вақтида онаси ўлиб қолди. Бир итим бор эди, ночор бўлиб қўзичоқни ўша итга эмиз-дирдим. Қўзичоқ ит сутини эмиб катта бўлди. Кеча ошпазингиз бир қўзи сўраб келган эди, ўша қўзини бериб юбордим,— деб воқеани баён қилди. Ҳокимга бу сир ҳам маълум бўлди.

Сўнгра у онасининг ёнига бориб:

— Ростини айтинг, мен кимнинг ўғлиман? Отам ким?— деб сўради.

Онаси ҳар қанча:

— Марҳум отанг шаҳар ҳокими эди, сен унинг ўғлисан,— деса ҳам, ҳоким унамасдан:

— Онажон, тўғрисини айта беринг, ошпазнинг ўғли эканимни-фаҳм-фаросат эгаси — ўша уч йигит суҳбатлашиб ўтирганларида эшитдим. Уларнинг фикрлари хато бўлмайди, мен бунга ишонаман,— деб онасини қўярда-қўймай қистай бошлади. Ниҳоят онаси ҳақиқатни айтишга мажбур бўлди:

— Сен аслида бизнинг ўғлимиз эмас, ошпазимизнинг ўғлисан. Бизнинг ҳеч бир фарзандимиз бўлмади, эрим — шаҳар ҳокими ҳам, мен ҳам шу тўғрида қайғурар эдик. Кунлардан бир кун ошпазимизнинг хотини сени дунёга келтирди, лекин бир ой ўтар-ўтмас онанг бечора касалланиб, вафот этди, биз сени ўз тарбиямизга олдик. Онанг вафотидан бир оз вақт ўтгандан кейин отанг ҳам онанг қайғу-ҳасрати ўтида куйиб вафот қилди. Сен ўз ота-онангни билмайсан, биз ҳам сенга ҳақиқий ота-онангни билдирмадик, мен сенга — она, эрим — ота бўлиб қолди. Халқ сени шаҳар ҳокими — эримнинг ўз ўғли, деб тушунди. Сенинг иккинчи маънавий отанг бўлган эрим вафот қилгандан сўнг унинг вориси сифатида сен шаҳар ҳокими бўлдинг, ўғлим,— деб йиғлаб ўтган воқеани бирма-бир баён қилди. Ҳоким онасининг юз-кўзидан ўпиб, унга тасалли берди, кўнглини кўтарди.

Ҳоким уч йигитнинг сўзлари тўғри чиққанига ҳайратда қолиб, уларнинг фаҳму фаросатларига офарин ўқиди. Уша кун кечаси йигитларнинг ёнига бориб бир оз сўзлашиб ўтиргандан сўнг айтди:

— Ўтган кеча уйингиз эшиги ёнида туриб, кишини ҳайратда қолдирадиган баъзи сўзларингизни эшитдим, шаробнинг қабристонда ўсган ток узумидан тайёрланганини, қўзичоқнинг ит сути эмганини, мен ошпаз ўғли эканимни сўзладингиз. Қайси далилларга асосланиб шу фикрларга келганингизни айтиб беринг,— деди.

Иброҳим айтди:

— Шароб кишига хурсандчилик беради, мен кеча юборган шаробингизни ичиб кўнглимда ғамгинлик пайдо бўлди ва шаробдан қабристон ҳиди келарди. Шу асосларга таяниб, шаробни қабристонда ўсган ток узумидан тайёрланганини сездим,— деди.

Исмоил айтди:

— Юборган кабобингизни еганимдан кейин табиатим ит табиат ҳолига тушди. Урнимдан туриб биров билан ёқалашиш фикрига тушдим. Шундан кабобни ит

сути эмган қўзи гўшtidан эканини билдим,— деди. Ҳоким унинг фикрини ҳам тасдиқ қилди.

Сўнгра:

— Менинг ошпаз ўғли эканимни сиз сўзлаган бўлсангиз керак,— деб ўйлайман, айтинг-чи, менинг ошпаз ўғли эканимни қаердан билдингиз? Бунга бирорта далил кўрсата оласизми?— деб Умарга мурожаат қилди. Умар айтди:

— Ўзингизга маълум бўлса керак, ҳар касб аҳли қаерда бўлмасин ўз касбини мақтайди, деҳқон—деҳқончиликни, савдогар—савдогарчиликни таъриф қилиб, қайси ерда бўлмасин, шулардан сўз очади. Мабодо уларнинг ўғиллари бошқа касбни эгаллаган бўлсалар, барибир ота касби уларнинг руҳига таъсир этган бўлади. Чунки ота тарбиясида бўлиб, ота касбидан нон еганлар. Шунинг учун улар қаерда бўлмасинлар, ота касбидан сўз очишга беихтиёр мажбур бўладилар. Мана сизни олайлик, биз билан суҳбатлашганингизда, доим оби овқатдан сўз очасиз, шундан бошқага аҳамият бермайсиз. Агар ҳоким ўғли бўлсангиз эди, овқатдан эмас, мамлакат ишларидан сўзлар эдингиз. Доимо таомдан сўз очганингиздан ошпаз ўғли эканлигингизни сездим.

Ҳоким Умарнинг топиб айтганидан ҳайратда қолиб, унинг фаҳм-фаросатига, зийраклигига таҳсинлар айтди. Йигитлар бир неча ой ҳокимнинг меҳмони бўлиб турганларидан кейин оилалари ёнига қайтишга рухсат сўрадилар. Ҳоким уларга кўп инъом-эҳсон қилиб, юртларига қайтишга рухсат берди¹.

ИМТИҲОН

Хиёнат, ўғрилик кўчасидан ўтмаган, пок, соф қалбли одам халқнинг ишончини қозонади, иззат-ҳурматга сазовор бўлади.

Қадим замонда Сарондип оролида ўзининг мулойимлиги билан машҳур бўлган бир подшоҳ ҳукм сурарди. Баъзан нобакор кишилар унинг мулойимлиги, лутфкорлигини сунистеъмом қилардилар. Подшоҳ кимни хазиначи этиб тайин қилса, бир неча вақтдан кейин унинг

¹ Оз-оз ўрганиб доно бўлур. Донишмандлар бисотидан ҳикоятлар, ўғитлар, ҳикматлар. Таржимон ва тўпловчи *Шорасул Зуннун*. Нашрга тайёрловчи: *Саидбек Ҳасан*. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1988, 172—177-саҳифалар.

хиёнаги юзага чиқарди. Шунинг учун подшоҳ хазинадорликка номусли, пок виждонли бир одам тополмай қайғуланиб юрарди.

Кунлардан бир кун эронлик сайёҳ Сарондипга келиб қолди, бир неча вақт подшоҳнинг азиз меҳмони бўлиб турди. Бир кун подшоҳ донишманд билан суҳбатлашиб ўтирган вақтида юрагидаги дардини изҳор қилиб айтди:

— Эй азиз меҳмоним, сиз жуда кўп жойларни кезганингиз натижасида одамларнинг табиатлари, хулқатворлари билан жуда яхши танишгансиз, деб ўйлайман. Ифбатли, номусли, матонатли бир одамни топиб олиш учун соғлом усулни биласиз, деб ишонаман.

Донишманд жуда чуқур хаёлга ботиб деди:

— Шундай одамни топишдан ҳам қулай бир нарса йўқ. Бир, икки кунни тайин қилиб, хазиначи бўлишни орзу қилганларни саройингизга даъват қилинг, уларни биттадан чақириб чолғу ҳавоси, оҳанги остида рақс эттиринг, ким чаққонлик билан рақс этса ана ўшани хазиначи этиб тайин қилинг.

— Сиз кулгили бир латифа сўзлаяпсиз, деб гумон этаман, чаққонлик билан рақс этган одам энг номусли, энг моҳир хазиначи бўла олади, деб даъво қилиш тўғри бўлмаса керак,— деди подшоҳ ҳайрон бўлиб.

Донишманд шундай жавоб берди:

— Ишонинг, хазиначи тайин қилиш учун бундан ҳам яхшироқ бир имтиҳон усули йўқдир.

Тайин этилган кунда хазиначи бўлишни истаганларнинг ҳаммаси интизорлик хонасига тўпландилар. Улар олтмиш тўрт киши эдилар. Подшоҳ ҳузурига кириш тартиби шундай эди, кутиш хонасида ўтирганларни навбат билан чақирар эдилар. Чақирилган кишини иккинчи бир — олтину ёқутлар турган хонада ёлғиз ўзи бир оз кутиб ўтиргандан кейин подшоҳ ҳузурига чақириб олардилар. Подшоҳ унга чолғу ҳавосига кўра рақс этишни буюрарди. Рақс этганидан кейин уни яна бошқа бир хонага чақириб, натижани кутиб ўтиришни буюрардилар. Шундай қилиб олтмиш тўрт кишининг ҳаммаси рақс имтиҳонидан ўтди.

Хазиначи бўлишни истаган олтмиш тўрт кишидан 63 таси жуда ёмон рақс этдилар, рақс этаркан, қўллари билан чўнтақларини беркитиб турардилар. Подшоҳ ёнида ўтирган донишманд буларнинг рақсларини кўриб: «Ҳа, ярамас ўғрилар», деб қўярди.

Уларнинг ичидан биттаси, яъни олтмиш тўртинчи номзод жуда чаққонлик ва жуда эркинлик билан рақс этди. Тажриба тамом бўлгандан кейин подшоҳ бу чаққон ўйнаган одамни қучоқлаб табриклади, уни хазиначи этиб тайин қилганини билдирди: донишманд ҳам уни янги мансаб билан муборакбод этди. Ёмон ўйнаган олтмиш уч раққосни ўғриликда айлиб, жазо маҳкама-сига ҳавола қилди.

Сабаби нима? Сабаби шу: кутиш хонаси ёнидаги иккинчи бир хонага жуда кўп олтин, кумуш, лаъл, ёқут каби қимматли тошлар қўйилган эди. Кутиш хонасидан чақирилиб ўша хонада бир оз кутишга буюрилган ҳар бир номзод чўнтақларини олтин ва қимматли тошлар билан тўлдириб оларди. Рақс вақтида ўғирлагани билиниб қолишидан қўрқиб, қўллари билан чўнтақларини босиб, секин ўйнарди. Чаққон ўйнаган киши олтин, кумуш ва қимматли тошлардан биттасини ҳам олмаган пок, соф одам эди¹.

ЗИЙРАКЛИК

Ҳар бир ишда эҳтиёткорлик ва зийракликни қўлдан бермаслик лозимдир. Бу хислатларни йўқотган киши ҳийлакор, доғули, товламачиликни ўзига касб этиб олган фирибгар, қаллобларга алданиб, кейин пушаймон бўладилар. Вақти етгандан кейин пушаймон бўлган фойда бермайди.

Қадим замонда Эрон шаҳарларининг бирида Алоуддин номли мўътабар бир киши яшарди. Кунлардан бир кун кечаси яхши кийинган хушбичим бир йигит хизматчисига бир сандиқни кўтартириб Алоуддиннинг уйига келди, унинг хизматчисини чақириб:

— Хожанга айт, мени қабул қилсин, унга айтадиган яширин сўзим бор,— деди. Хизматчи йигитнинг илтимосини хожасига етказди. Алоуддин киришга рухсат берди. Йигит сандиқ кўтарган хизматчиси билан Алоуддиннинг ҳузурига кириб, таъзим билан салом берди. Алоуддин йигитни иззат-икром билан қабул қилиб нима иш билан қадам ранжида қилганини сўради. Йигит таъзим қилиб:

— Мен қароқчи, ўғриларданман. Шу касбимнинг ярамаслигини билиб тавба қилдим. Мана бу сандиқ ичи-

¹ Уша китоб, 268—269-саҳифалар.

да эллик минг олтин баҳосида бўлган нарсалар бор, буларни сизга назр этиб келтирдим. Буларни олиб, ўз ҳалол пулингиздан минг олтин берсангиз, уни дастмоя қилиб ишлатаман,— деди ва сандиқни очиб кўрсатди.

Сандиқ ичи олтин идишлар, лаъл, ёқут, гавҳарлар билан лиқ тўла эди. Алоуддин бунни кўриб ҳайратда қолди. Дарҳол у йигитга минг олтин санаб берди. Йигит минг олтинни олгандан кейин Алоуддин билан хайрлашиб, хизматчиси билан бирга чиқиб кетди.

Эртаси кун эрталаб Алоуддин гавҳаршуносларни чақириб, уларга сандиқдаги нарсаларни кўрсатди. Ҳамма олтин, гавҳар идишлар, лаъл, ёқутлар олтин ҳалли шиша эканлиги билинди. Алоуддин қаллобнинг ишидан жуда ранжиб хизматчиларига уни топиб келтиришни буюрди. Хизматчилар у йигитни суриштирдилар, изладилар, лекин ҳеч ердан дарак топмадилар. Ҳатто Алоуддиндек киши ҳам эҳтиётсизлик туфайли алданиб қолди.

Байт:

*Эҳтиёт бўл ҳар ишингга, бўлма қаллоб ўртоғи,
Йўқ эса, тушгай бошингга бир кун қайғу тоғи¹.*

ТЎҒРИЛИК, РОСТГЎЙЛИК ВА ЁЛҒОНЧИЛИК

СОДДА ҚИШЛОҚИ ВА УНИНГ ЭШАГИ ҚИССАСИ

Содда, қишлоқлик бир одам бор эди,
Эшаги ғоятда ҳам ночор эди.
Қари, оқсоқ, лабга етган эрди жон,
Тепса тебранмас, ниҳоят нотавон.
Баски дунё кўрган эрди у улоқ,
Унда на дум қолган эрди, на қулоқ,
Елкасига чўп тушарди дам-бадам,
Ниқтамай ҳеч ташламас эрди қадам.
Ё мабодо чиқса йўлда бир ариқ,
Тирчайиб, ҳуркиб, қиларди минг қилиқ.
Борди бозорга у деҳқон бир кунни,
Сотгали даллолга топширди уни.
Жар солиб бозорга даллол шу замон,
Мақтар эрди қарри эшакни чунон.

¹ Уша китоб, 270—271- саҳифалар.

Бонг урардики:
 Бу эшак зўр эрур,
 Ким сотиб олса уни, қилғай ҳузур.
 Бу эшакмас, балки бир нортуядир,
 Йўрғалаш, кишнаш, анга бир шевадир.
 Қўлда қамчи соясини кўрса бас.
 Сакраб ўтгай тоғу тошдан шул нафас.
 Қўйиворсанг балки осмонга учар,
 Қўз юмиб очгунча манзилни қучар . . .»
 Эл бу сўзлардан куларди бегумон,
 Содда деҳқон фаҳм қилмасди бу он.
 Келди даллол олдига у соддадил,
 Деди: «Даллоллар сараси, раҳм қил!
 Эшагим ҳаққида сўзинг балки чин,
 Чинлигига жону дилдан мен амин.
 Эшагимни қайтариб бер, сотмагил,
 Энди билдим у экан ғоят асил.
 Кўпданоқ истар эдим шундай улоқ,
 Барча бозорлардан айлардим сўроқ.
 Бу таажжубки, ўзимда бор экан,
 Истагим ёнимда заб тайёр экан. . .»
 Кулди даллол, деди: «Афсус, эй ағо,
 Сен экансан ўта марди норасо.
 Заррача сенда фаросат йўқ экан,
 Не деярдим ҳам шу тобда сенга ман.
 Эшагингни сен билурсан яхшироқ,
 Нега мандан энди айларсан сўроқ?
 Мен-ку бозорни қизитмоқлик учун,
 Бўлмағур ёлғонни сотдим бус-бутун.
 Ногирон эшакни қилдим қарчиғай,
 Сен ишондингми, бу гапга ҳа демай»¹.

**Ростлиқ таърифидаким, вужуд уйи бу туз
 сутун била барпой. Ва ул уй шабиетони ҳари-
 мида бу шамъи Анвар мажлис орой дурур. Ва
 эгрилик нафйидаким, агар эгри киши зулфдек
 сиймбарлар юзида ер тутарким, боши кесгулук-
 дурур. Ва агар аждаҳодек ганж устида ҳалқа
 урарким, ўлтургулук**

¹ *Абдураҳмон Жомий*. Танланган асарлар. Ғафур Ғулом номи-
 даги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1971, 153—154- саҳи-
 фалар.

Ҳар кишиким, тузлук эрур пешаси,
Кажрав эса чарх не андешаси.

Уққи, туз ўлди таярони анинг,
Бўлса ер эгри, не зиёни анинг?¹

Йўл неча туз, йўлчиға мақсад қарийб,
Хамлигидин тушса йироқ йўқ ажиб.

Най туз учун истар ани аҳли ҳол²,
Чун туз эмас эгри³— кўрар гўшмол.

Найза бўлуб тузлугидин сарбаланд,
Чирмош учун бандға қолиб каманд

Шамъ бўйи туз келиб айвон аро,
Шоҳиди базм ўлди шабистон аро.

Эгри учуш бирла чу кўп айланиб,
Қайдаки парвона бориб ўртаниб.

Сарвким, ул тўғри чекиб қоматин,
Кўрмайин осибии хазон офатин.

Чирмашибон сунбули тар боғ аро,
Эгрилик онинг юзин айлаб қаро.

Туз дурур эгри қили то соз эрур,
Эгри бўлур эмдики, носоз эрур.

Бўлди чу мистар хатиға туз рақам,
Бошини олмас рақамидин қалам⁴.

Бир хати гар эгри тушар бир нуқат,
Нусхада ҳар сафҳададур эгри хат.

¹ Бу икки байт мазмуни: «Қимки тўғри бўлса, фалакнинг эгри юришидан нима парвоси бор. Уқнинг кетиши (учиши) тўғри экан, ернинг эгрилигидан унга нима зиён». ² *Аҳли ҳол* — тариқат аҳли, сўфилар. ³ *Эгри* — форсчада «чанг» деб аталган мусиқа асбоби, бу асбоб қайрилма шаклда бўлгани учун «эгри» деб аталган. Навоий бу байтларда, най тўғри бўлгани учун яхшиларга мақбул бўлган, эгри (чанг) шаклан эгри бўлгани учун гўшмол кўради (созлашда қулоғи буралади), жазо тортади: найза тўғрилигидан бош устида ўйнайди, каманд (сиртмоқ, арқон) чирмашлигидан, уни ўраб банд қиладилар, деган мисоллар билан тўғрилиқ-эгриликни таққослайди. ⁴ «Мистар (чизғич) орқали хат тўғри ёзилгани учун, қалам ёзишдан бош кўтармайди».

Қайси пари пайкари ҳури нажод,
Балки анга ҳуру пари хоназод.

Ким ўт эрур чеҳраи гул ранг анга,
Даҳрни куйдурғали оҳанг анга.

Гул узра ҳар ҳай гуҳари ноб ўлуб.
Балки бу хайдин гули сероб ўлуб.

Ҳар сари мушк узра хати мушксуд,
Хай нами зоҳир қилиб ул ўтқа дуд.

Олғали эл кўнглини лутфи мижоз,
Ўт била сувға берибон имтизож,

Бўлса латофат нечаким, они бор,
Ҳусну жамол ончаки, имкони бор.

Лек эмас бўлса қади сарфароз,
Бўлмаса гулзори аро сарви ноз.

Чекмаса туз сарви хиромонини,
Отмаса туз новаки мижгонини,

Ўйнамағай жонини ҳар зор анга,
Бўлмағай эл кўнгли гирифтор анга¹.

Тузмаса меҳробини аҳли ниёз.
Эгри боқиб рост эмасдур намоз.

Рост қалам халқ эрурлар салим,
Эгри дурур хатки, эмас мустақим.

Ростдур ул ким, назари тўғридур,
Ким илиги эгридур, ул ўғридур.

Бўлса илик эгрилик ичра самар,
Эл ани кесмакда туз этгай магар.

¹ Бу 9 байтда бир гўзалнинг қиёфаси тасвирланади: бирор ҳур насабли пари, балки ҳуснда улардан ҳам устун бўлган гўзал бутун борлиғи билан ҳусну латофатнинг тимсоли бўлса-ю, лекин қадди тик, гулзордаги сарвдай хушқомат, хушрафтор бўлмаса, қараши тик бўлмаса, ундай гўзалга ҳар бир зор ўз жонини тасаддуқ қилмайди, кишилар унга гирифтор бўлмайди, деб тўғрилиқ — ростлик инсон учун энг зўр фазилат экани таъкидланади.

Кўзки эрур эгри анинг хилқати,
Бирни ики кўрмак эрур санъати.

Бирдин ўгун чун нима мавжуд эмас,
Кўрган ани икки — эрур ширку бас.

Улки Сулаймон эди оти анинг,
Баҳри нубувват дури зоти анинг,

Салтанати даҳр уза маснаднишин,
Салтанати бирла нубувват қарин,

Қабзаи ҳукмида жаҳон кишвари,
Амрига инсон киби деуу пари,

Фарши саропардаси ёзи ёбон,
Қўш паридин боши уза соябон,

Саҳни ҳавода тўшчалиб мафраши,
Азмда ел хайли жонибаткаши,

Деуу пари зумраи одам била
Тобии амри эди ҳотам била¹.

Кимки эрур қайсару ҳоқони аҳд,
Қайсару ҳоқон не, Сулаймони аҳд,

Тахти уруб поя сипеҳр авжиға,
Тожи солиб сояни меҳр авжиға,

Борғаҳи торами ахзар киби,
Хайли бу торам уза ахтар киби,

Жам била Заҳҳокча жоҳи анинг,
Икки Скандарча сипоҳи анинг,

Хайлу табаъ Ҳурмузу Хисрав анга,
Мулки Сулаймонча қаламрав анга.

¹ Бу олти байтда Навоий, Сулаймон пайғамбарни таърифлайди: ҳам подшо ва ҳам пайғамбарликка эришиб, бутун борлиқ унинг ҳукми остига кирган, инсондан тортиб, дев, пари, ҳайвон ва қўшларгача унга тобе, ҳатто ел ҳам унинг амрида бўлган. Бу ишларнинг ҳаммаси қўлидаги хотам (узук) хосиятидан эмиш, узук кўзига «исми аъзам» (дуо) ёзилган эмиш. Шу «сирли узук»даги муҳрни ишлатиш орқали у ҳамма нарсага қодир бўлар экан.

Лек Сулаймонга нечукким замон
Ҳотам ила ҳукм этиб эрди равон,

Анга доғи гардиши чархи барин,
Салтанат ичра бериб андоқ нигин.

Ул нимаким, ҳар киши хонлиқ топиб,
Ҳукми анинг бирла равонлиқ топиб,

Хатдин ўлуб анда доғи бу шараф,
Хатти бўлуб гавҳару хотам садаф.

Турфа буким, хаттин анинг рўзгор
«Ростию расти» этиб ошкор¹.

Қилмаса бу муҳр хати ёрлиқ
Шоҳға йўқ ғайри гирифторлик.

Тузлик ўлуб охир анга дастгир,
Тузлук ила халқ анга фармонназир.

Ҳар кишиким, истаса тузлукка ғавр,
Англадик ониким, эрур икки тавр:

Бир буки, туз бўлса кишининг сўзи,
Йўқ сўзиким, ҳам сўзию ҳам ўзи;

Бир буки, ёлғонға таассуф била,
Тўғри дегай сўзни такаллуф била.

Яхшидур аввалгиси худ бегумон,
Лек иккинчиси ҳам эрмас ямон.

Ҳар киши ёлғонни деса, лек кам,
Бўлғай эди кош бу давронда ҳам.

¹ Кейинги ўн байтда эса шоир юқоридаги байтда тавсифланган Сулаймонга ўз даври подшоҳини таққослайди, бу подшонинг ҳам зўр дабдабали ҳукмронлигининг сабаби, Сулаймонга замон «хотам» (узук) бергани каби, бунга ҳам фалакнинг гардиши «нигин» (узук) бағишлаган. Буларнинг зўр қудрат пайдо қилиши мазкур узукларнинг ўзидан бўлмай, ундаги хатнинг шарофатидан дейилади. Масаланинг энг қизиги шундаки,— дейди Навоий,— бу подшо узугининг кўзига «тўғрилиқ — халослик» (яъни тўғри бўлсанг ҳамма офатдан қутуласан) сўзлари ёзилган. Шоҳнинг шоҳлиги ана шу сўзларга амал қилиш билан, деган хулосага келади шоир.

Турфа замон аҳлига биз мубтало,
Ким йўқ алар оллида чиндек бало.

Кимки қилур чинлиқ алардин ҳавас,
Қошлари устида чопар чину бас.

Буки эрур куфр элининг милки Чин,
Кўрким, эрур ғайрати хулди барин.

Лек бу чинликки, ҳақ этмиш ато,
Кўрки, улус оллида улдур хато.

Улки хато сўзига ойин эрур,
Зуъмида улким, бу хато чин эрур.

Кимки бу давронда қилур ростлиқ,
Йўқтур иши ғайри каму костлиқ,

Давр чу кажлиққа қилур иқтизо,
Сен тиласанг рост, эмастур ризо.

Туз иши йўқ гумбази давворнинг,
Ким хати туз келмади паргорнинг

Ул кишиким, тузлук эрур шон анга,
Душман эрур гардиши даврон анга.

Хомаки, тузлукка эрур раҳнамун,
Кесилибон боши бўлур сарнигун.

Тузлук ила чун «алиф» урди сало,
Кўрки они остиға олмиш бало¹.

Туз чекилур боргаҳ узра таноб,
Кўрки эрур бошдин-аёқ печу тоб.

Тузлук ила чунки шиҳоб урди гом,
Ўртади ўт бошдин-аёгин тамом.

Келди йилон жисмида печу шиканж,
Муҳрадур оғзидаю остида ганж².

¹ Навоий бу сўз ўйини билан ўз даврида «алиф»дек тўғри бўлганларнинг балога гирифтор бўлганини билдиради. ² Шоир эгриларнинг иши баравжлигини илон мисолида кўрсатган: илон эгри-бугри юриш қилгани учун оғзида муҳра ва остида хазина бўлар экан.

Эгрилигин кўринур янги ой,
Андаки бўлмиш қадами чархсой.

Мунчаки чирмош била дастордур,
Бош уза чиқмоққа сазовордур.

Йўқ-йўқ, эмас бўйлаки қилдим рақам,
Балки эрур барчаси саҳвул-қалам.

Эгрию туз васфи муҳаққаҳ дурур,
Ботил эрур эгрию туз ҳақ дурур.

Шамъки, тузлук ила масрур ўлур,
Гарчи куяр боштин-аёқ нур ўлур.

Барқки, эгрилик ўлубтур хўйи,
Гарчи ёрур лек борур ер қуйи.

То режа чекмас ерига боғбон,
Боғ ҳамон зебда жангал ҳамон.

Моласиз ул тухумки, деҳқон сочар,
Сувни тенг ичмас неча як сон сочар.

Неча мусаттаҳ эса кўзгу юзи,
Туз кўрунур шоҳиди маҳру юзи.

Худ юзи гарчи мусайқал дурур,
Гирди узор анда мутававал дурур.

Туз кўрунур меҳр чу турғон сувда,
Эгри бўлур уштурак урғон сувда¹.

Саҳв ила ёлғон демак эрмас ҳисоб,
Билгач ани чунки қилур ижтиноб.

Улки шиор айлади ёлғон демак,
Бўлмас ани эру мусулмон демак.

Нечаки жаҳд айласа козиб киши,
Бир-икки даст илгари борғай иши.

Ғофил эса халқ бу аҳволдин,
Воқиф эрур тенгри худ ул ҳолдин.

¹ «Қуёш акси турғун (қимирламай турган) сувда тўғри, теп-текис кўринади, лапанглаб-мавланиб турган сувда эса, эгри-бугри бўлади.

Элга неча махфий эса бу сифат,
Зоҳир этар ёлгон ўзин оқибат.

Кизб қилур бирноғи субҳ ошкор,
Нурини кўрким, нечадур пойдор.

Кимсага ҳар шевада қаллоблиқ
Андин эрур яхшики, каззоблиқ.

Ҳар киши онт ичти шарорат била,
Кизб эса дафъ ўлди кафорат била.

Кимки ўзи айлади ёлгон сўзин,
Кизб, дер эл, чин деса, қолгон сўзин.

Ранжға солгон бу хасорат они,
Айламас озод кафорат они.

Кимсага ёлгончи дебон қолса от,
Бу от ила чорласалар ўзу ёт,

Садқ хитоби яна ёнмас анга,
Чин деса ҳам, халқ ишонмас анга.

Кимки чини эл аро ёлгон дурур,
Ёлғони чинлиққа не имкон дурур?

Неча зарурат аро қолгон чоғи,
Чин демас эрсанг, дема ёлгон доғи¹.

**Дуррожнинг ёлгонни чин ўрнига айтуридан
ҳодиса домиға тушгонда, чин сўзни шер ёлгон
соғиниб, фарёдига етмағони ва ани бало доми-
дин халос этмағони**

Бор эди бир бешада бир тунд шер,
Ваҳшат аро кўк асадидек далер.

Чун бўлур эрди болалаб завқнок,
Мўр боласин қилур эрди ҳалок.

¹ Алишер Навоий. Хамса. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1986, 38—40- саҳифалар.

Тишлабон ул мояи пайвандини,
Оғзида асрар эди фарзандини.

Бор эди дурроже ўшал бешада,
Шери жаён ваҳмидин андешада.

Шерки тишлаб боласин дам-бадам,
Бешада ҳар ён қўяр эрди қадам.

Етгач анинг боши уза ногаҳон
Фар эта учса эди ул нотавон,

Ваҳм ила сесканмак ўлуб шер иши,
Ултурур эрди боласиға тиши.

Тил била айлаб боласи ёрасин,
Ёра этиб ўз жигари порасин.

Доим анга бу ғам аро ғам эди,
Ғам неки, мотам уза мотам эди.

Кўнгли бу ишдин бўлуб озорлиқ,
Бошлади дуррож била ёрлиқ.

Дедики: «Мендин санга йўқ қасду кин,
Эмин ўлу бил мени доғи амин.

Ваҳмни қўй, ҳамдаму ҳамрозим бўл,
Айшу тараб вақти навосозим бўл.

Мен доғи лаҳнинг эшитиб шод ўлай,
Нағманг ила қайғудин озод ўлай.

Шарт буким, етса газанде санга,
Солса фалак ҳийласи банде санга,

Лутф қўлин холингга ҳамдаст этай,
Хасмни саранжа билан паст этай.

Қўргузиб ихлос ишида ихтисос,
Сени адув домидин айлай халос».

Шер кўп афсун билә чун қилди жаҳд,
Сидқ ила дуррож доғи қилди аҳд.

Андоқ аро ерда аён бўлди меҳр,
Қим ҳасад элтур эди андин сипеҳр.

Қайдаки ором тутуб шарза шер,
Гирдида дуррож учубон далер.

Бошиға парвоз ила гардишнамой,
Ўйлаки султон боши узра ҳумой.

Шер эшитиб чун анинг илҳонини,
Фаҳм қилиб савтида ёлғонини,

Дер эди: «Ёлғон демаким шум эрур,
Қизб туз эл оллида мазмум эрур».

Панд эшитмас эди дуррожи маст,
Қизбдин этмас эди афғонни паст.

Бир кун анинг қасдиға бир сайдгар
Ҳодиса домин ёйиб эрди магар.

Дони бирла сув сари қилғоч хиром,
Тортти сайёд анинг устига дом.

Қичқирибон дом аро ул мубтало,
Неча деди: «Тот мени туттило».

Шер қулоғига етиб ул мақол,
Савтини дойимғидек этти хаёл,

Кўп эшитиб эрди бу ёлғонини,
Ўйла гумон этти чин афғонини.

Ҳар нечаким рост фиғон айлади,
Сидқини ҳам кизб гумон айлади.

Маҳласиға айламади илтифот,
Токи анга мунқатеъ ўлди ҳаёт.

Ҳар кишиким ростни беҳост дер,
Айтса ёлғон доғи эл рост дер.

Сўзда, Навоий не десанг, чин дегил,
Рост наво нағмага таҳсин дегил.

ТУЗ ҲАҚИ

Бир ўғри қоронғи кечада ер остидан нақб ковлаб, подшоҳнинг хазинасига кирди. У ердаги олтин ва қимматбаҳо гавҳардан бир рўмолни тўлдириб олди. Чиқиб кетиш олдида олмосдек ялтираб турган бир нарсага кўзи тушди, қоронғи тунда ярқираб турган бу нарсани гавҳари шамчироқ, деб ўйлади-да, қўлига олиб ялаб кўрди. Бу — қотиб қолган туз эди. Ўғри олган нарсаларини жой-жойига қўйиб, ҳеч нарсани олмай нақб орқали чиқиб кетди. Эртаси кун эрталаб хазиначи подшоҳга келиб:

— Ўғрилар нақб ковлаб хазинага кирганлар. Қизиги шуки, ўғирлаган қимматбаҳо нарсаларни яна жой-жойига қўйиб, чиқиб кетганлар,— деб арз қилди.

Подшоҳ бунга таажжуб қилиб:

— Нақб ковлаб, хазинага кириб, қимматбаҳо нарсалардан бирортасини ҳам олмай чиқиб кетган ўғрилар келиб, бунинг сабабини айтсинлар. Мен уларга ҳеч бир жазо бермайман,— деб эълон қилди. Хазинага кирган ўғри подшоҳнинг эълонини эшитиб, унинг ҳузурига келди ва таъзим қилиб айтди:

— Хазинангизга нақб ковлаб фақат мен ўзим кирдим, бунга бошқаларнинг даҳли йўқдир.

Подшоҳ ўғридан:

— Хўп шунча меҳнат билан нақб ковлаб, хазинамга киргансану ҳеч нарса олмай чиқиб кетгансан, бунинг сабаби нима?— деб сўради.

Ўғри айтди:

— Подшоҳнинг тузини тотиб кўрдим. Туз ҳақиға риюя қилиб, ҳеч нарса олмай қайтиб кетдим. Туз ҳақиға риюя қилмаслик ярамас кишилар иши,— деб воқеани баён қилди.

Подшоҳ ўғрига инъом-эҳсон қилиб, уйига қайтишга рухсат берди¹.

¹ Оз-оз ўрганиб доно бўлур. Донишмандлар бисотидан ҳикоятлар, ўғитлар, ҳикматлар. Гаржимон ва тўпловчи *Шорасул Зуннун*. Нашрга тайёрловчи: Саидбек Ҳасан. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1988, 168—169-саҳифалар.

ПОК ВИЖДОНЛИ ҚИЗ

Қадимги араб халифаларидан Умар кечаси кўчаларни айланиб юрарди. Бир уйнинг ёнидан ўтаркан, қандайдир хотиннинг ҳовлида қизи билан жанжаллашиб сўзлаган товушини эшитди ва уй эшиги ёнида туриб уларнинг сўзларига қулоқ солди. Хотин қизига аччиғланиб:

— Нега мен билан олишасан? Эртага сотиладиган сутимизга бир оз сув қўш,— деди.

Қиз қабул қилмай:

— Ахир халифа Умар ҳамма сутчиларга сутга сув қўшиб сотмаслик ҳақида буйруқ берганини унутдингизми?

— Нега бунча бижирлайсан? Сув қўш дедимми, қўшавер, бизнинг сув қўшганимизни Умар қаердан билади?— деб онаси қизига аччиғланиб сўзлади. Қизи:

— Онажон, ахир халифа сутга сув қўшганимизни кўрмаса, виждонимиз кўриб турибди-ку, ҳеч бўлмаса виждонимиз амрига итоат қилайлик, виждонсизлик қилмайлик,— деди қизи ва онасининг буйруғини рад қилиб тураверди.

Сутчи хотин қизининг сўзларига халифа жуда ҳам завқланди, шу номусли, виждонли қизни ўзига келин қилиб олмоқчи бўлди. Саройига қайтгач, бир неча кундан кейин ўша қизни ўғлига никоҳ қилиб олиб берди, виждонли келинга эга бўлди.

Байт:

*Қолмагай тўғрилар иши пинҳон,
Қилмагай тўғри сўз кишига зиён¹.*

ОБРУ

Фазл номли мўътабар бир кишининг икки яқин одами бор эди. Бирининг оти Назар, яна бирининг оти Соқиб эди. Бир кун Фазлнинг ҳузурда Назар билан Соқиб бир-бирлари билан ҳазиллашдилар, аскиябозликка киришдилар, охир ҳазиллари зилга айланди, ҳар иккиси қизишиб бир-бирини ҳақорат қилишни, уришишни бошладилар. Назар Соқибни икки қўли билан силкиб эди, Соқибнинг дўпписи ерга тушди. У бундан жуда ҳам аччиғланди. Фазл унга:

¹ У ш а к и т о б, 230—231- саҳифалар.

— Нега жуда ҳам ғазабландинг? Ҳазилкашликда бундай ишлар жуда кўп бўлади. Дўппингнинг ерга тушиши билан бунга аччиғланишинг тўғри эмас,— деди.

Соқиб аччиғини босолмай:

— Нега аччиғланмайин? Сендек улуг киши ҳузурида дўппим ерга тушиб кетиб, обрўйим тўкилди,— деган эди, Фазл кулиб:

— Дўппингнинг ерга тушиб кетиши учун мунча ғазабланишинг ўринсиз. Менинг қошимда сенинг обрўйинг тўкилганига кўпгина вақт бўлди. Эсингда борми, бир кун менга: «Менинг отим бир кечанинг ўзидаёқ Марв шаҳридан Нишопур шаҳрига етди»,— деб ёлғон сўзлаган эдинг, ўша кундан бошлаб сўзингга ишонмай қолдим. Обрўйинг тўкилди. Энди обрў учун талашмай қўя қол, ёлғончида қандай обрў бўлади?— деди.

Китъа:

*То иложинг бор эса, ёндирма ёлғондан чироғ,
Чунки ёлғоннинг чироғи ичра йўқдур ҳеч ёғ.
Ҳар замоники агар ёлғондан урсанг, бир нафас,
Сўнгра ҳаргиз қилмагайсан обрўйингдан сўроғ¹.*

ОМОНАТГА ХИЕНАТ

Кунлардан бир кун бир киши ўралган, муҳрланган бир халтачани дўстининг ҳузурига келтириб:

— Дўстим, мен сафарга чиқиб кетаётиман, ичида минг олтин бўлган шу халтачани сенга омонат топшираман, сафардан қайтиб келганимдан сўнг оламан,— деб халтачани топширди ва ўша кун сафарга чиқиб кетди. Сафари узоқ вақтга чўзилди.

Дўсти омонатга хиенат қилиб, халтачанинг бир томонини сўкди, олтинларни олиб, тангалар билан тўлғизди, сўкилган жойини ҳеч билинмайдиган қилиб тикиб қўйди. Орадан ўн йил ўтгандан кейин омонат эгаси сафардан қайтиб келиб, дўстидан қўйган омонатини талаб қилди. Дўсти халтачани очиб, тангаларни кўргач, ҳайрон бўлиб дўстидан:

— Халта ичидаги олтинларим қани?— деб сўраганди, дўсти инкор қилиб: «Халтачага нима солиб қўйган бўлсанг, шундай турибди, қараб кўр, босган муҳринг ҳам бузилмаган, тағин нима даъво қиласан»,— деди.

¹ Уша китоб, 232-саҳифа.

Омонат эгаси халтачани олиб шаҳар қозисининг ҳузурига бориб воқеани баён қилди. Қози жуда ақлли ва тадбирли одам эди. У дарҳол хиёнатчи дўстни чақириб олиб, омонат эгасининг шикоятини айтди. Хиёнатчи дўст инкор этишда давом қилди.

— Омонат қўйганингга неча йил бўлди?— деб сўраган эди. У киши омонат қилиб топширганига ўн йил бўлганини айтди.

Қози ҳамма тангаларнинг босилган йилларига кўз ташлади. Тангаларнинг босилганига икки-уч йилдан ортиқ бўлмаган эди. Қози хиёнатчи дўстга тангаларнинг босилган йилларини кўрсатган эди, у шарманда бўлиб, қилган айбига иқрор бўлишга мажбур бўлди. Тадбирли, фаросатли қози олтинларни хиёнатчидан олиб эгасига топширди.

Қозининг буйруғи билан хиёнатчини эшакка тескари миндирдилар. «Омонатга хиёнат қилган кишининг жазоси шундай бўлади!»— деб қичқириб, шаҳар кўча ва бозорларини айлантирдилар¹.

ДИЕНАТ

Бир диёнатли фозил одамнинг уйда сичқонлар кўпайиб кетди. Одамлар унга:

— Нега уйингизда мушук асрамайсиз? Мушук сичқонлар кушандаси эканини биласиз-ку. Агар битта мушук асрасангиз, сичқонлар ҳужумидан қутуласиз,— дедилар.

Диёнатли фозил одам уларга:

— Тўғри айтасизлар, лекин бу маслаҳатингизни виждоним қабул қилмайди. Агар мушук асрасам, ҳамма сичқонлар мушуклари йўқ қўшнилариمنىнг уйларига тарқаладилар, қўшнилариمنى кўп азият берадилар. Ўзимга истамаган нарсамни қўшнилариمنىга истайми? Ўз фойдамни кўзлаб, бошқаларга зарар етказайми? Йўқ, бу ишни виждоним асло қабул қилмайди,— деб жавоб берди.

Байт:

*Ҳар нимаки ўзингга бўлмас писанд,
Тутма раво ўзгага, эй аржуманд²*

¹ Уша китоб, 233-саҳифа.

² Уша китоб, 233—234-саҳифалар.

УМАР ИБН АБДУЛАЗИЗ

Қадимги арабларнинг «Умавия» сулоласи халифаларидан Умар ибн Абдулазиз энг одил ва ҳеч кимнинг кўнглини оғритмаган, зулм, ҳақсизликларни битиришга киришган зот эди. Халифанинг бу хислатларини кўролмаган шахслар бир одамни ёллаб, халифани заҳарлабдилар. Лекин заҳар берган одам қочиб қутула олмади. Уни Умарнинг ҳузурига келтирдилар.

Умар у одамдан:

— Менга нима учун заҳар бердинг? Бундан мақсадинг нима?— деб сўради. У одам:

— Халифам, мен сизни олижаноб халифа эканлигингизни биламан. Душманларингиз менга минг олтин бериб, сизни заҳарлашни буюрдилар. Пул учун виждонимни сотиб шу ярамас ишни қилишга мажбур бўлдим, ўз ишимдан ўзим хижолатдаман,— деди.

Халифа у одамдан минг олтинни олиб давлат хазинасига топширди. Кейин у кишига хитоб қилиб:

— Пул, мол учун бировга ёмонлик қилишнинг зўр гуноҳ эканини билмадингми? Агар зўр гуноҳ эканини билсанг эди, бундай ишга жасорат қилмасдинг. Мен сени афв этдим, чунки инсон ёмонлик қилган кишидан ўч олмаслиги, унинг гуноҳини кечириши лозимдир. Агар сен берган заҳардан вафот этсам, одамларим сени поропора қилиб юборардилар. Шунинг учун тавба қил, пул, молга тама қилиб, бировнинг ҳаётига қасд қилма,— деди.

У киши йиғлаб тавба қилди, халифадан узр сўради, хайрлашиб кетди. Халифа ҳамма ходимларига бу кишига асло тегмасликни буюрди¹.

ЧАҚИМЧИЛИК, ТУҲМАТ, ҒИЙБАТ ВА ЁВУЗЛИК

Ҳикоят

Бир куни бир шайхнинг уйига ўғри тушди, у қанча ахтарса ҳам ҳеч нарса топа олмай хафа бўлди. Бунга кўрган шайх ўғрининг кўнгли ўксимасин, деб ўз остидаги кўҳна гиламни унинг оёғи остига элтиб ташлади.

¹ У ш а к и т о б, 235—236-саҳифалар.

*Эшитдимки, тангри ёзган тўғри йўлдан тойганлар;
Душман дилин ҳам хафа қилмас экан ҳеч қачон.
Сенга қачон шу ўктамлик муяссар бўлар экан?
Дўстинг билан келишмайсан, уришасан ҳар замон.*

Садоқатли кишиларнинг самимияти кишининг олдидан ҳам, ортидан ҳам бир хилда бўлади: улар олдиндан сенга жон фидо қилишга тайёр эканларини эълон этиб, орқангдан ғийбат қилиб юрмайдилар

*Юзма-юз келганда қўй каби ювош,
Орқадан бўридай одамхўр, бебош.
Килки бировлар айбин келиб айтаркан сенга,
Сенинг айбларингни ҳам айтади бировларга¹.*

ТУҲМАТЧИ ВА ТЎТИЛАР

Улуғлиги билан машҳур бўлган бир ҳокимнинг жуда гўзал, ифбатли, номусли хотини бор эди. Ҳокимнинг қушчиси хожасининг шу хотинига ошиқ бўлди. Кўнглининг қуши хотиннинг ишқи домига илинди, хизматчи ҳар қанча висол ҳалқасини қоқса ҳам, мулоқот эшиги очилмади, унинг афсун ва афсоналари у ифбатли, номусли хотинга кор қилмади. Ниҳоят, у ҳокимнинг пок, соф хотинини тухмат тузоғига илинтирмоқчи бўлди. Шу ният билан у бозордан икки тўти сотиб олиб, биринчисига: «Мен ҳокимнинг хотинини қоровул билан уйда ётганини кўрдим», деган жумлани, иккинчи тўтига: «Мен ҳеч нима демайман», жумласини балх тили билан ўргатди. Тўтилар бир ҳафта ичида бу жумлаларни ёдлаб олдилар. Кейин хизматчи шу тўтиларни ҳокимга тортиқ қилди.

Тўтилар ўргатилган сўзларни хушовоз билан такрор қилардилар. Ҳоким балх тилини билмасди, лекин тўтиларнинг хушовозига маҳлиё бўлиб, уларга кўнгили қўйдди, хотин бечора ҳам тушунмай у икки тўтини парвариш қилар эди.

Бир кун балхлик бир неча киши меҳмон бўлиб келди. Тўтилар ўргатилган сўзларни такрор қилардилар. Меҳмонлар бир-бирларига қараб, бошларини эгиб жим ўтирардилар. Ҳоким меҳмонларнинг маъюслиklarини кўриб, улардан бунинг сабабини сўради. Меҳмонлардан

¹ Саъдий. Гулистон. Ғафур Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1968, 65—66-саҳифалар.

бири тўтиларнинг нима деганларини ҳокимга тушунтирди. Ҳоким дарҳол овқатдан қўл тортиб:

— Эй азизлар. кечиринглар, мен шу чоққага тўтиларнинг нима деганларини билмасдим, раҳмат, сизлар менга таржима қилиб бердингиз, бизнинг расмимиз бўйича, ёмон хотин тайёрлаган овқат ейилмайди,— деди.

Шу чоқ тухматчи хизматкор ташқаридан овоз бериб, «Хотиннингизнинг қоровул билан бир уйда ётганини мен ҳам бир неча марта кўргандим», деб ёлғондан гувоҳлик берди.

Шундан кейин ҳоким хотинини ўлдиришга буюрди. Бунни эшитган ифбатли хотин эрига бир киши орқали: «Эй муҳтарам ҳоким, мени ўлдириш учун ошиқманг, аввал яхшилаб ўйланг, агар текшириш орқасида гуноҳим исбот этилса, ўлдирсангиз розиман. Далилсиз, исботсиз ҳолда ўлдирсангиз, заволимга қоласиз,— деб хабар юборди.

Ҳоким хотинини чақиртириб, деди:

— Тўтилар одам жинсидан эмасдирлар, улар ғараз билан сўзламайдилар. Бунинг устига овчи хизматчимиз ҳам гувоҳлик берди.

Хотин айтди:

— Балхлик меҳмонлардан сўранг-чи, тўтилар ўша жумлалардан бошқа сўзларни ҳам биладиларми, йўқми? У нобакор хизматчи мендан ифлос муроди ҳосил бўлмагани учун тўтиларга ўша ярамас сўзларни ўргатиб мендан ўч олмоқчи бўлса керак, деб ўйлайман. Агар тўтилар бошқа сўзларни ҳам сўзлай олсалар, у вақтда ўлдирсангиз розиман.

Хотиннинг фикри ҳаммага маъқул бўлди. Ҳоким ҳам, меҳмонлар ҳам бир-икки кун пойладилар, тўтилардан ҳалиги сўзлардан бошқасини эшитмадилар. Бундан сўнг ҳаммага хотиннинг поклиги маълум бўлди. Ҳокимнинг буйруғи билан тухматчи хизматкорни ҳозир қилдилар. Хотин у нобакор тухматчига хитоб қилиб:

— Эй ярамас ситамкор, мен бу гуноҳни қилганимни кўрдингми?— деб сўради. Хизматчи «кўрдим», деб ўзини оқламоқчи бўлган эди, қўлига қўндириб олган қуш тумшуқларини унинг кўзларига уриб, икки кўзини ковлаб ташлади. Тухматчи жазосини топди¹.

¹ Оз-оз ўрганиб доно бўлур. Донишмандлар бисотидан ҳикоятлар, ўғитлар, ҳикматлар. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1988, 177—178-саҳифалар.

ЧАҚИМЧИГА МУҚОФОТ

Қадим замонда ҳокимлардан бири овга чиқди. Ҳоким ва у билан бирга овга чиққанлар бир ерга келиб тушдилар. Ҳамма бирор иш билан машғул бўлди. Ҳоким ўз жиловдори — отбоқарини ёнига чақириб:

— Сен билан бирга отда чопишни кўп вақтдан бери орзу қиламан, кимнинг оти чопқир эканини билишни истайман,— деди.

Отбоқар қабул қилди, отига миниб чопди, ҳоким унинг кетидан қувлади. Шикор жойидан анча узоққа кетдилар. Ҳоким отини тўхтатиб, отбоқарга ҳам тўхта-тишга буйруқ берди, уни ёнига ўтказиб:

— Эй жиловдор, кўнглимга келган бир фикрни айтмоқчи бўлиб, сен билан бирга бу холи ергача от чоптириб келдим. Ҳаммадан кўра сенга ишонганим учун сирини фақат сенга баён қиламан, эҳтиёт бўл, ҳеч ким сезмасин,— деди.

Отбоқар таъзим қилиб:

— Модомики, сиз менга ишонган экансиз, сирингизни ҳеч кимга ошкор қилмайман, ҳеч ким воқиф бўлмайди,— деб ҳокимга ваъда берди.

Ҳоким отбоқарнинг сўзидан хурсанд бўлиб, кўнглидаги сирини унга айтди:

— Укамнинг шу кунларда қилган ҳаракатидан шубҳага тушиб қолдим, мени ўлдирмоқчи бўлса керак. Шунинг учун мен укамни йўқ қилмоқчиман. Сен ёнимдан узоққа кетмай, мени асраб юр.

Отбоқар ҳоким сирини сақлашга, ҳокимнинг ўзини асрашга ваъда бериб, қасам ичди. Ҳоким овдан қайтиб, ўз саройига кириши биланоқ отбоқар бевафолик қилиб, хиёнат кўчасига қадам қўйди. Фурдат топиб ҳокимнинг укасига эшитганларини баён қилди. Ҳокимнинг укаси бу чақимчи отбоқардан хурсанд бўлиб, унга нася иноят ва ваъдалар қилди.

Ҳокимнинг укаси яхши тадбир билан ўзини асраб эди. Орадан кўп вақт ўтмай, ҳоким вафот топди, унинг ўрнига укаси ҳоким бўлди, у дарров чақимчи отбоқарни дорга осишга буйруқ берди. Чақимчи отбоқар ўзининг қилган хизматини сўзлаб, кўп зору тазарру қилса ҳам янги ҳоким қабул қилмай:

— Сирини фош қилишдан, чақимчиликдан ёмонроқ гуноҳ йўқдир. Акам сенга ишониб сирини айтди, сен хиёнат қилиб, сирини фош қилдинг, менга келиб чақдинг.

Акамга вафо қилмаган одам менга вафо қилармиди? Ана энди чақимчилигининг жазосини кўр,— деб дорга остирди¹.

ҒИЙБАТ

Ғийбат деб бир кишининг камчилик ва қусурини орақасидан сўйламакни айтилуру. Ғийбатни сўйламак ҳаром ўлдиғи каби эшитмак ҳам ҳаромдур. Киши ўз навсига лаззат умиди ила бировни ғийбат қилуб, этини чайнамак гуноҳ ҳам инсоният номина ярашмаган энг ёмон ахлоқи замималардандур.

Инсон бошқа гуноҳларни нафсининг лаззати учун қиладур. Аммо ғийбат соҳиби лаззат ўрнига ўз бошига ёки бир бошқа кишининг бошига бир бало ҳозирлайдур. Чунки сўз боруб ғийбат қилинмиш кишининг қулоғига етар. Ғазаб қони ҳаракатга кирар. Ғийбатчидан ўч олмак фурсатини пойлар. Шундай қилуб, ғийбат соясида икки мусулмон орасига зўр душманлик тушар. Охири ўлумгача бориб тиралур. Шул тариқа ғийбатдан туғулган адоват чўзулмоқға оид бўлуб, душманлик зўраюб, ўз ораларидаги хусусий жанжаллар ила азиз умрларини уздируб, умумий халқ фойдаси учун ишланадурган миллий ишлардан маҳрум бўлмаклари ила баробар аҳолининг орасидан иттифоқнинг йўқолувиға сабаб бўлурлар.

Алҳосил, қайси бир миллатнинг орасида бирлик кўтарилуб, нифоқ ва адоват ҳукм сурган бўлса, ул қавмнинг инқироз дунёсига юзланганлиғи тарих саҳифаларидан маълумдир. Расули акрам набийий муҳтарам саллоллоҳу алайҳи васаллам афандимиз: «Ғийбатдан сақланингиз, ғийбат зинодан ҳам ёмонроқдур»,— демишлар.

*Агар журму гунаҳ бўлсун десанг оз,
Тилингни сақла ғийбатдан қишу ёз.
Қулоққа пахта тик, ғийбат эшитма,
Шикоятчи кишиға бўлма дамсоз².*

¹ Уша китоб, 179-саҳифа.

² Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. «Уқитувчи», 1992, 50—51-саҳифалар.

ДҮСТ ТУТМОҶ ҲАҚИДА

ДҮСТ ТУТМОҶ ЗИКРИДА

Эй фарзанд, билғилки, то киши тирикдур, дўстсиз бўлмағусидир. Кишининг дўтсиз бўлғонидин биродарсиз бўлғони яхшидур. Бир ҳақимдан сўрдилар: «Дўст яхшироқдирму, ё биродар?» Ҳақим айтди: «Дўст бўлса яхшидур».

Демак, дўстларнинг иши ҳақида ўйлағил, уларга ҳадялар бермоқ, мурувватлар қилмоқ била дўстлик қондасини маҳкам қилғил. Нединким, ҳар киши дўстларни ёд қилмаса, дўстлар ҳам ёд қилмағусидур ва ул киши ҳамиша дўстсиз қолғусидир.

Ҳамма вақт дўст тутмоқни одат қилғил, зероки, ҳар кишининг дўсти кўп бўлса, айблари шунча сир тутилуру ва фазилати кўпаюру. Лекин ҳар вақт янги дўст топсанг, кўҳна дўстларни тарк этмағил ва улардин юз ўгурмағил, токи ҳамиша дўстинг кўп бўлсун, дебдурларки, яхши дўст кишига улуғ ганждур. Одамлар ҳақида ўйлаб кўрки, улар сен била дўстлик йўлига кирарлар, аммо ярим дўст бўлурлар. Шулар била соз муносабатда бўл ва улар била турлук яхши ва ёмонда муттафиқ¹ бўлғил, токи улар сендин кўп яхшиликларни кўрса, тадриж² била кейинроқ ждид дўст бўлурлар. Бир кун Искандардин сўрдиларки: «Бунча оз сармойя била миқдор кўп мулкни қандай хислат била қўлга киргуздинг?» Искандар жавоб бардиким: «Талаттуф³ била душманларни қўлга киритдим ва таахҳуд⁴ йўли била дўстларни йўлга солдим. Бу жиҳатдин шунча мамлакатни қўлга олдим».

Яна билғилки, дўстларнинг дўстлари ҳам дўстларингдур. Эҳтимолки, унинг одамга дўстлиғи сенинг дўстлиғингдин кўпроқдур. Агар дўстинг сенинг душманнингни севса, бундай дўстдин эҳтиёт бўл, нединким бундай дўст душман тарафидин сенга ёмонлик қилишдин ҳам андиша қилмағай. Сенинг дўстингга душман бўлғон дўстдин ҳам парҳез этгил.

Ҳар дўстким, сендин ҳеч сабабсиз гинали бўлса,

¹ *Муттафиқ* — дўст, бирлашган. ² *Тадриж* — аста-секин. ³ *Талаттуф* — раҳмдиллик, юшоқлик билан муомала қилиш. ⁴ *Таахҳуд* — аҳд қилиш, сўз бериш.

унинг дўстлигидан тамаъ қилмагил ва жаҳонда ундан айблироқ ва ундан ҳам ёмонроқ бўлмағай.

Билғилки, жаҳонда айбсиз одам бўлмас, аммо сен салоҳиятлиғ, мурувватлиғ бўл, нединким бундайларнинг айби кам бўлур. Мурувватсиз, фазилатсиз кишини дўст тутмағилки, бундай кишининг хосияти бўлмас ва уларни нон дўстлари зумрасидин тутғил, нединким улар нон дўстидурлар, ор ва номус дўсти эмасдурлар.

Яхши, ёмон одамни билғил ва икковига ҳам дўстлик қилғил. Яхшиларга кўнгул била ва ёмонларга тил била дўстлик қилғил, токи икки тоифанинг ҳам дўстлиғи сенга нисбатан ҳосил бўлсун, нединким, кишининг ҳожати танҳо дўстга тушмағусидур. Бир вақт бўлурки кишининг ҳожати зарурат юзидин ёмонларга ҳам тушғусидир. Демак, бу икки тоифанинг ҳам дўстлиғин ҳосил қилғил.

Ақлсиз одамлар била ҳаргиз дўст бўлмағил. Ақлсиз дўст ақлли душмандин ёмонроқдур, чунки ақлсиз дўст шундоқ иш қилурки, ақлли душман уни қила олмас. Мурувватлиғ, илмлиғ ва вафолиғ кишиларни дўст тутғилки, то сен ҳам ул фазилатлар била янада машҳур бўлғайсан. Бемурувват, меҳр-шафқатсиз, ҳунарсиз (илмсиз) кишилар била ўлтурмағил. Беҳунар била ўлтурғондан танҳолиғ яхшидур. Ҳаргиз дўстларнинг ҳақин зоеъ қилмағил, то сендин маломат қилмасунлар.

Одамлар икки гуруҳ бўлурлар: бири дўстларнинг ҳақин зоеъ қилғувчи ва бири — яхшиликни яхши билғувчи. Билғилки, дўстликка лойиқ одамни икки нарса била билса бўлур: бири улки, дўстига тангдастлик етишғон вақтда қудрати етгунча молин дўстиндин дариф қилмас ва қашшоқлик вақтида ундин юз ўғирмас, яна бири улки, дўсти бу жаҳондин ўтғондан сўнг ҳам ул дўстининг фарзандларин, қариндошларин ва дўстларин талаб қилғай, уларга яхшилик кўргузғай. Гоҳ-гоҳ ул дўстининг мозори зиёратига борғай ва ҳасрат чекиб, дуолар қилғай.

Ҳикоят. Ундоғ эшитибманки, Суқрот ҳакимни ўлдириш учун олиб бораётган чоғда унга: «Бутпараст бўл!»— деб кўп айтдилар. Ул деди: Бундоқ сўзни айтурдин тил чекингларким, мен ҳаргиз ул ишни қилмасман!» Уни ўлдиришга олиб борар эдилар. Шогирдларидин бир жамоа унга ҳамроҳ бўлиб борар эдилар. Улар йиғлаб зорлиғ қилиб сўрадилар: «Эй ҳаким, энди ўлимга кўнгил қўймишсан, айтғил, сени қайси ерга

дафн этайлик?» Суқрот табассум қилиб деди: «Қай жойни кўнглунгиз тиласа, ул жойга дафн қилинг, яъни менинг жасадим қайда бўлса, сўнгақларим унда бўлғай, фақат мени ёд қилсангиз бас!»

Эй фарзанд, одамлар била дўстлигинг ўртача бўлсун. Дўстим кўп деб барчасига умид била кўнгул боғламағил, илгари ва кейинга қарағил. Дўстларингнинг эътиқодидин ғофил бўлмағил. Агар сенинг мингта дўстинг бўлса, зоҳирда барчасига сендан дўстроқ киши бўлмағай. Дўстликни фароғликда ва тангдастликда имтиҳон қилғил, фароғликда роз ва таом била, тангдастликда суд ва зиён била.

Ҳар дўстки, сенинг душманингни душман тутмас, уни дўст демағил.

Агар қашшоқ бўлсанг, молдор дўст талаб қилмағил, нединким қашшоқни ҳеч киши дўст тутмағусидур, хусусан молдорлар ёмон кўргусидур. Ўзингга лойиқ дўст ахтарғил. Агар сен молдор бўлсанг ва қашшоқ дўст тутсанг, бу раводур. Аммо халқнинг дўстлиғига кўнглингни рост тутғил, токи барча ишларинг тўғри бўлғай.

Агар дўстингнинг кўнгли ҳеч гуноҳсиз сендин қолса, уни қайтиб келурга машғул бўлмағилки, нединким тамаъгир, кекчи дўстдин узоқ бўлғил, унинг дўстлиги ҳақиқий эрмасдур, балки тамаъ учундур. Ҳасадлиғ кишиларга ҳаргиз дўст бўлмағил, чунки ҳасадлик киши дўстликқа лойиқ эрмасдур, чунки ҳосиднинг¹ ҳасади ҳаргиз кетмағусидур ва ҳамиша сендин озурда² ва гинадор бўлғусидур.

Эй фарзанд, сен чин дўст тутмоқ ҳолидин огоҳ бўлдинг, энди душман ҳолидин ҳам огоҳлик топғил³.

Ҳикоят

Бир одамнинг дўсти подшоҳ хизматида эди. Улар узоқ муддат бир-бирлари билан кўришмадилар. Бир киши ундан сўради: «Дўстингни кўрганингга кўп вақт бўлдимиз?» У жавоб берди: «Уни кўриш орзуим ҳам йўқ». Тасодифан дўстининг яқинларидан бири шу ерда эди, унинг жавобини эшитиб, ҳайрон бўлиб сўради: «Сенга қандай ёмонлик қилдики, уни кўргинг келмай қолди?» У жавоб берди: «У ҳеч қандай ёмонлик қилга-

¹ *Ҳосид* — ҳасадчи, бировнинг борлигини кўролмавчи. ² *Озурда* — озор чеккан, ранжиган. ³ *Кайковус Унсурулмаолий*. Қобуснома, «Ўқитувчи». 1986, 88—90-саҳифалар.

ни йўқ, лекин подшоҳ хизматида бўлган одамни амалдан бўшагандан кейин кўриш керак, мен ўз роҳатим учун дўстимнинг фалокатга дучор бўлишини истамайман».

*Мўлу кўл, каттакон амалга мингач,
Дўстини танимас, кўзини босиб ёғ.
Ошнолар ёнига ҳасрат-ла борур
Амалдан ҳайдалиб, ожиз қолган чоғ¹.*

Ҳикоят

Бир соҳибдилга дедилар: «Офтоб ғоятда гўзал бўлганига қарамай, ҳеч кимса уни севгани ва ошиқи шайдоси бўлганини эшитмадик». Соҳибдил жавоб берди: «Бунинг сабаби шуки, у ҳар куни кўринади, лекин қишда кўздан пинҳон бўлгани учун ҳамма уни яхши кўради».

*Дўстнику йўқламоқ зарра айб эмас,
Аммо «Бас!» дегунча боравермагил.
Бошқалар тергашин ёқтирмас бўлсанг,
Ўзингни аввало ўзинг тергагил².*

Ҳикоят

Бир дарвеш қаттиқ муҳтожликка тушиб қолди. У қалин дўстининг гиламини ўғирлади. Ҳоким унинг қўлини кесишни буюрди. Гиламнинг эгаси дарвешга раҳми келиб: «Мен унинг гуноҳини кечирдим»,— деди. Ҳоким деди: «Сен кечирганинг билан шарият қонуни кечирмайди!» Гилам эгаси деди: «Тўғри айтасиз, лекин вақф молини ўғирлаган одамнинг қўлини кесмайдилар. Дарвешлардаги ҳамма нарса муҳтожларнинг вақфидир. Ҳоким ўғрини афв этиб, маломат қилишга бошлади: «Сенга олам торлик қилдимики, бориб-бориб ўз яқин дўстинингнинг уйига ўғриликка тушибсан?» Дарвеш деди: «Эй ҳоким, эшитмаганмисанки: «Душман эшигини қоққандан кўра дўст уйини қоқлаган яхши, дейдилар».

*Қийин кунга қолган чоғда, руҳинг бўлмасин тушкун,
Душманларнинг терисидан дўстингга бичгил пўстин³.*

¹ Саъдий, Гулистон, Фафур Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1968, 79-саҳифа.

² Уша китоб, 79—80-саҳифалар. ³ Уша китоб, 71-саҳифа.

Ҳикоят

Шиблининг бошига девоналик тушди, уни жиннихонага элтиб қўйишди. Сўнг бир неча киши уни кўргани боришди.

— Кимсизлар?— деб сўради жинни улардан.

— Биз сенинг дўстларингмиз,— дейишди.

У қўлига тош олиб ҳамла қилди. Ҳаммалари қочиб кетишди.

— Қайтинг, эй даъвогарлар,— деди,— дўст дўстдан қочмайди ва унинг жафо тошидан сақланишга шошмайди.

*Чин дўст ул — дўстлиги ошаверса гар,
Дўстидан ёмонлик кўрганида ҳам.
Бошига минг жафо тоши ёғилса,
Меҳр уйи у тошдан бўлур мустаҳкам.*

Ҳикоят

Абулҳасан Кушанжи айтган эди:

— Дунёда бир нарса эвазига ёки бирор нарса ғаразига дўстлик қилган кишидан кўра хунукроқ нарса йўқ.

*Дўст ҳажридан Ошиқ кутар адолат,
Ё васл эшигида турар бир ҳолат.
Дўстликдан ўзга бир мақсади бўлса,
Оламда борми ҳеч бундан разолат¹.*

* * *

Олимлардан Мақсудий айтади:

— Биродарлар, душманларингиздан қўрқманг, шикоят этманг, улар сизларга зарар еткиза олмайдилар, чунки уларнинг душман эканликларини биласиз, шунинг учун ҳар бир ишингизда эҳтиёткорона ҳаракат қиласиз. Боз устига халқ сиз томонда, душман нима сўзламасин, барибир ишонмайди. Шунга кўра душманларингиздан унча хавфсираманг, бизларга асл зарар еткизадиган кишилар ўз дўстларингиздир. Қандай дўстларингиз? Албатта чин, самимий дўстларингиз эмас,

¹ Абдурахмон Жомий. Баҳористон. Танланган асарлар. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1971, 297—298-саҳифалар.

риёкор, мунофиқ, тилёғламачи дўстларингиздир. Сизлар самимий дўстларингизнинг сўзларига эмас, кўпинча риёкор дўстларингизнинг сўзларига лаққа тушасиз-у, улардан кўрган зарарингизни ҳеч бир душманингиздан кўрмайсиз. Сўзимизнинг исботи учун далил керакми? Мана сизларга битта далил:

Ичкиликка берилган одам жонли бир қазо, оиласи учун буюк бир балодир. Бу бечоранинг ичкиликка муккасидан кетишига кимлар сабабчи бўлади? Душманларими? Ҳеч-да. Одам ўғли ичишни душманларидан ўрганмайди. Ҳеч бир душман ўз душманига:

— Қани юр, бир оз ичиб, кўнглимизни очиб келайлик,— деб унинг қўлидан тутиб, уни судрамайди, бу ҳаммага маълум ҳақиқат. У бечорани май ичишга ундовчи, ниҳоят ирганчи ҳолга тушишига сабабчи бўлган риёкор дўстларидир. У боёқиш одам сифатидан чиққандан кейин, уни масхара қилиб, сонга санамай кулиб юрувчилар яна ўша дўстлари бўлади.

Биродарлар! Риёкор, икки юзламачи кишиларнинг дўстликларига ишонманг, чунки ҳамма ирганчи, бузуқ ишларни шулар ўргатадилар, чин, самимий дўстлар топишга киришинг. Самимий дўстлар сизларни тўғри йўлга бошлайди, гўзал маслаҳатлари билан ҳар вақт сизларга ёрдам берадилар.

Байт:

*Кимки қилмабдир ишига эҳтиёт,
Топмас ул ҳасрат, аламлардан нажот¹.*

* * *

Донишмандлардан бирининг ҳузурига бир одам келиб, дўст топиш мушкуллигидан зорланди. Донишманд унга деди:

— Сенинг ранж, аламингни баробар тортадиган, шодлигингга шодланадиган дўстни изласанг, бундай дўст ноёбдир. Сенга ўзини дўст қилиб кўрсатадиган тасодифий дўстлар эса жуда кўп.

— Агар ҳақиқий дўст топиш менга муяссар бўлса, у билан қандай муомала қилишим керак?

— Ҳақиқий дўст топсанг, унга содиқ бўл, хиёнат қилма. Кўнгилдаги дўстлик муҳаббатини сўзинг ва

¹ Оз-оз ўрганиб доно бўлур. Донишмандлар бисотидан ҳикоятлар, ўғитлар, ҳикматлар. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1988, 58—59-саҳифалар.

ишинг билан кўрсат, дўстинг сирини ошкор қилишдан сақлан, унинг ёнида бошқаларни ғийбат қилма, дўстинг муҳтожликда қолса, дарҳол унга ёрдам бер, унда бирор айб содир бўлса, холи жойда айбини айтиб, юмшоқлик билан насиҳат қил. Агар дўстинг сенинг айбингни айтиб, насиҳат қилса, ундан миннатдор бўл. Дўстингга ёлғон сўзлама. Унинг душмани билан дўстлашма, дўстинг бошига бирор мушкул иш тушса, қайғули ҳодиса юз берса, уни шу мусибатдан қутқозишга жону дилинг билан кириш, дўстингнинг ота-она ва оила аъзоларига меҳрибон ва шафқатли бўл.

— Тасодифий дўстлар билан қандай муносабатда бўлиш лозим?

— Тасодифий, юзаки дўстларга ҳам қўлингдан келганча яхшилик қил. Лекин сиру асрорингдан хабардор қилма, улар ёнида ҳар хил сўзлар сўзлашдан тилингни тий, уларни юзаки муомала билан хурсанд қилиб, кўнгилларини ўз тарафингга мойил қил, улардан бири кўринмай қолса, бошқа шундай ошна-оғайнилардан унинг аҳволини сўра, мол-ашъёларингни уларга айтма, ўз аҳволингни яширин тут!¹

ХЕШ-АҚРАБО, ҚАРИНДОШ-УРУҒЛАРНИ ҲУРМАТЛАШ

Эй фарзанд, хеш-ақрабо, қариндош-уруғларингнинг ҳақларини унутма, қўлингдан келганча уларга ёрдам бер, яхшилик қил, ёмонликни раво кўрма. Менинг: «Хеш-ақрабо, қариндош-уруғларингни ҳурмат қил!»—деган сўзимдан, эҳтимол сен: «Бобомнинг бу насиҳати ака-ука, опасингил ва қариндош-уруғларим ҳақида»,—деб ўйларсан. Бу ўйлашинг зоҳирда тўғри, лекин мен бу сўзим билан ҳамма одамни ўзингга хеш-ақрабо, биродар бил, деб айтмоқчи бўламан. Ўз оила аъзоларинг, қариндошларингга қандай муҳаббат қўйсанг, улар билан қандай гўзал муомалада бўлсанг, бошқаларга ҳам шундай бўл.

Эй фарзанд, бир кишига ёмонлик қасд қилиб, ҳалокати учун чоҳ қазисанг, бир кун, албатта у чоҳга ўзинг йиқиласан, унга ёмонлик қиламан, деб ёмонликни ўзингга раво кўрасан. Агар оқил эсанг, ҳеч кимга ёмонлик қилишни андеша қил, ҳаммадан меҳру шафқатингни аяма².

¹ Уш а к и т о б, 119—120-саҳифалар.

² Уш а к и т о б, 133-саҳифа.

Ҳикоят

Аштар номли одобли ва ақлли бир йигит қабила бошлиқларидан бирининг Жайда номли гўзал қизини севиб қолган эди. Улар бир-бирлари билан учрашиб турар ва ораларидаги муҳаббат мустаҳкамлана борар эди. Сирларини яқин-йироқ қариндош уруғдан яшириб юришар, бутун кучларини сир очилмаслигига сарфлар эдилар. Аммо демишларким:

*Ишқ сирини таъриф этиб бўлмас бил,
Юз пардага ўраб бекитмак мушқил.*

Охир уларнинг сири кундуздек равшан ва қалбдаги ниҳон бутун жаҳон назарига нишон бўлди. Икки қабила орасида адоват қўзғалди. Одам ўлиб, қон тўкилди. Жайданинг қабиласи ўз жойидан ўтовларини кўчириб бошқа юртларга кетишга мажбур бўлди. Фироқ кунлари чўзилган сари иштиёқ оловини алангалантирди.

Бир кун Аштар ўз дўстларидан бирига:

— Мен билан бошқа ерларга бориб, Жайдани кўришимга ёрдам эта оласанми?— деди.— Энди ортиқ чидаолмайман, уни кўрмак орзусида жоним ҳалқумимга келди, ёруғ кунларим тунга айланиб кетди.

— Бош устига,— дейди дўсти,— ҳар нима десанг бажаришга, ҳар қайга десанг югуришга ҳозирман, мени содиқ қулинг деб бил.

Улар туриб туяларини ҳозирладилар ва бир кечакундуз ва яна бир кун йўл юрдилар. Кечқурун ўшал диёрга етиб келишди. Бир тепага чиқиб туяларга дам беришди ва ўтов тикишди.

— Тур,— деди Аштар дўстига,— энди бориб, гўё йўқолган туягни сўрай-сўрай Жайда қабиласига етиш. Менинг тўғримда фалон қўйчивон канизакдан бошқа ҳеч кимга ҳеч нима дема. Уни топсанг мендан салом еткур ва бизнинг қайга тушганимиздан хабардор қил.

Аштарнинг дўсти шундай ҳикоя қилади:

Мен туриб кетдим ва исталган қабилага етдим. Менга дуч келган биринчи одам ўшал канизак эди.

Аштарнинг саломини етказдим ва Жайда аҳволини суриштирдим.

— Эрга беришди,— деди у,— унинг аҳволи танг, эри ҳеч ерга чиқармайди. Аммо сизни учраштираман, сизлар тўхтаган тепанинг орқасида бир дарахтзор бор, ҳуфтон вақтида ўша ерда ҳозир бўлинглар.

Мен тезлик билан қайтиб келдим ва бу хабарни Аштарга етказдим. Иккаламиз туриб, секин туяларни тортиб айтилган вақтда дарахтзорга етиб келдик.

*Йўлга кўз тутиб чекиб оҳу вой,
Кутиб ўтирардик, қайда хуш чирой?
Бирдан қўнғироқнинг келди овози
Яъни тур, деди у, чиқди тўлин ой.*

Аштар ўрнидан ирғиб туриб истиқболига чиқди ва салом бериб, қўлини ўпди. Мен улардан юзимни ўгирдим ва бошқа томонга югирдим. Мени чақириб, кетингга қайт, орамизда ҳеч ношоён ишимиз ҳам, суҳбатдан бошқа юмушимиз ҳам йўқ, дейишди. Мен қайтиб келдим. Улар ўтиришиб, ўтган ва бўлажак ишлардан гап-лаша кетди.

Бироздан кейин Аштар:

— Бу кеча мен билан қолиб, кўзларим интизорлигин қондирсанг, фароғатинг тирноғи билан юзларим ёндурсанг,— деди.

— Худо ҳаққи, мен бу талабингни бажо келтиролмайман,— деди Жайда,— менга бундан кўра қийинроқ иш жаҳонда топилмайди. Яна айём менинг бошимга қаҳрини сочиб, қонли воқеалар юз беришини, балолар дарвозаси менга яна очилишини истайсанми?

— Худога минг қасамким, сени қўйиб юборолмайман ва этагингдан қўлимни ололмайман.

*Қим келса келаверсин,
На бўлса бўлаверсин!*

— Бу дўстинг мен нима десам шуни қилишга ҳозирми?— деди, шунда Жайда.

Мен ўрнимдан турдим ва:

— Нима десанг шуни қилишга ҳозирман. Ҳатто бу йўлда жоним кетса ҳам амрингга мунтазирман,— дедим.

У кийимларини ечиб менга узатаркан, деди:

— Кийимларингни ечиб менга бер, ўзинг бу либосларни кийиб, менинг чодиримга бор, парда орқасига ўтиб ўтир, эрим бир коса сут олиб келади ва сенга «бу сенинг шомлиғинг, ол»— дейди, сен уни олишга шошилма. Бир оз индамай туриб кейин ол, уни ё сенинг қўлингга бериб кетади, ё ерга қўйиб кетади-да, кейин азонгача қайтиб келмайди. Нимаики деган бўлса, худди шундай қилдим. Бир маҳал бир коса сут олиб кел-

ди, мен узундан-узоқ ноз қилдим, у ерга қўйиб кетмоқчи эди, мен унинг қўлидан олмоқчи бўлдим ва косага қўлим тегиб сут битта қолмай тўкилиб кетди.

— Бу ҳали менга қўл ҳам кўтарадимиз?— деди у ва қўлини чўзиб ул хонадан кийик терисидан ўрилган, дастасига инжу қадалган, учи вахший ҳайвон панжасидек тугун бир қамчи олди.

*Йўғонликда заҳарли илон,
Узунлиғи узун аждардан,
Илон расмин чизиш унга иш,
Лавҳасидир яп-яланғоч тан.*

Сўнг менинг орқамни дўмбира қорнидек қилди-да, жанг кунндаги дўмбичачидек бир меъёрда зарба билан ура бошлади, овозимдан таниб қолмасин деб, бақирришга ҳам журъат қила олмадим, орқамнинг териси ёрилиб кетаётганини ҳис этиб, сабру тоқат қилолмасдим. Сапчиб туриб ханжар билан кекирдагини тилиб қонини тўкмоқчи ҳам бўлдим, аммо шундай уруш қўзғоладики, уни босиш ҳеч кимсанинг қўлидан келмайди, деб ўйладим.

Жайданинг онаси ва синглиси хабар топиб етиб келишгунча тоқат қилдим. Улар келиб мени ажратиб, уни чодирдан олиб чиқиб кетишди.

Бир соат ўтар-ўтмас Жайданинг онаси кириб келди. Мени Жайда деб ўйларди... Мен йиғлашга тушдим ва нола кўтардим, кийимимга бошимни ўраб, унга орқамни ўгириб олдим.

— Қизим, худодан ҳайиқ,— деди у,— эрингга ёқмаган ишни қилма. Эрингнинг бир мўйи минг Аштардан яхшироқ-ку, ахир. Аштаринг ким ўзи, сен уни деб шунча заҳмат чекасан ва бу шарбатларни ичасан.

Сўнг ўрнидан туриб:

— Синглингни юбораман, бул кеча сенга ҳамдам ва сирингга малҳам бўлади,— деди-да, чиқиб кетди.

Бир соатдан кейин Жайданинг синглиси келиб йиғлай бошлади. Мени урганни қарғади. Унга ҳеч нима демадим, менинг ёнимга ётиб ухлаб қолди, тинчиганидан кейин қўлимни узатиб, оғзини қаттиқ бекитдим ва:

— Сенинг опанг Аштар билан бирга, мен унинг ўрнига бу азобларни тортдим, буни пинҳон тут, бўлмаса сизлар ҳам расво бўласизлар, мен ҳам,— дедим.

Аввал жуда қўрқиб кетди, сўнгра қўрқув менда

хайрихоҳлик билан алмашинди. Азонгача бу қиссани қайтариб кулиб ётди.

Тонг ёришганда Жайда кириб келди, бизни кўриб қўрқиб кетди ва:

— Вой, бу ким, ёнингдаги?— деди.

— Бу синглинг, синглинг яхши сингил экан.'

— Бу қандай қилиб бу ерга келиб қолди?

— Узидан сўра,— дедим мен,— ҳозир фурсат танг.

Уз кийимимни кийиб Аштар ёнига жўнадим. Туяларга миниб катта йўлга тушдик. Йўлда бутун бўлган воқеани унга ҳикоя қилиб бердим. Сўнг менинг орқамни очиб қамчи яраларини кўрди ва кўп узр сўраб деди:

— Донишмандлар, қийинчилик куни дўст керак, роҳат кунларида улар кўп деб бекорга айтмаган эканлар.

*Дил агар ногаҳон ғамга учрасанг
Ғамхўр дўстинг бўлса у ғам эмасдир.
Кулфат куни содиқ дўстларинг керак,
Бахтли кунда дўстлар ҳеч кам эмасдир¹.*

ДУСТЛИК ОДОБИ

Одамнинг шодлик ва қайғули вақтларида таянчи, шубҳасиз, унинг дўстларидир. Шунинг учун ёш ва бошқа жиҳатдан ўзингизга мос келадиган кишиларни танлаб дўстлашинг.

Дўстлашишда кўнгиллар орасида юрадиган элчи, оғир кунларда бир-бирига ёрдам қўлини узатишга сабаб бўладиган нарса улфатдир. Агар улфат ҳар икки томоннинг ихлос ва муҳаббатларидан ҳосил бўлса, тўғри, агар бирор манфаатни кўзлаб вақтинча улфатчилик қилинса, у ёлғон бўлади. Шунга кўра муҳаббатингизнинг чин ва самимий бўлишига ғайрат қилинг, комил ақлли, тўғри фикрли ва одоб-ахлоқи жойида бўлган кишилар билан дўстлашинг. Бундай кишилар беморлигингизда даво, саломатлигингизда зийнат, кулфат-машаққатларингизда таянч ва диққат бўлган соатларингизда улфат бўладилар. Фаровон турмушингизда ҳам, ёмон аҳволга тушганингизда ҳам булар сиздан

¹ Абдураҳмон Жомий. Баҳористон. Танланган асарлар. Фафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1971, 324—328-саҳифалар.

ажралмайдилар. Дўстликларини фақат сўзда эмас, амалда кўрсатадилар.

Агар тўғри, самимий дўст топсангиз, унинг этагини маҳкам ушланг, ўзингизда уни норози этадиган камчиликлар бўлмасин, уни чин кўнгил билан севинг.

Тилида ўзларини дўст деб кўрсатувчиларга ишонманг. Муҳаббати пок, соф бўлмаган кишилар билан дўст бўлишдан кўра, дўстсиз яшаш яхшироқ эканини унутманг.

Текшириб, тажриба қилмасдан туриб сўзларига ишониб дўст бўлманг. Шундай кишилар борки, сиздан манфаат кўриш учун дўст бўладилар. Ишлари битгач, дўстликлари ҳам битади.

Дўстларингизни койиб хафа қилишга шошилманг, қариндош-уруғларингиз билан орангизнинг бузилишига бепарво қараманг, уларга аччиқ сўзлар айтмасдан, бир неча кун сабр этинг. Кейин ноўрин аччиғланганингиз билинса, сабр этганингиз учун севинасиз, «Сабр таги — сариқ олтин» — деб қадимгилар бежиз айтишмаган.

Жуда катта сабаблар бўлмаса, дўстларингиз билан орангизнинг бузилиши адабсизликдир. Шунга кўра майда-чуйда нарсалар учун дўстларингиздан ажралманг.

Ҳар вақт бир-бирини ҳурмат қилиш сабабли дўстлик кучланади. Шунинг учун дўстларингизга ҳар вақт ёрдам беринг.

Ярамас кишиларга аралашманг, улар билан дўстлашманг ҳам, душманлашманг ҳам, мулойимлик билан муомала қилинг¹.

ДУШМАНДАН САВЛАНИШ

ДУШМАНДАН АНДИША ҚИЛМОҚ ЗИКРИДА

Эй фарзанд, жаҳд² қилиб ҳаргиз ҳеч кишини ўзингга душман тутмағил. Аммо бир киши ногоҳ сенга душман бўлса, асло қўрқмағил, лекин унинг ошкор ва ниҳон ишларидин ғофил бўлмағил ва ҳамиша унинг тадбирида бўлғил. Ҳар вақт унинг ҳийласидин хабардор бўлғил. Ҳамиша душманнинг ҳолин ва фикр-хаёлин бил-

¹ Инсон одоби. Тузувчилар: *Рустам Саидов, Нурмұхаммед Холлиев*. Тошкент, 1988, 127—128-саҳифалар.

² Жаҳд — тиришиб, астойдил ҳаракат қилиш.

макнинг ҳаракатида бўлғил, то бир бало ва офатга гирифтор бўлмағайсан. Ишинг ривож топмаса, қувватинг бўлмаса, душманга душманлиғ кўргузмағил. Ўзингни душманга улуғ кўргизғил. Агарчи ожиз бўлсанг ҳам ғайрат қил, ўзингни ожиз кўргузмағил.

Душманнинг хуш сўзига кўнгул қўймағил. Агар душман ҳар қанча яхшилик кўргузса, ундин бегумон бўлмағил. Қувватлик душмандин ҳамиша ҳушёр ва эҳтиёт бўлғилки, дебдурлар: икки кишидин кўрқмоқ керакдур: бири қавий¹ душман ва бири ғаддор² дўст. Кичик душманни кам куч ва хор деб ўйламағил. Унга улуғ душмандин кўпроқ душманлик қил ва уни кичик, ожиз билмағил.

Ҳикоят. Шундоқ эшитибманким, Хуросонда Мухаллаб отлиғ бир муҳташам иёр бор эди. У бир кун кўчада юриб борур эрди, йўлда ётгон бир қовуннинг пўчоғига суруниб йиқилди. Дарҳол пичоғини чиқариб ҳалиги пўчоқни пичоқлади. Унинг чораки деди: «Сарҳанг³, бунча иёр ва муҳташам бўла туриб пўчоққа пичоқ урдинг, бунинг боиси недур, шарм қилмасмусан?» Мухаллаб деди: «Мени-ку йиқитгон пўчоқ бўлгач, хўш кимга пичоқ урай? Ҳар ким мени йиқса, ул душманимдур».

Демак (душман) ҳар қанча хор бўлса ҳам, уни хор ва ҳақир билмағилким, ҳар ким душманни хор тутса тезроқ хор бўлур.

Бас, душман сени ҳалок этмасун, балки сен унинг ҳалокати тадбирида бўлғил. Аммо душманга ғолиб бўлсанг, фахрланиб ҳамиша ожизлиғин ва манқуб⁴лиғин халққа зоҳир қилмағил ва «шундай ғолиблик била унинг ожизлиғига тараҳҳум қилдим»,— демағил. Агар ул сенга ғолиб бўлса, улуғ ору номусдурки, бир ожиз душманга мағлуб бўлмиш бўлғайсан. Агар душман бир кичик подшоҳ бўлса, ногоҳ бир улуғ подшоҳга ғолиб бўлса, шоирлар унинг отига зафарномалар айтурлар, котиблар фатҳномалар ёзурлар ва уни улуғ подшоҳдин баландроқ таъриф этурлар, унинг лашкарларини, пиёда ва суворийларини шердин, аждаҳодин зиёдроқ тавсиф қилурлар, шаън-шавкат ва фавқулодда ҳодисаларни мадҳ қилишни вужудга келтурурлар, нединким агар ул мағлуб бўлгон улуғ подшоҳни ожизлик била мазаммат қилсалар, зафар топгон кичик подшоҳга ҳеч қандай ифтихор ва номдорлиғ бўлмағусидур.

¹ Қавий — кучли, қувватли. ² Ғаддор — алдамчи, ҳиёнатчи, бераҳм, золим. ³ Сарҳанг — лашкарбоши. ⁴ Манқуб — бахтсиз, азобда қолган, хароб.

Ҳикоят. Бир вақтда бир хотин подшоҳ бор эрди. Уни Сайида дер эрдилар. (У хотин) Подшоҳ бағоят афифа, зоҳида¹ ва малик зода² хотин эрди. Сайида менинг онамнинг амакисига қиз эрди ва Фаҳруддавланинг хотини эрди. Фаҳруддавла вафот қилди, ундин бир ўғил фарзанд қолди. Миждуддавла деб от қўйиб, подшоҳлик хутбасини унинг отига ўқидилар. Унга подшоҳлик отин бердилар. Аммо ўттиз йилгача онаси подшоҳлик қилди. Миждуддавла катта бўлди, аммо кўп ярамас эрди, оти подшоҳ, лекин ҳамйша канизаклар била ишрат сурар эрди. Онаси Рай, Исфаҳон ва Кўҳистон вилоятларида ўттиз йилдан кўпроқ подшоҳлик маснадида ўлтуриб, ҳукумат сўрарди.

Эй фарзанд, бу сўздин менинг мақсудим улдурким: сенинг бобонг султон Маҳмуд Ғозий бир вақт ул хотиннинг олдиға элчи юбориб дедики: «Хутба ва тамғани³ менинг номимга музайян қилғил ва хирож берғил. Йўқ эрса бориб вилоятингни олиб, сени нес-нобуд қилурман ва кўп таҳдид, тахвиф кўргузиб, вайрон қилурман»—деб нома юборди. Элчи номани ва пайғом⁴ни Сайидаға юборди. Сайида элчига деди: «Султон Маҳмудга айтғил, менинг эрим тўрикликда сен биз томонга йўл солмасанг ва Райга ҳужум қилмасанг деб кўнглумга келур эрди. Менинг эрим ўлди, сўнг бу андиша менинг бошимга тушиди ва дер эрдимки, султон Маҳмуд улуг ва оқил подшоҳдур ва ўзи яхши билурки, шунингдек улуг подшоҳ менингдек бир ожиз хотиннинг урушига келмоғи бағоят номуносибдур. Энди шунча сўз била ҳам келмак тиласа, келсун. Ҳақ гувоҳ бўлғайки, мен ҳаргиз қочмағумдур ва уруш майдонида барқарор турғумдур, нединким уруш икки ишдин ташқари бўлмағусидур: икки лашкарнинг бири шикаст ва бири зафар топғусидур. Агар мен унга шикаст берсам, барча оламға: «Жаҳон подшоҳларига шикаст берғон султонга шикаст бердим!»—деган мазмун билан нома ёзарман. Яна шуаро⁵ ва фузалолар⁶ ҳам фатҳнома ёзарлар ва қасидалар айтарлар. Бу иш бутун оламга машҳур бўлур. Агар ул зафар топиб, менга шикаст етурса, на сўз ёза олғай, чунки бир хотиннинг шикасти унингдек улуг подшоҳға фатҳ ва фаҳр бўлмағусидур.

¹ Зоҳида — диндор. ²Малик зода — подшоҳзода. ³ Хутба ва тамға — олтин, кумуш ва чақа пул устига урилган тамға. ⁴ Пайғом — хабар, дарак. ⁵ Шуаро — шоирлар. ⁶ Фузало — олимлар, донишмандлар.

Султон Маҳмуд бу сўздин сўнг то ул хотин ўлма-
гунча мулкига шикаст бермакка қасд этмади.

Демак, эй фарзанд, ҳеч душманни кичик тутмағил
ва унинг ҳолидан ғофил бўлмағил. Хусусан, уйдаги
душмандин кўпроқ қўрқғилки, унинг қилғон ишини бе-
гона душман қила олмағай. Ул сендин хижолатманд
бўлгондин сўнг ҳаргиз кўнглини сенинг фикрингдин
холи қилмас. Сенинг барча аҳволингни билур, бегона
душман эса уни билмас. Бас, ҳеч душманга якдил, ҳа-
қиқий дўстлик қилмағил ва лекин мажозий дўстлик
қилғил. Эҳтимол, бундай дўстлик ҳақиқатга айланғай,
нединким кўп дўстликнинг охири душманликка, кўп
душманликнинг охири дўстликка айланур. Сўнгги бўл-
гон дўстлик ёки душманлик маҳкам ва қаттиқроқ бў-
лур. Душмандин кўра дўстдин кўпроқ қилмоққа жаҳд
қилғил. Лекин мингта дўстинг бўлса, бирисин ҳам ўзинг-
га душман қилмағил, нединким мингта дўстинг сени
ҳимоя қила олмас ва ул бир душман сенга бадфееълик
била қарашдин бир нафас ғофил бўлмас.

Халойиқнинг иссиқ ва совуғин кўтармақни ҳамиша
ўзингга ор билғилки, ҳар киши ўз қадрин билмаса
ўзига нуқсон қилур. Душман сендин қувватлироқ бўлса,
унга душманлик изҳор қилмағил ва ҳар душман сен-
дин ожизроқ бўлса, унинг макридин осуда бўлмағил,
Агар душман омонлик тиласа, гарчи у бадкирдор ва
қаттиқ душман бўлса ҳам, унга омонлик берғил ва
буни улуғ давлат ва яхши ғанимат кўрғил. Дебдурлар-
ки: душманнинг қочоғони ва омонлик тилағони (унинг)
ўлғони била баробардур. Лекин бир душман сенинг
илкингда ҳалок бўлса, унга шодлик қилмоғинг раво-
дур ва агар ул ўз ажали била ўлса, бунга шодмон
бўлмағил. Агар ўзингга ўлмаслиғингни таҳқиқ¹ билсанг,
ундан сўнг шодлик қил. Ҳақимлар дебдурларки: ҳар
киши душмандин бир нафас сўнг ўлса, бу ўлимни ғани-
мат деб билмак керакдур. Аммо барчамиз ўлмоғимиз-
ни билмағонимиздин сўнг душманнинг ўлимига шодмон
бўлмоғимиз муносиб эрмасдур. Барчамиз сафар қилур-
миз ва ҳеч қачон ўзимиз била бирга яхшиликдин бош-
қа озукни олиб кета олмасмиз.

Ҳикоят. Эшитибманки, Искандар Зулқарнайн олам-
нинг атрофин айланиб, жаҳоннинг барча мамоликин²

¹ Таҳқиқ — бирор нарсанинг ҳақиқатини излаш, текшириб кўриш.

² Мамолик — мамлакатлар.

мусахар¹ қилди. Ундин сўнг ўз уйига келмак қасди била қайтиб Домған вилоятига етгон эрди, ажали етди, умаросига васият қилиб деди: «Мени бир тобутга қўйинг ва тобутнинг бир тарафин тешиб, ул тешикдин илкимни чиқариб, кафтимни очиб қўйинг, ундин сўнг тобутни кўтаринг, то барча халойиқ кўрсунларки, гарчи бутун жаҳон мамоликни олмишман, аммо охири холи (бўш) илик² била жаҳондин борурман».

Бас, эй фарзанд, хоҳ дўстлиғ бўлсин ва хоҳ душманлиғ бўлсин, барча ишни андозада эътидол³ била қилғил, нединким эътидол ақлнинг бир жузъидир. Бадхоҳлар⁴га бадхоҳ бўлғил, гарданкашларга⁵ гарданкаш бўлғил, нодон ва жанг-жўйларга сабр қилғил. Қаҳринг келгон вақтда қаҳрни ютғил ва дўст, душман била оҳиста сўзлашғил, яхши ва ёмон сўз айтмағилки, унинг жавобига кўз тутғил, ҳар сўзни халқнинг юзига айта олмасанг, изидан ҳам айтма. Сенинг айбингга тил оча олмағудек кишининг айбига ҳам тил очмағил, ҳаргиз икки юзлик бўлмағил ва икки юзлик одамдин йироқ бўлғил. Ғаммоз⁶ кишидан қўрқғил, нединким унинг бир соатда бузғон ишин бир йилда тузатиб бўлмағусидур. Ҳар қанча улуғ ва муҳташам бўлсанг ҳам сендин кучлироқ киши била урушмағил. Фашёғурс ҳаким дебдурки: ўн хислатни ўзингга пеша қилғил, то балолардин қутулғайсан: бири шуки, ўзингдин зўр киши била урушмағил; тундхўй⁷ кишининг олдида сўзга лажож⁸ бермағил; ҳасуд⁹ одам била мажлисда ўлтурмағил; нодон киши била муозара қилмағил; риёий¹⁰ одам била дўст бўлмағил; ёлғончи одам била муомала қилмағил; бахил киши била суҳбат тутмағил; ғаюр, тамкин киши билан шароб ичмағил; хотинлар била бир ерда кўп ўлтурмағил; кишига сирингни айтмағил, токи обрўйинг тўкилмасин. Агар бир киши сенинг айбингни айтса, жаҳд ва саъй била ул айбни ўзингдин йироқ қилғил; ҳеч одамни ул миқдор таъриф қилмағилки, бир вақти келиб уни мазаммат қила олмағайсан ва ҳеч одамни ул соҳада мазаммат қилмоғилки, яна бир вақт келса уни таъриф эта олмағайсан. Ҳар киши сенга муҳтож

Мусахар — ўзига қаратилган, фатҳ этилган. ² Илик — қўл. ³ Эътидол — ўрта даража, мўътадиллик. ⁴ Бадхоҳ — бировга ёмонлик соғинувчи. ⁵ Гарданкаш — бўйин товловчи, итотсиз. ⁶ Ғаммоз — чақимчи, сир олувчи. ⁷ Тундхўй — бир гаплик, ўз гапида қаттиқ турувчи, ўжар. ⁸ Лажож — бир хил иш ва талаб устида қаттиқ туриш. ⁹ Ҳасуд — ҳасадчи, кўролмовчи. ¹⁰ Риёий — риёкор, иккиюзламачи.

бўлса, уни гила, қаҳр била қўрқитмағил, нединким ҳар киши сендин мустағний¹ бўлмаса, сенинг гила ва қаҳрингдан қўрқмағусидур. Ҳар киши сенга муҳтож бўлса, уни бирдан забун² этмағил ва агар улуғ гуноҳ қилгон бўлса ҳам афв этғил ва ўзингдин кичиклар била ободон, меҳрибон бўлғил, нединким кичиклар сенинг зироатгоҳингдурлар ва сенинг барча ишингни улар битказурлар. Агар мазраа³ вайрон бўлса, баргу⁴ навосиз⁵ ва ҳосилсиз қолғунгдур.

Бир ишни икки кишига буюрмағил. Бу сенинг амрингдур, амринг халал топмасун. Нединким, дебдурлар: икки киши шерик бўлса, қозон қайнамағусидур.

Агар бир киши сенга иш буюрса, ул ишни бажаришда ўзингга шерик тиламағил, токи ул ишда халал зоҳир бўлмағай ва ул ишда обрўйлиғ бўлғайсан. Аммо дўст ва душманнинг ҳақида карим⁶ бўлғил. Гуноҳи учун халқни қаттиқ тутмағил ва ботил⁷ учун халқнинг уқубатига қўнгул боғламағил. Карам ва лутф тарафин илгари тутғил, токи барча яхшига кўринғайсан⁸.

Ҳикоят

Бир туя саҳрода ўтлаб юрар, ундаги қуруқ тиканаклардан тамадди қилар эди. Бир янтоққа етишди, у гўзаллар зулфидек жингалак, жонон ёноғидек тоза ва беғубор эди. Ундан баҳра олай деб бўйнини чўзди, унинг устида лукча бўлиб ётган илонни кўриб қолди.

У орқасига чекинди ва орзусидан қайтди.

Янтоқ бўлса, «туя менинг тиканагим найзалари заҳмидан қўрқди», деб ўйлади.

Туя янтоқнинг дилидан ўтган гапга тушунди ва деди:

— Менинг қўрқувим сабаби бу ошкор мезбон эмас, балки пинҳон меҳмон. Хавфим эса тикан заҳми эмас, илон заҳри. Агар меҳмон хавфидан узоқ кетардим, мезбонни икки ямлаб бир ютардим.

*Яхши агар қўрқса ёмон одамдан,
Жон эмас обрўсин ййлар ул замон.*

¹ *Мустағний* — эҳтиёткор, тортинувчи. ² *Забун* — ожиз, бечора, кучсиз. ³ *Мазраа*, *мазраъ* — экин экиладиган ер, экинзор. ⁴ *Барг* — япроқ, бойлик. ⁵ *Навосиз* — мевасиз. ⁶ *Карим* — карамли, сахий олижаноб. ⁷ *Ботил* — бузилган, бузуқ, бекор, беҳуда. ⁸ *Кайковус Унсурулмаолий*. Қобуснома. «Уқитувчи», Тошкент, 1986, 91—95-саҳифалар.

*Қул устига оёқ қўймизган одам
Билурки остида оташин пинҳон¹.*

Ҳикоят

Бир тулки йўл бошида туриб, ўнг ва сўлига кўз ташлар эди. Ногоҳ узоқдан бир нарсанинг қораси кўринди. Яқинроқ келганда қараса бир вахший бўри, каттакон бир ит билан содиқ дўсти ва мувофиқ ўртоқлардек биргалашиб келишмоқда. На ит бўрининг хиёнаткорлигидан қўрқар ва на бўри итнинг тишларидан ҳайиқар эди.

Тулки улар истиқболига чиқиб, салом берди ва улар эҳтиромини бажо келтирди.

Алҳамдуллиллоҳ,— деди тулки,— қадимий адоват янги садоқат билан алмашилибди, аммо бу иттифоқнинг сабаби нима эканлигини ва бу яраш сабабчиси кимлигини билсам бўладими?

— Иттифоқлигимиз сабаби чўпоннинг душманлиги,— деб жавоб қилди ит,— чўпон билан бўрининг адовати маълум, тушунтиришнинг ҳожати йўқ. Мен билан унинг адовати сабаби қуйидагича: Кеча менга дўстлик давлати муяссар бўлган мана шу бўри галага ҳужум қилиб, бир қўзичоқни олиб қочди. Мен одатим бўйича қўзини қутқариб қолиш учун бунинг кетидан югурдим, аммо етолмадим. Қайтиб келганимда чўпон менга таёқ кўтарди ва сабабсиз менга озор берди. Мен ҳам у билан дўстлик алоқаларини уздим, унинг эски душмани билан иттифоқ туздим.

*Душманга кўрсатгил дўстликни, ҳаргиз
Адоват тиғидан тилинмас пўстинг.
Адоват кўрсатма дўстларга асло,
Аламидан душман бўлмасин дўстинг².*

Ҳикоят

Бир тулки боласи онасига қараб:

— Менга ит билан юзма-юз келиб қолганда қутулиб кетиш ҳийласини ўргат,— деган экан, унга онаси:

— Бунинг ҳийласи жуда кўп, аммо энг яхшиси шу—

¹ Абдурахмон Жомий. Баҳористон. Танланган асарлар. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1971, 353-саҳифа. ² Уша китоб, 353-саҳифа.

ки, уйдан чиқмай ўтир, на у сени кўрсин ва на сен уни,— деб жавоб берибди.

*Нокас сенга душман бўлиб қолса гар,
Минг хил ҳийла-найранг айлама пардоз,
Минг хил ҳийла-найранг заҳмидан кўра
Унинг сулҳ жангидан сақлаганинг соз¹.*

Ҳикоят

Бир гуруҳ сайёҳлар ҳамроҳ бўлишиб, саёҳатнинг лаззатини ҳам, машаққатини ҳам бирга баҳам кўра эдилар. Мен ҳам уларга йўлдош бўлсам деган эдим, қабул этмадилар. Мен дедим: «Фақирлар суҳбатидан юз ўгириб, уларга яхшилик қилишдан бўйин товламоқ саховат аҳлларига муносиб эмасдир. Мен ўзимда шундай қудрат ва журъат сезаманки, сафарда кишилар юрагини эзадиган тош эмас, балки қулфи дилини очадиган йўлдош бўлишга қодирман».

*Қиши танилмайди кийган жомادا,
Езганда маълумдир, не бор номада.*

Улардан бири деди: «Сен бизларнинг сўзимиздан хафа бўлмагин, чунки бундан бир неча кун муқаддам бир ўғри дарвеш қиёфасида бизга қўшилган эди. Биз дарвешлар кўнгли очиқ кишилар бўлганлигимиздан ҳеч нарсадан шубҳаланмай, уни ҳамроҳликка қабул этган эдик.

*Эски кийимда ҳам орифдир аён,
Чунки унинг юзи доим халқ томон.
Гап, кийим-бошдамас, иш бўлсин кўркам,
Тоғ кийиб, елканга байроқ қўйсанг ҳам.
Елғиз кийим эмас, дунё ва шаҳват,
Барчасин тарк этган орифдир фақат.
Мард олсин қуролни, кўрсатсин кучин,
Хунаса қўрқоққа қурол нимаичун?*

Кунлардан бир кун эртадан-кечгача йўл юрдик, тунда бир қалъа олдида ётадиган бўлдик. Бояги бетовфиқ ўғри «таҳорат қиламан», деб бир дўстимизнинг кўзачасини ўғирлаб қочди.

¹ Уша китоб, 354-саҳифа.

*Қара, шу эски тунда кетиб боргучи дарвеш,
Қаъбанинг ёпуғини эшакка тўқим қилмиш.*

У бизларнинг кўзимиздан ғойиб бўлгач, қалъага кирибди-да, қимматбаҳо гавҳарлар солинган қутичани ўғирлаб кетибди. Тонг отгунча у анча олис ерга кетиб қолибди. Биз бўлсак, ҳеч нарсадан беҳабар ухлайверибмиз. Тонг отгач, ҳаммамизни тутиб, қалъага ҳайдаб кириб, зиндонга қамадилар. Ушандан буён бегоналар билан ошналикни тарк этиб, улардан олисроқ юрамиз, чунки саломатлик ёлғизликдадир».

*Элатдан биттаси аҳмоқлик қилса
Қишлоқнинг обрўсин кулдай тўзғитар,
Ушбу мақолни ҳам эшитгандирсан,
Ярамас бир бузоқ пода булғатар.*

Дарвешнинг бу гапини тинглагач, дедим: «Худога шукру санолар бўлғайким, ташқи қиёфамдан дарвешлардан узоқдай кўринсам-да, уларнинг дуоларидан беҳабарлардан эмасман. Сизнинг бу ҳикоянгиздан жуда катта манфаат олдим, мен янглиғ одамларга бу насихат бир умрга кифоядир».

*Дилни оғритар бир қўпол киши,
Билимдон даврада ножўя иши.
Қаттакон қудуқда лиммо-лим гулоб
Битта ўлакса ит қилгандай хароб¹.*

ИШҚ-МУҲАББАТ, ВАФО ТЎҒРИСИДА

ИШҚ ВА ЕШЛИК БАЕНИ

Ҳикоят

Ҳасан Маймандийдан сўрадилар: «Султон Маҳмуднинг ҳар бири жаҳоннинг зийнати бўла олдиған қанчадан-қанча соҳибжамол қуллари бўлгани ҳолда нима учун у ҳаммадан кўпроқ Аёзни яхши кўради, ваҳоланки Аёз унчалик ҳусндор эмас?» Ҳасан Маймандий де-

¹ *Савдий*. Гулистон. Фафур Фулом номидаги бадий-адабиёт нашриёти, Тошкент, 1968, 66—68-саҳифалар.

ди: «Кўнгилга марғуб бўлган, кўзга ҳам маҳбуб бўлади».

*Агар бўлса кимнинг муриди султон,
Емони ҳам яхши бўлур бегумон.
Кимни подшо тутса ўзидан йироқ,
Қатто хонадони қилади мазоқ.
Инкор кўзи-ла қараган кишига,
Юсуфнинг юзи кўринар хунук.
Агар муҳаббат-ла қараса девга,
Дев кўринар фариштадек туп-тузук¹.*

Ҳикоят

Араб подшоҳларидан бирига «Лайли ва Мажнун» қиссасини ҳикоя қилиб дедиларки, шунчалик етук фазлу камол эгаси бўлишига қарамай, Мажнун саҳрога чиқиб кетган ва ақл жиловини қўлдан берган. Подшоҳ Мажнунни топиб келишни буюрди. Мажнунни топиб, ҳузурига келтиришгач, подшоҳ уни маломат қила бошлади: «Шарафли инсон руҳида қандай нуқсон кўрдингки, ҳайвонлар хусусиятини қабул қилиб, инсонлар суҳбатини тарк этдинг?» Мажнун деди:

*«Дўстларим этди маломат ишқида чандон мени,
Боқмайин бир бора унга, топгали менга нажот.
Кошки дўстлар менга айб қўйганида,
Боқсалар бир бора юзингга, дилситон,
Кесгай эди сенга бўлиб маҳлиё,
Нок ўрнига қўлларини бегумон.*

Сенинг ҳусну жамолинг менинг даъвойи муҳаббатимга гувоҳлик берган бўларди ...» Подшоҳ кўнглида Лайлининг шунчалик шўришу ғавғоларга сабаб бўлган жамолини томоша қилиш иштиёқи туғилди. Подшоҳ Лайлини келтиришга буюрди. Барча араб қабилаларини кезиб, Лайлини топиб, подшоҳнинг қасрига олиб келдилар. Подшоҳ Лайлига боқди, кўзига қорачадан келган, ориққина бир қиз кўринди, ҳарамдаги энг ҳуснсиз канизини ҳам Лайлидан юз чандон гўзалроқ эди, шу сабабдан Лайлини назарига илмади. Мажнун

¹ Саъдий. Гулистон. Ғафур Ғулум номидаги бадий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1968, 124-саҳифа.

бу ҳолатни пайқаб, деди: «Лайлининг ҳусну жамолидан баҳраманд бўлиш нақадар ҳузур бахш этишини пайқамоқ учун унга Мажнуннинг кўзи билан боқмоқ керак!»

*Тансиҳатлар билмас яра дардини,
Эшитмасин дардимизни бегона.
Асал демоқ бирла оғиз чучимас,
Ари нишин синаб кўрмай бир бора.
Токи ҳолинг бизникича бўлмаса,
Аҳволимиз кўринади афсона.
Тенглаштирама ўзга биланким, унинг
Кўлида туз, менинг ярам сўзона¹.*

ТУТУРИҚСИЗ ОШИҚ ҲИКОЯСИ

Сайр этарди кўчада ёш бир саёқ,
Нозанин қиз чиқди олдидан шу чоқ.
Белгача тушган харир рўмоли бор,
Бошида чодир, юзида холи бор.
Сочининг ҳар толаси анбарсимон,
Ҳар қадамда жилваси истайди дон.
Ул йигит кўргач бу қизни деди: «Ҳой,
Тўхта эй қиз, сенга бердим дилни бой!
Тушди бошга ишқу савдойинг сенинг,
Не учун йўқ менга парвойинг сенинг».
Таққа тўхтаб қиз табассум айлади,
Лаб очиб шундай такаллум айлади:
— Бохабар бўл, орқадан синглим келар,
Ҳусн бобида паридан ҳам ўзар.
У ниҳоятда эрур соҳибжамол,
Мен унинг олдида бир синган сопол».
Ушбу гапдан бўлди ҳайрон у саёқ,
Жажи қиздан юз ўгирди шунданоқ.
Сохта гапларга инонди бевафо,
Айлади дилни муҳаббатдан жудо.
У гўзалроқ қизга кўз тикди ҳамон,
Ўтди кўп вақт кўрмади ундан нишон,
Қайтадан аввалги қизга у саёқ
Ёлвориб, деди: «Азизим менга боқ».
Қиз деди: «Оғзингни юм, эй беҳаё,
Ўз-ўзингга таънани кўрма раво.

¹ У ш а к и т о б, 133—134-саҳифалар.

Севги бирдир икки бўлмас ҳеч қачон,
Келтирар иккиланувчи дил зиён...
Жомий, бундай бул ҳавасдан воз кеч,
Дил қисувчи тор қафасдан воз кеч¹.

**ИККИ ВАФОЛИҚ ЕР БИР-БИРИ ВАФОСИҒА
БОШЛАРИДИН КЕЧГАНИ ВА АЛАР
БАРАҚАТИДИН ЮЗ МИНГ БОШ ҚИЛИЧДИН ВА
ҚИНДИН ҚУТУЛГАНИ, БАЛКИ ҚИНГА ТУШГАНИ**

Андоқ эшиттимки шаҳи комрон,
Тўрт улус хони Темур Кўрагон

Фатҳи ақолимға қилғонда азм,
Ҳинд саводида қатиқ бўлди разм.

Фатҳ ила нусрат чу анга берди даст,
Чарх адув қалбиға солди шикаст.

Чунки адув куфр эли эрди тамом,
Бек дедиким, қилсун улус қатлиом.

Қасратидин даштни тутғон қатил,
Қон ила шингарфдин оқизди Нил.

Бош тушуб ул рўдда сой тошича,
Бош кесибон ҳар киши ўз бошича.

Ҳар сори қон тўкмак ила тиғи тез
Жумлаи оламда солиб рустахез.

Ушбу маҳалда ики бечора ёр
Бўлди қитол аҳлиға ногаҳ дучор.

Тушти сипоҳи бирисин чоиқали,
Шоҳ ёсоқидин амон топқали.

Қатл ишига чун ёнидин чекти тиғ,
Бошин анинг чопмоқ учун бедариф,

¹ *Абдураҳмон Жомий*. Танланган асарлар. Ғафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1971. Тузувчи Ш. Шо-муҳамедов, 183—184- саҳифалар.

Кўрди чу тиф остида қўлдошини,
Ёри шафёъ ўлди очиб бошини,

«Ким санга мақсуд агар бош эрур,
Қўй ани, бу бош анга подош эрур».

Чун анга юзланди қўюб ёрини,
Ёри ҳам этти бу сўз изҳорини.

Қайсиға айлай деса ул зулм фош,
Ёри қўяр эрди аёғига бош.

Тунд бўлуб қотили пўлодчанг
Деди: «Иккингизни чопай бедаранг».

Қай бирининг қатлиға қилғач шитоб,
Ёна бири айлар эди изтироб

Ким: «Мени қатл айла бурун тез бўл,
Токи мен ўлгунча тирик бўлсун ул».

Базл қилурлар эди бир-бирга бош,
Бошлариға тиф учун эрди талош.

Макс эди бу навъ арода бир замон,
Ким эл аро тушти нидо: «ал-амон».

Бир-бирига кечти алар жонидин,
Шоҳ доғи кечти улус қонидин.

Фош этиб ул сидқу маваддат ҳавос,
Ҳам, элу ҳам ўзлари бўлди халос.

Берса, Навоий, санга ёре худо,
Сен доғи қил бошингу жонинг фидо.

Соқий, олиб кел қадаҳе — ёр эсанг,
Меҳру вафо шарти била бор эсанг.

Оғзима жон етти даво қил манга,
Ваъда неча эмди вафо қил манга¹.

¹ *Алишер Навоий. Хамса. Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1986, 34-саҳифа.*

ВАФО БОБИДА...

Чарх тўтқуз дуржик заркор эрур,
Жавфида юз минг дури шаҳвор эрур.

Ҳар дурининг ламъаси шамъи фароғ,
Не дуру не шамъ — дури шабчароғ.

Ҳар бирининг қиймати кондин фузун,
Кон демаким, кавну макондин фузун.

Улки лақаб қўйдилар «афлок» анга,
Анжуми юз минг гуҳари пок анга.

Қай бириким ўксук эрур покидин,
Ожиз эрур ақл анинг идрокидин.

Ҳарне жавоҳирки, хаёл айлағай,
Жавҳарийи ақл савол айлағай:

Юз топилур, бир деса бу кон аро,
Юз деса минг онча бу уммон аро.

Ғайри ҳамул дурки, жаҳонтоб эрур,
Ким бу тенгиз қаърида ноёб эрур.

Бир дур агар айласа зоҳир жамол,
Иккиси жамъ ўлмоқ эмас эҳтимол.

Сурса отин аҳли сафо жавҳари,
Оҳ чекиб деки, вафо гавҳари!

Бу дури ноёб вафому экин,
Гар ул эмас, меҳригиёму экин?

Меҳригиё демаки, анқодур ул,
Жавҳари фарду дури яктодур ул.

Меҳр узори уза хатти ғубор,
Тун сочининг тобида мушки тотор.

Тушса биров илгига дурри ятим,
Бордур анинг жавҳари жониға бим,

Ҳар киши ҳамким бу гуҳар бор анга,
Ранжу ано доим эрур ёр анга.

Ҳар кишини кўрса ўзин ёр этар,
Меҳру вафо гавҳарин изҳор этар.

Ул киши разл ўлсун, агар бахтиёр,
Ким мунга йўқ шафқатида ихтиёр.

Ўйлаки хуршед эрур айни нур,
Кўзни ёрутмоқда анга не шуур.

Абрки ҳар қатра гуҳардур анга,
Гул очилурдин не хабардур анга.

Гул не билурким, негадур зеби боғ,
Невчун этар атри муаттар димоғ.

Ўт эрур ўз ҳирқатидин беҳабар,
Бодаға маст эрканидин не хабар,

Ҳар кишиким, жуз бу гуҳар йўқ, анга,
Фош ўлур андоғки, хабар йўқ анга.

Ҳар нечаким, бу гуҳаредур шариф,
Хосиятидур анга беҳад касиф.

Ким бу гуҳар ҳар кишидин бўлди фош,
Бошиға ёғди гуҳар ўрниға тош.

Ҳар кишига қилди биров бир вафо,
Махласи йўқтур кўрубон минг жафо.

Неча самар сочмоғ эса шох иши,
Кўпрак отар тош ани терган киши.

Кон неча базли гуҳари пок этар,
Олғучи кўпрак юрагин чок этар.

Шамъ ёрутуб эв ичу тошини,
Эв ияси кўпрак узуб бошини.

Хосса бу давронки муҳаббат қўли,
Синди анинг панжасидин бир йўли.

Чунки қуёш боштин-аёқ бўлди меҳр,
Ерга кижурди ани ҳар тун сипеҳр.

Хома вафодин битиди можаро,
Муфтийи гардун юзин этти қаро.

Чаҳ бошига эврүлүб чархи тез
Боғлабон ул буйнину айлаб ситез.

Ваҳки, фалак токи сабуксанг эрур,
Даҳр анинг олида куҳан ланг эрур¹

Меҳр элига жаврму эрди экин?
Қоидда бу таврму эрди экин?

Лутфу вафо йўлида бўлгонға гард,
Йўқ эди эркинму эваз, ғайри дард?

Кимки вафо узра бериб бош анга,
Сарзаниш — ўқму эди подош анга?

Ё бу замон аҳлига бу бўлди баҳр,
Нўш олибон қуймоқ эл оғзига заҳр.

Кимга биров тутса гули тоза рўй,
Гулшани ризвонча анга рангу буй,—

Буки эваз, бермагай ул жуз тикан,
Бир демагил, балки дегил юз тикан.

Халқ ишига гар бу намудор эрур,
Бир киши топмоқ иши душвор эрур.

Бир киши андоқ кишиким бир киши,
Тузгай анинг бирла маваддат иши.

Етса фалакдин ситаму хори дард,
Бир нафас этгай анга изҳори дард.

Бўлса замон ханжаридин ёрае,
Мунглашиб андин тилагай чорае.

Ҳарне етар даҳр малоли анга,
Айлагай ўз кўнглини холи анга.

¹ Фалакнинг сабук санг (тоши енгил, енгилтак) лиги — фалакнинг айланишга бошлаганидан; даҳрнинг куҳан ланг (қадимий чўлоқ, турғун) лиги — дунёнинг мавжуд экани (яъни ер ва осмон яратилган) дан буён.

Ҳар кишига етса фалакдин ғаме,
Бўлмаса ҳамдарди анинг ҳамдами,

Роз лабин тиккан ипин сўкмаса,
Ҳар неки кўнглида эрур тўкмаса,

Дард ёқиб шуълаи нобудини,
Чархдин ўткаргай анинг дудини.

Тиғи бало кўксини чок айлагай,
Дард ани бир дамда ҳалок айлагай.

Савсари ғам жониға урғай сипеҳр,
Хирмани умрини совурғай сипеҳр.

Бас кишига умр ҳуши ёр эмиш,
Умр деган ёри вафодор эмиш.

Ёрки, ойини вафо йўқ анга,
Шамъ кибидурки, зиё йўқ анга.

Шамъки йўқ анда зиё тўшаси,
Ўтсиз эрур ўйлаки, муз шўшаси,

Ёрки, бор анда вафо ёр бил,
Умр деган ёри вафодор бил.

Ҳар киши оламда эрур ёрсиз,
Бир садафедур дури шаҳворсиз.

Йўқ ҳунари ёлғиз эса, ўз киши,
Қайда киши сониди ёлғуз киши.

Фард киши даврда топмас наво,
Ёлғуз овучдин ким эшитмиш садо?

Ёрсиз эл оҳи ғам андуд эрур,
Ёнса йиғоч ёлғуз иши дуд эрур.

Тоқ киши айши уйин бил нигун,
Уйга қачон ҳомил ўлур бир сутун?

Синса уқоб эғни уза бир қанот,
Тез учар, лек анга бир дам ҳаёт.

Солмас ўйун нард бисотида шайн,
Бўлса анинг тосида бир каъбатайн.

Тошки чақмоқдин ўлғай йироқ
Тийра тутар иккаласин ул фироқ¹

Бир-бирига чун етишурлар даме,
Равшан ўлур ўтларидин оламе.

Синса қаламнинг шақидин бир учи,
Ожиз ўлур нома рақам қилғучи.

Ёки сингар гўшага муҳтож эрур,
Билки камонкаш анга халлож эрур.

Дур нечаким айбдин ўлди йироқ,
Лаъл ҳам ўлса ёнида яхшироқ.

Жумла жаҳон шаҳлиғидин ори бор,
Қимки гадодур, доғи бир ёри бор.

Шоҳки, йўқ ҳамдаму ёри анинг,
Қўнглуда кўп бўлғуси бори анинг.

Қилса биров ҳамнафасу ёрлиқ,
Бўлғуси кўп ғамға сабукборлиқ.

Ёр эрур андоқ гуҳари бебаҳо,
Қим анга муҳтож не шаҳ, не гадо.

Ушбу сифат ёрки, марқум эрур,
Войки, бу даврда маъдум эрур.

Бўлса доғи топмоғи осон эмас,
Жинси башар ичра худ имкон эмас.

Хайли малак ичра агар бордур,
Чарх уружи доғи душвордур.

Бўлди пари ҳам бу сифатдин бари,
Одамий ўлмоқни не билгай пари.

¹ Бу икки байтда «нард» ўйини билан чақмоқтошни мисолга олиб, «агар ўйин тосида сўнгак биттагина бўлса, ўйин бўлмайди ёки чақмоқ билан тош бирга бўлмаса, яъни бир-бирига урилмаса, ёруғлик бермайди» дейилади.

Гар санга бор эрса, бу сўзда хафо,
Қайси пари чехрада кўрдунг вафо?

Топмоқ ани гарчики душвор экин,
Бўлса доғи одам аро бор экин.

Васли анинг кимгаки бўлгай насиб,
Шаънидадур ояти «фатҳун қарийб»¹.

Ҳар қиши бир ёр иладур кўнгли шод,
Хайли малойикдин анга «инякод»².

Васли ила кимки эрур баҳраманд,
Жоним анинг бошиға бўлсун сипанд.

Қимки вафо кўрди жафо қилмади,
Ўтрусида ғайри вафо қилмади.

Жонни санга топшураин, эй сабо,
Элт анинг оллида қилмай ибо.

Бўл қуюну бошиға эврул базе,
Жон доғи қўйнунгда нечукким хасе.

Мендин анга арзи дуо айлагил,
Йўлида жонимни фидо айлагил.

Демон олиб кел чамани вардини,
Кўзумга еткур йўлининг гардини.

Хидматида гар топа олсанг мажол,
Ончаки мендин дегайсен арзи ҳол.

Аввал аёғига тушуб паст бўл,
Йўлида туфроғ ила ҳамдаст бўл.

Субҳ насими киби бўлма хамуш,
Шом шамоли киби тортиб хуруш.

Айтким, эй боштин аёқ руҳи пок.
Жисм санга руҳки, «руҳи фидок»³.

Нега висолингни тилаб зор ўлай,
Неча фироқингға гирифтор ўлай.

¹ «Фатҳун қарийб» — ғалаба яқиндир. ² «Инякод» — кўз тегмасин учун ўқиладиган дуога ишора. ³ «Руҳи фидок» — руҳим (жоним) сенга фидо бўлсин.

Бағрим ўлиб кўҳи бало лоласи,
Кўздин оқиб ҳар сари партоласи.

Жоним ўлуб ҳажринг ила дардманд,
Рағлар ажалдин анга печон каманд.

Онча сени истабон урдум қадам,
Ким талабингда қадам ўлди адам.

Сени тилаб ҳар неча кўрдум шиканж,
Ганж тилаб етмади жуз дарду ранж.

Сабза дедим, сончти ништар мени,
Лаъл дедим, ўртади ахгар мени.

Лола дебон кўксума кўрдум туган,
Гул тилабон кўнглума топтим тикан.

Кимки анга айламадим жон дариф,
Қилмади жавр унчаки имкон дариф.

Ҳар кишиким, қўйдим аёғига бош,
Жола киби бошима ёғдурди тош.

Войки, юз тош аро ёлғуз бошим,
Чарх соғинмишки, эрур юз бошим.

Ҳам бу нафас бошима ет, раҳм этиб,
Сўнгра не осиф келурунг мен кетиб.

Гар бу таманнони қабул айласа,
Меҳр бузуғ сори нузул айласа,

Турмаю зинҳор етишгил манга,
Ҳизр ҳаёти бу хабар бил манга.

То чиқибон ўтру юз афғон қилай,
Қайси фиғон, балки фидо жон қилай.

Тушса кўзум йиғлаю жононаға,
Жон берайин олдида шукронаға.

Жондин олиб дард бу дармон била,
Бормайин охир дами армон била.

Гар манга бу ком қарийб ўлмаса,
Давлати дийдор насиб ўлмаса.

Дашти фано сори хиром айласам,
Мулки адам ичра мақом айласам,

Ҳар киши ҳам қилса вафо жоми нўш,
Кўйгли муҳаббат майидин урса жўш,

Айласа бу ишта татаббуъ манга,
Аидин эрур мунча таваққуъ манга,

Ким анга ким қилса жаҳонин фидо,
Этса анинг меҳрида жонин фидо,

Чекса юкин ончаки тўққуз сипеҳр.
Ул доғи бир заррача кўргузса меҳр,

Десун ани гавҳари кони вафо,
Кони вафо йўқки, жаҳони вафо.

Шукрин анинг вирди забон айласун,
Кўнглини меҳрига макон айласун.

Бордур умидимки, бу давлат чоғи,
Бўлғай анинг садқаси мендин доғи.

Жонин фидо этса бу жонониға,
Кўйгай анинг миннатини жониға.

Айласалар икки тарафдин вафо,
Етгай алар ҳолиға онча сафо,

Ким сифати сиғмағай авроқ аро,
Демайин авроқки, офоқ аро¹.

ИШҚ ТУҒРИСИДА

Ишқ порлоқ юлдуздор, кишилиқ кўзининг нури ва равшанлиги ундан; тобланувчи гавҳардор, инсонлиқ тожининг безак ва баҳоси ундан; порлоқ қуёшдор, қайғули хотирлар тиканзори ундан чаман; балқиб турган ойдор, қоронғи кўнгиллар тун оқшоми ундан ёрийди; кенг денгиздор, ҳар тўлқини юз ақлу хуш ке-

¹ Алишер Навоий. Хамса. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1986, 31—34-саҳифалар.

масини чўктиради; баланд тоғдир, ҳар бир тиғи минг зуҳд ва тақво бошини учиради; куйдирувчан шуъладир, хашаклари кўпгина жон билан кўнгил; алангали чақмоқдир — кўпгина жон билан кўнгилни ёлқини кул қилган; қон ичувчан аждаҳодир, оламини дамига тортмоқ унинг тилаги; қаҳрли подшоҳдир, олам аҳлини ёппасига қириш ҳардам унинг истаги; ҳар қанча қон тўккан билан зерикмайди ва ҳар қанча (кишини) қон қилган билан қоникмайди; яшиндир, ақл билан дин хирманини куйдирувчи; бўрондир, уларнинг кулларини кўкка совурувчи.

Қайсарлиги олдида ҳам подшоҳ ва ҳам тиланчи тенгдир; зулми қошида ҳам ёмон йўлга юрувчи ва ҳам покиза турувчи бирдир. Ошиқ кўнглига маъшук севгисини солувчи ҳам у ва бир жилваси билан ҳаёт нақдинаси олувчи ҳам у. Ошиқ бундай балонинг бандиси ва бундай офатнинг куйиндисидир; у бундай тошқиннинг фарқ бўлувчиси ва бундай яшин ўтининг жуяувчисидир; у бундай алдоқчи қўлида эзилган, бундай паризодга берилган ва бу хил девдай шафқатсиз куйида девона бўлган; у бунингдек фитначининг мафтунидир ва бу хил қотилнинг алдовига кирувчидир; у бу йўсиндаги қон тўкувчининг қўлида ўлувчи ва бу турлук бало қўзғатувчи йўлида дард тортувчидир.

Ишқ тоғи зулмининг ношодларидан бири Фарҳоддир ва жиннилик саҳросининг бечораларидан бири Мажнун. Тун оқшом савдоси девоналаридан бири парвона ва гулистон ҳавоси тўсимсизларидан бири девона булбулдир; ўтхона ҳарорати тез юрарларидан бири ном чиқазган Хисрав ва майхона дардмандлиги намоёндаларидан бири Жомий...

Ишқнинг бир неча даражаси бордир, бу даража уч қисмга бўлинади.

Биринчи қисм авом ишқидир, умум орасида машҳур ва тарқалгандир, айтадиларки; «Фалончи фалончига ошиқ бўлган»

Иккинчиси хос кишилар ишқидир, хос кишилар шу ишққа мансубдирлар. У ишқ — пок кўзни пок қараш билан пок юзга солмоқдир ва пок кўнгил ўша пок юз шавқи билан беқарор...

Ишқ аҳли пок юрувчилари ва шавқ-завқ аҳли назм безовчи ва афсонага пардоз берувчиларининг энг илгари ўтганларидан бири назм чангалининг арслони, ишқ ўтхонасининг самандари, завқ ва жаза-

ба водийсининг пок юрувчиси Амир Хисрав Деҳлавийдирки, у кишининг пок нафаси ва гапи, покиза сўзли ва маъноли шеърлари ишқ аҳли орасида ғавго ва шавқ ва жазаба мажлиси майдонида можаро солибдир.

Кейингиларидан бири икки дунёни бир дов билан тиккан қиморбоз тахлитларнинг пок юрувчиси ва ишқнинг фонийлик майхонасида ҳақиқат майидан маст бўлган риндлар сирдоши Ҳожа Ҳофиз Шерозийдир.

Бу дунё, у дунёни бир оҳ билан ўртаган пок ошиқлар бошлиғи Абдурахмон Жомий, агарчи у кишининг мақтови назмга нисбат беришдан юқорироқдир, аммо ҳар тур назмда мислсиз эдилар ва ҳар қанчаки таърифлари шеърда киши маҳоратидан ташқари бўлса ҳам, лекин ҳар услуб шеърда бутун дунёга шуҳрат қозонган эдилар. Назмларида ҳар бир айтган шеърлари билан ишқ ўтини оламга сочгандирлар. Шеърларида ҳар бир байтлари билан дарддилар жони ва кўнгли оламини куйдиргандирлар.

Яна у зотнинг муҳаббати жоми (қадаҳи)дан юқурин ичувчилар ва тўғри йўлга йўллашидан фаноликка юзланганлар бордирки, дард ва ишқ равишини ифодалашда ижодлари турклар орасида ҳароратчан ва тожиклар орасида офат қўзғатувчандир.

Сўзнинг шеър лаззатидан ҳарорати бўлмаса, шеърнинг ишқ ҳароратидан куйдириши бўлмаса, ундай сўз билан шеърни ёруғсиз шам бил ва бошлиқсиз тўда гумон қил. Хулласки, сўзнинг ажойиблиги шундир, бундан ўзгаси афсонадир. Сўз ишқ сўзи (ёнғини) билан ва кўнгилда ҳаёт нашъаси ишқ сўзи (алангаси) биландир.

Ҳикоя.

Мажнун ишқ ўтининг айрилиқ ёлқинига улашди, кучсиз баданига у ҳароратдан иситма алангаси туташди. Ҳар қанча даволасалар ҳам фойда бермади. Қасаллик ортди ва иситмаси кетмади. Бемор жон талвасасига тушганда, биров бу ҳолдан Лайлига хабар берди. Париюзни бу хабар ношод қилди, девонасининг ҳолини сўраш учун хат ёзди. Хат ташувчи у хатни Мажнунга етказганда, унинг танида руҳдан озгина ҳам қолмаган эди. Меҳрибонлари хатни ўқиганларида, беморда эшитишдан таъсирланиш сезилар эди. Ҳар кимки, у хатни тақрор этар эди, у нафасдан

бемор танига жон етар эди. Иш тумор ёзиш ва дуо ўқишдан ўтган дамда, маъшуқа хати тумор ва дуо ўрини тутди.

Касал кучсизликдан соғайгунча хатни такрорлади, соғайгач, бўйнига тумор қилиб осди. Ишқ алангасидан касали соғайди ва у аланганинг қайталанишидан бадани қувватга кирди¹.

ВАФО ТУҒРИСИДА

Вафо шундай шамъдирки, ҳар бир қоронғи уйни ёритмас ва замоннинг бевафо одамлари билан улфатлашмас. Шундай наргис гулдирки, давр чаманига кўз солмайди ва кишилар кўнгли ғунчасида кўролмаслик ва ҳасаддан бошқа нарса қолмайди. Шундай севиклидирки, яратилиши пок, пок кўнгилдан бошқага ромлиги ва улфатчилиги йўқ. Шундай истакдирки, зоти покиза, покиза табиатлидан бошқага майл ва рағбати йўқ. Асл инжудир — инсоният тожиги зийнат, дунёда эса инсоният нобуддир; порлаб турган гавҳардир, кишилик бошига жиға, оламдагиларда эса одамгарчилик йўқдир.

Вафога ҳаё билан пайвандлик — худди ҳаёга вафо боғлангани кабидир.

Танбиҳ

ВАФО ОРҚАЛИ ҲАЁ ТУҒРИСИДА

Карам ва мурувват ота-оналардир, вафо ва ҳаё икки эгизак фарзанд. У икковда ҳар қанча равшанлик билан софлик бўлса, бу икковда шунчалик жипслашиш ва бирикиш юз берур. Ҳар бир кўнгилга вафо ўрнашар экан, ҳаё ҳам жойлашади, ҳар бир ўринда у топилар экан, бу ҳам топилади. Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ.

Етуқлар — ҳаёли, аро йўлда қолганлар — беҳаёдир.

Вафо билан ҳаё дунёнинг қоронғи маконидан ўтибдилар ва «ломакон» (йўқлик) оламида ўрнашибдилар. Ўзларини бир-бирлари билан овутибдилар, қолган вафосиз беҳаёлар уларни унутибдилар.

Ҳар кимга бир вафо кўргаздим — юз бевафолик кўрмагунча қутулмадим. Ҳар ким билан бир меҳр-му-

¹ Алишер Навоий. 13- том. Тошкент, 1966, 208—210- саҳифалар.

ҳаббат равишини туздим — минг жабр ва хўрлик тотмагунча халос бўлмадим...

Давр бевафолари жабридан дод ва замон беҳаёлари зулмидан фиғон ва фарёд! Дунё тузилишидан буён ҳеч ким бу ўтга менча ўртанмайди, бевафолик бошланишидан буён ҳеч ким бу ёлқинда мендек ўртанмайди. Замона кишилари бевафолигидан бағримда тиканлар ва давр одамлари беҳаёлигидан кўксимда тугунлардирки, ҳар бирини ёзай десам, узоқ чидам унга вафо қилмайди ва қалам югуртай десам узун умрда ҳам тугатиб бўлмайди¹.

МУҲАББАТ

Муҳаббат деб бир нарсани суймакни айтилуру. Дунёдаги инсонлар меҳр ва муҳаббат соясида яшарлар, ҳар бир ишни муҳаббат орқасида ишларлар. Муҳаббатсиз киши ҳеч бир ишни ишламакка ғайрат ва жасорат қилолмас. Дунё неъматидан лаззат ололмас. Агар бир шогирд илм ва муаллимни суймаса, иштаҳа ила ўқимаса, мақсудига етолмас. Ер юзидаги инсонларни уришма, талошмаларга қовушдирган, сийналарини душман ўқиға нишона қилдурган нарса дин ва миллатларнинг, ватан ва давлатларнинг муҳаббатидур. Кишининг кеча ва кундуз тиндурмасдан қул каби меҳнат ва машаққатларга кўкрак беруб ишлатадурган нарса ватан ва бола-чақаларнинг меҳру муҳаббати эмасми? Қуш яхши кўрган донасиға қизиқуб, тузоқға илиниб қолғани каби инсон суюкли нарсасиға бойлануб, асир бўлуб қолмоғи табиийдур.

Расули Акрам набиййи муҳтарам саллоллоҳу алайҳи вассаллам афандимиз: «Ўз нафсинг учун қайси нарсани суяр эрсанг, шул нарсани бошқа кишиға ҳам суй», яна «Ота муҳаббатини сақла. Агар сен отаға бўлган муҳаббатни узсанг, Аллоҳ таоло сани ҳар турли файзлардан маҳрум қилур»,— демишлар.

*Муҳаббатлик баҳорнинг куз ҳусули ҳеч оз ўлмас,
Муҳаббатсиз кишининг кўнгли қишдур асли ёз ўлмас.
Суюб илму фунун таҳсил элдан учгай ҳаволарға,
Қаю бахти қаро жоҳил қолур, дасти дароз ўлмас².*

¹ У ш а к и т о б, 217—218-саҳифалар. ² Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. «Ўқитувчи», Тошкент, 1992, 39-саҳифа.

НАВРҰЗ

БАҲОР МАДҲИ

*Эса келди Шарқдан баҳорнинг ели,
Оламга очилди гўзаллик йўли.*

*Бўз ер ипорланди қору муз кетиб,
Безанади олам чирой кўрсатиб.*

*Ғолиб келди қишдан баҳор чиройи,
Янғидан қурилди баҳорнинг ёйи.*

*Қуёш қайтди яна келиб йрнига —
Балиқ қуйруғидан Қўзи бурнига.*

Баҳорга етишган дарахтлар сариқ, кўк, яшил ва қизил ранглар ёпиниб безанди.

Ер юзи кийимлар кийган ёш қизлардай бўлиб ороланди. Бу гўё хилма-хил матоларни ортиб олган Чин карвонининг молини ёйган ҳолатига ўхшайди. Тоғлар, қирлар, далалар ҳам бутунлай яшил ва оқ рангларга бурканган. Минглаб гуллар, чечаклар ер остидан шодиёна бош кўтаришди. Бутун олам муаттар ҳидларга тўлди.

*Чиннигул ҳидини ёяркан сабо,
Бутун дунё тўлди ипорга гўё.*

*Ғоз-ўрдак — жами қуш ҳавода шодон,
Уйинга берилди қувониб чунон.*

*Қўкиш турна кўкда навосин чалар,
Туя карвонидек тизилар, чопар.*

*Бирови қўнар, кўр, бирови учар,
Бирови чопар, кўр, бири сув ичар.*

*Қўшиқ айтди гўзал каклик тоғ ора,
Қизил оғзи қондек, қоши қоп-қора.*

*Қулоққа чалинар қора зоғ сози,
Гўё нидо солган қиздек овози.*

*Чечаклар оралаб юраркан булбул,
Оламни қуршади ширин бир ғул-ғул.*

*Чечаклар устида ўйнар охулар,
Буғулар бўйлашар, нозик оҳ урар.*

*Қовоқ осар осмон, кўзи ёш сочар,
Чечаклар-чи, қувноқ, кулиб юз очар.*

*Фалакда чарх уриб, олам қушлари,
Бири келди Румдан, Ҳинддан аксари.*

*Чиройга кўмилган кўкатлар ўзи,
Яшилга беланган бу ернинг юзи.*

*Баъзиси ҳидидан берар дилга жон,
Уларнинг ранги-ла, мунаввар жаҳон¹.*

«НАВРЎЗ» ҲАҚИДА

Умар Хайёмнинг «Наврўзнама» рисоласи унинг та-рихни, этнографияни, халқ урф-одатларини жуда мукамал билганлигидан далолат беради.

Мутафаккирнинг бу асари Маликшоҳ ва Низом-ул-мулк вафотидан кейин яратилди. Бунинг ўз сабаблари бор. Бинобарин, Маликшоҳ билан Низом-ул-мулк Умар Хайём ва бир қанча олимларни расадхона қуришга ва бу расадхонада астрономия фанини ривожлантиришга таклиф этадилар. Шоҳ ва вазир расадхона қурилиши учун жуда кўп маблағ ажратадилар, олимларнинг таъминотини яхшилайдилар. Аммо расадхона икки давлат арбобининг ўлиmidан сўнг битмай қолди. Назаримизда, Умар Хайём Маликшоҳ ворисларини шу расадхонани битириш ишига даъват қилиш мақсадида «Наврўзнама»ни ёзган ҳамда унда бурунги ўтган подшоларнинг олимларга қилган ҳомийликларини атайлаб ишора тарзида айтган.

Муҳими шундаки, Умар Хайём шу расадхона қурилиши баҳонасида Қуёш тақвими (календари)ни ишлаб чиқди. Бу тақвим ҳозирда қўлланиб келаётган Григорий тақвимида кўра мукамалроқдир.

Умар Хайём «Наврўзнама»да Қуёш тақвимининг тарихини баён қилади. Шу тақвим бўйича Эрон подшоҳларининг Наврўз кунини қандай белгилаганликла-

¹ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг, «Юлдузча», Тошкент, 1990, 10—11-саҳифалар.

ри ва байрамни қай тарзда ўтказганликларини тарихий далиллар билан баён қилган.

Умар Хайём бу рисолада нафақат этнограф, тарихчи, балки билимдон табиб сифатида ҳам кўринади. У инсон организмнинг фаслдан-фаслга ўзгаришини ҳисобга олиб, энг керакли тиббий маслаҳатларни беради. Масалан, арпанинг минг дардга даво эканлигини ҳозирда жуда кам одамлар билса керак. Ёки май — узумдан тайёрланган ичимликнинг фойда ва зарарларини билиш ва уни истеъмол қилишда нималарга риоя қилиш кераклиги ҳақида маълумот олиш муҳим аҳамиятга эгадир. Шуниси равшанки, Умар Хайём фойда ва зарари ҳақида гапирган май бу ҳозирги тушунчадаги спиртли ичимлик эмас, балки покиза қилиб, кўп ҳолларда дори сифатида тайёрланган ичимликдир.

Демак, «Наврўзнама» фақатгина тарихнинг обида-си эмас, жуда кўп фойдали томонлари билан бугунги кунимизга ҳам эшир. Бинобарин, Умар Хайём асрлар оша бугун ўз ҳуқуқини тиклаган ва умумхалқ байрамига айланган Наврўзи оламни муборакбод этмоқда¹.

... Наврўз²нинг жорий қилиниши сабабини айтсак, у шундан иборатки, Офтобнинг икки айланиши мавжуд, улардан бири қуйидагича: Офтоб ҳар уч юз олти-миш беш куну кеча-кундузнинг тўртдан бирида Ҳамал³ буржининг биринчи дақиқасига чиқиб кетган пайтининг ўзида яна қайтиб келади ва ҳар йили бу давр камай боради⁴.

¹ Умар Хайём. Наврўзнама. «Меҳнат» нашриёти, Тошкент, 1990, 8—9-саҳифалар. ² Наврўз (янги кун) — баҳорги кеча ва кундуз тенглигига тўғри келадиган янги йил байрами. Баҳорги тенг кунлик аста-секин сурилиб туради: ҳозирги пайтда 22—20 мартга тўғри келади. Хайём замонасида 14—16 мартга тўғри келган. Наврўз байрами араб истилосигача Эрон ва Ўрта Осиёдаги кўпчилик аҳоли, шунингдек Закавказьедаги маълум аҳоли қисмининг зардушт динига мансуб қавмларида диний байрам тусида ҳам ўтказилган. ³ Ҳамал — Қуёшнинг йиллик кўринма ҳаракат йўлидаги ўн икки бурждан бири. Ўзининг йиллик айланишида Қуёш ҳар бир буржни бир ойда босиб ўтади. Қуёшнинг Ҳамал буржигача кириши баҳорги эътидолга, яъни тун билан куннинг тенг бўлган вақтига тўғри келади. Буржлар минтақаси, яъни Қуёшнинг мазкур айлана йўли 360 даражага бўлинган ҳар бир буржи 30 даражани эгаллайди. Ҳар бир даражанинг олтиншдан бири «дақиқа» деб аталади. Хайём айтган Қуёшнинг иккинчи доираси унинг кеча-кундузлик кўринма айланишидир. ⁴ 365 кеча-кундуз 5 соату 48 дақиқаю 45 1/4 сонияга тенг бўлган Қуёшнинг йиллик айланиши 365 1/4 кеча-кундуздан 11 дақиқа 3/4 сонияга кам.

Жамшид¹ бу кунни тушунгандан кейин Наврӯз деб атади ва байрам қилишни одатга айлантирди. Подшоҳлар ва бошқа одамлар ҳам уни қабул қилдилар.

Айтишларича, биринчи Ажам подшоси Каюмарс² подшоҳ бўлгандан кейин йилнинг кунлари ва ойларига ном беришга ҳамда одамлар билсин деб йилнома жорий қилишга қарор қилган. У тонгда Офтоб Ҳамали буржининг аввалги дақиқасига кирган кунни аниқлаб, ажам мубодларини³ йиғди ва йил ҳисобини шу пайтдан бошлашни буюрди. Мубодлар йиғилдилар ва йил ҳисобини шу пайтдан бошлашни жорий қилдилар.

Уша замоннинг олимлари бўлган ажам мубодларининг айтишича, буюк ва муборак изид⁴ ўн икки фаришта яратди, улардан тўрттасини аҳраманлардан кўриқлаш учун осмонга юборди, тўрттасини аҳраманларни Қоф⁵ тоғидан ўтказмаслик учун жаҳоннинг тўрт бурчагига юборди, тўртта фариштага эса осмон ва ерда юриб одамлардан аҳраманларни ҳайдаб туришни буюрди. Уларнинг айтишича, бу дунё ўзга бир дунёнинг ичида худди эски қасрдаги янги уй каби жойлашган ва Изид таоло нурдан офтобни яратиб, у билан осмону ерни парвариш қилган. Жаҳон аҳли назарида қуёш Изид таоло нурларининг бир нуридир. Унга улуғвор деб таъзим билан боқишларига сабаб, уни яратишда Изид таолонинг унга инояти ўзгаларга нисбатан кўпроқ бўлган, дейилади. Бунга шундай мисол келтирадилар: бир улуғ подшоҳ ўз халифаларидан бирига иззат-ҳурмат кўрсатса, уни улуғлайдилар ва ҳар ким уни улуғласа, подшоҳни улуғлаган бўлади⁶,— деб билдилар. Дейдиларки, буюк ва муборак Изид офтобнинг нурлари ва келтирган фойдаси ҳамма нарсага тегсин

¹ *Жамшид* — қадимги Эроннинг афсонавий подшоҳларидан бири. ² *Каюмарс* — зардуштийларнинг олам яратилиши ҳақидаги афсоналарига қараганда — биринчи одам. Урта осийлик шоир Абулқосим Фирдавсий (934—1025)нинг «Шоҳнома»сига кўра — биринчи подшоҳ. ³ *Мубод* — зардуштийлар динида олий мансабдаги руҳоний. ⁴ *Изид* ва *яздон* — қадимий Эрондаги худо номлари (хусусан, Яздон — Язиднинг кўплигидир). «Наврӯзнома»нинг кўп жойларида мусулмонча Оллоҳ деб эмас, исломдан аввалги қадимий номлар билан аталади. ⁵ Қоф тоғи афсонавор бўлиб, ерни ўраб турган тоғ деб тахмин қилинган. Анқо қуши Қоф тоғида яшайди деб ҳисобланган. Ҳозирги Кавказ тоғларини Қоф деб ҳам атайдилар. ⁶ Зардушт дини деҳқончилик билан шуғулланувчи халқларнинг дини сифатида Қуёш ва у билан боғлиқ бўлган оловни илоҳийлаштиришга асосланган. Қуёшга «худонинг жамоли» деб қаралган. Кун билан туннинг тенглиги — Наврӯзнинг мазкур диннинг асосий байрами деб тан олиниши шу тушунча билан боғлиқдир.

деб офтобга ўз жойидан қўзғалишни буюрганда, у Ҳамалнинг бошидан чиқиб, зулмат нурдан айрилди, кеча ва кундуз пайдо бўлди. Бу дунёнинг тарихи ана шундай бошланди. Шундан сўнг бир минг тўрт юз олтмиш бир йил ўтгач, у (офтоб) ўша жойнинг ўзига ўша кун ва ўша дақиқада қайтиб келди¹. Бу вақт ичида Муштарий Зуҳал билан етмиш уч марта бирлашди. Буни «кичик қирон» дейдилар, бу бирлашув ҳар йигирма йилда бўлади. Офтоб ўзининг бир айланиб чиқисини тугатиб, ўз жойига қайтиб келганида Зуҳал ва Муштарий орасида Зуҳалнинг ҳубут келган буржида бирлашув бўлади ва у Зуҳалнинг шараф буржи бўлган Мезон буржига муқобил (қарама-қарши)дир. Бир айланиб чиқиш бу ерда, бири у ерда биз ишора қилгандай ва юлдузларнинг турар жойи ҳам биз кўрсатгандай бўлади.² Офтоб Ҳамалдан чиққан пайтида ва Зуҳал ҳам, Муштарий ҳам бошқа юлдузлар билан Изид таоло ҳукми бўйича турганларида жаҳоннинг ҳолати ўзгаради ва дунё ҳамда тақдирга мос равишда янги нарсалар пайдо бўлди. Ажам подшоҳлари шу пайтда Офтобни улуғлаш учун, шунингдек, ҳар ким бу кунни топа олмаслигини ҳисобга олиб, уни белгилаб қўйдилар, байрам жорий этдилар ва ҳамма бу санага риоя қилсин деган мақсадда барчага маълум қилдилар. Дейдиларки, Каюмарс йил ҳисобининг бошланиши сифатида бу кунни жорий этганда, уч юз олтмиш беш

¹ 1461—4x265 1/4, яъни, агар Қуёшнинг йиллик айланиши аниқ 365 1/4 кеча-кундузга тенг бўлса, у ҳолда 1461 йилдан кейин Қуёш фалакнинг ўша нуқтасига ўша дақиқада қайтиб келади.
² Қирон — икки сайёра бир бурж, бир даража ва бир дақиқада туриши. Муқобала — икки сайёранинг қарама-қарши буржларда бўлишидир, бунда уларнинг узоқлиги ярим доирадек, яъни 180° да фарқ қилади. Қирон ва муқобала — Урта аср мунажжимлигида умумий назар тушунчаси билан белгиланувчи икки юлдузнинг бир-бирига нисбатан тутган ўрнидир. Урта аср мунажжимлар тарбиъ, таслис, тасдис каби тушунчалардан ҳам фойдаланганлар. Булар доиранинг чораги, учдан бири ва олтидан бирини, яъни 90°, 120° ва 60° ни билдиради. Муштарий ва Зуҳалнинг қирон пайти ҳар 19 йилу 314 кунда бўлади ва бунинг 73 таси тахминан 1450 йилга тўғри келади. Барча буржларда рўй берадиган бу кичик қирондан ташқари, яна Ҳамал, Саратон, Мезон ва Жадида ҳар 240 йилда бўладиган ўрта қирон ва Ҳамал буржида 960 йилда бир марта рўй берадиган улуғ қирон ҳам бор. Урта аср мунажжимлари баъзи буржларни сайёралар учун ҳубут (тушкунлик) буржи, бошқа баъзи буржларни эса шараф, юксалиш буржи деб, ҳамда ҳубут буржида сайёраларнинг хайрли таъсири камаяди ва шараф буржида эса кучаяди деб ҳисоблаганлар.

кун ичида офтобнинг бир айланиб чиқиши рўй берадиган қуёш йилини ҳар бири ўттиз кундан иборат ўн икки ойга бўлди ва уларни буюк ва муборак Изид дунёга юборган ўн икки фаришта номи билан атади. Сўнгра, у уч юз олтмиш беш куну кеча-кундузнинг чорагидан иборат улуғ даврни «улуғ йил» деб атади ва уни тўрт бўлакка бўлди. Катта йилнинг тўрт бўлаги ўтганда Наврўз бўлади ва дунёнинг ҳолати янгиланади. Подшоҳларнинг бир одати бор: йил бошида улар яхшиликка фатво бериш ва саналарни белгилаш ҳамда маишат учун маълум маросимлар ўтказишлари зарур. Қимки Наврўз кунини байрам қилиб қувонса, кейинги Наврўзгача хуррам бўлади ва фароғатда яшайди. Подшоҳлар учун бу одатни олимлар белгилаб беришган.

Фарвардин ойи — «фарвардин» — паҳлавийча сўз ва унинг маъноси айнан жаннатлар бўлиб, бу ой ўсимликлар ўсишининг бошланишидир. Бинобарин, ойнинг бошидан то охиригача офтоб шу буржда бўлади.

Урдбихишт ойи — бу ойни урдбихишт деб атадилар, бу ойда дунё ўзининг кўкариши ила жаннатмонанддир, урд паҳлавий тилида «мананд» дегани. Офтоб бу ойда ҳақиқий айланиши бўйича Сарв буржида бўлади. Бу ой баҳорнинг ўртасидир.

Хурдад ойи — одамларни буғдой, арпа ва мевалар билан боқади. Офтоб бу ойда Жавзо буржида бўлади.

Тир ойи — бу ойни «тир» атадилар, чунки бу ойда буғдой, арпа ва бошқа нарсаларни тақсим қиладилар. Офтобнинг авжи пасая бошлайди. Саратон буржида бўлади. Бу ой ёз ойининг биринчисидир.

Мурдод ойи — тупроқ берди, яъни унда етилган мева ва сабзавотларни берди. Яна бу ойда ҳаво тупроқ тўзонига ўхшайди. Бу ой ёз ўртасидир. Офтоб Асод буржида бўлади.

Шаҳривар ойи — бу ойни шаҳривар дейдилар, чунки бу даромад ойидир, яъни подшоҳларнинг даромадлари шу ойга тўғри келади. Бу ойда деҳқонга ўлпон тўлаш осон. Офтоб Азро (Сунбула) да бўлади. Бу ёзнинг охири ойи.

Меҳр ойи — бу ойни меҳр дейишади, чунки у инсонлар ўртасидаги дўстлик ойидир ва пишган улушларига текканини бирга баҳам кўрадилар. Офтоб бу ойда Мезонда бўлади, яъни кузнинг бошланишидир.

Обон ойи — яъни бу ойда бошланган ёмғирлардан сув кўпаяди ва одамлар экинларини суғорадилар. Офтоб бу ойда Ақрабда бўлади.

Озар ойи — паҳлавий тилида озор «олов» деганидир. Бу ойда об-ҳаво совий бошлайди ва муҳтожлик пайдо бўлади, яъни бу олов ойидир. Офтоб бу ойда Қавс буржиде бўлади.

Дай ойи — паҳлавий тилида «дай» девни англатади. Бу ойни «дай» дейишларига сабаб, у қаҳрли ва бу ойда ер кўкаришдан йироқдир. Офтоб Жадида бўлади. Бу қишнинг биринчи ойи.

Баҳман ойи — ўшанга ўхшаган, дегани. Чунки бу ой ўша дай ойига ўхшаб совуқ ва қуруқдир. Офтоб бу ойда Зуҳал хонасида, далвнинг жади билан туташ ерида бўлади.

Исфандармуз ойи — бу ойни исфандармуз дейдилар, чунки исфанд паҳлавий тилида мевани англатади, яъни бу ойда мевали дарахт ва ўсимликлар кўкара бошлайди. Офтоб бу ойда охирги Ҳут¹ буржиге етиб келади.

Каюмарс бу вақтни ўн икки бўлакка бўлди ва йил ҳисобининг бошланишини белгилади. Шундан кейин у қирқ йил яшади². У ўлгач, Хушанг тахтга ўтириб тўқ-

¹ Хайём эронлиларнинг қуёш йил ҳисоби (календари)даги ойлар номларининг келиб чиқишини эркин талқин қилган. М. Миновнинг Наврўзнама нашрига берган аниқроқ изоҳларини келтирамиз: Фарвардин паҳлавийча фравартинам, «халоскор фаришта» деганидир. *Урdbиҳишт* — фаришталарнинг номи, қадимги форс тилидаги отам ваҳиштам — «энг яхши ҳуқуқ» (*биҳишт* — жаннат). *Хурдод* — фариштаннинг номи (қадимий форсчадаги хаўзата — яхлитлик). *Тир* — Тиштриядан олинган, фариштаннинг номи, Меркурий шундай деб аталган. *Мурдад* — Амуртадан олинган, фариштаннинг номи (қадимий форсчадаги *амеретат* — жасур). *Шаҳривор* — Шавревар, фариштаннинг номи (қадимий форсчадаги хшаврешрайрим — «талаб қилинган юрт»). *Михр* — Мисрдан олинган, нур фариштасининг номи (қадимий форсчада миср — нур), *Обон* — опан. Сув фариштасининг номи (об — сув). *Озар* — Озур, олов фариштасининг номи (*озар* — «олов», Озарбайжон — «олов мамлакати» ҳам шу сўздан). Дай-Дазв — яратилиш, бунёд этиш (қадимий форсчада дазвах — «бунёдкор»). *Баҳман* — Бохуман, фариштаннинг номи (қадимий форсча — *вохумана* — «соф виждонли»). *Исакндармуз* — *Спандармот* — аёл худо номи (қадимий форсчадаги спента армайти — «авлиёлик ва мўминлик»). ² Абу Райҳон Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида бир афсонага кўра Каюмарс 213 йил, бошқа афсонага биноан 40 йил, учинчи афсона бўйича 30 йил подшоҳ бўлган, деб

қиз юз олтмиш йил подшоҳ бўлди¹. У девларни енгди, темирчилик, дурадгорчилик, тўқимачилик ҳамда ипак қуртидан ипак, асаларидан асал олишни кашф этди ва дунёни шод-хуррамликда ўтказиб, ўзи ҳақида яхши хотира қолдириб кетди. Ундан кейин тахтга Тахмурас ўтирди². У ўттиз йил подшоҳлик қилди. У девларни ўзига бўйсундирди, қўчалар ва расталар қурдирди, жун ва ипакдан мато тўқишни расм қилди. Зоҳид Бузасп унга қарши чиқиб, сабийлар динини тарқатди³. Тахмурас бу динни қабул қилиб, белига зуннор боғлади⁴. У Қуёшга сиғинди, одамларни ёзувга ўргатди. Уни девбанд Тахмурас деб атадилар. Ундан кейин подшоҳлик унинг укаси Жамшидга ўтди⁵. Бу орада тарихдан бир минг қирқ йил ўтди ва Офтоб фарвардиннинг биринчисида тўққизинчи бурж (Қавс) га кирди. Жамшид подшоҳлигининг тўрт юз йигирма биринчи йили ўтгач, бу давр тугади ва Қуёш ўз фарвардинида Ҳамалнинг бошига қайтиб келди. Шундай қилиб, дунё мувозанатга келди. Жамшид девларни бўйсундирди ва ҳаммом қуриш ва мато тўқишни буюрди. Жамшидгача дебо «дев

хабар беради. ¹ *Хушанг* — «Шоҳнома»да айтилишича, Қаюмарснинг набираси, унинг ёмон руҳ томонидан ўлдирилган ўғли Сиймакнинг ўғли. «Шоҳнома»да ёзилишича, Хушанг ёмон руҳни ўлдиради, одамларни турли ҳунарлар ва деҳқончилик ишларига ўргатади, оловни кашф этади, «Шоҳнома»да унинг неча йил подшоҳ бўлганлиги айтилмайди. Беруний келтирган учта манба бўйича, Хушанг 40 йил подшоҳ бўлган, шу манбаларнинг иккитасига кўра, подшоҳлик йилларининг ўртасида 170 ва 194 йил узилиш бўлган. Бу Хайём келтирган 970 йилдан кескин фарқ қилади. 40—970—30—421 (30—421—кейинги икки подшоҳлик йиллари)нинг йиғиндиси 1451 бўлгани учун 970 сони махсус олинган бўлса ажаб эмас. ² *Тахмурас* — «Шоҳнома»да ёзилишича, Хушангнинг ўғли, Беруний келтирган манбаларга кўра, унинг эвараси. «Шоҳнома» ҳам, Беруний ҳам келтирган учала манба Тахмурасни 30 йил подшоҳ бўлган, деб кўрсатадилар. ³ *Бузасп* — Беруний асарида Будасаф деб ёзилган. У сабийлар — юлдузларга сиғинувчилар динига асос солган. Унинг ҳақида Беруний шундай деб ёзади: «Эслатиб ўтилган сохта пайғамбарлардан биринчиси Будасафдир. Будасаф Тахмурас салтанати тугагач, бир йил ўтиб Ҳинд ерида пайдо бўлган ва ўзи билан форс ёзувини олиб келган. У сабийларнинг диний таълимотини тарғиб қилган, унга кўп одамлар эргашган эдилар». ⁴ *Зуннор* — сабийлар ва зардуштийларнинг тимсолий белбоғи. Беруний замонида сабийлар Харрон (Сурия)да маълум миқдорда сақланиб қолган эдилар, улардан Собит ибн Курро (836—901 й.) ва ал-Баттоний (929 йилда ўлдирилган) сингари буюк астрономлар етишиб чиққан. ⁵ «Шоҳнома»да айтилишича, Тахмураснинг ўғли Беруний келтирган далиллар бўйича унинг укасидир. Шу манбаларга кўра, Жамшид давлат тузумига асос солган, одамларни тўрт тоифага ажратган, уларни кийим кийишга ўргатган.

тўқиган нарса»,— дейиларди¹. Аммо вақт ўтиши билан одамлар идрок ва тажрибалар ёрдамида ҳозир биз кўриб турган даражага етиб келишди. Сўнгра, Жамшид эшак билан отни чаптириб хачир олди. У конлардан қимматбаҳо тошлар қазиб олиб, қурол ва безакларнинг барча турларини яратди. Конлардан қазиб олинган олтин, кумуш, мис, қўрғошин, қалай сингари маъданлардан тож, тахт, билагузук, тақинчоқлар ва узуклар ясади. У мушк, анбар кофур, заъфарон, уд ва бошқа хушбўй нарсаларни кашф этди. Биз эслатган кунда у байрам ташкил қилди, унга «Наврўз» деб ном берди ва одамларга ҳар йили фарвардин келганда байрам қилишни ва ўша кунни янги (йил) деб ҳисоблашни, Қуёш тургунча Наврўз ҳам барқарор бўлсин, деб буюрди. Наврўз ҳақидаги ҳақиқат мана шудир. Жамшид ўз подшоҳлигининг бошланишида жуда одил ва марҳаматли эди, фуқаро уни севар ва ундан мамнун эди, Изид таоло эса унга саховат ва онг берди, у одамларни олтин, қимматбаҳо тошлар, дебо, атир ва чорва билан маъмур эди. Подшоҳлигига тўрт юз йилдан кўпроқ вақт ўтгач, дев билан ошно бўлди, дев эса унинг дилида дунёга ҳирс уйғотди, ишқилиб ҳеч ким дунёга меҳр қўймасин!— мағрурланиб кетди ва адолатсизлик ҳамда шуҳратга берилиб бойлик тўплай бошлади, одамлар азоб чека бошладилар ва кеча-кундуз Изиддан унинг ҳукмронлигига чек қўйишни илтижо қилдилар. Худонинг марҳамати ундан йироқлашди ва унинг ҳамма ишлари хатоликка кетди. Шунда подшоҳликнинг бир бурчагидан Заххок² деб аталган Баюрасп чиқди

¹ Форсийда мато — «дев бафт» (дев тўқиган) сўзидан олинган «дебоди» дир. ² Заххок — Эронни забт этган афсонавий аждаҳо — подшоҳ. «Шоҳнома»да ёзилишича, ёвуз маҳлуқ Заххокни йўлдан уради ва елкасидан ўпади. Бу ўпишлар натижасида Заххокнинг икки елкасидан иккита илон ўсиб чиқади ва Заххок нимаики емоқчи бўлиб оғзига олиб борса, илонлар тортиб олиб қўядилар. Илонларни кесиб ташлайдилар, аммо улар яна ўсиб чиқаверадилар. Ёвуз руҳ Заххокка илонларни инсоннинг мия қатиги билан боқишни маслаҳат беради. Заххок ҳар куни икки йигитни ўлдириб, уларнинг мияси билан илонларни боқишни буюради. Шунда, ўн етти ўғли ўлдирилиб, охириги ўғли ҳам қатлга ҳукм этилгач темирчи Кова Заххокка қарши исён кўтаради. Кова Жамшиднинг авлоди бўлган Афридунни ёрдамга чақиради ва унинг ёрдамида Заххокни енгади. Шундан бери Кованинг теридан қилинган пешбанди Эрон подшоҳларининг расмий байроғи бўлиб қолади. Фирдавсий Заххокнинг иккинчи номи — Беварасп шаклида келтиради. Беварасп қадимий форсийда «минг отлиқ» деганидир. Фирдавсий Заххокни Арабистондан чиққан деб ҳисоблайди. Ал-Беруний келтирган учала манба ҳам Заххокнинг

ва уни тор-мор қилди, одамлар бўлса Жамшидга кўмак бермадилар, чунки ундан азоб чеккан эдилар. У ҳинд ерига қочди, Баюрасп бўлса тахтга ўтирди, кейинроқ уни тутиб нимталаб ташлади. Баюрасп минг йил подшоҳлик қилди. Аввалига у одил бўлди, охирида адолатсиз бўлиб қолди, сўз ва ишларида девга қулоқ солди ва Ҳиндистондан Афридун³ келгунга қадар одамларга азоб берди. Афридун уни ўлдириб тахтга ўтирди. Афридун Жамшид авлодидан эди. У беш юз йил подшоҳлик қилди. Афридуннинг подшоҳлигининг бир юз олтимиш тўрт йили ўтганда Каюмарс тарихининг иккинчи даври тугади. Афридун Иброҳим⁴ алайҳи-с-саломнинг — жойи жаннатда бўлғай — динини қабул қилди. У, фил, арслон ва сиртлонни қўлга ўргатди, чодир тикди ва муҳташам айвон қурди, боғ ва иморатларга оқар сув олиб келди, мевазор боғларга ниҳоллар ва турунж, норанж (апельсин), бодранг⁵, лиму ҳамда атиргул, бинафша, наргис, нилуфар ва бошқа нарсаларнинг уруғларини экди. Меҳргонни⁶ ҳам жорий қилди, худди шу кунни Заххонни зиндонбанд қилиб, подшоҳликни қабул қилган кунни Сада⁷ байрамини жорий қилди. Заххоннинг адолатсизлиги ва истибдодидан халос этилган одамлар мамнун бўлиб, шу кунни яхши истиқбол даракчиси сифатида байрам қилдилар ва Ажам ва Туронда⁸ бу кун шу пайтгача меҳрибон подшоҳлар шарафига ҳар йили нишонланади. Офтоб ўз фарвардинига етганда Афридун бу кунни яна байрам қилди. У бутун дунёдан олимларни йиғиб бу ҳақда шартнома тузди. У ўз амалдорларига адолатли бўлишни буюрди. Ўз подшоҳлигини ўғилларига бўлиб берди. Туркистонни Жайҳун дарёсидан то Чин ва Мочингача⁹, Турга,

1000 йил подшоҳлик қилганини кўрсатади. ³ Афридун «Шоҳнома»да Фаридун, Беруний келтирган манбаларга кўра Жамшиднинг авлодидан. Улардан бирида 200 йил, бошқа иккисида 500 йил подшоҳлик қилган. ⁴ Иброҳим — Тавротдаги пайғамбар, мусулмонлар уни асосий пайғамбарлардан деб ҳисоблайдилар. ⁵ Турунж, бодранг — цитрус меваларидан. ⁶ Меҳргон — кузги эътидол байрами — 21-мехрда. ⁷ Сада — Наврўзгача 50 кун олдинги байрам — 10-бахманда (сади — юзлик маъносида, яъни Наврўзгача 50 куну 50⁹ кеча). ⁸ Турон — Урта Осиёнинг қадимги номи. ⁹ Урта асрларда Туркистон деб Шарқий Туркистон (Синьцзян) ва Мўғулистон тушунилган. Жайҳун — Амударё, Чин — Шимолий Хитой, Мочин — Жанубий Хитой.

Рум ерини¹ Салмга, Ажам ўз тахтини Эрожда² берди. Шундай қилиб Туркистон, Рум ва Ажамнинг барча подшоҳларининг келиб чиқиши битта, бир-бирлари билан қариндошдирлар, чунки уларнинг ҳаммаси Афридун авлодидир. Шунинг учун барча инсонлар подшоҳлар шарафига маросимларни ўтказишлари зарур, зеро улар Афридун уруғидандир. Унинг замонаси ва Гуштаспгача бўлган бошқа барча подшоҳларнинг замонаси тугагандан сўнг, Гуштасп³ подшоҳлигининг ўттизинчи йили ўтганда Зардушт пайдо бўлди ва габр⁴ динини олиб келди. Гуштасп унинг динини ва ичимлик майини қабул қилди. Афридун байрамидан ўша пайтгача тўққиз юз қирқ йил ўтди.

Офтоб Ақраб буржига кирганда, Гуштасп кабиса қилишга буюрди ва бунинг натижасида фарвардинни Офтобнинг Саратон буржига киргандан бошлаб байрам қилина бошлади. Гуштасп Наврўзни ана шу куни байрам қилиш керак, чунки Саратон — меҳнат учун саодатманд бурж, деҳқон ва корандаларга шу вақтда ўлпон тўлашга имкон бериш зарур, шунда уларга енгиллик бўлади, дея байрамни шу кунга белгилади. Сўнгра, у йиллар ҳам аниқ бўлсин ва одамлар ўз вақтларини совуқда ҳам, иссиқда ҳам била олсинлар деб, ҳар юз йигирма йилда⁵ кабиса қилишга буюрди. Бу

¹ Рум ерлари деб, ўрта асрлардаги Шарқда Кичик Осиё ва Юнонистонни тушунилган. ² «Шоҳнома»да ёзилишича, Фаридуннинг ўғиллари Тур ва Салмлар укалари Эрожни ўлдирадилар, лекин пайти келиб уларнинг ўзларини Эрожнинг ўғли Манучеҳр ўлдиради ва уларнинг бошларини Фаридунга олиб келади, Эрон тахтига ворис бўлади. ³ *Гуштасп*—Эҳтимол Доро Гуштасп мелоддан аввалги 552—486 йиллар)дир. Куруш асос солган Хохаманийший сулоласига мансуб подшоҳ. ⁴ *Зардушт* — Зороастра ёки Заратуштранинг форсий номи, у зардушт, ёхуд Ўрта аср Шарқида габр дини деб ном олган диннинг асосчиси. Ал-Беруний уни «Заратуштра, Сафид туманинг ўғли озарбайжонлик» дейди. Зардуштни зардуштийларнинг муқаддас китоби «Авесто»нинг муаллифи деб ҳисоблайдилар. ⁵ Шундай қилиб, Куёшнинг йиллик айланиши 365 куну чорак кеча-кундузга тенг. Тақвим (календарь) йили орасидаги фарқ ҳар тўрт йилга бир кун қўшиш билан эмас, балки ҳар 120 йилда бир ой қўшиб кабиса қилинар эди. Қўшилувчи ой ўн икки ойнинг ҳар биридан кейин навбат билан киритилар эди. Яъни, биринчи 120 йилликда фарвардин ойдан кейин, иккинчи 120 йилликда урдбихишдан кейин ва шу йили иккита фарвардин ёхуд иккита урдбихиш бор деб ҳисобланар эди ва ҳоказо.

одат то Зулқарнайн деб аталувчи Искандар Румий¹ замонасигача давом этди. Шу пайтдан бошлаб одамлар кабисани нишонламай қўйдилар ва мазкур одат қарор топгунча нима иш қилган бўлсалар ўшандай ишни қилавердилар. Бу Ардашер Бобакон² замонасигача давом этди, у яна кабисани қарор топтирди ва катта байрам уюштирди. Бу ҳақда аҳднома тузди ва шу кунни Наврўз деб атади. Одамлар бу байрамни то Нўширавони Одил³ замонасигача нишонладилар. Мадойин айвони⁴ битганда Нўширавон Наврўз байрамини ўша замон одатлари бўйича ўтказди. Аммо у кабисани қарор топтирмади. У Офтоб айланиш даврининг охирида Саратоннинг биринчи кунига етмагунча одамлар бу ишни қилмасинлар, токи Каюмарс ва Жамшидларнинг кўрсатмалари орадан кўтарилсин, деди. Шундай дегандан сўнг кабиса қилмадилар. Бу Офтобни кузатиб туриш ва ҳар йили офтоб Ҳамал буржига кирганда Наврўзни байрам қилишни буюрган Маъмун⁵ замонасигача давом этди. Шундай қилиб «Зиж-и Маъмуний» тузилди ва шу пайтгача йил ҳисобини шу зиж ёрдамида бажарадилар⁶.

¹ *Искандар* — Александр Македонский (эраמידан аввалги 365—323-йиллар) «Александр» сўзидан «ал» арабчадан олд қўшимча деб тушунилган. «Зулқарнайн»—«Икки шоҳли»—Александрнинг арабча лақаби унинг минган оти Букефал («Буқа бошли») асосида келиб чиққан. Александр—Шарқдаги кўп афсоналарнинг қаҳрамони, уларнинг асосида буюк Озарбайжон шоири Низомий Ганжавий (1141—1203) нинг «Искандарномаси»си ёзилган.

² *Ардашер Бобакон (Бабак)*. Сосоннинг ўғли бўлиб, Эрондаги Сосонийлар давлатининг асосчиси, 226—252 йилларда подшоҳлик қилган.

³ *Нўширавон (Нўширвон ёки Ануширвон)*, унинг бошқа исми *Хусрав* — Сосонийлар сулоласидаги подшоҳ, 531—379 йилларда подшоҳлик қилган. Эрон зодагонлари зардуштий коҳин Маздак бошчилигидаги халқ ҳаракатини бостиргани учун уни «Одил» деб аташган (Ануширвон исми «адабий руҳ соҳиби», деган маънони билдиради).

⁴ *Мадойин (Ктесифон)*—сосонийлар давлатининг Дажла (Тигр) дарёси бўйидаги пойтахти. *Мадойи* — арабча «шаҳарлар» деган маънода, бу шаҳар атрофида кўпгина кичик шаҳарчалар бўлган. Кейинроқ унинг харобалари ўрнида Бағдод қурилган.

⁵ *Маъмун*—813—833 йиллари халифа бўлган аббосий халифа Хорун ар-рашид (789—809 йиллар) нинг ўғли.

⁶ «Маъмуннинг астрономик жадваллари» номи билан ҳозирги замонда қуйидагилар машҳур: а) Хожи Халифа эслатиб ўтган Зиж ал-Маъмун, б) Аз-зиж ал-Маъмун или Мумтоҳин («Ал-Маъмуннинг синовчилари учун астрономик жадвали») астроном Яҳё ибн Мансур бошчилигидаги олимлар томонидан тузилган. Биринчи жадвал топилмаган; Хожи Халифа томонидан келтирилган унинг бошланғич қисми кейинроқ қайта ишланган ва сақланиб қолган, иккинчи жадвалнинг бошланиш қисмидан фарқ қилади.

Маъмун саройида иш олиб борган рамоғлар (астрономлар) эрон

Бу то Мутаваккал¹ замонасигача давом этди. Мутаваккалнинг Муҳаммад ибн Абд-ал-Малик² деган вазири бор эди, у Мутаваккалга ўрим солиғи шундай вақтга тўғри келаяптики, уни амалга ошириш галла вақтидан узоқ бўлаяпти ва одамларни қийнапти, Ажам подшоҳларининг одатича, одамлар ҳосил йиғилгандан кейин солиқ тўлаш пайтида қийналмаслик учун йилни ўз ўрнига қайтармоқ мақсадида кабиса қиладилар, деб айтди. Мутаваккал розилик билдириб, кабиса қилишга буюрди ва Офтобни Саратондан фарвардинга қайтардилар. Шундан кейин одамлар тинчланиб яна ўша одатга риоя қила бошладилар. Шундан кейин Сеистон³ амири Халаф ибн Аҳмад бошқа кабисани жорий қилди. Уша даврдан бизнинг замонасигача ўн олти кун фарқлана бошлади. Саодатманд ва дин таянчи Султон Маликшоҳ⁴— олло руҳини шод этсин — бундан хабар топиб эски кабисани жорий этиш ва йилни ўз жойига

қуёш тақвими қайта кўриб чиққанлари ҳақида маълумотлар йўқ; халифалик мамлакатларида йил ўн икки қамарий ойдан иборат бўлган мусулмон қамарий тақвими расмий тақвим эди. Қамарий ой 29, 5306 кеча-кундузга тенг бўлгани учун қамарий йил 354, 3672 кеча-кундузга ва шамсия йилнинг 100 йили 103 қамарий йилига тенг бўлади. ¹ *Мутаваккал алаллоҳ, Абул Фазл ибн Муҳаммад*— 847—861 йиллардаги аббосий халифа. Берунийнинг айтишига қараганда, солиқ йиғиш пайтида экинлар энди кўқарган ва солиқ тўлашга одамларнинг қурби етмаслигини кўрган Мутаваккал бунинг сабабини сўраган, унга Наврўзда солиқ йиғиб олиш учун бу одатни форслар жорий қилганларини ва араблар ҳам шундай қабул қилишганини айтишган. Шундан кейин Мутаваккал мубодни чақирган, у, форсларда йил ҳисоби, унинг узунлиги ва неча йил қўшилиб турилиши зарурлигини, сўнгра ислом келгандан сўнг бу ҳислатлар йўқ бўлгани ва одамлар зарар кўраётганларини тушунтирган. Шундан сўнг Мутаваккал Ибн ал-Аббос ас-Сўлини чақириб унга Наврўзни мубод айтгандай или кунларини ҳисоблаб чиқиб, бир қонда бўйича ўтказишни, сўнгра Мутаваккал номидан давлатнинг барча вилоятларига Наврўзнинг сурилиши ҳақида нома ёзиб хабар беришни буюрди. Аммо Мутаваккални ўлдиришди ва у ўз ишини охиригача етказа олмади. Бу ўзгартиш Мутаваккалдан кейин 892—902 йилларда халифалик қилган Аҳмад ибн Талха Муътадид биллоҳ томонидан амалга оширилган. Беруний хабар беришича, Муътадид асри «румийлар йили ва форслар ойи билан, лекин бошқа усулда ҳисобланади, ҳар тўрт йилда бир кун қўшилади». ² Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Абд ал-Малик кўп халифаларнинг вазири бўлган, 847 йилда, Мутаваккал тахтга чиққандан сўнг бир неча ҳафта ўтиб ўлдирилган. ³ *Сеистон*— Афғонистон билан чегарадош бўлган Эрон вилояти, Эрон ва Урта Осиё халқлари дostonларидаги афсонавий қаҳрамонлар Сом, Зол, Рустам ва бошқаларнинг ватани ҳисобланади. Халифа ибн Аҳмад-Сафаридлар авлодидан Сеистон амири Маҳмуд Ғазнавийнинг вассали бўлган. ⁴ *Маликшоҳ*— салжукий султон 1072—1092 йилларда подшоҳлик қилган.

қайтаришга буюрди. Бунинг учун ўша замондаги Хуросон олимларини чақиртирди. Улар кузатиш учун барча ишларни бажардилар — деворлар кўтаришди, устуллаб¹ ўрнатдилар ва шунга ўхшаш ишларни амалга ошириб, Наврўзни фарвардинга кўчирдилар. Аммо замона подшоҳга бу ишни охирига етказишга имкон бермади ва кабиса тамомланмай қолди².

Наврўзнинг келиб чиқиш тарихи мана шу. Буларнинг ҳаммасини биз аждодларимизнинг китобларидан топдик ва олимлардан эшитдик³.

МУБОДЛАР МУБОДИНИНГ ТАШРИФИ ВА НАВРЎЗНИНГ ТАНТАНАЛИ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ ҲАҚИДА

Кайхусрав замонасидан то Ажамнинг охириги подшоши Яздижард⁴ асригача Ажам подшоҳларининг одати бундай эди: наврўз куни подшоҳ оиласидан бўлмаган биринчи одам — мубодлар мубоди⁵ подшоҳ олдига май тўла жом, узук, дирҳам ва подшоҳ динори⁶, бир қучоқ арпа ниҳоли, қилич, ўқ-ёй, давот ва қалам билан келиб форс тилида⁷ офаринлар айтиб, табриклар ва унга

¹ *Устуллаб* — астрономик ўлчов асбоби, осмон минтақасида кўришиб турадиган юлдузларнинг ўрнини аниқлаш учун ишлатилган. ² Маликшоҳ даврида Хайём раҳбарлигида тақвим (календарь) тузиш бўйича ишлар олиб борилган. ³ *Умар Хайём*, Наврўзнама. «Меҳнат» нашриёти, Тошкент, 1990. 10—18-саҳифалар. ⁴ *Кайхусрав* — Кир, қадимий Эрон (аҳамонийлар) давлатининг асосчиси, янги эрагача 558—529 йилларда подшоҳлик қилган. Яздижард (Ездигард) — Эрондаги Сосонийлар давлатининг охириги подшоҳи, 632—681 йилларда подшоҳлик қилган. Яздижард подшоҳлиги даврида Сосонийлар давлати араблар томонидан босиб олинган. Яздижард III нинг тахтга ўтирган куни — 632 йил 16 июль «Яздижард йил ҳисоби»нинг бошланишидир, араб истилосининг биринчи юз йиллиги даврида эрон шамсия тақвими қўллаган барча халқлар шундан фойдаланишган. Маликшоҳ даврида Хайём раҳбарлигида ўтказилган тақвим ислоҳидан кейин, Яздижард йил ҳисоби «Маликий йил ҳисоби» билан алмаштирилган. ⁵ *Мубоди мубод* (*мубоди мубодон*) — зардуштийлар динида бош қоҳин. ⁶ *Динор* (римдаги данериядан) — оғирлиги 2,42 г олтин танга. ⁷ Бу ерда форс тили (порси) деб паҳлавий тили — Сосонийлар давлатидаги адабий тил тушунилади. «Наврўзнама»нинг бошқа саҳифаларида шу ибора билан Хайём замонидаги форс адабий тилини айтилган. Мубоди мубод зардуштийларнинг қоҳинларини асосий қисми чиққан сеҳргарлар қабиласининг қадимий тили — диний маросимлар тилида эмас, балки ҳаммага тушунарли бўлган адабий тилда подшоҳга қараб мурожаат этган. *«Ғиёсул-луғот»да — мубод — оташпарастларнинг ҳаким ва донишманди деб берилган (яна бу луғатда бошқа маъноларга ҳам ишора бор).

шукроналар билдирарди. Мубодлар мубоди подшоҳни васф этиб бўлгандан сўнг олий мартабали амалдорлар келиб хизматга тайёр эканликларини изҳор этишар эди.

МУБОДЛАР МУБОДИНИНГ ОФАРИН АЙТИБ СЎЗЛАГАН НУТҚИ

«Шоҳим! Фарвардин байрамида, фарвардин ойида Яздон ва Каён дини учун эркин бўл. Суруш¹ донолик, синчковлик ва илми сенинг кўнглинга солган, арслон табиат бўлиб узоқ яша, заррин тахтда шодмон бўл, Жамшид жомидан бир умр нўш эт, ҳиммат ва мурувват билан ажодлар одатига риоя қил, одил ва ҳақгўй бўл, бошингда сочинг оқармасин, сенинг ёшлигинг арпа ниҳолига ўхшасин, минган отинг чопқир ва музаффар бўлсин, қиличинг ярқираган бўлсин ва душманларга ўлим келтирсин, лочининг овда омадга ёр бўлсин, ичинг ўқдай тўғри бўлсин, яна бир юрт олгин, тахтда доим дирҳам ва динорли бўл, истеъдодли ва олим сендан ҳиммат ва марҳамат кўрсин, саройинг фаровон, умринг узун бўлсин». Бу сўзларни айтиб бўлгач, у майдан тотиб кўриб, жомни подшоҳга узатар, подшоҳнинг бошқа қўлига арпа ниҳолидан берарди. Тахт пойига дирҳам ва динорларни кўярди. Бу билан у, агар олий мартабали амалдорлар Наврўз куни даставвал бирор нарсага кўзлари тушса, келгуси йилгача шоду хуррам бўлсинлар ва бу нарсалар уларга бахт келтирсин, деган истак билдирар эди. Бу уларга худонинг марҳаматидир, чунки подшоҳга тақдим қилинган нарсалар дунёнинг шодлиги ва фаровонлигининг сабабчисидирлар²

НАВРЎЗ БЕЗАКЛАРИ

Узук ва узукнинг хислатлари ҳақида

Узук жуда яхши безакдир ва у бармоқда бўлиши даркор. Тўраларнинг айтишича, мартабали кишиларни узук тақиб юришга олижаноблик даъват этади. Бармоғига узук таққан биринчи одам Жамшид эди. Тўраларнинг узук тақилмаган панжалари байроқсиз сафланган одамларга ўхшайди (?), дейдилар. Бармоқдаги

¹ *Суруш* — зардуштийлар динидан хабар берувчи фаришта.
² *Умар Хайём*. Наврўзнома. «Меҳнат» нашриёти, Тошкент, 1990, 21—22- саҳифалар.

узук белдаги белбоғга ўхшайди, белда белбоғи бор одам чиройлироқ кўринади. Тўраларнинг бармоғидаги узук уларнинг баркамол олижаноблигидан, фикр қуввати ва қарорларининг тўғрилигидан дарак беради, чунки кимда-ким баркамол, олижаноб бўлса, муҳри бўлади. Кимда-ким фикрий қувватга эга бўлса, у шижоатсиз бўлмайди, шижоатли одам эса узуксиз бўлмайди, чунки тўраларнинг муҳрсиз мактуби фикр бўшлиги ва шижоатсизлигидан дарак беради. Муҳрсиз мактуб бепарволик ва енгилтаклик тимсолидир. Сулаймон¹ алайҳи-с-салом узугини бузиб қўйгани учун подшоҳлигидан ажралди. Узукнинг ўзидан кўра, муҳр эгаси бўлган муҳимроқдир. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам бармоғига узук тақиб юрарди ва агар бирор вилоятга номалар юборса, уларни муҳрлаб юборар эди. Бунинг сабаби шуки, Парвезга² муҳрсиз номалар келганда Парвез ғазабланиб, ҳатто мактубни ўқимай йиртиб ташлади ва муҳрланмаган нома қулоқсиз бошга ўхшайди, қулоқсиз бош эса жамоат орасида хунук кўринади,— деди. Нома муҳрсиз бўлса, уни хоҳлаган одам ўқиши мумкин, муҳрланганда кимга юборилган бўлса ўша ўқийди. Хирадмандлар айтганларким, тиғу қалам подшоҳ узугининг хизматкорларидир, чунки салтанат шулар кучи билан забт этилган ва подшоҳликни шоҳ муҳри буйруғи билан барқарор қилдилар, зеро у хоҳламаса улар бунга эриша олмайдилар.

Оламда узукдан бошқа ҳар қандай безак бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Аммо ҳеч вақт узуксиз қолиб бўлмайди, чунки у бармоқнинг безагидир. Уни Оллоҳ таолонинг ягоналигини кўрсатадиган бармоққа тақадилар ва шу туфайли бармоқнинг безаги унинг устунлигининг белгиси бўлади. Бу ўз истеъдодини намоеън қилиб улуғларга яқинлашган баҳодирга ўхшайди, натижада улуғ унга марҳаматли бўлади ва уни дўстлари орасидан саралаб, белига олтин камар боғлайди ёки олтин тақинчоқ тақади, бу унинг истеъдодини намоеън қилганига мукофотдир. Узукларнинг хили кўп, аммо подшоҳларга фақат икки хил қимматбаҳо тошли узуклар муносиб. Улардан бири — қуёшнинг зарраси

¹ Сулаймон—«Таврот»даги подшоҳ Соломон. ² Хусрав Парвез—Сосонийлар сулоласидаги подшоҳлардан. 598—628 йилларда подшоҳлик қилган. Низомий Ганжавийнинг «Хусрав ва Ширин» дostonидаги асосий қаҳрамонлардан бири.

ёқутдир. У қимматбаҳо тошларнинг подшоҳидир, нурланиш унинг хислатидир, унга олов таъсир қилмайди, у олмосдан бошқа ҳамма тошларни кесади. Унинг хосиятларидан бири шуки, у чанқоқлик зарарининг олдини олади. Бундай тошларнинг яна бири — ферузадир. Феруза машҳурдир, баҳоси қиммат ва қараганда кўзни қувонтиради. Унинг ёмон кўздан ва тушда қўрқишдан сақлайдиган хосиятлари бор. Узук тушларни йўйиш ва фол очиш каби кўп аломатларга эга, бу ҳақда кўп гапирилган. Улар подшоҳларнинг ҳукмронлиги ва буюклигига, улуғларнинг олижаноблигига, ишдаги муваффақиятларига йўл очади.

Ҳикоят. Айтишларича, Искандар Румий дунёни айланиб чиққанига қадар жаҳонни забт этишини башорат этувчи турли тушлар кўрган экан. Улардан бирига кўра жумла жаҳон узук бўлиб бармоғига тақилган эмиш. Аммо бу узукнинг тоши йўқ эди. Бу ҳақда Аристотелдан¹ сўраганида у айтдики, сен жаҳонни оласан, лекин ундан етарли даражада фойдалана олмайсан, чунки узук — мамлакатдир, тоши эса унинг султонидир.

Ҳикоят. Айтишларича, бир кун Яздижард Шаҳриёр сарой боғидаги тош ўриндиққа ўтирди ва бармоғига феруза кўзли узук тақди. Ногаҳ тиб (ўқ) учиб келди ва узук тошига тегди, тош майдаланиб кетди, ўқ бўлса нарироққа учиб бориб ерга санчилди. Аммо ҳеч ким бу ўқнинг қаердан учиб келганини билмас эди. Қидириб ҳеч нарса топа олмадилар. У ғамгин бўлди ва бунинг сабабини ўйлай бошлади. У олим ва аъёнлардан сўраган эди, ҳеч бири тушунтириб бера олмади. Бу ҳақда озроқ билганлар эса айтишга журъат қилмас эдилар. Кўп вақт ўтмай Яздижард Шаҳриёр ўлди ва унинг сулоласи тугади.

Ҳикоят. Айтишларича, Муҳаммад Амин амиру-л-мўминлигида² боғда ҳовуз қирғоғида ўтириб бармоғидаги каҳрабо кўзли узукни айлантириб, мақол бўлиб кетган байтни ўқиди: Биз иззатли эрларнинг бошини ёрамиз, зеро улар итоатсизроқ ва золихроқдирлар».³ У ўзига қарши бўлган Маъмунни кўзда тутган эди. Шу

¹ *Аристотель (бу ерда Ариуталис)*— Александр Македонскийнинг мураббийси бўлган.

² *Муҳаммад Амин*—809—813 йиллардаги аббосий халифа, халифа Ҳорун ар-Рашиднинг ўғли, укаси Маъмун томонидан ўлдирилган. «Амирад мўминин—халифанинг унвони. ³ Шеър араб тилида берилган.

пайт канизагидан аччиғланиб уни узуги билан урди. Узукнинг тоши отилиб, тош ҳам, узук ҳам ҳовузга тушиб кетди. Қанча одам сувга шўнғиб қидирмасин ва ниҳоят ҳовуздан сувни қуритсалар ҳам тошни топа олмадилар. Тош ўрнига оқ тош кўзли узук топишди. Кўп вақт ўтмай бир кўзи кўр Тоҳир¹ келиб, у билан жанг қилди ва шу қасрнинг ўзида уни ўлдирди.

ОЛТИН ҲАҚИДА

Олтин — бу қуёш иксири, кумуш эса ой иксиридир. Кондан олтин ва кумуш қазиб олган биринчи одам Жамшид эди. У кондан олтин ва кумуш қазиб олгандан кейин олтиндан қуёшга ўхшаш думалоқ лаппак ясашга ва унинг ҳар икки юзасига қуёшнинг тасвирини муҳрлашга буюрди. Худди қуёш осмонда подшоҳ бўлгандай, бу инсонлар подшоҳидир, деди. Сўнгра кумушдан ойга ўхшаш лаппак ясашди ва ойнинг тасвирини иккала томонга муҳрладилар, худди ой осмонда ҳоким бўлгандай, у ерда одамлар ҳоким дедилар. Кимё подшоҳи бўлган олтинни саодат кунининг қуёши, кумушни — бахт тунининг қамари, дурни бўлса бойлик осмонининг юлдузи дедилар². Баъзи синчков одамлар олтинни қашшоқлик қишининг олови дейдилар, баъзилари чиройли қилиб уни олиймақом мансабдор қалбининг қувончи деганлар, яна баъзилар подшоҳлик боғининг наргиси, баъзилар — дин нигоҳининг нури дейдилар. Олтиннинг бошқа ҳамма маъданлардан афзаллигини одамнинг бошқа ҳайвонлардан афзаллиги билан тушунтирадилар. Олтиннинг хислатларидан бири шуки, уни томоша қилиш кўзга нур, қалбга қувонч беради, бошқаси шуки, у одамни жасур қилади, ақлни кучайтиради, учинчиси эса — юзнинг ҳуснига ҳусн қўшади, ёшликни мунаввар этади ва қариликни узоқлаштиради, тўртинчиси — лаззатни кучайтиради ва кишилар кўзида унинг қадрини орттиради. Ажам подшоҳлари олтинни жуда қадрлар эдилар ва икки олтин нарсани: бири — жом, бошқаси — узангини ҳеч кимга бермас эдилар. Олтиннинг хислатлари ҳақида айтадиларки, агар, гў-

¹ Тоҳир ибн Ҳусайн (775—822) — халифа Маъмуннинг саркардаси, кейинчалик Хуросон амирлари Тоҳирийлар сулоласининг асосчиси, бу сулола 821—873 йиллар ҳукмрон бўлган ² «Саодат кунининг офтоби», «Саодат тунининг моҳтоби» иборалари аввал араб тилида, сўнгра форс тилида берилган.

дакни олтин кўзадаги сутдан бериб боқилса, у яхши гапира бошлайди ва одамларга ёқимтой бўлади, у мард ўсади, тутқаноқ касалига чалинмайди, тушида қўрқмайди ва агар унинг кўзларига олтин чўпда сурма суртиб қўйилса шилпиқ бўлмайди, ёшланмайди, бундан ташқари кўзи равшанлашади. Агар лочин оёғини олтин занжир билан бойланса у овда жасур ва шиддаткор бўлади. Ҳар қандай жароҳат олтин ёрдамида тезроқ даволанади, аммо битиб кетмайди, шунинг учун олиймақом мансабдорларнинг хотинлари, қизлари ва ўғилларининг қулоқ солинчакларини олтин игна билан тешганлар, ҳақиқатан у битиб кетмайди. Олтин кўзадан ичимлик ичиш истисқодан сақлайди ва юракни қувонтиради, шунинг учун табиблар хурсанд қиладиган нарсалар қаторида олтин, кумуш, дур, уд, мушк, ипакни эслатадилар. Юракнинг ҳам ёки безовталиқдан азият чекишини олтин ва кумуш билан, қабзиятни уд, мушк ва ипак билан, қон босимини — қаҳрабо ва қуритилган мевалар билан, қон қуюлишини дур ва ипак билан даволаса бўлади.¹

ҚАЛАМ ВА УНИНГ ХОСИЯТЛАРИ ҲАҚИДА....

Донишмандлар қаламни мулк безаги ва қалб мактуби деганлар. Қаламсиз сўз бадансиз жонга ўхшайди ва сўз қалам билан бирлашгандан сўнг бадан қўшилиб абадий сақланади. У худди чақмоқ тош ва пўлатдан осонликча чиқмайдиган ва учқундан дарҳол нурга айланмайдиган оловга ўхшайди. Халифа Маъмун айтганки: «Қаламга оллоҳнинг марҳамати бўлсин. Менинг бошим мамлакатни қаламсиз қандай идора қилади? У мукофот ва маошга интилмай иродага хизмат қилади. Унинг оқлиги қоронғулаштиради, унинг қоралиги эса мунаввар этади»². Хатни муомалага киритган биринчи одам Тахмурас эди. Сухан фазилатга эга, аммо ёзиш иқтидоридан бебаҳра одам ярим одамга ўхшайди, чунки соҳибқаламлик фазилати юксак фазилатдир ва ҳеч қандай фазилат унга тенг келмайди. У инсонни инсон даражасидан фаришта даражасига кўтаради, шайтонни эса шайтонлик даражасидан то инсонлик даражасигача кўтаради. Соҳибқаламлик одамни паст поядан

¹ Уш а к и т о б, 22—23- саҳифалар. ² Маъмуннинг сўзлари араб тилида берилган.

Баланд пояга юксалтиради. Худди сухан фазилатига эга одамлар бошқа ҳайвонлардан фарқланиб, уларнинг раҳбари бўлганларидай, иншо этиш фазилатига эга одамлар ҳам олим, имом, фақиҳ ва мунший даражасига кўтариладилар. Оллоҳ таолонинг дини подшоҳ томонидан қалам ёрдамида барқарор этилади ва мамлакат тартибга келтирилади. Гарчанд баъзи одамлар Мустафо алайҳи-с-саломни оми ва буни унинг муъжизаси эди, десалар ҳам у ёзувда ўзларини кўрсатган барча ёзувчилардан кўра ишни яхшироқ қилди ва билди. Олимлардан баъзилари уни барча фанларнинг билимдонни дейдилар. Аммо Изид таоло унга: буни ўзинг ёзма, деди ва унга Изид таоло осмондан юборган барча саҳифаларни ўқиб туриб ёздиришни буюрди. Барча ваҳийлар ҳам қалам туфайли сақланиб қолган. Бу ишларни унинг воситаси билан амалга оширдилар ва қабул этдилар, Мулк одатлари, вилоятлардаги қонун ва қоидаларни унинг ёрдамида сақлайдилар ва тартибга келтирадилар. Ёзувнинг фазилати қўлни узук ва муҳр безаги билан безади, чунки Ажам подшоҳлари кўрдиларки, қилич мамлакатни олди ва бошқариш асосларини қурди, қалам бўлса мулк тадбирини белгилаб бошқарув қонунларини сақлайди ва буларнинг иккаласи ҳам истеъдодга боғлиқдир. Асосий туйғулар бешта: эшитиш, кўриш, ҳид билиш, таъм билиш, ҳис этиш — ва бу, бадандаги жонга ўхшаган барча беш туйғунинг ўрни — бошдадир. Шунинг учун улар тож ясадилар ва уни бошга кийгиздилар, исирга ясаб қулоққа тақдилар, билакузук ясаб қўлга тақдилар, узук ясадилар ва бармоққа тақдилар ва дедиларки, қилич қўлнинг фазилати ва кучи билан ҳаракат қилади, шунинг учун билакузук шарафи зарур, қалам бўлса, бармоқнинг кучи ва истеъдоди билан ҳаракат қилади. Шунинг учун унга узук шарафини берадилар. У нома ёзиб яширин нарсалардан рақам қилган пайтда сотқину номатлублар кўзидан йироқ қилиш учун устига муҳр қўйдилар. Улар хатни аввал яхшилаб ўрашни, сўнгра муҳрлаб, муҳрни ғилоф билан беркитишни буюрдилар. Бу билан уни бу дунё муҳрининг номаси эканлигини таъкидладилар, чунки одам еру кўкнинг яратувчисининг оятларига ёзилган ва табиат иши билан боғланган, дил узугининг муҳри билан муҳрланган ва бошдаги ақлга тааллуқли бўлган бу олам муҳрининг номасидир. Донолар кўринишидан ҳақир ва топилиши осон бўлган қаламни асбоб ҳисобига киритдилар, аммо

асалари ва ипак қурти кўринишидан ҳақир бўлсалар ҳам подшоҳларга фойдаси кўп бўлган қимматбаҳо ва ноёб нарсаларни бергани каби қалам ёзган нарсасининг қадр ва натижаси ила қимматлидир. Бу асбобнинг уч хили бор: улардан бири — ўта қийиқ ва унинг хати сиймий дейилади, иккинчиси — тўғри ва унинг хати заррин дейилади, учинчиси эса ўта қийиқ билан тўғри орасида, унда ёзилганни луълуйй дейилади. Ҳуснихат тўрт талабга жавоб бериши зарур: биринчидан, ҳарфлар маълум катта-кичикликда бўлиши, иккинчидан, у маълум шаклда бўлиши, учинчидан, у гўзал ва раво бўлиши керак, бу қаламнинг ўткирлиги ва, ҳатто, қўлнинг маҳоратига боғлиқ. Тўртинчидан, ёзишда мутаносибликка эътибор бериш керак: *рони нун* каби ва *нунни ро* каби ёзмаслик керак. Вовнинг, қофнинг ва фонинг кўзлари иложи борича бир-биридан фарқ қилмаслиги, бир хил катталиқда, ингичка ҳам, кенг ҳам бўлмаслиги керак. Нун, қоф ва соднинг чўзиқлиги ва лом, алифнинг узунлиги бир хил бўлиши керак¹. Бу қондага риоя қилинганда, агарда хат яхши бўлмаса ҳам у яхши, текис, раво ва аниқ кўринади, олимлар бўлса, энг яхши хат ўқилиши осон бўлади дейдилар. Ҳуснихат учун учта яхши нарса даркор. Агар шу уч нарсадан биттаси яхши бўлмаса, гарчи хаттот уста бўлса ҳам, у ҳолда хат яхши бўлмайди. Биринчиси — қалам, иккинчиси — сиёҳ, учинчиси — қоғоз. Агар бирор киши хаттот қўлида ҳуснихат ўрганса, у ҳолда у ёзган ҳарф ва сўзлар ҳеч қачон ўз ҳолатини ўзгартирмайди, чунки ҳарфлар ва сўзлар сони ҳақидаги қоидалар унинг юрагига жойлашиб қолади. У қачон бирор нарсани ёзмоқчи бўлса, қўлини юраги ёрдамида йўналтиради, шу сабабдан хатни қандай ўргатган бўлсалар шундай чиқади, ҳарфлар ёки сўзлар камдан-кам ёмон бўлади. Ҳуснихат гўзал дейиладиган тўла юз ва баркамол қоматга, ёмон хат эса, бадбашара юз ва аъзолари бесўнақай қоматга ўхшайди.

Ҳикоят. Шу маънода қалам фазилати ҳақида. Аждодларнинг ривоятларидан ўқиганимга қараганда, бир вақтлар бир амир форс ҳукмронига тиғ билан элчи юборди ва унга айтдики: «Бу тиғни ҳукмронга олиб бориб олдига қўй, лекин ҳеч нарса дема». Элчи борди ва шундай қилди. У ҳеч нарса демай тиғни қўйганда

¹ Бу ерда шаклида ўхшашлик бор ҳарфлардаги фарқ аниқ бўлиши кераклиги таъкидланган.

ҳукмрон вазирга жавоб беришни буюрди, вазир бўлса, қаламдон қопқоғини очди-да, у томонга битта қалам отиб деди: «Мана жавоб». Элчи ақлли одам эди, унга қандай жавоб берганларини тушунди: «Қаламнинг мамлакатдаги ҳаққонийлик ва тартибсизликларга таъсири жуда кучли. Қалам соҳиби бўлган вакилларни қадрлаш зарур».

Ҳикоят. Банно Хусравнинг биродари Фаҳр уддавла¹ Нишопурга қочганди. Соҳиб уни ўз мактубларида итоатсиз деб қаттиқ койир эди. У соҳибга ёзган эди: «Сенда тиг, менда бўлса қалам. Кўрамиз, қайси бири кучлироқ экан». Соҳиб унга жавоб ёзди: «Тиг кучлироқ, лекин қалам юксакроқ. Ўйлаб кўр — қайси бири афзалроқ». Фаҳр уддавла бу номани Шамс-ул-маъолийга кўрсатди². Қобус Вушмагир бу номага ёзиб қўйди: «Қимнинг кўнгли тўғри бўлса осмонда, алдаб бўйин товласа шарманда»³.

Ҳикоят. Эшитган эдимки, Эронда бир подшоҳ бўлиб, унинг шундай одати бор экан, у жанг қилганда, яхши ташкил этилган ва яхши таъминланган қора либосли алоҳида бир қисм сипоҳлари бўлар экан. Жанг қизиган пайтда ўша сипоҳларига олдинга чиқиб жанг қилишни буюрар экан. Шундай бўлибдики, Туркистондаги эллик мингга яқин катта қўшин келиб уруш хавфи туғилипти. Бу подшоҳ ўз дилига хуш келган хос одамлар билан мағрур ўтирарди. У жангни бошқа кунга кўчиришни ихтиёр қилибди. Қаламдон ва қаламни талаб қилиб, парча қоғозга: «Айтинг, қора либосли сипоҳлар қайтсинлар», деб ёзиб уни вазирга берибди. Вазир ўқиб чиқибди, лекин бу гап унга ёқмабди. У ўзининг саҳтиён этигининг қўнжидан қаламдонни олиб сийаҳ сўзининг остига бир нуқта қўйиб, уни сипоҳдорон қилибди, сўнгра гарданд сўзига битта нун қўшиб, уни «нагарданд» қилибди ва ўз қўшинига юборибди⁴. Улар

¹ Фаҳр уддавла — Рай султони (ҳозирги Техрон яқинида бўлган), Буяхийлар сулоласидан. Банно Хусравнинг укаси. ² Шамс-ул-Маъолий Қобус Вушмагир (976—1012) — Табаристон султони. Ал-Беруний ўзининг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар»ини Шамс-ул-Маъолий саройида ёзиб тугатган. ³ Вушмагирнинг сўзлари араб тилида берилган. ⁴ Синоҳдорон сипоҳро бигуайнд то бозгарданд (Айтинг, қора кийим кийган аскарлар қайтсинлар дегандаги «й» ҳарфининг остига бир нуқта қўшиб қўйиб «н»га айлан-тирилгандан ва «гарданд»нинг олдига «нун» ҳарфини қўшгандан сўнг гап қуйидагича бўлади: сипоҳдорон сипоҳро бигўйанд то бознагарданд («айтинг, саркардалар аскарларни қайтармасинлар»).

мактубни ўқиб чиққач, олға юриб Туркистон сипоҳига шикаст етказибдилар. Шунинг учун «Сийар-ул-мулук»-да¹ бир нуқта билан эллик минг қилич тор-мор қилинган деб ёзилган².

НАВРУЗ НЕЪМАТЛАРИ

Арпа ҳақида . . .

Ажам подшоҳлари униб чиққан арпанинг яхши аломати бор деб ҳисоблаганлар, чунки арпанинг фойдаси кўп. У егулик бошқа ҳамма донлардан тез пишади. У қирқ кун ичида омбордан-омборга тушади, дейдилар. Қаерга ташлама, у ҳамма ерда унади ва барча ўсимликлардан тезроқ кўкаради. Арпа дориликка ҳам, емакка ҳам ярайди. Донолар ва дарвешлар арпа билан кун кўрадилар. Айтишларича, уни еганда қон ҳеч қачон бузилмайди ва томирдан қон олишга ҳожат қолмайди. Яна у қон ва сафро касалликларининг олдини олади. Ироқ табиблари уни «ажаб қутлуғ дон» дейдилар. У маълум йигирма тўрт хил — куюк, зотилжанб, безгак, терлама, йўтал, иситма, силла қуриши, сил, қабзият ва сувчечак касалликларини даволашда фойдалидир. У бош, кўкрак, биқин, жигар ва қорин, суяк синиғи, куюк, бўғин оғриғи ва гижжага қарши дори сифатида фойдали. Арпа мойи сариқ қичимани, буғдой мойи эса қора қичимани йўқотади, агарда арпа кепагини қозонга солиб яхшилаб қайнатилса бу оёқ суяги кучсиз ва оёқда тик туролмайдиганларга жуда фойдали. Агар бирор одамнинг оёғи ва тиззасида чангак касали бўлса оёғини арпа сувига солиши зарур, шунда у тузалиб кетади. Буғдой кепаги ҳам худди шундай шифобахш. Бағдодда арпани қайнатиб сувини силқитилади, сўнгра яна бир марта ёғ қолиб суви буғланиб кетгунча кунжут ёғи билан қайнатилади ва бу ёғ сариқ шишга сурилади³. Айтадиларки, агар ой тутилган пайтда арпа сепиш мумкин бўлса, сепадилар, ундан қилинган нон телбаларга шифо бўлади. Агар арпа сепилаётган пайтда ой катталашиб, Зухрага қарама-қарши турса ва агар ориқ

¹ «Подшоҳларнинг ҳаёти» (Сийарул-мулук) — «Эрон подшоҳларининг ҳаёти» (Сийарул-мулук и-л-Ажам) — паҳлавийча «Худойномак» («Подшоҳлар китоби») китобининг арабча таржимаси, у Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сига асосий манба бўлиб хизмат қилган. ² У ш а к и т о б, 37—41-саҳифалар.

³ Урта асрдаги бошқа кўпчилик олимлар каби Хайём табиб ҳам бўлган.

от шу арпани еса, у семиради. Илнинг яхши ёки ёмон келиши арпага қараб аниқланади. Агар арпа тик ва қалин ўсса, бу йил серҳосил, агар қийшиқ ва яккам-дуккам ўсса, демак йил кам ҳосил бўлади. Ривоят борки, Расул алайҳи-с-салом «Нонлар ичида энг яхши нон — арпа нони, ким унга қаноат қилса, у уни тўйдиради, чунки бу менинг ноним, барча пайғамбарларнинг нони», — деган экан. Мункайган чоллар арпа би-ла фол очадилар ва яхшилик ҳамда ёмонлик ҳақида хабар берадилар. Сеҳргарлар канун¹ ойида сўгалларни арпа билан сеҳр қилиб йўқотадилар. Фарвардин ойида аёллар қизларга атаб арпани ток сувига ҳўллаб экадилар (?). Агар бошга арпа ёпилса, соч узун бўлади.

Ҳикоят. Эшитишимча, кунлардан бир кун Хусравнинг отаси Хурмуз² арпа экилган дала олдидан ўтиб бораётган экан. Арпазор суғорилаётган бўлиб, тошиб кетган сув йўл устига оқиб чиққан эди. Фарвардин эди. Арпа дони шарофатли, пояси эса қутлуғ деб, у ичиш учун бир кўзага сув тўлдириб олишни буюрди. Арпазордан сизиб чиққан сув чарчоқни камайтиради ва қорин оғриғини тузатади, уни ичган одам кейинги йил арпа пишгунга қадар касалликлардан ҳамда чанқоқ азобидан холи бўлади.

Ҳикоят. Кунлардан бир кун Шамс-ул-мулук Қобус Вушмагирга³ бир одам сарой дарвозасидан яйдоқ от етаклаб кирганини ва уни ўз экинзоримдан тутиб олдим, деганини хабар қилдилар. «Арпазорданми ёки буғдойзорданми?» деб сўради у. У одам «Арпазордан», деб жавоб берди. Шунда Шамс-ул-мулук Қобус Вушмагир от эгасини олиб келишни буюрди ва ундан пишган арпа нархи қимматида жарима ундириб, агар деҳқонлар арпани яхши бўлсин десалар, уни отга шу пайтда берсинлар, аммо биз от эгалари ўзгаларнинг экинзорларига отларни қўйиб юбормасинлар деб, адаб бермоқ учун жарима олдик, чунки арпа пайғамбарлар ва порсоларнинг овқатидир, зеро дин уларнинг ёрдамида қарор топади, яна арпа чорва емидир. Подшоҳлик

¹ Канун биринчи ва канун иккинчи — юнон қомуси бўйича — декабрь ва январь. ² Хурмуз — Хусрав Нўшинравоннинг ўғли ва Хусрав Парвезнинг отаси, 579—590 йилларда подшоҳлик қилган. ³ Шамс-ул-мулук Қобус Вушмагир Табаристоннинг (Каспий денгизининг жанубий қирғоғида) султони, Зайарийлар сулоласидан, бу сулоланинг машҳур намояндаси Шамс-ул-Маъолий Вушмагир бўлган. У (976—1012), — Табаристон султони.

эса шуларнинг ҳаммаси билан барқарор, дея ер эгасига ундирилган жаримани берди.

Ҳикоят. Айтишларича, одам алайҳи-с-салом буғдой еб қўйган ва шунинг учун уни беҳишддан ҳайдаганлар. Изид таоло унга буғдойни овқат деб белгилади, аммо, у буғдойдан қанча емасин, тўймас эди. Шунинг учун у Изид таолодан илтижолар қилди ва у арпа юборди, ундан нон қилиб егач тўйди. Шундан кейин у агар яшил ва янги арпани кўрса яхшиликка йўярди. Шу сабабли Ажам подшоҳлари ҳар йили Наврўзда фойдали ва қутлуғ бўлгани учун арпадан баҳраманд бўлишни истар эдилар¹.

ИСМАЛОҚ

Ҳакимлар сузича, айтай исмалоқ,
Қоринни дамлатмас ундан еган чоқ,
Биринчи ўринда ҳўл совуқ бўлар,
Ўпка, юрак ундан куч-қувват олар.
Бел оғриққа агар сабаб бўлса қон,
Фойдадир, ични ҳам юмшатар ҳар он.
Ҳалқум, ўпка йўли қуриса агар,
Еғ билан ейилса, уни йўқотар.

РАВОЧ

Иккинчи ўринда қуруқ совуқдир,
Ундан сафро учун асло йўл йўқдир.
Ташналикни тандин қувади йироқ,
Кўриш қувватини ўстирар ҳар чоқ.
Улат бўлса, агар ич кетса ҳар он,
Ундан есин дея қилмишлар баён.
Юракка куч берар, қайтни йўқ қилар,
Шарбати телбалар учун берилар.
Сариқ касалига наф қилар ҳар он,
Эски иситма-ю, бўлса хафақон.

ЯЛПИЗ

Иккинчидир қуруқ — иссиқда ялпиз,
Ҳиқичоққа фойда бўлар шубҳасиз,
Ялпиздан ҳосилдир овқатлар ҳазми,

¹ У ш а к и т о б, 28—31- саҳифалар.

Ундан тарқар танда қусишнинг базми.
Мулойим қилувчи сувидир сози,
Меъдага куч берар унинг бир ози.
Қутурган ит тишлаб олгани замон,
Суркалса, фойдадир, бўлмайди зиён . . .»
Хафақон дардига бўлса мубтало
Ҳам сариқ дардига наф қилур аъло¹.

УДУМЛАР, АНЪАНАЛАР ВА РАСМ-РУСМЛАР

Наврўз кунини туғилган боланинг исмини Наврўз қўйишган.

* * *

Наврўз кунини одамлар ота-онаси, яқин кишилари, йигитлар унашилган маҳбубалари билан дийдорлашганлар.

* * *

Орасидан гап қочган одамларни, уришган эр-хотинларни эл оғалари Наврўз кунини яраштириб қўйишган.

* * *

Наврўзда атроф-муҳит орасталанади, ариқ-зовурлар тозаланади, ҳовли-боғлар тартибга келтирилади. Кўчалар, майдонлар, ҳовлилар тозаланади.

* * *

Наврўз дастурхонига 7 хил дарахт шохидан намуна келтириб қўйилади. Улар: мажнунтол, зайтун, беҳи, анор, бодом, писта, ёнғоқдир. Шулар қаторида қатиқ, сут, пишлоқ, тухум, балиқ ва ёниб турган шамлар ҳам қўйилган.

* * *

Наврўз байрамидан икки-уч кун олдин марҳумларни зиёрат қилиш учун қабристонга борадилар. Қим ниҳол, кимдир гул уруғларидан олиб чиқиб, кейин ўзига тегишли қабрни хас-чўп, ўт-ўланлардан тозаласа, уларни экишади. Аёллардан энг кексаси марҳум ҳақиқага дуо ўқигач, йиғи-йўқловлар айтилади.

¹ Ҳакимлар ҳикояти. «Медицина», Тошкент, 1985, 152—180-саҳифалар.

* * *

Наврўз куни подшолар ёшу ялангларга ош берган, эл ичидаги энг муносиб кишиларни тақдирлаган, бандиларнинг гуноҳидан кечган, урушлар тўхтатилган, одамлар бир-бирларининг гуноҳидан кечиби, олам-олам севинч улашган.

* * *

Хоразмликларнинг удумига кўра, қадимда наврўз кирадиган кун арафасида ёшуллилар бир лаълига олма, анор, узум, нок, қовун каби мева-чевалар, шунингдек, носвойгул (райҳон) шохчасини қўйиб, хоннинг ҳузурига бориб:

— Хон ҳазратлари эртага наврўз киради, шуни халққа маълум қилишга ижозат беринг,— дейишган. Хон ижозат бергач, жарчилар: «Наврўз кирди»,— деб элни баҳор байрами кирганлигидан огоҳ этган.

* * *

Наврўз кунлари Хоразмда ерларни чиғир билан сугориш ишлари бошланади. Уша куни чиғирларнинг дистри Ноилож бува ҳақиға қурбонлик ва садақа қилинган.

* * *

Хоразмда баҳор байрами дастурхонига «наврўз гўжа» қўйиш удуми бор. Наврўз гўжа масаллиғи етти хил дондан иборат бўлади: жўхори, буғдой, арпа, та-риқ, гуруч, ловия ва мош.

Наврўз кунлари боғдаги азим ўрик дарахтларига арқон солиб арғимчоқ ясалади. Қиз-жувонлар йиғилишиб, навбатма-навбат арғимчоқ учадилар. Қорақўллик момолар «Наврўз куни арғимчоқ учса, кишининг ағрами (оғирлиги) тўкилади»,— деб ирим қиладилар. Баъзи жойларда эса «наврўзда арғимчоқ учса, бир йиллик гуноҳ тўкилади» деган ишонч сақланган. Аёллар арғимчоқни баландлатиб учишга ҳаракат қилганлар, халқимизда «наврўз куни арғимчоқ учаётганда дарахтнинг энг баланд шоҳидаги эндиғина пурчиган баргчалардан узиб олса саовб бўлади, бундай барг узиб олган киши янги йилда жамики орзуларига эришади», деган гаплар бор.

* * *

Шофирконда зағизғоннинг дарахтадаги инида тухум қўйишига қараб янги йил кирганлиги аниқланган.

* * *

Халқимиз илгарилари «охир чоршанба» маросимини ўтказган. Наврўздан аввалги сўнгги чоршанба куни ўтказиладиган бу маросимда одамлар кўчаларда, дарвозалар олдида олов ёқиб оловдан хатлаганлар.

* * *

Қоракўл ноҳиясининг қишлоқларида наврўзга атаб, махсус ўрик шарбати тайёрланади. Айтишларича, илгарилари уйларга сандал қуриш учун лойсувоқ полдан чуқурча қазилган. Наврўз куни сандаллар чиқарилиб янаги қишгача олиб қўйилган. Сандал учун қазилган чуқурчани кўмиб, унинг устига ўрик шарбати томизилади. Шундан сўнг «қиш бўйи сандалда ўтирганимиз учун оёқ-қўлимиздан, белимиздан, бутун баданимиздан бодни суриб чиқарсин»,— деб ўрик шарбати ичилади.

* * *

Қашқадарёликлар одатига кўра, ёмғир ёғиб ё бўлмаса бошқа сабабдан наврўз кирган кунни тантана қилолмасалар, ўша кунни «кунни бекар» деб атаганлар ва ўша кунни ўтказиб, эртасига байрам қилишган.

Жанубий Тожикистонда яшовчи лақай-ўзбекларнинг удумига кўра, наврўз куни пайдо бўлган камалакка қараб сув сепилади. Шундай қилинса, гўё йил серёғин ва баракали бўлармиш.

* * *

Айрим жойларда янги йил кирганлиги наврўзак ёки кўк тумшуқ тўрғай деган қушнинг учиб келишига қараб аниқланган. Наврўз арафасида кексалар махсус идишларга етти хил дон экиб, уларнинг униб чиқишига қараб, кузда олинадиган ҳосил чўғини чамалаганлар: агар донлар бир текис, беҳато униб чиққан бўлса, бу серҳосил ва баракали йилдан нишона, яккам-дуккам кўқарган майса эса камҳосил куздан дарак беради деб ўйлаганлар.

Наврӯз кунлари қўш оши пиширилган. Қўш-омочлар созланиб, ҳўкизларнинг шохи мойланган.

* * *

Наврӯз куни бўй етган қизлар бир жойга тўпланишиб, чиройли гулчамбарлар ясашади. Булоқдан кўзаларда сув олиб келиб, ичига узук, исирға, танга ташлашган. Кейини қўшиқ, лапарлар остида сувдан чиқазиб олинган нишоналар бахт рамзи деб ҳисобланган.

* * *

Водилликлар наврӯзни «Наврӯз гули»сиз нишонлашмайди. Бу гулни териб келиш учун ёш-яланглар тоққа чиқадилар. Кечга томон қучоқ-қучоқ гул териб қайтадилар. Кўпни кўрган кексалар: «Наврӯз келди, қут-барака келди. Шу кунларга етказганига шукур. Тинчлик омонлик бўлсин, шу яшнатиш фаслига янаги йил, янаги баҳор ҳам эсон-омон тўрт кўз тугал бўлиб етайлик»—деб гулларни ҳидлайдилар.

* * *

Сумалак кўпчилик бўлиб тайёрланади. Қишдан эсон-омон чиқиб олдиқ деб хонадонлардан бир косадан буғдой йиғиб олинади. Айтишларича бир қозондан таом еганлар бир-бирига қариидошдек яқин бўлиб қолишар экан.

* * *

Эгизак фарзандлар улғаяётган оила аъзолари ҳар йил кўкламда сумалак қилиб, болалари соғлиғига худойи қилади.

Айтишларича, ҳафтада бир марта яхшилаб ҳордиқ чиқариб, ойда бир ҳаммомга тушиб, йилда бир марта сумалакка тўйган одам сира касал бўлмас эмиш.

* * *

Тонгга яқин сўмалак қайнаётган қозонни ковлаётган момоларни уйқу элтиб, улар пинакка кетган пайтда осмону фалакдан учиб келган малойикалар қозонга туз ташлаб кетишармиш. Сумалакка туз солинмаслигининг боиси шунда экан.

НАВРЎЗ ЙУҚЛОВИ

(Илгарилари наврўз сайлидан икки-уч кун аввал марҳумларни зиёрат қилиш учун мазорларга бориларди. Ҳар ким ўз яқинларининг мазорини хас-чўплардан тозалар, кексалардан бири марҳумларнинг ҳақиға дуо ўқигач, йиғи-йўқловлар айтилган.

Олмадан отлар қилай,
Баргига хатлар қилай.
Наврўз куну онажонимни
Ултириб ёдлар қилай.

Ўйилсин ерлар, ўйилсин-а,
Уртасидан бўлинсин-а,
Наврўз чоғи онажонгинам
Бойчечак бўлиб кўринсин-а.

Ўсмалар экким келади-ё,
Баргини тергим келади-ё,
Бугун Наврўз, меҳрибонимни
Биргина кўргим келади-ё¹.

ИЧКИЛИКНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

ШАРОБ ИЧМАК ЗИКРИДА

Эй фарзанд, билғилки сенга шароб ич деб айтмасман, аммо ичма деб ҳам айтмасман, негаки ёш йигитлар қари кишининг сўзи била йигитлик вақтининг ишларин тарк этмаслар. Менга ҳам йигитлигимда кўп панд бердилар, мен ҳам қабул қилмадим, аммо эллик ёшимдан сўнг тавба-товфиқни қабул этдим.

Эй фарзанд, агар шароб ичмасанг икки жаҳон фойдасини топғунгдур: ҳақ таолонинг хушнудлиғин ҳосил қилғунгдир ва халқнинг маломатидин қутулғунгдур, мен ҳам сени ўзимга ниҳоятсиз дўст тутғундур. Лекин сен ёш йигитдурсан, ҳарифлар (улфатлар) сенга шароб ичирмай қўймас, мен буни аниқ билурман. Шундай бўлғоч гарчи бир ҳол била шароб ичар бўлсанг ичмак расмин билғил, нединким агар билмай ич-

¹ Наврўз. Наврўз билан боғлиқ қўшиқлар, афсоналар, одатлар ва ғримлар. «Фан», Тошкент, 1992, 31-саҳифа.

санг заҳардур, уни билиб ичанг позаҳардур. Ҳақиқатдан ҳам агар ҳар таом ва шаробни исроф била есанг ё ичанг заҳардур. Бу жиҳатдин дебдурларким, агар кўп ичилмаса ва андозасидин чиқилмаса, заҳар позаҳардур.

Таомнинг изидан агар ташна бўлсанг уч мартаба шароб ичғил ва агар ташна бўлмасанг, уч соат миқдор таваққуф¹ қил, нединким агар меъда қавий² ва яхши бўлса, таомни ҳар қанча кўп ва исроф била есанг ҳам ҳазм қилур. Шундоқки, меъда уч соатда таомнинг қувватин олур ва жигарга еткарур, жигар эса уни барча ажсод³ га тақсим қилур, нединким жигар тақсим қилғувчидир. Сўнггида неки ортиб қолса, барин ичакка йўллар. Саккиз соатда меъда таомдин батамом холи бўлур. Агар меъданинг бу миқдор қуввати бўлмаса, у меъда эрмасдур, қовоқдур. Шунинг учун деб эрдиким, таом егандин уч соатдан сўнг набиз⁴ ичғил. Бу жиҳатдин дедимки, то меъдада таом пишиб (ҳазм бўлиб), танангнинг тўрт таъби⁵ ундин ўзларининг насибин олсинлар. Ундин сўнг набиз ичғил, то ҳам шаробдин ва ҳам таомдин баҳра олғайсан. Аммо шароб ичмакни намози дигарда ибтидо қил, то сен маст бўлгунча оқшом бўлғай ва халойиқ мастлигингни кўрмағай. Мастликдин сақлан, яъни йиқилмағилки, йиқилиш ёмон бўлур. Шароб ичмак учун боққа ва саҳрога кўп бормағул. Агар борсанг, то уйга қайтиб келгунингча маст бўлмағил ва мастликни уйингда қилғил. Уй ичида қилғон ишни ташқарида қилиб бўлмағусидур, нединким уй ичининг яширин ҳолати дарахт соясидин пўшидароқдур⁶, нединким киши ўз уйида подшоҳ бўлса ҳам, дашт фазосида⁷ ғарибдур. Агар мунъим⁸ ва муҳташам кишилар ҳам ғурбатга⁹ тушсалар, маълумдурки, қўли қисқа бўлур ва ҳеч нарсага қудрати стмас.

Набиз ичғил, аммо икки коса ва уч коса ичмағил. Иштаҳа бор вақтида ичмағил. Луқмаларни кўп емакдин, қадаҳларни кўп ичмакдин парҳез қилғил, нединким ҳар шароб ичишда тўймоқ ва маст бўлмоқ муносиб эрмасдур. Бир ютум шаробни камроқ ичғил, бир луқма таомни камроқ егил. Демак, таом луқмасин кам-

¹ Таваққуф — тўхташ. ² Қавий — кучли, қувватли. ³ Ажсод — жисмлар. ⁴ Набиз — хурмо ёки узумдан қилинган май. ⁵ Таъби — таркиби. ⁶ Пўшида — яширин, маҳфий. ⁷ Фазо — очиқ ер, майдон, кенглик. ⁸ Мунъим — неъмат берувчи, ризқ берувчи. ⁹ Ғурбат — ғариблик, кимсасизлик, мусофирлик.

роқ егил, шароб косасин камроқ ичгил, токи иккисин ҳам зараридин қутулгайсан.

Шаробхўрларнинг ҳосили икки нарсадур: ё беморлик ё девоналик. Неднким шаробхўр ё маст бўлур ё махмур. Агар маст бўлса, девоналар жумласидин бўлур ва агар махмур бўлса, беморлар зумрасидин бўлур, неднким хумор¹ беморликнинг бир навъидур. Демак ундоқ ишга мойил бўлмоқ нолозимдур, чунки унинг ҳосили ё беморлик, ё девоналикдур.

Эй фарзанд, билурманким, сен бу сўзлар била шароб ичмакдин воз кечмассан. Аммо қила олсанг сабуҳий² ичмакни одат қилмагил ва агар иттифоқо сабуҳий ичсанг вақти била ичким, хушмандлар сабуҳийни ёмон дебдурлар. Сабуҳийнинг дастлабки шумлиғи улдурки эрта тонг намози фавт бўлур, яна кечагининг бухори³ думоғдин ҳануз кетмасдни буруи кундузнинг бухори унинг устига юкланур ва молихулё⁴ иллоти шундин ҳосил бўлур. Чунки икки муфсиднинг⁵ фасоди бир муфсиднинг фасодидин кўпроқ бўлур. Яна шулким, ҳар вақт халқ уйқуға борса, сен ночор бедор бўлурсан, халқ бедор бўлғанда сен уйқуда бўлурсан. Кундуз ухлаб, оқшом уйғоқ бўлсанг сўнгги кун барча аъзонг хаста бўлур. Бундоғ улуғ гуноҳни қилиб, сўнгра пущаймонлиғ чекарсан.

Эй фарзанд, агар набиз ичмакни тарк эта олмасанг, жума кечаси ичмасликни одат қил. Ва яна жума кечаси ичмасанг бир ҳафта ичмакдин кўнглинг совур, дунёда некномлиғ ҳосил бўлур. Бир ҳафта шароб ичмакдин хоригон думоғинг, томирларинг, кўзинг, ақлинг нафасинг ва руҳинг шул бир кечада осойиш топар ва осудалиғ ҳосил бўлур. Яна молингға тавфир⁶ бўлур ва халқ сен ҳақинда яхши сўзин айтурлар. Демак, бундоғ фойдали ишни одат қилмоқ керакдур⁷.

Ҳикоят

Бир маст уйдан чиқиб кўчанинг ўртасида ҳамма ёққа қайт қилиб учиб қолди. Бир ит келиб лаб-даҳанини ялай бошлади. Биров мени тозалаб қўйяпти ше-

¹ Хумор — ичкиликдан кейин бош оғриғи. ² Сабуҳий — тонг пайтидаги ичкилик. ³ Бухори — буғ туман, пар. ⁴ Молихулё — савдойилик касали, бир хил руҳий касал. ⁵ Муфсид — зарарли, фасодчи, бузувчи. ⁶ Тавфир — кўпайиш, орттириш, фойда. ⁷ Кайковус Унсурулмаолий. Қобуснома. «Ўқитувчи», Тошкент, 1986, 55—57-саҳифалар.

килли деб ўйлаган маст эса пичирлаб уни дуо қилар эди.

— Худо сенинг фарзандларингни ҳам сенга шундай меҳрибон қилсин.

Бирдан ит оёғини кўтариб унинг башарасига сийиб юборган эди, у:— У, баракалла, эй оға, юзимни ювишга иссиқ сув ҳам келтирибсан,— деди.

*Шаробни то ҳушдан кетгунча ичиб,
Мўйлабларинг ифлос этсанг беҳаё,
Бу нопок мўйлабни кучуклар келиб,
Сийдик билан ювса сенга шу раво,*

Мутоиба

Бағдод қозиси пиёдалаб Жоме майдонига йўл олган эди, олдидан бир маст чиқиб, уни таниб қолиб:

— Худо зиёда қилсин, эй қози, пиёда юриш сенга келишмайди,— деди ва елкасига қозини миндиrolмаса «хотини талоқ» бўлиши ҳақида қасам ичиб юборди.

— Олдимга кел, эй малъун,— деди қози ва унинг гарданига минди. Маст бўлса унга бошини ўгириб:

— Амр эт, тез олиб борайми, секинроқми?— деди.

— Урта меъёрда,— деди қози,— фақат гандираклама, йиқилма, бошқаларга халақит берма, девор тагидан юр.

— Боракаллоҳ, эй қози,— деди маст,— сен суворилик қоидасини яхши билар экансан.

Қозини мачитга етказиб борганда, қози уни зиндон қилишни буюрди.

Худо тўғри йўлга солсин сени, эй қози,— деди маст,— сени пиёдалик шармандалигидан қутқариб, ўзи от бўлган ва иззат билан мачитга етказиб келган кишининг сазоси шуми?

Қози кулиб, уни қўйиб юборишга фармои берди.

*Эй ҳаким, йўл устидан маст чиқса жанжал ахтариб,
Эҳтиёткорлик билан топгил мувофиқ йўлини.
Наздида оқиллар обрўси мисоли қилчадир,
Жаҳл ила уздирмагил у мастга обрў қилини¹.*

¹ Абдураҳмон Жомий. Баҳористон. Танланган асарлар. Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1971. 330—331-саҳифалар.

МАЙХОНА КИШИЛАРИ ТУҒРИСИДА

Май ичмоқ билан вақт ўтказган шаробхўр олифтанинг бошида пуфакчадек май ҳавоси, бош қўяр ери май идиши каби қадаҳ қошида. Майхонанинг ҳар қарерида базм кўрса, ичимлик ташиш баҳонаси билан ўзини у ерга етказида. Номус салласини ўз бошидан олади, бир қултум учун ичкилик сотувчининг оёғига солади. Уй-жойсизлиги майхонага йўрта беришдандир, бош-оёқсизлиги май идишга ёпишганликдандир. Еқаси май ичар шўхлар қўлидан чок; кўнгли ҳам улар ишқи ханжаридан тилик. Майхонада қиладиган иши май гадойлиги, қўлида эса майхонанинг синиқ сополи. Оёғи расволик кўйида, боши ҳам: бадмастлар зўравонлигидан пешоиси чақа, қоши ҳам. Ўз шахсий мавжудлигини ерга уриш учун, мажлисларда энг қўйдан жой олади. Бошига салла кўтариш меҳнатини ортмайди, бўйнига чодир (ридо). ўраш миннатини тортмайди. Нафси агар-чи тупроқ билан тенг бўлса-да, ҳиммати олдида эса осмон паст тушади. Замон қайғуларидан кўнгли ғамсиз, фалак ҳодисаларидан хотири аламсиз. Мавжудлик ва йўқликдан асло қўрқуви йўқ. Май идишидек аччиқ йиғлашдан унга шодлик келади, қадаҳга қўйилган майдек пастга тушишдан хурсанд бўлади.

Муғ ичкиликхонасида бир дам ўзига келмайди, дунё яхшилик-ёмонлигига кўз солмайди. Замон яхши-ёмони билан иши йўқ; деса бўладики, оламда бундай киши йўқ. Дунё кишилари зулмидан бундай кун кечиришга ҳақлидир, халқнинг афв ва марҳаматига лойиқдир¹

Танбиҳ

Май ичиш тангри сўзи билан манъ қилинган, ҳар ҳолда тарк қилиш яхшидир. Ошкора ва кўп ичиш тўғри эмас, шарти махфий ва оз ичмоқдир. Оз ичиш ҳикматга мувофиқ, махфий ичиш эслилар хислатидир. Соғлом кишиларга яхши ичиш жўшқинлик беради, мутлақо ичиш соғлиққа ниҳоя.

У «ярамасликлар онаси»дир, унга берилишга ҳам «ярамасликлар онаси» бўлиши боисидир. Ёмонроқ ичувчи унга мағлуброқ, ҳар қанча ёмонлиги кўринса унинг қошида севимлироқ. Бадмаст учун дам-бадам ичишдан қандай баҳра борки, одамликни ўлдириш учун қадаҳ-қадаҳ заҳар ичади. Бир қултум май мастлари-

¹ Алишер Навоий, 13- том, Тошкент, 1966. 202—203- саҳифалар.

дан тартибсиз ашула,— телба итлар улушганидан нишона¹.

*
* * *

Олим, фозил Ризоуддин ибн Фахриддин айтади:

— Хотини ва болалари бор одам қадаҳга қуйилган ичкиликни қўлига кўтарса, нима сўзларни сўзлай олади? Тили сўзамаса ҳам дили ушбу сўзларни айтарди: «Эй азиз оилам, сизларга қолдириб кетадиган давлатим йўқ, дунёда нима топган бўлсам, ушбу шиша билан қадаҳ ҳаммасини битирди».

Одам боласи ақлли, ғайратли бўлиб дунёга келади, лекин унинг ақлини, ғайрат ва ижтиҳодини ичкилик битиради. Дунёда ҳар нарсани аксинча кўрсатиб турувчи нарса ичкиликдир. Яхшини ёмон, ёмонни яхши, каттани кичик, кичикни катта, озни кўп, кўпни оз кўрсатувчи ичкиликдир. Бир кишига ичкилик қадаҳини берувчи одам у бечоранинг виждонини ва бир онланинг умидини ўлдириб, энг буюк жиноят қилган бўлади.

Ичкилик зарари отадан болага юқади, яъни боланинг тани ёки ақли кучсиз бўлади. Ичкилик ичувчи одам кишига ишонмайди, бирор ишга қарор бера олмайди, ирода ва нияти бутунлай тўхтайтиди.

Оналар етти ёш билан ўн етти ёш орасида бўлган болаларнинг кўз олдиларида бир хил ҳолда бўлган мастларнинг расмларини қўйиб туришлари керак. Болалар мастларнинг ирганчли ҳолларини, қиёфаларини кўриб қўрқадилар, мастлик болаларга душман бўлиб туюлади. Бунинг фойдаси тажриба этилгандир. Болалар ҳузурида мастларга ачиниб сўзлаш, уларнинг оилалари бошларига тушган қайғу-аламларни сўзлаш лозимдир. Оналарнинг бундай сўзларидан болалар жуда зўр таъсирланадилар.

Ичкилик инсоннинг саломатлигини битирувчи заҳардир, бунинг зарарларини болаларга яхшилаб тушунтириш ота-оналарнинг бирдан-бир муҳим вазифаларидир².

¹ У ш а к и т о б, 229-саҳифа.

² Оз-оз ўрганиб доно бўлур. Донишмандлар бисотидан ҳикоятлар, ўғитлар, ҳикматлар. Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1988, 57—58-саҳифалар.

ОИЛА ВА ЭР-ХОТИН ОДОБИ

ҲИКОЯТ

Дамашқдаги дўстларимнинг суҳбати жонимга тегиб, шаҳардан бош олиб Қуддуси шариф биёбонига жўнадим-да, ҳайвоилар билан улфатлашиб, то фаранглар қўлига асир тушгунимча ўша ерда яшадим. Мени яҳудийлар билан бирга қўшиб Тароблис хандақини қазишга олиб бориб ишлатдилар. Ҳалаблик сардорлардан бири мен билан ошна эди, ёнимиздан ўта туриб, мени таниб қолди-да, хитоб қилди: «Ие, бу қандай ҳол?» Мен унга: «Нима ҳам дейман?» деб жавоб бердим.

*Одамлардан қочиб тоғу тош кетдим,
Худо деб узилдим инсонлар билан.
Бу соат ҳолимни ўзинг қиёс эт,
Ҳозир оғилдаман оғ-фиғонлар билан.*

Ётлар билан биргалашиб кезгандан кўра гулшан, Дўстлар ичра майли эди бўлса оёқда кишан. Аҳволимга ачиниб, ўн динор тўлаб, асирликдан халос этди ва ўзи билан Ҳалабга олиб кетди. У ерда юз динорлик қалин пули билан қизини менга никоҳлаб берди. Орадан сал вақт ўтгач билсам, қизи бадфеъл, шаллақи ва ўжар экан, тилини заҳар қилиб, жонимдан безор эта бошлади:

*Яхши эркак уйдаги ёмон хотин, мисоли —
Бу дунёда эркак учун жаҳаннамнинг тимсоли.
Ёмон хотин суҳбатидан қочиб, қидир паноҳи,
Жаҳаннамнинг оловидан ўзинг сақла, илоҳий.*

Охир бир кун башарамга тик боқиб, таъна-маломатлар билан деди: «Сен, отам ўн динор баробарига фаранглардан халос этган одам эмасмисан. Мен жавоб бердим: «Ҳа, отанг ўн динор баробарига фаранглардан озод этиб, юз динор баробарига чангалингга топширган одам мен бўламан!»

*Эшитдим бир сипоҳ кунлардан бир кун
Бўри чангалидан қутқарди қўйни.
Оқшом қўй бўғзига пичоқ ишқади,
Шунда қўй ялиниб унга йиғлади:*

*«Аввали бўридан қутқарган сенсан,
Билсам, ўша бўри ўзинг экансан»¹.*

УЙЛАНИШ ВА ХОТИНЛАР ТУҒРИСИДА

Аммо унинг (оиланинг) кайфиятида фарқлар бордир: эр билан хотин бир-бирига мос тушса, ўртада бойлик ва саранжомлик бўлур. Уй беазаги ундан ва уйланганинг тинчиши ундан.

Ҳусни бўлса, кўнгилга ёқимли бўлур, яхшилиғи бўлса жон озиғидир. Ақлли бўлса, турмуш интизомли ва рўзғор керак-яроғи тартибли ва саранжомли бўлади.

Киши бу хилдаги жуфтга эришса, балки бундай бахт қўлга тушса яширин ғам ва кулфатда сирдош ва ҳамдаминг бўлур, махфий ва яширин дард ва машаққатда ҳамнафас ва маҳраминг бўлур. Турмушдан ҳар жафо этса, ҳасратдошинг ул, ва айланувчи осмондан ҳар бало келса кўмакдошинг ул. Кўнглинг ғамидан у ғам чекади, баданинг заифлиги ва ҳорғинлигидан у қийналади... Носоз жуфт уй учун ҳам очиқ ва яширин қўрқинчли касалликдир. Уятсиз бўлса, кўнгил ундан озорланади, ярамас бўлса руҳ ундан азоб тортади. Тили ёмон бўлса кувёнинг кўнгли яраланади, ёмон ишлик бўлса эрга юз қоралик келади. Майхўр бўлса, уй ободлиги йўқолади ва бузуқи бўлса, уй ичи расвогарликка айланади².

ЭРУ ХОТИН ОДОБЛАРИ БАЁНИДАДУР ТУРТ ФАСЛ БИРЛА

Фасли аввал — эр хотуннинг борасига қиладурғон адаблари баёнидаки ўн адабдур.

Адаби аввал — бир кимарса хотун олмоқчи бўлса солиҳа хотунни олғай. Имом Шофийий ... мазҳабларида никоҳдан илгари хотунни бир назар кўрмоқлик мустаҳабдур. Ва яна бикр (эр кўрмаган) бўлғай. Ва яна тўрт нимарсада хотун эрдин паст бўлғай ва тўрт нимарсада эрдин баланд. Умрда ва қоматда ва молда ва насабда паст бўлғай. Аммо жамолда ва ҳусни хулқда ва адабда ва иффатда баланд бўлғай.

Иккинчи адаб — улки, олти турли хотинни олмағай.

¹ *Саъдий*. Гулистон. Ғафур Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1968, 80—81-саҳифалар. ² *Алишер Навоий*, 13-том, Тошкент, 1966, 201-саҳифа.

Аввал — ақима, яъни бача (бола) туғмайдурғон, **иккинчи** — ҳоннона, яъни сўнгги эрини молини барбод бергувчи бўлса илгари(ги) эрининг фарзандларига ва яна ўз хешларига. **Учунчи** — маннона, яъни миннат қилгувчи хотун ўз мулку жоҳ ва насаби бирла эрига ҳамиша. **Тўртинчи** — аннона, яъни нола ва фарёд қилгувчи хотин илгариги эридан кўрган роҳатларининг фавти (йўқолгани)га. **Бешинчи** — каййат ал-қафо, яъни ул хотунеки, анинг нопоклик ва ёмон сийрати (юриштириши) жиҳатидин ҳар ким анинг (ўзини) ва эрининг орқасидан сўзлагувчи бўлсалар. **Олтинчи** — ҳузро ад-диман, яъни хотунеки, зоҳирда тару тоза ва хушманзарадур, аммо асли нопок бўлса. Андоғ хотун ғолибан бадхў (ёмон одатли) бадфеъл бўлғай. Ҳузро ад-диман-сабзаеки, тўда тезакни устига чиққанни айтурлар.

Учунчи — эр хотинга яхши зиндағони (муомала) қилғай. Юзини очиқ тутғай. Ва беҳуда ғазаб қилмағайки, мурувват ва футувват (олижаноблик) муқтазоси ушбурдир. . .

Тўртинчи, хотуни жафосига сабр қилғай ва агарчи хотун тунд (тезлик) ва дурушгўйлик (қўполлик) қилса ҳам эр анинг борасиға рифқу мадуро (келишув) ва ҳикмату мавосо (ёрдам) бирла муомала қилғай. . .

Бешинчи, нафақанинг аёл ва атбоиъ (тобеларига) васиғ (бемалол) ва кенг тутқай ҳалол молидин. Ва агар баногоҳ зарурат жиҳатидин нафақа ва кисват (кийим) ҳосил қилмоқда шубҳадор молға гирифтор ва мубтало бўлса, ҳалол молни тамға ва шубҳадорни либосға сарф қилғай.

Олтинчи, камоли ҳусни хулқ ва мулоимати табъ бирла хотунни кўп ҳавойи нафсиға тобе бўлмағай. . .

Еттинчи, аҳли аёл борасида ғаюр (ғайратли) бўлғай. Ва шарти ғайрат улдулки, номаҳрамнинг ҳарамига кирмоқинга рози бўлмағай. . .

Саккизинчи, хотун такаббурлик қиладурғон бўлса ё эрни тоқати йўқ нимарсага таклиф этса анга таъдиб (адаб) берғай. Таъдиб улдулки, аввал насиҳат қилғай. Ва агар фойда қилмаса бир ойгача фирошиға (ёнида кўрпасига) ётмағай. . . Ҳар вақтки салоҳ (тузалиш)га келса, журмини (гуноҳини) афв қилиб, яна илгаригидек шафқат ва марҳамат бирла бўлғай. . .

Иккинчи фасл — хотуннинг эр борасиға қиладурғон адаблари баёнидаки, етти адабдур.

Адаби аввал — хотун эридин изнсиз ҳеч жойға бор-

мағай. Ва ҳеч нимарсани уйға келтирмағай. Ва эрини молини беизн сарф қилмағай.

Иккинчи, уйда ул хизматларики, хотунларға тааллуқи бордур ани хотун интизом (адо) қилғай.

Учунчи, эри шод бўлса шод, ғамгин бўлса ғамгин бўлғай.

Тўртинчи, эрни топқониға қаноат қилғай...

Олтинчи, эриға мувофиқатчилик қилғай...

Еттинчи, эри ўлса мотам тутғай¹.

СУХАНДОНЛИК ВА СУҲБАТЛАШИШ ОДОБИ,

СУХАНДОНЛИК БИЛА БАЛАНД МАРТАБАЛИ БЎЛМОҚ ЗИКРИДА

Киши сухандон, сухангўй (нотиқ) бўлиши керак. Аммо, эй фарзанд, сен сухангўй бўлғил ва лекин дуруғгўй (ёлғончи) бўлмағил. Ростгўйликда ўзинг шуҳрат қозонғил, токим бирор вақт зарурат юзидин ёлғон сўз десанг қабул қилғайлар. Ҳар сўз десанг ҳам рост дегил ва лекин ёлғонга ўхшағон ростни демағилким, ростга ўхшаган дуруғ дуруғга ўхшағон ростдин яхшидур, нединким ул дуруғ мақбул бўлур, аммо ул рост мақбул бўлмас. Демак, номақбул ростни айтишдин парҳез қил, токи менинг била Абу Сувор Шопур бинни Абу ал-Фазлнинг орасидағи воқеа сенинг бошингда содир бўлмасин.

Ҳикоят. Билғил, мен амиралмўминин замонида бир йил ҳаждан қайтиб келиб, Ганжада қарор тутдим. Ҳиндистонга кўп ғазот қилмиш эрдим, Румга ҳам юриш қилмоқни ўйлардим. Абу Сувор Ганжада улуғ подшоҳ эрди. Бир кун мени кўруб кўп ҳурмат қилди ва менинг била сўзлашмоқ мақсадида ҳар турли сўз сўрар ва мендин маъқул жавоб эшитар эрди. Менинг сўзларим унга маъқул тушуб, кўп карамлар қилиб, менга кўнгул қўйди. Мен ҳам унинг эҳсонларин кўриб, унга кўнгул қўйдим. Шул сабаб била бир неча йил Ганжада муқим бўлдим ва ҳамиша подшоҳнинг мажлисида ҳозир эрдим. Подшоҳ мендин ҳар турли сўзларни сўрар

¹ Муҳаммад Содиқ Кошғарий. Одоб ас-солиҳин (Яхши кишилар одоби) «Шарқ юлдузи». 1990, 5- сон, 94—95- саҳифалар.

эрди. Бир кун сўз орасиға менинг вилоятим тушди ва мендин Гургон қишлоғи ҳолидин сўради. Вилоятларнинг ажойиб-ғаройибларидин сўз очилди. Сўз асносинда мен дедим: «Гургонда Сиёваск деғон бир кент бордур ва унинг бир чашма суви бордурким, ул кентдин узоқроқдур. Хотинлар жам бўлуб, ҳар бири бир кўза кўтариб, ул чашмага бориб сув олурлар ва кўзани бошларига кўтариб, барчаси ҳамроҳ бўлиб уйларига қайтадилар. Уларнинг орасида бир хотин кўза кўтармай, барчадин илгари юруб, йўлига эҳтиёт бўлуб, назар ташлаб боради. Нединким ул ерларда бир кўк қурт бордур. Уни сизак дерлар. Агар ул қуртдин бирини топсалар, йўлдин олиб, йироққа ташлайдурлар, токим хотинлар ул қуртни билмай босиб ўлдурмасунлар. Агар сув кўтарғон хотинлардин бири қуртни босиб ўлдурса, бошига кўтарғон кўзадаги сув сасиб, бадбўй бўлиб кетади. Шундан кейин аввал сувни тўкиш, кўзани ювиш керак бўлади ва кўзани тозалағон хотин қайтиб бориб чашмадин сув олади.

Мен бу сўзни дедим, аммо амир Абу Сувор туршрўй (бадбуруш, қовоғи солиқ) бўлуб, мендин юз ўгурди ва бир неча кун менга бурунғидек (аввалгидек) мулоқот ва илтифот қилмади.

Бир кун Фирузон Дайлимий бу аҳволни менга айтди: «Амир сендин гина қилиб деди: «Фалон киши бағоят донодур, аммо ёш ўғлонларға айтгудек ёлғон сўзни менга айтадур. Унингдек кишидан менингдек подшонинг олдида бунингдек дуруғ сўзни айтмоқ муносиб эмасдур».

Мен бу сўзни эшитғондин сўнг дарҳол Ганжадан Гургонга бир киши юбориб, уламонинг шаҳодати била бир гувоҳ хат талаб қилдим. Гургоннинг барча уламо, қозилари бу кентнинг, қуртнинг ҳоли ва қиссаси ростлиғи ҳақида гувоҳ бўлишиб, бу бобда бир хат ёзиб юбордилар.

Бу хат тўрт ой муддатида менга етиб келди. Мен уни подшоҳга кўргуздим. Подшоҳ уни ўқиди ва табасум қилиб деди: «Мен худ¹ таҳқиқ² билурманким, сенингдек кишидин ёлғон сўз зоҳир бўлмағусидур, хусусан, менингдек подшоҳнинг олдида... Аммо тўрт ой муддатида икки юз одил кишининг гувоҳлиғи била бир рост

¹ *Худ* — ўз, ўзим. ² *Таҳқиқ* — бирор нарсанинг ҳақиқатини излаш, текшириб кўриш.

сўзни айтмоқ муносиб эмасдур. Бунингдек сўзлар аввал исбот этилғай, ундин сўнг ул сўзни қабул этғайлар».

Эй фарзанд, билғилки, сўз тўрт нав бўлур, ундоқ-ким халойиқ тўрт нав бўлғондек. Бири улким, билур ва билғонин ҳам билур. Ул олимдур, унга тобе бўлмоқ керакдур. Бири улдурким, билмас ва билмағонин билур, ул қобилдур, унга ўргатмоқ керак. Бири улдурким, билур ва билғонин билмас, ул уйқудадур, уни бедор қилмоқ керакдур. Бири улдурким, билмас ва билмағонин ҳам билмас, у жоҳилдур, ундин қочмоқ керакдур. Аммо деб эрдимки, сўз ҳам тўрт навъдур: бири, билинмайтурғон ва айтилмайтурғон; иккиланчи, айтилатурғон ва билинатурғон; учлончи, ҳам билинатурғон ва ҳам билишга заруратсиз, аммо айтса бўлатурғон; тўрталончи, билинатурғон ва айтилматурғон. Аммо айтилмайтурғон ва билинмайтурғон ундоқ сўздурки. дунёнинг салохи унга боғлиқдир. Ул сўздин айтувчига ҳам, эшитувчига ҳам кўп наф етар. Аммо билинатурғон, бироқ айтилмайтурғон ундоқ сўздурким, бир муҳташам одамнинг айби сенга маълум бўлур. Лекин ақл тариқидин хаёлга келсанг, уни айтмоқ бешармлиқдур. Чунки айтсанг ул муҳташамнинг қаҳри, ё ул дўстнинг озори сенда ҳосил булур ёхуд ўз бошинга улуғ шўриш ва ғавғо пайдо қилурсан. Шул важдин ҳам бул сўз билинатурғон, аммо айтилмайтурғон сўздур. Бу сўзларнинг яхшироғи ҳам билинатурғон ва ҳам айтилатурғон сўздур.

Бу тўрт нав сўзнинг икки юзи бордур. Бири хўб ва бири зишт. Ҳар сўзни халойиққа зоҳир қилсанг, яхши юз била зоҳир қил, токи мақбул бўлсун ва халойиқ сенинг сўз била баланд мартабага эғалиғингни билсунлар. Нединким кишининг мартабасини сўзи била билурлар, аммо сўзнинг мартабасини киши била билмаслар, чунки ҳар кишининг аҳволи ўз сўзининг остида пинҳондур, яъни бир сўзни бир иборат била айтса бўлур, эшитғон кишининг эса кўнгли ундин тира¹ бўлғай ва яна ўшал сўзни бир иборат била айтса бўлурким, эшитғон кишининг жони ундин роҳатда бўлғай.

Ҳикоят. Ундоқ эшитдимки, бир кеча Хорун-ар Рашид бир туш кўрдиким, оғзидин барча тишлари тўкулмиш. Эрта тонг туриб бир муаббирни² чақириб сўрди-

¹ *Тира* — қоронғи.

² *Муаббир* — тушни таъбир қилувчи.

ким, «Бу тушнинг таъбири недур?» Муаббир деди: «Эй амиралмўминин, сенинг олдингда барча хеш, ақрабо ва қариндошларинг ўлгусидур. Андоғким, сендин ўзга ҳеч киши қолмағувсидир». Бу сўзни эшитгон Хорун-ар Рашид: «Менинг юзимга бундоқ дардлиғ ва андуҳлиғ сўзни айтдинг. Менинг барча қариндошларим ўлсалар, сўнгра мен қандоғ ишга ярарман ва на янглиғ рўзгор сурарман?»— деди ва унга юз таёқ урмоқ буюрди. Сўнг бошқа бир муаббирни чақириб, тушин унга таҳрир¹ қилди. Муаббир деди: «Эй амиралмўминин, сенинг умринг барча ақраболаринг умридин узоқ бўлур». Хорун-ар Рашид деди: «Барча ақлнинг йўли бирдур ва икковининг негизи бир ерга борур, аммо бу иборат била ул иборатнинг орасида фарқ бағоят кўпдур». Буюрди, сўнгни муаббирга юз тилло бердилар.

Эй фарзанд, сўзнинг юзин ва орқасин билғил ва уларга риоя қилғил, ҳар на сўз десанг юзи била дегил, то сухангўй бўлғайсан. Ахир сўз айтиб, сўзнинг нечук эканини билмасанг қушга ўхшарсанки, унга тўти дерлар, ул доим сўзлар, аммо сўзнинг маъносин билмас.

Сухангўй шул киши бўлғайки, ул ҳар сўзни деса, халққа маъқул бўлғай ва халқ ҳам ҳар сўз деса унга маъқул бўлғай. Бундай кишилар оқиллар қаторига кирғай, йўқ эрса ул инсон суратида мавжуд бўлгон бир ҳайвондур.

Сўзни бағоят улуғ билғил, сўз осмондин келмас ва ул хор нарса эмасдур. Қай бир сўзники билсанг жойин ўткармай айтғил, вақтни зое қилмағил, йўқ эрса донишга ситама қилгон бўлғайсан. Ҳар сўз десанг рост деғил ва бамаъниликни даъво қилувчи бўлмағил.

Билмагон илмдин дам урмағил ва ундин нон талаб қилмағил. Ҳар на матлубинг бўлса билгон илм ва ҳунардин ҳосил бўлур. Билмагон ҳунар даъвосидин ҳеч нарса ҳосил бўлмас, фақат беҳуда заҳмат чекарсан.

Ҳикоят. Бундоғ айтурларки, Ануширавон Одилнинг замонида бир хотин Абузуржмеҳрнинг олдига келиб, ундин бир савол сўрди. Абузуржмеҳр ул саволни билмамиш эрди ва хотинга қараб деди: «Эй хотин, ул сўзни сен сўрорсан, уни билмасман». Ул хотин деди: «Сен бугина сўзники билмассан, подшоҳнинг неъматин нечун ерсан?» Абузуржмеҳр деди: «Билгон сўз учун ерман, аммо билмагон сўз учун эмасман. Ҳар сўзники бил-

Таҳрир — мақсадни оғзаки англитиш.

масман, подшоҳ менга ул сўз учун ҳеч нарса бермас ва ҳарна берса билғон сўзим учун берур».

Аmmo, эй фарзанд, ҳеч кишининг олдида ифрот¹ қилмағил ва ифротни шумлиқ деб билғил. Ҳар ишда миёна (ўртача) бўлғил, сўз айтмоқда ва иш қилмоқда... сангин² бўлғил. Розингни³ ўзингдин ўзга кишига айтмағил, агар айтсанг сўнгра уни роз демағил.

Халойиқнинг орасида бир кишининг қулоғига сўз айтиш яхши эмасдур. Агар бу сўз гарчанд яхши бўлса ҳам, ташқарисиндан уни ёмон сўз деб гумон қиладилар ва кўп одамлар бир-бирларидан даргумон бўладилар. Гар сўз демоқчи бўлсанг шундай сўз дегилки, сўзингнинг ростлиғига гувоҳлик берсинлар. Агар ўзингни зўрлик била айбдор қилмоқ тиламасанг, бирор нарсага гувоҳ бўлмағил ва агар гувоҳ бўлсанг гувоҳлик берар вақтда ихтироз⁴ бўлғил. Агар гувоҳлик берсанг, майл била бермағил.

Ҳар сўзни андиша била бошлағил, токи айтғон сўзингдин пушаймон бўлмағайсан.

Андишани илгари тутмоқ ҳам бир нав кароматдур. Ҳеч сўзни эшитишдан дилтанг бўлмағил. Ул сўз ишинга хоҳ ярасун, хоҳ ярамасун, уни эшитғил, то юзингга сўз эшиги бекланмасун ва фойдаси фавт⁵ бўлмасин.

Совуқ сўзлик бўлмағил. Совуқ сўз бир тухумдур, ундин душманлик ҳосил бўлур.

Агар ҳар қанча доно бўлсанг ҳам ўзингни нодон тутғил, токи сенга ҳунар ўргатиш эшиги ҳамиша очиқ бўлғай. Гар сўзни ва ҳунарни яхши билсанг ҳам ҳеч бир сўзни синдирмағил, тўғри таъриф қилғил ва уни бир рангда айтғил: хосга хос сўз, омийга омий сўз дегил, токи у ҳикматга мувофиқ бўлсун ва эшитғон кишига оғир келмасин, йўқса сўзингни далил ҳужжат била ҳам эшитмағайлар. Ундин сўнг уларнинг ризосига қараб сўзлағил, то саломат бўлғайсан.

Эй фарзанд, агар ҳар нечаким суҳандон бўлсанг, ўзингни билғондан камроқ тутғил, то сўзлаш вақтида нодон ва бебурд бўлиб қолмағайсан. Кўп билиб, оз сўзлағил ва кам билиб кўп сўзламағил. Нима учунки, ақлсиз шундоғ киши бўладур — у кўп сўзлар. Дебдурларки, хомушлиқ саломатлик сабабидур, чунки кўп сўзлагучи оқил киши бўлса ҳам, авом уни ақлсиз дер-

¹ Ифрот — ҳаддан ошиш. ² Сангин — оғир. ³ Роз — сир. ⁴ Ихтироз — сақланиш, эҳтиётланиш. ⁵ Фавт — қўлдан бериш, йўқотиш, ўлям; фавт бўлмоқ — ўлмоқ.

лар. Ақлсиз киши хомуш бўлса, уни оқил ҳисоблайдилар. Ҳар неча пок, порсо¹, равиш² бўлсанг ҳам ўзингни таъриф қилмағилки, ҳеч киши сенинг гувоҳлигингни эшитмас. Қўшиш қилким, халойиқ сени таъриф қилсунлар ва шундоқ сўз деғилким, у ишга ярасун, бекор ва зое кетмасун³.

ТИЛИНГНИ АВАЙЛА — ОМОНДИР БОШИНГ

Уқув ва билимнинг тилмочи, таржимони тилдир. Кишига рўшнолик, яхшилик ва эзгуликлар тил туфайли келади, буни яхши билиб олиш керак. Қут-иззатни ҳам, обрў-эътиборни ҳам киши тил орқали топади. Агар тилга эътибор бермаса, уни ноўрин қўлласа, одам бошининг ёрилиши ҳеч гап эмас.

*Тил арслон мисоли ётар қафасда,
Бехабар бошини у ер нафасда.
Тилидан тутилган не деяр, эшит.
Амал қил бу сўзга, ўзингга иш эт.
Бало келтиради бошга бу тилим.
Бошимни у кесмай, қилайин тилим.
Сўзингни тийиб юр, бошинг ёрмасин,
Тилингни тийиб тур, тишинг синмасин.*

Доно қардошларнинг тилига қулоқ сол. Улар:

— Эй тил эгаси, бошингни асра!— дейишган. Ўзига эсонлик тилаган ҳар бир одам тилидан яроқсиз сўзини чиқармасин. Билиб сўзланган сўз донолик саналади. Билимсизнинг сўзи эса ўз бошига етиши мумкин.

*Ортиқ сўзда асло бўларми фойда,
Зиёндан бўлак йўқ сўз ортиқ жойда.*

Ҳеч қачон кўп гапирма. Жуда оз сўзла. Туман сўз тугунини битта сўз билан ёзиб юбор, яъни оз сўзларга кўпроқ маъно сиғдириш пайдан бўлгин. Чунки:

*Киши сўз туфайли бўлади малик,
Ортиқ сўз бу бошни этади эгик.*

¹ Порсо — художўй, ёмон ишлардан сақланувчи. ² Равиш — йўл, йўсин, қоида. ³ Кайковус Унсурулмаолий. Қобуснома. «Уқитувчи», Тошкент, 1986. 40—45-саҳифалар.

Ортиқча айтилган сўз киши кўнглига малол. Аммо сўзламаслик ҳам мумкин эмас. Бу ҳолда соқов деган номни орттириб олиш мумкин. Шунга кўра ўртача йўриқ тутиш лозим. Йўриқни ўртача тутган одам қут-иқболга эришади.

*Тилингни авайла — омондир бошинг,
Сўзингни авайла — узаяр ёшинг.*

Тилнинг келтирадиган нафи жуда кўп. Уларни ғофиллик қилиб қўлдан чиқармаслик керак. Тил гоҳо мақталса, гоҳо сўкишга мос бўлади. Шунинг учун қачон ва қанча сўзласанг ҳам билиб гапир. Гапирган гапинг кўр одамлар учун кўз бўлсин.

Назар солиб қарасанг, билимсиз одам кўзи кўр кишига ўхшайди. Унинг кўзини очиш учун билимдан ҳисса бериш лозим.

Туғилган одам албатта ўлади. Ундан ҳеч бир нишона қолмайди. Лекин унинг сўзлари эзгу бўлса, бошқалар юрагидан жой олиб улгурса, кўчиб юриверади.

Инсон икки нарса туфайли қарилик нималигини билмайди. Уларнинг бири хуш қилиқ, бошқаси — эзгу сўздир. Туғилган одамдан қоладиган мерос — сўз. Унинг ўзи ўлиб кетади, сўзи эса мангу қолади.

Оламдаги барча сўзларни ақл-идрок жамлолмайди. Бироқ керакли сўзларни айтиши учун кишини мажбурлаш шарт эмас. Бу сўзлар мендан кейинги авлодларга мўлжалланган:

*Сенга сўзладим мен сўзим, эй ўғил.
Сенга ўғит бердим ўзим, эй ўғил.
Кумуш қолса мерос бўлиб гар сенга,
Уни тутмагин сен бу сўзга тенг-а!
Кумуш ишга тушса олқинар, тугар,
Сўзим ишга тушса олтинлар тўқар.*

Кишидан кишига қоладиган мерос — сўз. Унга амал қилсанг, минг-минг фойда ва нафлар оласан.

Заковат ҳар доим шундай уқтиради: дағал сўз киши бошига офат. Ҳасадли сўз кишининг қизил рангини сомонга айлантиради. Сўзлашда хато қилмайдиган одам йўқ. Хатога йўл қўймайдиган одамларни санаб бера оласанми?

Билимсиз кишилар — доноларнинг душмани. Билим-

сиз доимо доноларга хорлик тилайди. Бу улар кўнгли-нинг туб-тубига чўкиб ётган ҳасад аломати:

*Киши фарқи бордир кишидан азим,
Билимдан бу фарқ деб уқтирар сўзим.*

Сўзни билимдон кишига сўзлаш керак. Билимсиз-нинг тилини тушуниш қийин. Тўғри, сўзни сўзлаганда ҳар ким хатога йўл қўйиши мумкин. Аммо бу хатони донишманд ҳақимлар бартараф этишади.

Сўз туя бурнига ўхшаш — унга жилов солса бўлади. Ехуд у туянинг бўйни кабидир — етовга юраверади.

Дунёда ҳар бир сўзни ўйлаб, тушуниб, торозига солиб гапирадиган ҳам талай. Уларни тушунганлар эса азиз ва мўътабар. Олам яхшиликларининг ҳаммаси учун сабаб билимдир. Билим билан ҳатто кўкка ҳам йўл топса бўлади. Шунинг учун қаерда билим бор экан, сен ўзингни ўша ерга ёндаштир, ундан баҳра ол. Билим ёт-бегонани ҳам, ўз кишиларингни ҳам улуғлайди:

*Яшил кўкдан инди бу сўз ерга сўз,
Сўз билан инсонда ёруғ бўлди кўз.*

*Киши кўнгли гўё туби йўқ денгиз,
Билим бор тубида, у инжу тенгсиз.*

Агар ана шу инжулар денгиз тубида қоладиган бўлса, буларнинг тош ёки инжу эканлигини қандай фарқлайсан. Шунингдек, билимларга тўлиб-тошган сўзлар киши қалбининг туб-тубида чўкиб ётар экан, бу сўзларнинг қадр-қимматини ҳам англаш мумкин эмас.

Ахир ер остидан қазиб чиқарилган соф олтин тошлар киши бошига безак бўлади-ку! Шу туфайли:

*Билимли билимин қилмаса баён,
Билими ёришмас ўтса ҳам замон.*

Доно, ақли пишган киши билим ва ақл-идрок ҳақида шундай дейди:

*Уқув билан олди оламни олган,
Эл-юртнинг дилига билим йўл солган.*

Одамзод ер юзида пайдо бўлган дастлабки пайтларданоқ билим сари, ўрганиш сари интилган. Бугун ҳам, бундан жуда кўплаб замонлар илгари ҳам би-

лимлига буюкроқ ўрин теккан. Уларнинг жойи — уйнинг тўри.

Заковат кишидаги айб-нуқсонларни тозалайди. Билим эса инсоннинг инсонийлигини оширади. Дунё шодлигини олмоқчи бўлган одамга чора — эзгулик. Эзгулик кўрмоқчи бўлган одамнинг ўзи бошқаларга ҳам эзгулик қилиши лозим.

*Киши мангу бўлмас, бу мангу оти,
Қолар ёдгор ундан бу эзгу оти.*

*Ўзинг мангу эмас, отинг мангудир,
Отинг қолар бўлса, мангулик шудир¹.*

БОШИНГНИ УЙЛАСАНГ, АСРАГИЛ ТИЛИНГ...

Кимки бошқаларни ўз ҳузурига чорлар экан, сўзни дастлаб чорлаган киши бошламоғи жоиз. Сўрамасдан олдин сўз бошлаш инсоний одатларга зид бўлиб, бу ҳайвонлар қаторидаги иш бўлур эди. Телба, тентак, ақли заиф бўлганларгина бошқаларнинг савол ва қизиқишларини кутиб турмасдан, гап бошлаб юбора берадилар. Шунинг учун ҳам улар кўп дакки эшитишади.

*Қизил тил қилади қисқа ёш сени,
Эсонлик тиласанг, пишиқ тут уни.*

*Нима дер, эшитинг, тилин қисган эр,
Эсонликда яшар ўзин босган эр:*

*«Қора бошга ёвуз ёвдир қизил тил,
Не-не бошни еди, яна егай тил.*

*Бошингни ўйласанг, асрагил тилингни,
Истаган оннда бошга етар тил».*

Аммо тирик кишининг сўзламасдан юриши, ҳар доим жим бўлиши маҳол. Кўпчилик олдида мутлақо оғиз очмаслиқ икки гуруҳга хос: улардан бири табиатан гапириш қобилиятдан маҳрум бўлганлар, яъни соқов, гунг (лол) кишилар. Улар билими етишмаслиги туфайлигина суҳбатга аралаша олмайди. Билими

¹ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. «Юлдузча», Тошкент, 1990, 12—15-саҳифалар.

кўп, ҳар нарсадан хабардор одамлар эса суҳбатнинг гулига айланади.

*Дона сўзи гўё оқар сув эрур,
Сув оқса ер узра кўп неъмат унур.*

*Шони камаймайди доно ўртоқнинг,
Суви камаймайди зилол булоқнинг.*

*Доналар бўлади мисоли чимзор;
Қайга оёқ қўйсанг, у ерда сув бор.*

*Билимсизнинг кўнгли қум эрур гўё,
Ут-ўлан ўсмайди кирса ҳам дарё.*

Керак сўзнинг сўзланмоғи шарт. Чунки тилнинг зараридан қўрқиб юрилса, кўпгина фойдали фикрлар ҳам пинҳона қолиб кетиши мумкин. Ёмон ва яроқсиз сўзлар билимсиз тилидангина чиқади. Шунинг учун ҳам билимсизларни доно кишилар йилқи — ҳайвон қаторига қўшади.

Жоҳил қорни тўйғач, унинг машғулоти ҳўкиздек ағанаб ётиш ва беҳуда сўзларни сўзлашдан иборат. Билимли, донолар эса танни ижтимоий меҳнат билан «койитиб», билим билан овунадилар, бунинг ҳисобига эса жон семиради. «Жоннинг семириши» бу ўринда маънавий завқ туйғулари билан чўлғаниш деган маънога эга. Ахир:

*Тананинг улуши томоқдан кирар,
Жон улуши — сўз қулоқдан кирар.*

Аслида билимнинг белгиси ҳам икки хусусиятга таянади. Улар туфайли кишининг юзи ёруғ бўлади. Булар:

*Бири тил эрур, кўр, бириси — бўғиз,
Уларни тиёлсанг фойдаси — денгиз.*

*Дона тилу бўғзин асраши керак,
Бўғиз, тил асраган донодир бешак.*

Киши ўнта сўзни ўйлаб, биттасини айтмоғи керак. Тийилган, яъни айтилмаган сўз туфайли кишининг кўнгли тўқ, дили — хотиржам. Ноўрин айтилган сўз

эса яхши киши кўнглини хуфтон қилади, обрўсини елга беради.

Шундай экан, яхши ва ёмон, фойдали ва зарарли, керакли ва ортиқча сўзларнинг чегараси қаерда? Бунни қандай билиш, ажратиш мумкин? Уларни белгиловчи меъёр нимада?

Бу дастлаб кишига ёқиш-ёқмаслиги, бошқаларнинг муносабати билан ўлчанадиган ҳодиса. Ортиқча сўз жонга тегадиган, кишини зериктирадиган бўлади. Сўрагандагина жавоб қайтариш, кўп эшитиб, оз сўзлаш фикрни кучли мулоҳазаларга таянтириш учун қусурлардан холи қилади.

Сўзни донодан эшитиб, нодонларга қўллаш лозим. Улуғлардан эшитилган фойдали сўзларни кичикларга етказмоқ ҳам жоиз. Ҳеч ким кўп сўзлаб доно бўлган эмас. Аммо кўп эшитиб, кўпчиликка бош бўлганлар талай.

Камгаплик — донолик йўлининг бошланиши. Сергап одам вайсақи бўлиб қолади, унинг билим ўрганишига қўли тегмайди.

Бироқ киши сўзламас экан, унинг билимдон ёхуд билимсиз эканлиги ҳам маълум эмас. Киши учун жуда керакли бўлган икки аъзо бор: бири тил, бошқаси — юрак. Тил сўз учун, юрак, кўнгил эса шу сўздан лаззатланиш учун берилган. Шу туфайли, тўғри, рост сўзни сўзлаш учун тилни тебратмоқ, яъни ҳаракатлантирмоқ керак. Эгри, яроқсиз сўзларни ташқарига чиқаргандан кўра тилнинг ҳаракатсиз қолгани маъқул.

Кўп сўзлаш — донолик белгиси эмас. У — эзмалик аломати.

*Кишилар эзмаси ёвуздан ёмон,
Ардоқли кишилар камгап ҳар қачон¹.*

ШОИРЛАР — СЎЗ ТЕРУВЧИЛАР

Энди шоир қолди, у — сўз терувчи,
Тилда олқиш ёки сўкиш берувчи.
Қиличдан ўткирроқ буларнинг тили.
Яна қилдан нозик хотири йўли.
Ҳар хил нозик сўзни англай десанг гар,
Булардан эшит сен сўзни сар-басар.

¹ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг, «Юлдузча», Тошкент, 1990, 28—31-саҳифалар.

Денгизга кирар у дил билан тугал,
Гавҳар, инжу, ёқут чиқарар мисол.
Уларни асра, тут эзгу ва омон,
Шоирлар наздидан қолмоқлик — ёмон.
Агар эзгу мақтов тиласанг ўзинг,
Буларни севинтир, ёруғдир юзинг,
Нени сўрар бўлса, ҳозир қил дарҳол,
Уларнинг тилидан ўзни асраб ол¹.

Ҳикоят

Буюк шайх, марҳум Абулфараж ибн Жўвзий менга мусиқа, қўшиқ тинглашни манъ қиларди ва танҳоликда яшашга ундарди. Лекин бошимда ёшлик, қалбимда айш-ишрат ҳавоси туғён урганидан, кекса устозимнинг гапига қулоқ солмай, мусиқа мажлисларига иштирок этишдан лаззатланардим. Шайхнинг насиҳатини эслганимда ўз-ўзимга дердим:

*Қози бизнинг даврада ўйнаб кетар баякбор
Ўзи май ичган миршаб бизни қилмас гуноҳкор.*

Бир оқшом бир кайф-сафо мажлисига бордим, у ерда шундай бир хонандага дуч келдим:

*Жон томирин узгандай чалади носоз созин,
Отаси ўлганларнинг доди, дердинг овозин.*

Мажлисдагилар унинг овозини эшитмаслик учун гоҳ қулоқларини бармоқлари билан беркитишар, гоҳ «овозингни ўчир» деб пичирлашарди.

*Ҳушовоз хонанданинг қўшиғи истироҳат,
Сен қандай хонандасан, жим турсанг жонга
роҳат.*

*Сенинг қўшиғингдан илимас кўнгул,
Йўқол, дамнинг ўчиб кетгани маъқул.*

*У куйлай бошлади, чалиб арғунун,
Мен дедим мезбонга: «Худо ҳаққи-чун,*

*Қулоққа симоб қуй, шуни эшитмай,
Еки эшикни оч, нарироқ кетай».*

¹ Уша кн тоб 94-саҳифа.

Дўстларимнинг рўй-хотирларини қилиб, ўша кун
кечаси азоб-уқубатда тонг оттирдим.

*Сўфи бемаҳалда бўкириб қолди,
Кечадан қанча вақт ўтганин билмай.
Кеча узунлигин кипригимдан сўр,
Сурунка тонг отди кўзим илинмай.*

Эрталаб барвақт бошимдан саллани олиб ва ёнимдан бир динор чиқариб, ҳар иккаласини хонанданинг олдига қўйдим-да, уни бағримга босиб миннатдорчилик билдирдим. Дўстларим менинг хонандага кўрсатган эҳтиромимни ғайритабиий билиб, бу ғоятда енгилтаклик дедилар. Дўстларимдан бири эса, тилини бир қарич қилиб мени койимоққа бошлади: «Сенинг қилган бу ишинг оқилларга ярашмайди. Эгни дуруст кийим, чилдирмаси бир тийинни кўрмаган хонандага дарвешлик кийимини бериб яхши иш қилмадинг».

*Бунингдек созандалар бу уйдан кетса яхши,
Қайтадан кўринмасин қадамларининг нақши.*

*Ўз оғзини очди-ю бўкириб бошлади куй,
Тикандай тикка бўлди бадандаги ҳар бир мўй.*

*Қўрққанидан тўзғиди ҳовлида товуқ, хўроз,
Миямизни ачитди, кекирдак йиртган овоз.*

Мен дедим: «Яхшиси шуки, менга эйтироз билдирмагин, чунки бу одамнинг каромати менга аён бўлди». Дўстим деди: «Ундай бўлса нега сен бунинг сабабини менга тушунтирмайсан, токи мен ҳам хонандани эҳтиром этиб, ҳазил-мутойиба қилиб айтган гапларимга узр сўрай».

Мен дедим: «Сабаби шуки, муҳтарам устозим муסיқа мажлисига бормагин, деб менга кўп ўғит-насиҳат қиларди. Мен бўлсам унинг гапига кирмасдим. Бугун кечаси мени бахтли бир тасодиф бу мажлисга олиб келди. Бу хонанда тавба қилиб, то умримнинг охиригача бундай мажлисларга қадам босмасликка онт нчишга мажбур қилди».

*Гўзал оғиз, ширин бўғиз ва лабдан чиққан овоз,
Куй айтса ҳам, айтмаса ҳам дил эркалар жуда соз,*

Аммо нўноқ қўшиқчининг кекирдагин безолмас
Кўп ажойиб мақомлар ҳам: «Ушшоқ», «Хуросон»,
«Ҳижоз».

Ҳикоят

Ҳижоз сафарига чиққан маҳалимда бир неча софдил ёшлар менга ҳамроҳ бўлдилар. Улар гоҳо аскиябозлик қилишар ва гоҳо ҳикматли шеърлар ўқишарди. Дарвешларнинг ички дунёсидан воқиф бўлмаган ва уларнинг дарди-дилларидан беҳабар бир обид то Бани Ҳилол работига етгунча бизга ҳамроҳ бўлиб борди. Бани Ҳилол работида араблар қароргоҳидан буғдой рангли бир бола чиқиб, шу қадар ёқимсиз овоз билан қўшиқ айтишга киришдики, самодаги қушлар ерга тушдилар. Обиднинг туяси уни ағдариб ташлаб, саҳрога қараб қочди. Мен дедим: «Эй шайх, боланинг қўшиғи ҳатто ҳайвонга таъсир этди-ю, лекин сенга таъсир этмади».

*Билдингми, тонг чоғида нима дер менга булбул:
«Нечук одам саналғай севгидан беҳабар дил?
Араб шеърин эшитган туя завқидан ўйнар,
Сенда завқдан асар йўқ, ҳайвон экансан буткул».
Боғда тонг ели эсса, мажнунтол тебранади,
Чақиртош тебранмайди, қотиб қолган абадий.
Диққат билан боқолсанг, барча нарса зикр этар,
Буни тинглай олади, ким маънидан боҳабар.
Гулга ёлғиз булбулмас куйловчи кўнгил билан,
Гул ҳам уни улуғлар тикансимон тил билан.*

Ҳикоят

Бир одам Санжар масжидида савоб учун муаззинлик қилар, лекин азонни шу қадар бемаза айтардики, эшитганлар кўнгли беҳузур бўларди. Масжиднинг эгаси одил, очиқ чехра бир амир бўлиб, қаттиқ сўз айтиб, муаззинни хафа қилишни истамасди. Амир муаззинга деди: «Эй, йигит, бу масжиднинг аввалидан азон айтиб келган муаззинлари бор, мен уларнинг ҳаммасига беш динордан ойлик белгилаганман, агар сен бошқа ёққа кетишга ваъда берсанг, сенга ўн динор тўлар эдим!»
Улар шундай келишишди, муаззин жўнаб кетди. Орадан сал вақт ўтгандан кейин муаззиннинг йўли амир томонига тушиб, у билан учрашиб, деди: «Эй

ҳукмдор, ўн динор эвазига мени масжиддан жўнатиб, менинг ҳаққимга инсофсизлик қилибсан. Чунки менинг ҳозирги борган масжидимда бошқа жойга кетсанг, йигирма динор берамиз деб, ваъда қилишяпти-ю, мен рози бўлмаяпман». Амир ҳоҳолаб кулиб юборди-да, деди: «Зинҳор рози бўлма, улар эллик динор беришга ҳам рози бўлишади».

*Киши теша бирла харсанг тошдан лой тарашлаб
ололмас,
Аммо сенинг қўпол овозинг дилни тарашлару бас¹.*

СЎЗ ВА ҚАЛАМ ФАЗИЛАТИ ҲАҚИДА

.. Гарчи қалам сўзга намоиш берур,
Асли эса сўзга у фарзанд эрур.
Сўз очажак сир юзидан пардалар,
Санъатидан зинда бўлур мурдалар.
Бўлса агарчанд суҳандон киши,
Бўлмаса сўз юрмагусидир иши.
Сўз ила жўрлашса-да, сози анинг,
Роҳатижон бўлғай овози анинг.
Гар фараз этсакки, нафас жонга банд,
Сўзни нафас жони, бил, эй дилпасанд.
Гар у нафас тан эса жони суҳан,
Хўп ярашур бир-бирига жону тан.
Сўзда агарчанд туман нуқта бор,
Ҳар бири бир инжу эрур беғубор.
Инжу эмас, инжудан афзал турур,
Нуқтасининг ҳар бири ноёб эрур.
Ҳарфи агар зер ўқилур ё забар,
Аҳли зако олдидадир мўътабар . . .
Нуқтаси гар дилда хувайдо бўлур,
Маънисига эл бари шайдо бўлур
Соз элининг кайфу сафоси суҳан,
Кўкка етар созу навоси суҳан.
Сўз зарини бўйла маҳак айладим,
«Зар» сўзининг миннатини тортмадим!
Бўлса тарози агар ул осмон,
Палласига ою қуёш бир томон.
Палласининг ул бирига сўзни гар.
Салмоғини билмоқ учун қўйсалар.

¹ *Саъдий*. Гулистон. Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1968, 73—76, 76—77, 120—123-саҳифалар.

Ою қуёш палласи енгил кўчар,
Лекин у сўз палласи оғир келар.
Сенда агар бўлса шу сўз гавҳари,
Борма тилаб Жомий, бировлар сари.
Паст кишига эгма бошинг зар учун,
Сўз гавҳари бор-ку ўзингда букун.

СЎЗ ОДАМЗОД САДАФИДА ЭНГ АЗИЗ ГАВҲАР

Маъний дарё-ю гавҳаридир сўз,
Бир-бирин мағзу жавҳаридир сўз.
Гар жаҳонни десак мисоли садаф,
Сўз унинг дурри, унга шону шараф!
Ҳеч конда топилмагай бу дур,
Бир ҳунардирки ҳаммага манзур. . .
Хатга фахру, қаламга унвондир,
Ақлу идрок жисмига жондир.
Сўз туфайли жаҳонда қолгай ном,
Пухта бўлгай шарофатидан хом.
Дил қуши сўз сувига ташна эрур,
Шул сабабдан шу чашмага тикилур.
Асли мақтовчи, мақталувчи ўзи,
Фикрларни улайди ҳар сўзи.
Мадҳ этувчи агарчи осмондир,
Аммо у сўз гадоси ҳар ондир.
Бу улуғ кучга офарин, қутлов,
Мадҳ этар, мақталувчи ҳам мақтов.
Йўлга отланса куч олур пайваст,
Ортда қолганни у кўтаргай даст.
Сирру асрорларга маҳрамдир,
Муъжизот оламига ҳамдамдир.
Қадри дурдонадан расодир ҳам,
Элга ғоятда бебаҳодир ҳам.
Маъний ундан топар ривожу камол,
Дунё борича топмагай у завол.
Чин вафо гулшанида битган гул,
Шохида сайрашур ажаб булбул.
Ҳис димоғига ҳид сочар бу гул,
«Ногиқа» унгадир лақаб, маъқул.
Дил гулистони файзи-ла обод.
Шавқнинг булбули эрур дилшод.
У гўзаллар жамолига машъал
Севги кўзгусига берур сайқал.
Қайси суҳбатда сўз агар янграр,

Унинг олдида лол янгроқ зар.
Сўз миси тилладан эрур афзал,
Доно олдида бу муаммо ҳал.
Сеҳру сўз — бир-биригадир пайванд,
Иккиси гўёки эгиз фарзанд.
Сўз олтинга бўлмагай муҳтож,
Балки олтин бошига бўлғай тож.
Дунёда қанча-қанча тилсим бор,
Уни очмоқ кишигадир даркор.
Сўз эрур ушбу тилсимотга калит,
Сўзни ўрган, очишга журъат эт!¹

ДОНОЛАР ҲИКМАТИ ҲАҚИДА

Ҳикоят

Искандар Румий жаҳонгирлик даврида ҳийла билан бир қалъани забт этиб эрди, уни вайрон қилишга фармон берди. Искандарга:

— У ерда бир ҳаким бор, жуда билимдон, ҳар қандай мушкул унинг олдида осон,— дедилар. Искандар уни олиб чиқишни буюрди. Кўрдиким, афти хунук, бедаво, кишининг кўнгли айнийдиган бир бало. Таъби хира бўлиб деди:

— Бу қандай хунук сурату қандай совуқ қомат?!

Ҳаким бу сўзларни эшитиб куйиб-ёниб кетди ва қизишиб, қаҳ-қаҳ кулиб, деди:

*Таъна қилма хунук юзимга қараб,
Эй ақлу инсофдан беҳабар киши.*

*Тан қиндир, аммо жон — қиндаги қилич,
Уткирлик, кесмоқлик қиличнинг иши.*

Яна демиш: «Қимнинг хулқи халқи билан яхши бўлмаса, унинг баданидаги териси ўз зиндонидир, чунки ўз вужудидан танглигу оҳу воҳдир, зиндон унинг олдида оромгоҳдир.

*Ҳамиша ғусса-ю, ғам ўрар дилин печакдек,
Ҳар кимки, барча бирлан бадхулқлик этса зоҳир.
Зиндонбегига айтиб, зиндон қилмоқ на ҳожат?
Ўз териси ўзига зиндон эмасми, охир!*

¹ Абдураҳмон Жомий. Танланган асарлар. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1971. Тузувчи Ш. Шомухамедов 178—179, 186—187-саҳифалар.

Яна шундай демиш: «Ҳасад қилиш ҳамиша кулфатга солади ва ўз парвардигорига хусумат қўзғатади. Бошқага нимаики берган бўлса, қоши уйрулади ва бошқа молига дили банд бўлади».

*Ўзгаларга ҳасад ақлдан эмас,
Асти кетмагайсан ақлдан йироқ.
Халқдан тамаъ, ҳасад — алам асоси,
Тамаъ уз, аламинг бўлмай бесаноқ.*

Донишманд яна шундай дебди: «Қарамлилар бойликни дўстлари билан бирга ҳисоб этадилар ва ақлсиз ҳасислар душманга қолдириб кетадилар».

*Ҳарна кирса ҳимматли мард қўлига,
Сочар дўстлар оёғига барчасин.
Ўзи ўлгач, душманлари бўлишар,
Ҳасис киши териб йиғган нарсасин.*

Яна демиш: «Кичикларга ҳазлу истеҳзо ўқин отмоқ — улуғлик обрўсин бекорга сотмоқ ва зиллату хорлик ғуборига ботмоқдир».

*Эй пастлик либосин кийган одамзод,
Қўрқаменки, номинг бўлажак олчоқ.
Кичиклар бирла сен бўлма афсункор,
Ким улуғлик номинг сўнажак мутлоқ.*

— Кимки қўл остидагиларга мушт билан рўпара бўлмиш, охирида ўзи мушт еганлар тепкисидан ўлмиш.

*Бир яхши сўзим бор, қулоқ сол, э дил,
Қолмиш донолардан мерос ўлароқ.
Ким тортса адоват қилчин қиндан,
Адоват тиғидан бўлади ҳалок.*

Искандарнинг қулоқлари бу ҳикмат жавоҳирларга тўлиши билан у оғзини ҳам қулоқларига ўхшатиб жавоҳирга тўла сўзлар айтди ва қалъани бузиш ниятидан қайтди.

Ҳикмат

Бузургмехрдан «Қандай подшоҳ покизароқ?» деб сўрадилар. «Ундан покизалар омонлик, нопоклар ёмонлик кўрсалар, шул подшо покиза», деб жавоб берди у.

Байт

*Шоҳ улким, хотири кўп равшану доно эрур,
Яхшига яхши, ёмонларга ёмон, бадҳо эрур.*

Ҳикоят

Искандар бир билимдон кишини шарафли ва баланд амалидан бекор қилиб паст бир ишга тайинлади. Бир куни у Искандар ҳузурига келганда:

— Қалай, янги амалинг ёқдимиди?— деб сўради шоҳ.

— Подшонинг умрлари узоқ бўлсин,— деди ул киши,— одам амали билан шарафли эмас, амал инсон билан шарафга эга бўлади. Ҳар бир ишда ҳам хуштабиатлик, адолат ва инсоф лозим.

Бу гап Искандарга маъқул тушди ва уни ўз жойига қайтарди.

*Баланд мансаб тепасида ҳам,
Илм оширмоқ фикрин қил ҳар дам,
Мансаб билан баландмас одам
Мансаб одам билан муҳтарам¹.*

Танбиҳ

Қайси бир кўнгил қаттиқ сўздан яралангандек бўлса, аччиқ тил заҳарли найзадек бўлур. Кўнгилга қадалган тил ханжари жароҳати битмайди, унга ҳеч нарса малҳам ўрнини тутмайди. Ҳар бир кўнгил тил ханжаридан жароҳатланса, юмшоқ сўз ва ширин тил унга малҳам бўлади ва роҳат беради. Мулойим сўз — ваҳшийларни улфатга айлантиради, афсунгар — афсун билан илонни инидан чиқаради.

*Хусну жамолсиз киши ширинсўз бўлса,
Гўзал ва ширин сўзи билан кишини қўлга олади.*

Танбиҳ

Тилига ихтиёрсиз — халқ ўртасида эътиборсиздир. Кўп сўзловчи валди роқ тунда тонг отгунча ҳурийдиган

¹ *Абдураҳмон Жомий*. Баҳористон. Танланган асарлар. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1971, 299—301, 306—307-саҳифалар.

итга ўхшайди. Тили ёмон халқ кўнглига жароҳат етказгани каби, ўз бошига ҳам офат етказди. Нодоннинг ваҳшатли алжирашга томоқ қирмоғи — эшакнинг ўринсиз ҳанграмоғи. Хушгап, сўзни келишув ва юмшоқлик билан айтади, кўнгилга келадиган юз ғам унинг сўзи билан қайтади. Имкони бор ҳар бир яхшилик — сўз орқалидир.

Ўзи жирқанч, валақлаши узундан-узоқ ва овози хунук одам ўзининг товуши билан қурбақага ўхшайди. Бахт келтирувчи мусаффо руҳ манбаи ҳам тил, ёмонликлар наҳс юлдузининг чиқар ўрни ҳам тил. Тилга кучи ета олган — ақлли донишманд: сўзга эрк берган — пасткаш аҳмоқ. Гўзал сўзли ва ёқимли бўлган тил агарда кўнгил билан бир бўлса яхшироқ бўлур.

Тил ва кўнгил яхшироқ аъзолардир инсонда, гулсапсар ва гулғунча — ёқимлироқ гуллардир бўстонда. Одам тил орқали бошқа ҳайвондан имтиёз ва ҳам у орқали бошқалардан кўра афзалроқ бўлади. Тил бунча шараф билан нутқ (сўзлашиш) қуролидир ва нутқнинг ўзи номақбул юзага келса тилнинг офатидир.

Танбиҳ

Тил ширинлиги — кўнгилга ёқимли, юмшоқлиги — фойдали. Чучук тил аччиқликка айланса, зарари умумий бўлур. Қандни маст қилувчи май қилинса ҳаром бўлур. Чучук сўз соф кўнгилларга тотлидир, барча болалар учун юмшоқ табиатли — ҳолва сотувчидир.

*Яхши сўзга ким бўлса маст ва беҳуш,
Шарбат ичида заҳарни қилади тотли.*

Танбиҳ

Кимники сўзи ёлғон, ёлғони очилиб қолгач уялган. Ҳар ёлғонни чиндек айтувчи сўзамол — кумушга олтин қопловчи заргар. Ёлғон афсоналар билан уйқу келтирувчи — ёлғондакам уйқуда сўзга киришувчи. Ёлғон айтувчи ғафлатдадир. Сўзнинг турлари кўпдир, ёлғондан ёмонроқ тури йўқдир.

Кимки ёлғонга вақтини сарф этса, унга бу ёмон кўринмай, яна шу билан фахр этади. Агар тингловчиларнинг гўллигини билса, булар олдида ёлғонини чинга айлантурса, мақсадини ҳосил қилган ҳисоблар. Шундай наҳснинг юзи ёмонлик сари бўлганидан, бу наҳсга ботган (одам) қутлуғ уйдан бўлсин ташқари.

Танбиҳ

*Ул кишини қутлуғ уйдан ташқари сурмоқ керак,
Қутлуғ уй дунёдир, демак уни ўлдирмоқ керак.*

Танбиҳ

Қимики ёлғон сўзни бировга боғлайди, қорайган юзини ёғлайди. Зўр гуноҳдир — оз бўлса ҳам ёлғон сўз, агарчи миқдори кичикдир — заҳар ўлдирувчандир.

*Заҳарнинг миқдори оз бўлса ҳам ўлдирувчандир,
Игнанинг учи кучсиз бўлса ҳам кўр қилур.*

Танбиҳ

Ёлғончи киши унутувчи бўлади, ўйлов ва эҳтиёт йўлидан четда туради. Ҳар кимнинг сўзи чин бўлмаса, тўғрилар кўнглига у сўз мақбул тушмас. Ёлғончи ўз сўзини бир-икки бор ўтказди, бошқа нима қилади? Ёлғони билиниб қолгандан сўнг унга расволик келади ва сўзининг эътибори халқ кўнглидан кетади.

Кўнги хазинасининг қулфи тил ва у хазина калитини сўз бил.

Танбиҳ

Чин сўз эътиборли, яхши сўз қисқа бўлади. Кўп сўзловчи — зериктирувчи, қайта гапирадиган — ақлдан озган. Айб ахтарувчи — айбли; бировнинг айбини айтувчи — ўзига ёмонлик қилувчи. Тўғрилик билан қаровчи — тоза назарли, кишиларнинг яхши томонини кўрувчи — тўғри назарли. Кимнинг мясида иллат бўлса, унинг сўзида боғланиш йўқ. Мия соғлом бўлса, гап-сўз ҳам ёқимли ва хатосиз бўлур. Сўзи ҳисобсиз — ўзи бошвоқсиз. Сўзида паришонлик — ўзида пушаймонлик. Сўз агар гўзаллик беаги билан безалмаган бўлса, унга чинлик беагининг ўзи етар.

Ёлғончининг сўзи ҳар қанча чиройли бўлгани билан қабиҳдир. Чин сўз ҳар қанча дабдабасиздир, сўзловчига жумла соддалигидан ўкиниш йўқдир. Гул учун йиртиқ кийимдан қандай зиён, инжу учун бадшакл садафдан қандай нуқсон?..

Танбиҳ

Кулар юзли хушахлоқ — иккиюзламаликдек нуқсон-

дан бўлғай йироқ. Очиқ юзидан халойиққа шодлик ва чучук сўзидан халққа хурсандлик. Одамгарчилик билан кўнгилларга севимли ва инсонлик билан жонларга ёқимли. Дўст-душман ундан фароғатда, бундай киши ўз умридан баҳраманд бўлсин.

Танбиҳ

Душман фирибин ема ва мақтовчи хушомадин чин дема, чунки унинг ғарази ўз мақсадига етмоқдир, бунинг мақсади сендан кичиккина инъом олмоқдир. Агар иккаласига илтифот қилмасанг ва қабул қилишни лозим билмасанг, у ўз мақсадининг ижросидан тўхтайди ва тадбири мужмал бўлади ва бунинг мақташи ҳажвга айланади.

*Бирисига ғараз ул муддаоси,
Бирисининг қасди инъом илтимоси,
Агар сендан улар қаноатланмаса,
Бири душман бўлади, бириси ҳажв қилади.*

Танбиҳ

Ваҳшатли хабарни чин деб дўстга етказма ва бировнинг айби кўриниб қолса юзига солма

*Не сўздан агар етса бировга ғубор,
Лозим эмас қилмоғинг сен ошкор.
Қўявер билдирсин уни душмани,
Адоват қилмоқ эрур душман ҳунари.*

Танбиҳ

Ақлли киши ёлғон сўзламас, аммо барча чинни айта бериш ҳам тўғри эмас¹.

Танбиҳ

Яхшидан ёмонлар ҳам ёмонлик кўз тутмас: яхши киши ёмонларга ҳам яхшилиқни унутмас. Яхшилиқ қила олмасанг ёмонлик ҳам қилма. Яхшилиқни ёмонликдан яхшироқ билмасанг, ёмонроқ ҳам билма. Яхшилиқни билмасанг яхшиларга қўшил. Яхшилиқ теварагида айлана олмасанг, яхшилар теварагида айлан.

¹ Алишер Навоий, 13- том, Тошкент, 1966, 223—228- саҳифалар.

Танбиҳ

Дардлик кўнгил — шуълалик чироқ; ёшлик кўз — булоқ. Туяқушга юк ортиб кўчса бўлмас, чодир қанотини очиб учса бўлмас. Ўт иши қовурмоқ, ел иши совурмоқ. Сувнинг мазаси муз билан, ошнинг таъми туз билан, киши яхшилиги сўз билан. Соғлиқ тиласанг кўп ема, иззат тиласанг кўп дема. Яхши кийим танга зийнат. Яхши кўмакчи жонга роҳат. Тамаъгирдан яхшилик тилама; гадойдан ақча сўрама. Бахилнинг омонат асраши ажаб, яхшилик қилувчининг хиёнат қилиши ажаб. Чақмоқ симини эгиб бўлмас, ёғин ипини тугиб бўлмас. Телба қулоғига панд — қуён оёғига банд.

Танбиҳ

Бефойда сўзни кўп айтма, фойдалик сўзنى кўп эшитишдан қайтма. Оз деган оз янглишар, оз еган оз йиқилар. Тўқлик ҳирсини кўнгилдан йўқ қил. Ўзинг оч бўлиб, бир очни тўқ қил. Ўзингни чиройли кийим хаёлидан қайтар, кийим чиройлигини истасанг бир яланғоч кийимини битқар. Кийим ҳар қанчаки чиройлидир, кийганингдан кийдирганинг яхшидир.

Танбиҳ

*Тўнни ҳар қанча авайлаб кийсанг эскирар,
Агар яланғочни кийдирсанг тўзимас тўн шу бўлар.*

Танбиҳ

Ҳар кишини сиррингнинг маҳрами дема, бу нарса эса дунё кишиларида оздир. Киши жинсини сирингга маҳрам билма, балки фариштани ўзингга маҳрам қилма. Ўзинг сир сақлашинг ўзингга қийин бўлар экан, яна бировнинг уни сақламоғи мушкулдир. Ўз хазинангни очсанг, яширин инжуларни сочсанг, терган киши сепмай нима қилсин? Асра, деб қаттиқ қистовинг қаерга етсин? Ўзинг ўз сирингни сақлай олмаганингни биларсан, бошқа биров уни фош этса айб ҳам қиларсан.

Танбиҳ

Чин сўзни ёлғонга чулғама, чин айта оладиган тилни ёлғонга булғама. Ёлғончи — киши эмас, ёлғон айтмоқ мардлар иши эмас. Ёлғон сўз — дегувчини беобрў

қилар, чунки у гавҳарни оддий тошдек хор қилар. Қимики, чин сўзни ёлғонга қотиштира, асл инжуни нажосатга отар.

Танбиҳ

Тилингни ўз ихтиёрингда асра, сўзингни эҳтиёт билан сўзла. Вақтида айтиладиган сўзни асрама, айтмас сўз теварагига йўлама. Сўз борки, тингловчи танига жон киритади, сўз борки, айтувчи бошини елга беради. Тилинг билан кўнглингни бир тут. Кўнгли ва тили бир бўлган кишининг айтган сўзи бут. Сўзни кўнглингда пишитмагунча тилга олма. Нимаики кўнглингда бўлса тилга келтирма. Агарчи тилни сақламоқ кўнглига оғирдир, аммо сўзни сочиб юбормоқ бошга офатдир. Айтур ерда унутма, айтмас ерда ўзингни сўзга уринтирма. Айтар сўзни айт, айтмас сўздан қайт. Ақлли чин сўздан ўзгани демас, аммо барча чинни ҳам демоқ ақлнинг иши эмас.

*Ақлли чин сўздан ўзгани демас,
Аммо барча чин ҳам дегулик эмас.
Киши чин сўз айтса гўзал бўлур,
Ҳар қанча қисқа бўлса энг яхшидир.*

Танбиҳ

Золим ва бедард суҳбатда сўз юрутма. Чақимчи ва номард бор эканида оғиз очма. Доно қўлдан чиққан нарса тўғрисида сўз айтмас, ўтган йигитлик орзу билан қайтмас¹.

Аҳли суҳбатнинг одоби ва шароити баёнидаки, тўрт фаслдир. Аҳли суҳбатга лозим нимарсаларни баёнидаким, ўттиз икки адабдур.

Адаби аввал — суҳбатни хилватдин ихтиёр қилмоқда тасҳиқи ният (яхши ният) қилғай, яъни беғараз бўлғай

Учунчи, либос ва баданни покиза ва муаттар тутғай ва бадбўй нимарсаларни алардин изола (узоқ) қилғай, то аҳли суҳбатга нафрати табъ бўлмағай ва тишини чиркини изола қилғай ва оғзини ҳам хом пиёз ва саримсоқ ва мунга ўхшаш ислик нимарсалардин

¹ Уша китоб, 237—240-саҳифалар.

покиза тутғай, то сабаби кароҳати асҳоб (дўстларни нафратлантирувчи) бўлмағай.

Тўртинчи, яхшилар суҳбатига ҳарис бўлғай. Азизе айтибдур: «Намознинг қазоси бордур ва суҳбатнинг қазоси йўқдур, яъни яхшиларнинг суҳбатини фавти (йўқолгани) дин сўнгра топиб бўлмас». Бас, эҳтимом (ҳаракат) қилғайки, фавт бўлмағай.

Бешинчи, зикр вақтларинда асҳоб ҳалқа тутқайларки, анда неча фойда бордур. Бири улки бир-бирларига юзлари бўлғай. Ва яна бир-бирларига назар қилғай ва яна қуйи ва юқори анда маълум бўлмағай, беимтиёз ҳаммалари бир ватира (хил)да ўлтирғайлар . Ва агар аҳли суҳбат ўрталарида бир улуғ киши бўлса, адаб улки, ўзгалар юзларини ул кишига қилиб ўлтирғай. Ва агар икки суҳбат тутсалар, рўбарў ва зону-базону (тиззама-тизза) ўлтирғайлар . . .

Еттинчи, мажлисда одоб ва ҳурмат бирла ўлтирғай ва аҳли суҳбатга ерни кенг қўйғай ва тизини ўзгани тизига қўймағай ва икки кишини ўртасига беризо бориб ўлтирмағай.

Саққизинчи, чап қўлини орқасидан ерга қўйиб тақя қилиб ўлтирмағай. Ва агар аҳли бетариқани эҳтибо (тиззани кўтариб) ё мураббаъ (чордона қуриб) ўлтирса жонздур. Эҳтибо улдулки, икки тизини кўтариб, икки қўли бирла соқ почасини ушлаб ўлтирғай.

Тўққизинчи, аҳли суҳбат кирган ва чиққан вақтида ўрнидан турғай.

Унинчи, афзал кишини юқори ўтқузғай ва таъзим қилғай, балки ҳар кимни ўзидан яхши англаб анга таъзим қилғай.

Ўн биринчи, ўзини беадабнома сўздан ва феълдан ва ямон ҳаракатдин ва ноҳамвор (ноўрин) сукунатдин сақлағай.

Ўн иккинчи, улуғ ва кичикларни ҳар қайсиини ўз мартабасига лойиқ ҳурмат тутғай ва қари кишини ато мартабасинда англаб, уларга ҳурмат қилғай. Ва ақрон (яқин) ларини оға ва ини қаторида тутиб, аларга ҳусни муъошарат (яхши муомала) ва мувофиқат ва исор (иззат) бирла муомила қилғай ва кичикларни ўз фарзандлари зумраси (қатори)да тинглаб, шафқат ва насиҳат ва таъдиб (адаб) бирла бўлғай. Ва ҳар нимарсаки, аларга салоҳе (яхши) бўлса далолат қилғай. Ва лекин (бузук) хушрўйлар суҳбатини парҳез қилғай. Ва агар заруратда аларни суҳбатига гирифтор бўлса, кўзини ва кўнглини алардин сақлағай.

Ўн учунчи, аҳли тавозуъга тавозуъ ва муҳсин (яхшилик қилувчи)га эҳсон ва дуои хайр қилгай.

Ўн тўртинчи, агар аҳли мажлисда атса келса, ҳаттал-имкон (имкони борича) овозни паст қилгай ва мулойим атса бергай ва оғзига енгини ё ўзга нимарсани тутгай

Ўн тўққизинчи, атса муқаррар бўлса, дурустроқ қавл улки, учинчи атсада анга зўрком (тумов) бўлиб-сизму? дегай

Иигирманчи, аҳли суҳбатга ўзи хизмат қилгай тавъ (хоҳиш) ва рағбат бирла.

Иигирма биринчи, аҳли суҳбатдин ҳеч хидматни кўз тутмагай ва ҳеч кимга хидмат буюрмагай.

Иигирма иккинчи, паст ва забун хизматдин, чунончи, ҳаложойни пок қилмоқ ва кулуҳи истибро (тозаланиш кесагини) ушатмоқ ва мунга ўхшаш хидматлардин ор ва номус қилмагай.

Иигирма учунчи, қилғон хидматини миннат қилмагай, балки они хидматини аҳли суҳбат қабул қилғонлариға кўб-кўб шукр этиб, имтинон (миннатдорлик) тутгай.

Иигирма тўртинчи, ошно ва бегона суҳбатида юзини очиқ ва тилини сучук тутгайки, бу хислат макорими ахлоқ (гўзал хулқ) ва маҳосини одоб (чиройли одоб) афзалиндур.

Иигирма бешинчи, амри шаърий (шариат буюрган) нимарсалардин аҳли суҳбатга мунофиқатлик қилгай хоҳ сўзда, хоҳ феълда ва таҳоший (тортинчоқлик) қилиб ўлтирмагай.

Иигирма олтинчи, ўз мулкини аҳли суҳбатдин дариф тутмагай, балки аларни ўзини мулкда баробар кўрғай, магар хотунини ва ҳақ субҳона ва таоло ҳаром қилғон нимарсаларни (раво) кўрмагай.

Иигирма еттинчи, мажлисда агар ҳадя келса, агарчи хавос (улуғлардан) бўлса ҳам баҳукми: «Ал-ҳадое муштаринкун» («ҳадя ўртададур») аҳли суҳбатнинг барчаларини анга шерик қилгай ва ўзи бирла мулозим кишиларға ҳам ҳисса сақлағай агар ғойиб бўлсалар.

Иигирма саккизинчи, биродарларни залолат (адашув)ини афв қилгай агар содир бўлса ва аларни узрға келтурмагай ва айбларин юзига солмагай.

Иигирма тўққизинчи, агар биродари фиқега мубтало бўлса хилватда насиҳат қилгай, то тавба қилгай.

Уттизинчи, агар ҳамнишиндин бир амри макруҳий

(ёмон иш) ё бир феъли қабиҳийни маълум қилса, анинг изоласи (йўқотиш) га кўшиш (ҳаракат) қилғай.

Уттиз биринчи, азизларнинг насиҳат ва мавъиза (ваъз) ларининг дил ва жониға миннат қўйуб, қабул қилғай.¹

Тўртинчи фасл — баъзи атвор ва аҳвол зикридаки, аҳли суҳбат алардин ижтиноб (қочиш)лари лозимдир. Ул ўн тўрт адабдур.

Адаби аввал — суҳбат қилмағай ул киши бирлаки, кўнгли ани суҳбатида паришон бўлиб, жамъияти хотир (хотиржамлик) кетадурғон бўлса.

Иккинчи, суҳбатда ҳамёзма тортмағай, ҳаттал-имкон (имкон борича) ани дафъига кўшиш (ҳаракат) қилғай, бу тариқа бирлаки, юқори тиши бирлан қуйи лабини маҳкам тишлағай. Бас, агар анинг бирла даф бўлмаса, чап қўлини ё енгини оғзига қўйғай

Учунчи, суҳбатда пинакка бормағай.

Тўртинчи, мажлисда ўзини ўзгалардан мумтоз қилмағай

Бешинчи, бир киши сўзлаб турган вақтда сўзламағай, то сўзини тамом қилмағунча.

Олтинчи, сукутни ҳам суҳбатда ифротға (ортиқчаликка) еткурмағайки, ҳатто бир кун тамом сукутда бўлмағлик макруҳ ва мазмун (ёмон)дир.

Еттинчи, кўп ҳам сўзламағай

Саккизинчи, сўзламакда такаллуф қилмағай изҳори фасоҳат (чиройли сўзлаш) ва балоғат (сўзда етуклик) учун.

Тўққизинчи, ўз ҳол ва мақом (мартаба) идан зиёда баланд сўзлардин сўзламағай.

Ўнинчи, ҳамсуҳбатлар бирла жангу жидол (баҳс) қилмағай, магар фикс ё бидъат алардин мушоҳада қилса мужодала қилса (тортишса) бўлур. Билмак керакки, биродари мусулмонийдин уч кундин зиёда жудолиғ қилмоқлиғи дуруст эмас, вақтики иккаласи ўртасида бир амри дунявий (дунё ишлари) сабаби бирла жудолик тутса. Аммо ато фарзанддин ва устоз шогирддин ва эр хотундин ва мунинг амсолида (мисолида) ҳикмат мулоҳаза қилиб, уч кундин зиёда ҳам жудолик қилсалар жоиздурки, они меъёри йўқдур. Ва яна толиби содиқға лозимдурки, ғазаб келган вақтида ҳаттал-имкон ғазаб ўтини ўчирғай.

Муҳаммад Содиқ Қошғарий. Одоб ас-солиҳин (Яхши кишилар одоби). «Шарқ юлдузи», 1990, 5- сон, 92—94- саҳифалар.

Ўн биринчи, ёронлариға кўп хушомад қилмағай

Ўн иккинчи, ҳамсуҳбатлариға кўб мазоҳ ва муто-йиба қилмағай. Ва ҳадди эътидол (ўртача ҳол)да иш тутғай. Ва гоҳи рост сўзлар бирла ҳозирларни кулдир-са, анда ҳеч боки йўқдир. Ва тифлар (болалар)га ти-лини чиқариб ҳаракат бериб аларни хушҳол қилмоғ-лик ҳам жоиздур.

Ўн учунчи, ҳеч кимни ғийбат қилмағай ва ғийбатга ҳам қулоқ солмағайки, ҳаромдур. Ғийбат деб бир ки-шининг орқасидан анинг кўнгли макруҳ тутадурғон нимарса бирла сўзламакни айтурлар. Магар олти су-ратда ғийбат жоиздур. Аввал мазлум золимдин под-шоҳга, Иккинчи — мункир ишни қиладурғон, кишини орқасидин сўзламак анинг таъзирига қодир кишига. Учунчи — мустафтий (фатво берувчи) муфтиғаким, манга фалоний андоғ-андоғ зулм қилди, бас, ҳукми шаръ (шариат ҳукми) на бўлур, деб.

Тўртинчи — мусулмонларни огоҳ қилмоқлик учун аҳли шарорат шарридин (ёмонлар ёмонлигинин). Бе-шинчи — андоғ мубтадиъ (бидъатчи) ва фосиқ орқаси-динким, фисқ ва бидъатни ошкор қиладурғон бўлса ва ҳеч ору номус қиладурғон бўлмаса. Олтинчи — бир кишининг лақаби қабиҳи бўлса, чунончи, аҳвал (ғи-лай) ва аъмаш (шилпиқ) ва аъвар (бир кўзли) ва аъмо (кўр) ва асамм (кар) ва аъраж (чўлоқ) ва мунга ўхшаш ва бу лақаблар бирла машҳур бўлса, анинг танутмоқ учун бу лақаблар бирла зикр қилинса жоиз-дур. Аммо изҳори айб ва нуқсон учун ҳаромдур.

Ўн тўртинчи, мажлисда икки киши бир-бирларига гўшаки (қулоққа пичирлаб) ва пинҳоний сўзлашмағай-лар ва яна сўзлашмағайлар ул тил бирланки, баъзи аҳли мажлис ул тилни биладурғон ва баъзилар бил-майдурғон бўлсаларки, бу хислат макруҳдир. Магар зиёфат қилғувчи ходимиға ё ходими анга гўшаки ва ишорат бирла сўзласалар тартиби таоми учун жоиз-дур. Ва икки киши бир ердан бир-бирлариға сир ва роз этғувчи бўлсалар учинчига, адаб ушбуки, алар ўрта-сига кирмағай ва қулоқ ҳам солмағай¹.

ЯХШИ СЎЗ — ЖОН ОЗИҒИ

Ҳикоят:— милодий йилдан бир неча асрлар аввал бир мамлакатда Қириз исмли подшоҳ ҳукмронлик қи-

¹ У ш а а с а р, 94-саҳифа.

ларди. Бу подшоҳ ўзининг ҳарбий кучига, олтин, кумуш ва қимматли тошлар билан тўлган бой хазинасига эътиمود қилиб, ўзини дунёнинг энг бахтиёр одами, деб ҳисобларди.

Кунлардан бир куни бу подшоҳнинг пойтахтига юнонистонлик Сўлун исмли бир сайёҳ муаллим келди. Бу муаллим ақлли, доно ва тўғри сўзли бўлгани учун халқ уни жуда севарди.

Халқнинг Сўлунга бўлган муҳаббатини сезган подшоҳ Қириз уни ўз ҳузурига келтирди. Ўзига оро бериб ва қимматбаҳо либослар кийиб, тахт устида мутаккаб-бирона ўтирган ҳолда Сўлундан:

— Айт-чи, Сўлун, дунёда мендан кўра чиройлироқ-ни кўрдингми?— деб сўради. Сўлун:

— Кўрдим, шундай гўзал тусли ҳайвонлар ва қушлар бордирки, уларнинг ялтираб турган чиройли тусларини кўрган одам ҳайратда қолади. Булбул ва бошқа баъзи қушларнинг ёқимли сайрашларини одамлар завқ-шавқ билан тинглайдилар. Сизнинг чиройлигингиз у ҳайвон ва қушларнинг чиройи олдида ҳеч нарса эмас,— деди.

Қириз Сўлуннинг сўзларини сукут билан қарши олди. «Тож-тахтим, қимматли либосларим ва ўзимга оро бериб кўринишим Сўлунга писанд бўлмади. Энди унга ҳарбий кучимни, бой хазиналар ва муҳташам саройимни кўрсатай, у буларни кўргач, албатта менинг кимлигимни билади, дунёнинг энг бахтиёр одами, энг кучли подшоҳи эканимга қойил қолади»,— деб ўйлади. Сўлунни ўзи билан бирга олиб юриб, ҳамма бойлигини кўрсатди. Сўнгра гердайиб:

— Кўрдингми, Сўлун, қандай зўр бойликка эгаман, бу куч-қувватим, бойлигим орқасида ҳамма душманларимни мағлуб этдим, уларнинг кўпгина шаҳарларини қўлга киритдим, қўшни мамлакатларнинг подшоҳлари кўрққанларидан менга бож тўлаб турадилар, буйруқларимга итоат қиладилар. Сен кўп мамлакатларни кўрдинг, бир қанча подшоҳлар ҳузурда бўлдинг. Энди ўзинг инсоф қилиб айт-чи, дунёда кимни энг бахтиёр одам деб биласан? Зўр бахт, саодатга эга бўлган одам, ҳашаматли ва азамат подшоҳ мен бўлсам керак, шундай эмасми, Сўлун?— дегач, Сўлун бу мақтанчоқ, мағрур подшоҳга шундай жавоб берди:

— Афина шаҳрида ўзининг гўзал хулқ-атвори билан халққа манзур бўлган мард, олижаноб бир камба-

ғал одам бор. У ҳалол меҳнат орқасида топганига қа-
ноат қилиб яшайди, ҳеч кимдан бирор нарса тама
қилмайди. Ҳаммага меҳрибон ва мушфиқ бир одам.
Қайғу-ҳасратли одамга мулоимлик сўзи билан тасал-
ли бериб, у бечоранинг қайғу-аламини енгиллаштира-
ди, ёлғиз сўз билангина эмас, амалий иш билан ҳам
ёрдам беради. Яхшилик қилгани учун кўнгли очилиб,
шодланиб юради, ўз фарзандларини яхши тарбиялаб,
жамиятнинг фойдали аъзолари этиб етиштиради. Мен
мана шу муборақ камбағал одамни дунёнинг энг бах-
тиёр одами деб биламан.

Сўлуннинг жавобидан ғазабланган Қириз:

— Сен менинг бахтиёрлигимни нега ҳеч нарсага
арзитмайсан? Оддий камбағал одамни мендан кўра
юқори даражага кўтарасан?— деб қичқирди. Сўлун
унинг бақиришига аҳамият бермай:

— Мен у камбағалга берган баҳомда янглишмадим,
тўғри сўзладим. Умуман меҳнаткаш одам бахтиёр бў-
лади. Ҳалол меҳнат уни фароғатда яшатади. Меҳнат-
каш ёлғиз ўзигагина эмас, бошқаларга ҳам фойда ет-
казади. Шу жиҳатдан меҳнаткаш камбағал одам бой-
лар, сиз ва сиз каби подшоҳлардан юқори туради.
Сизлар бойлигингиз, куч-қувватингизга мағрур бўлиб
айш-ишрат билан машғулсиз. Эл-юрт аҳволидан хабар
олмайсиз, фақат ўз манфаатингизни ўйлайсиз, эл-юрт
манфаатини кўзламайсиз. Адолатсизлик, жабр-зулм
билан тўплаган бойлигингиз қўлингиздан кетади, куч-
қувватингиз битади. Ниҳоят, ҳалокатга дучор бўласиз.
Келгуси кунларнинг бирида бошингизга келадиган бу
даҳшатли ҳолни асло эслолмайсиз,— деди.

Қириз Сўлуннинг насиҳатомуз айтган оқилона сўз-
ларини қабул қилмади. «Бу тентак сайёҳ муаллим ме-
нинг бойлигимга, ҳарбий кучимнинг зўрлигига ақли
бовар қилмайди ёки шундай қувватга эга подшоҳ эка-
нимга ишонса ҳам ҳасад қилиб тентакларча айтган
сўзлари билан мени йўлдан урмоқчи бўлади. Йўқ, мен
унинг сўзларига кирмайман, бойлигим, куч-қувватимга
таяниб, умримни роҳатда ўтказаман, деб ўзининг но-
маъқул фикридан қайтмади:

Байт:

*Кимки боқмабдир ишин поёнига,
Ҳеч ҳисоби бўлмагай армонига.*

Сўлун бу ақлсиз подшоҳга насиҳат кор қилмаслигини билиб, бошқа мамлакатга саёҳат қилиб чиқиб кетди.

Бу воқеадан кўп вақт ўтмади. Эроннинг «Қайёниён» сулоласи шоҳларидан Кайхусрав зўр ҳарбий куч билан Қириз мамлакатига ҳужум қилди. Қириз энгилди. Кайхусрав Қиризнинг пойтахтига кириб Қиризни асир қилиб олди, унинг бой хазинасига, муҳташам саройига эга бўлди. Кейин Қиризни ўтда ёқиб ҳалок этишни буюрди. Ҳарбий хизматчилар жазо майдонига кўп ўтин тўплаб, унинг устига Қиризни ётқиздилар. Қиризнинг куйиб ҳалок бўлишини ўз кўзи билан кўриш учун Кайхусрав ҳам жазо майдонига келган эди. Ҳарбий хизматчилар ўтинга ўт қўймоқчи бўлган эдилар, бу топда ўтин устида оёқ-қўли боғланган ҳолда ётган Қириз бор кучи билан «Сўлун, Сўлун!»— деб қичқира бошлади.

Кайхусрав Қиризнинг қичқирганини эшитиб ўт қўйишни тўхтатишни буюрди. Қиризнинг боғланган қўлоғини ечтириб, ўз ҳузурига келтирди ва ундан:

— Нима сабабдан «Сўлун, Сўлун!»— деб қичқирдинг, «Сўлун деган сўз бир одамнинг исмими? Агар шундай бўлса, у одам сенга нима яхшилик қилган эди? Ҳалок бўлишинг олдида уни ёдлашинг шунинг учун эдими?»— деб сўради. Қириз:

— Ҳа, мен бир улуғ зотнинг номини айтиб қичқирдим. У муҳтарам зот менга бутун дунё лаззатидан ва подшоҳлик роҳатидан қимматли сўзлар айтиб насиҳат қилган эди. Мен у зотнинг оқилона айтган қимматли сўзларига қулоқ солмадим, насиҳатларини рад этдим. Ниҳоят ярамас феъл-атворим мени мана шу мудҳиш кунга олиб келди,— деб Кайхусравга бутун воқеани баён қилди. Кайхусравга Сўлуннинг Қиризга айтган сўзлари жуда таъсир қилди. Ўзи ҳам Қириз каби мутакаббир, мағрур ва золим бир шоҳ эканини, шу ҳолда кетаверса, Қиризга келган мудҳиш кунга ўзи ҳам дучор бўлишини ўйлаб қолди.

Дарҳол Қиризни озод этди, мамлакатни унинг ўзига қайтариб берди. Бундан сўнг адолатпарвар шоҳ бўлиб, эл-юрт ҳолидан доимо хабардор бўлишга, Сўлунни топтириб, унинг маслаҳати билан мамлакатни идора этишга қасам ичди.

Байт:

*Истасангим, етмагай санга бало,
Бермагил ҳеч кимга озору жафо¹.*

Тўғри сўзлилиқ самараси

Қадимги араб ҳокимларидан Ҳажжож бир кишидан ғазабланиб, уни қаматтирди. У кишининг қариндошлари Ҳажжож ҳузурига келиб:

— Қариндошимизни қилган айби учун қамагансиз. У девона, жинни кишидир. Девонанинг сўзига, қилган ишига эътибор берилмайди. Шунинг учун уни озод қилишингизни ўтинамиз,— деб илтимос қилдилар.

Ҳажжож уларга:

— Сўзингиз тўғри бўлса девона, жинни эканини бўйнига олсин, дарҳол қамоқдан озод этаман,— деди.

Маҳбуснинг қариндошлари қамоқхонага бориб, унга Ҳажжожнинг шартини айтдилар. У одам Ҳажжожнинг шартини эшитгач, ғазабланиб:

— Менинг ақл-қушим жойида, соғ-саломат эканман, нега девоналикни бўйнимга оламан? Ҳажжож мени нима қилса қилсин, унинг шартини қабул қила олмайман,— деб рад жавобини берди.

У одамнинг сўзларини Ҳажжожга етказдилар. Ҳажжож унинг жавобидан завқланиб, тўғрилиқда қатъий йўл тутгани, саботи учун қамоқдан озод қилди².

Бузургмеҳр

Бир гуруҳ ҳинд ҳакимлари бир мажлисда Ануширвоннинг машҳур донишманд вазири Бузургмеҳрнинг камолатини таъриф ва тавсиф қилиб, унда бор-йўғи бир айбдан бошқа айб топа олмадилар. Бузургмеҳр бир масала ҳақида сўзларкан, тўхтаб-тўхтаб, бир оз ўйлаб сўнгра сўзини давом эттирарди. Унинг бу иши тингловчининг анчагина вақтини оларди.

— Бузургмеҳр ҳинд ҳакимлари томонидан ўзига қўйилган мана шу биргина айбни эшитиб айтди:

— Аввал «нимани сўзласам экан?» деб ўйлагандан кейин сўзлаш — «бу номаълум сўзларни нега сўзладим?» деб пушаймон қилишдан кўра яхшироқдир.

¹ Оз-оз ўрганиб доно бўлур. Донишмандлар бисотидан ҳикоятлар. Ҳикматлар. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988, 146—149-саҳифалар. ² Уша китоб, 165—166-саҳифалар.

Байт:

*Уйламасдан сўзлама, сақлаб ўзингни сўзлагил,
Яхши ўйлаб, сўнгра сўзла, тез олғирлик қилмагил¹.*

Тадбиркор вазир

Бир подшоҳнинг жуда ҳам чиройли оти бор эди. Подшоҳ отини жуда севарди. Кунлардан бир кун унинг ана шу гўзал ва чопқир оти касалланиб ўлди. Ғазаб отига минган подшоҳ отбоқарини ўлдириш қасдида ҳузурига чақиртирди. Унинг доно вазири бор эди. Вазир орага тушиб, подшоҳни бу ниятдан қайтарди:

— Подшоҳим, сабр қилинг, аввал бу ярамас отбоқарнинг қилган жинояти қандай натижалар берганини ўзига бирма-бир айтайлик, иқроор бўлгандан кейин ўлдирсангиз бўлади,— деди. Кейин отбоқарга, гўё ғазабланган бўлиб, айтди:

— Эй ярамас отбоқар, қилган жиноятингнинг келтирган ёмон натижаларини биласанми? Билмасанг, мен бирма-бир айтиб берай, айбингга иқроор бўлсанг, ўлимдан озод бўлиб, яна хизматингни давом эттирасан.

Биринчидан, биламиз, подшоҳимизнинг отини яхшилаб боқдинг, унинг ўлишинигина эмас, ҳатто касал бўлишини истамадинг, лекин бечора от қазоси етиб, ўлиб қолди. Бало-қазони қайтариб, отнинг умрини узайтиришга нега кучинг етмади? Мана шунинг учун айбдорсан, тўғрими? Эй нобакор отбоқар, айбингга иқроор бўл!

Иккинчидан, биламиз, отни сен ўлдирмадинг, умри тугаб, қазоси етиб ўлди, лекин подшоҳимиз сендан гумон қилиб, шу даражада ғазабландиларки, муборак қўлларига қилич олиб, сени ўлдирмоқчи бўлдилар. Бу ишлари билан оламга кулги бўлишларига сал қолди. Бунинг учун ҳам сен айбдорсан, айбингни бўйнингга ол!

Учинчидан, подшоҳимиз бир от деб сени ўлдирсалар эди, бутун одамзод:— Фалон подшоҳ бир ҳайвон деб отбоқарини ўз қўли билан ўлдирган, инсондан ҳайвонни ортиқ ҳисоблаган, инсоннинг қадр-қимматини ерга урган»,— деб подшоҳимизга лаънат ўқирдилар, нафрат назари билан боқардилар, шу билан подшоҳи-

¹ У ш а к и т о б, 236- саҳифа.

мизнинг муборак номлари булганарди. Бунга яна сен сабабчи бўлардинг. Кел, подшоҳимизга узр айт, ҳамма айбларингга иқдор бўл, ундан кейин подшоҳимиз нима қарорга келсалар, ўзлари биладилар. Менинг сўзларимни уқдингми, ярамас отбоқар?

Подшоҳ тадбирли вазирнинг кинояли сўзларидан таъсирланиб, қўлидаги қиличини улоқтириб юборди, отбоқарни ўлдиришдан қўл тортди, уни яна ўз хизматига қўйди. Шундай қилиб тадбирли вазир ғазаб отига минган подшоҳни ножўя ҳаракатдан тўхтатди, уни огоҳлантирди, шу билан гуноҳсиз отбоқарни ўлимдан қутқазди.

Байт:

*Ҳар кишида бўлса эрликдан нишон,
Ҳеч бир одамга раво кўрмас зиён¹.*

СУКУТ ВА СИР САВЛАШ ХУСУСИДА

СУКУТ ҚИЛИШНИНГ ФОЙДАЛАРИ БАЕНИ

Ҳикоят

Бир савдогар минг динор (тилла) зарар кўрди ва ўғлига деди: «Бу ҳақда ҳеч кимсага лом-лим деб оғиз очмагин». Ўғли деди: «Эй ота, сиз айтма дер экансиз, ҳеч кимсага айтмайман. Лекин хоҳиш этар эдимки, бунини махфий тутишнинг сабаби нима эканини айтиб берсангиз». Ота деди: «Сабаби шуки, мусибат икки ҳисса бўлмасин: бири сармоянинг кетиши, иккинчиси эса, қўни-қўшниларнинг маломат этиши».

*Душманга аламинг сўзлама асло,
Қувониб демасин «Алҳамдулилло»!²*

Ҳикоят

Бир доно йигит илм-фанда ягона бўлиб, табиатан кўп гапиришни ёқтирмагани учун олимлар даврасида чурқ этиб оғиз очмас эди.

¹ Уша китоб, 238—239-саҳифалар. ² Саъдий. Гулистон, Фафур Фулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1968, 117-саҳифа.

Бир куни отаси унга деди: «Ўғлим, сен ҳам билганларингдан гапирсанг-чи!» Ўғил жавобда деди: «Билмаганларимдан савол қилишса, уялиб қоламан, деб қўрқаман!»

*Эшитмаганмисан, этик наълига
Бир сўфий бир неча мих урар экан.
Бир сипоҳий келиб энгидан судраб
«Отимни тақалаб берасан!» деган.
Сўз демасанг сенда кимнинг иши бор,
Дедингми, далил айт, исботла такрор.*

Ҳикоят

Саҳбони Воилни фасоҳатда тенги йўқ деб ҳисоблар эдилар, чунки у бир мажлисда бир йил давомида сўзласа ҳам, бир ишлатган сўзини такрорламасди. Бир фикрни иккинчи марта айтишга мажбур бўлган тақдирда ҳам, бошқа иборалар билан ифода этарди. Бу сарой аъёнларига хос хусусиятлардан биридир.

*Сўзинг гарчи дилкаш ва ширин бўлур,
Мукофоти тасдиқу таҳсин бўлур.
Бир айтдингми, айтма уни ўзга дам.
Тўйиб бир едингми етар, ҳолва ҳам.*

Ҳикоят 1

Султон Маҳмуднинг қулларидан бир нечаси Ҳасан Маймандийдан: «Султон бугун сен билан қайси масала ҳақида кенгашди?» деб сўрадилар. Ҳасан Маймандий деди: «Бу масала сизлар учун ҳам сир бўлиб қолмайди!» Улар дедиларки: «Султон сенга айтадиган гапларини биз кабиларга айтмайди!» Ҳасан Маймандий деди: «Сирини бошқаларга очмаслигимга Султоннинг имони комил бўлгани учун менга айтади, бас, шундай экан, мenden нега сўрайсизлар!»

*Барча билганин демас фаросат аҳли ҳар он,
Подшоҳлар сирини деб, бошдан айрилиш осон¹.*

¹ Уша китоб, 118—120-саҳифалар.

МУТОИБАТ

Мутоиба

Фозил бир киши сирдош дўстига мактуб ёзар эди. Унинг ёнида ўтирган бир киши кўз қирини ташлаб мактубни ўқирди. Фозилга малол келди ва «Агар менинг ёнимда муттаҳам бир даюс хатимни ўқиб ўтирмаганда эди, сенга ҳамма сирларимни ёзган бўлардим»,— деб ёзиб қўйди.

— Худо ҳақи, мавлоно,— деди ҳалиги,— мен сенинг мактубингга қараганим ҳам, ўқиганим ҳам йўқ.

— Эй аҳмоқ,— деди фозил,— бўлмаса сен нима деяпсан, нима ёзганимни қайдан билдинг ахир?

*Ким бировнинг сирларин билмоқчи бўлса ёширин,
Ё йғирлик бирла сир олса чин йғридир у ҳам.
Гар бу ишга ҳақ талаб этса яна баттар иши,
Номини қўйса ярашгай ё даюс, ё муттаҳам¹.*

* * *

Искандар Зулқарнайн ўзига яқин кишилардан бирига кўнглида яшириб юрган бир сирини айтиб, уни сақлашни, ошкор қилмасликни қайта-қайта таъкидлаган эди, лекин у Искандарнинг сирини узоқ сақлай олмай ичи пишиб бир дўстига айтди. Дўсти бир кишига, у киши яна бир кишига айтди. Шундай қилиб, сир ҳаммага ошкор бўлди.

Сирининг ошкор бўлганидан ортиқ даражада ғазабланган Искандар устози Арастуга:

— Эй ҳақим, кишининг сирини фош қилганга қандай жазо бериш керак? Мен фалон кишига сиримни айтган эдим, у киши сиримни сақлай олмай ошкор қилган, мен энди унга жазо бермоқчиман, сиз бунга нима дейсиз?— деди.

Арасту ҳақим айтди:

— У кишига жазо беришга ҳақнинг йўқ, ўзинг айбдорсан, сирингни ўзинг сақлай олмай, юрагинг тошиб кетиб бировга ошкор қилгансан. Ўзинг сақлай олмаган сирни бошқа киши қандай сақлай олсин!— деди.

Искандар сукут этишга мажбур бўлди.

¹ Абдураҳмон Жомий. Баҳористон. Танланган асарлар. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1971, 330-саҳифа.

Байт:

*Чун ўзинг сирингга маҳрам бўлмадинг,
Ўзгалар гар асрамас йўқ, бу ажаб¹.*

СУКУТ — АҚЛЛИЛИКДИР

Айтишларича, Луқмон ҳаким бир кун ҳазрати Довуднинг ҳузурига келди. Довуд совут, зирҳли кийим тайёрлаш билан машғул эди. Луқмон ҳаким у вақтгача бундай бир кийимни кўрмагани, шунинг учун бунинг қандай кийим эканини сўрамоқчи бўлса ҳам сабр этиб, сўрамасдан кийимнинг тайёр бўлишини кутиб турди. Довуд кийимни тайёрлаб кийиб олди, шодланиб Луқмон ҳакимга:

— Луқмон, кўрдингми, қандай гўзал жанг кийими тайёрладим.— деб мақтанди.

Ундан Луқмон ҳаким Довуд тайёрлаган кийимнинг нимага ярашини билиб ўз-ўзига: «Сукут қандай буюк ақллиликдир»,— деди.

Хулоса: керак бўлмаган ерда сўз сўзлаш бир камчиликдир. Фақат сўз сўзлаш керак бўлган вақтдагина сукут этмаслик лозим. Ақлли инсонлар: «Сўз кумуш бўлса, сукут олтиндир» деганлар, бу «фойдасиз ерда сўз сўзлама» демакдир².

САЛОМЛАШИШ ҚОЙДАЛАРИ

САЛОМЛАШИШ ОДОБИ

Таниш ёки нотаниш икки киши бир-бирлари билан учрашиб қолсалар, салом бериб кўришишлари жуда лозимдир. Танишлар фақатгина саломлашибгина қолмай, бир-бирларининг ҳоли аҳволларини сўрашлари керак.

Бир киши иккинчи кишига салом берса, дарров алик олиб, салом жавобини берсин. Саломни тўлиқ равишда «Ассалому алайкум», деб айтилсин. «Ассалом алайка», «Салом алайкум» ёки «Салом» ёхуд «Салом бердиқ» дейиш ярамайди. Салом жавоби «Ваалайкум-

¹ Оз-оз ўрганиб доно бўлур. Донишмандлар бисотидан ҳикоятлар, ўғитлар, ҳикматлар. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1988, 53—54-саҳифалар. ² У ш а к и т о б, 71-саҳифа.

ус-салом» бўлиб, «Алайкум салом», «Алайкас салом» ё фақат «Алайкум», деб айтиш тўғри эмасдир. «Ассалому алайкум» — арабча сўз бўлиб, «сизга тинчлик бўлсин», демакдир. «Ваалайкумус-салом» эса «сизга ҳам тинчлик бўлсин», деган сўздир.

Бошни эгмасдан, қўлларни кўкракка қўйиб салом бериш тавсия қилинади. Кўп кишига учрашиб қолган киши уларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида салом бермасин, ҳаммасига битта салом кифоя қилади. Ёши кичик киши ёши каттага, юриб кетаётган киши ўтирган кишига салом бериши лозим. Қамситиб, таҳқир қилгандай бўлиб, илжайиб салом бериш одобдан эмас. Салом самимий бўлсин. Салом олган киши бошини қимирлатибгина қўймасин, салом жавобига ҳурмат билан тўла-тўқис эшиттириб айтсин. Бир киши танишини узоқдан кўриб қолиб, унинг ёнига келиш иложини топмаса, ўша ердан туриб, қўлини кўксига қўйиб салом ишорасини берсин.

Қўл бериб саломлашган чоғда қўл учинигина бериб саломлашиш одобдан саналмайди. Бундай қилиш салом берган кишини камситиш, уни кўзга илмаслик бўлади. Узоқ вақт бир-бирлари билан учрашмаган кишилар қучоқлашиб кўришишлари мумкин¹.

*
* * *

Саломнинг адаблари баёнидадурки, анда ўн икки одоб бордур.

Адаби аввал — икки мўъмин бир-бирига қаршу келсалар, хоҳ ошно ва хоҳ ноошно, салом беришгайларики, салом бермак суннатдур, жавоби фарзи айндур, агар салом берилган бир киши бўлса ва фарзи кифоядур агар кўп бўлса.

Иккинчи, саломни . ассалому алайкум дегай, аммо ассалому алайка ёки салом алайкум демагай.

Учунчи, албатта жавобда: «Ваалайкумус салом» дегай, «вов» бирла «ва алайка» демагай ва алайкумни «вов» и-ни тарк ҳам қилмагай. Ва яна бетаваққуф (тўхтамай) жавоб бергай ва агар таъхир қилса фарз гарданидан соқит бўлмас. Ва яна жавоби саломни са-

¹ Оз-оз ўрганиб доно бўлур. Донишмандлар бисотидан ҳикоятлар, ўғитлар, ҳикматлар. Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва сант ат нашриёти, Тошкент, 1988, 121-саҳифа.

лом берувчиға эшиттургай ва илло фарз соқит бўлмас. Агар икки киши бир-бирлариға ибтидо (биринчи бўлиш)ни қасд қилиб салом беришсалар, агар бири илгари ва бири кейин воқеъ бўлса, жавоб адо топгай. Ва агар икки салом бир замонда воқеъ бўлса, бир-бирига жавоб бўлмас, ҳар қайсисиға алоҳида жавоб лозимдур.

Тўртинчи, агар киши бир жамоа мўъминларининг олдиға кирса, бир кишини тахсис қилиб (алоҳида ажратиб) салом бермагай, балки барчасини қасд қилғай. Аммо кўчада ва бозорда бир кишини хос қилиб салом берса ҳам бўлур. Ва агар жамоа бир кишига салом берсалар, жавобда лозимдурки, ҳаммаларини қасд қилғай ва агар алардин бирини тахсис қилиб жавоби салом берса, ўзгалар саломни бежавоб қолғай ва фарз соқит бўлмас. Ва агар бир киши, яна бир кишига бир кимарсадин салом айтиб юборса ва ул қосид (хабарчи) ўртада ул кишини саломини еткурса бетаваққуф жавоб вожибдур. Ва аммо қосидни жавоби саломга қўшмаклик мустаҳаб (маъқул) дур ва бу тариқадаки: «Ва лайка, ва алайҳи, ва алайкумус салом» дегай. Ва агар мактубда салом битилса, бу суратда ҳам жавоби салом лозимдур.

Бешинчи, салом берган вақтда бошини тубан қилмагай. Ва яна қўл ё кифт ё бош бирлан ишорат қилмагайки, мазмум (хунук) ва макруҳ (ёқимсиз)дир.

Олтинчи, баланд салом бергайки, ул тараф эшитгай ва жавобни ҳам салом берувчиға эшиттирғай. Ва агар карга салом берилса, саломда ҳам жаҳр (овоз чиқариб) ва ҳам қўл бирла ишорат қилғай ва агар қўл бирла ишорат қилмаса ва кар тингламаса, анга жавоб лозим эмасдур. Ва агар кар салом берса, жавобда ҳам талаффуз ва ишорат қилинғай. Ва агар гунгга салом берсалар, ул гунг қўл бирла ишорат қилиб жавоби салом берса, фарз соқит бўлғай, ва агар гунг салом берса, жавоби тил бирла қайтарилғай ва яна ишорат ҳам қилинғай, токи фарз гардандин соқит бўлғай.

Еттинчи, улуғ кичикка, отлиғ пиёдаға ва юргувчи ўлтирғувчига ва хожа қулиға ва биби канизга ва оз кўпга салом бергайлар.

Саккизинчи, бегона киши соҳибжамол хотунға салом қилмагай ва агар ул салом берса жавоб олмагай. Ва агар соҳибжамол бўлмаса, анга салом бермак раводур. Ва агар ул салом берса, жавоб ҳам лозим, аммо салом бермак ўз хотуниға ва маҳрамларига ҳарчанд

жамила (чиройли) бўлсалар ҳам жоиздур ва аларга жавоб лозимдур. Ва хотунлар бир-бирига салом бермаклик суннатдур ва жавоби фарздур. Агар бир киши жамоаи бегонаи хотуни соҳибжамолларга салом берса, ҳеч боки (зарари) йўқтур ва аларга жавоб лозимдур ва агар алар салом берсалар бир бегона номаҳрам кишига жавоби салом лозим бўлмай. Ва агар кўп киши бир бегона хотингаки соҳибжамолдур, салом берсалар ё бир бегона жамила хотин бир жамоаи эркакка салом берса, бу икки суратда ҳам жавоб лозим бўлмай, башартики ўртада фитна бўлмаса.

Тўққизинчи, ўн бир жойда салом бермагайки — макруҳдур ва жавоб лозим эмас. Аввал, ҳожатхонадаги кишига. Учунчи, киши ухлаган вақтда. Тўртинчи, жунуб (ювинмаган)га. Бешинчи, таом еб турган кишига, агар таом оғзида бўлса ва агар таом оғзида бўлмаса, салом жоиз ва жавоб лозимдур. Олтинчи, хатиб (имом)га хутба ўқиғон вақтда. Еттинчи, муаззинга азон ва иқомат айтиб турғон вақтда. Саккизинчи, намоз ўқув турғон кишига. Тўққизинчи, қуръон ўқуб турғон кишига. Ўнинчи, дуо ўқиб турган кишига. Ўн биринчи, муҳрим (ҳажда эҳром кийувчи) талбиҳ этиб турган ҳолда. Ўн иккинчи, мубтадиъ (бидъатчи) ва фосиқи бебок ва золимга салом бермагай ва агар алар салом бермоқчи бўлса, бу тариқада айтгайки: «Ассалому ала манит табаъал худо» (тўғри йўлда юрувчига салом). Ва агар хат юборса, ахийри мактубда саломни ҳам ушбу тариқада айтгай ва аммо «Ассалому алайкум» демагай. Ўн учунчи, агар зиммий (муслмонлар ичидаги ғайридин) салом берса муслимга, анинг жавобиға «Ваалайкум» дин зиёда демагай. Ўн тўртинчи, видо (хайрлашув) вақтида ҳам салом суннатдур ва булар лозимдур уламолар қошларида¹.

3. Мулоқот (учрашув) одоби баёнида. Анда олти адаб бордур. Аввали — мулоқотда мусофаҳа қилғайлар (яъни кўришгайлар). Иккинчи икки каф бирла мусофаҳа қилғайлар, қўл учи бирлан эмас, чароки (негаки) асли мусофаҳа луғатда сафҳаи кам (кафт юзи)ни сафҳай кафга қўймоқни айтурлар. Суннат ҳам ушбудур. Ва яна мусофаҳага ибтидо қилган (биринчи бошлаган) киши қўлини тортмагай, то ҳамроҳи қўлини тортма-

¹ *Муҳаммад Содиқ Қошғарий*. Одоб ас-салиҳин (Яхши кишилар одоби). «Шарқ юлдузи», 1990, 5-сон. 89—91-саҳифалар.

ғунча. Учунчи — юзини очиқ тутқай мусофаҳа вақтида . . .

4. Муъонийқа (қучоқлашиб кўришиш), қўл ўпмак адаблари баёнидаки, анда тўрт адаб бордур. Аввали — сафардин келган киши кўратурғон кишилар бирлан муъонийқа, яъни қучоқлашиб кўришгай ва ёш ўғлонларни ҳам қучоқлаб ва ҳам юзидан ўбса жоиздур Иккинчи, мужовирлар ҳар кундаги мулоқотларида муъонийқа қилмағайларки, макруҳдир, балки ўртада неча кун ўтгай. Учунчи, солиҳ бандаларни қўлини ўпмак мусофаҳа қилғон вақтида мустаҳабдур¹

САЛОМ-АЛИК ОДОБИ

Салом бериш қарз,
Алик олиш фарз!

Ўзбек халқ мақоли.

Одамларнинг бир-бирлари билан саломлашишлари, ҳол-аҳвол сўрашишлари, қўл олиб кўришишлари ажойиб фазилат бўлиб, одамийликнинг кўрки ва кишилар ўртасидаги меҳнат ва турмушда бўладиган мулоқотларнинг дебочасидир. Қолаверса, салом-алик инсоннинг ахлоқий қиёфасини ифодалайдиган белги ва турмуш зийнатларидан биридир.

Салом-алик турли халқларда турлича шаклларда таркиб топган, унинг тарихи одамзод пайдо бўлган даврларга бориб тақалади.

Саломнинг аҳамияти ва шакллари

Қўл олиб кўришиш ибтидоий уруғчилик давридан келиб чиққанлигини этнограф, археолог ва антрополог олимлар қуйидагича талқин қилишади. Яъни ибтидоий одамлар бир-бирига дуч келганларида, «мен сени ўлдирмоқчи эмасман, мана, кара, қўлимда тошим йўқ», дегандай бир-бирининг қўлини ушлаб қўйишаркан. Қўл қисиб саломлашиш ўшандан мерос бўлиб, эндиликдаги дунёдаги кўпчилик халқларга хос одат тусига айланиб кетган.

Турли халқларнинг ўзига хос урф-одати, турмуш

¹ У ш а ж у р н а л, 91- саҳифа.

шароити ва тарихий тараққиёти заминида саломлашишнинг яна бошқача шакллари ҳам таркиб топган.

Масалан, кўпчилик Европа халқлари саломлашганда бош кийимини ечиб-кийиб қўяди. Ҳиндистонликлар эса кафтларини жуфтлаб пешонасининг ўртасига теккизиб саломлашади. Афғонларда саломлашиш ўнг қўлини манглайига тегизиб таъзим этиш, арабларда ва бошқа халқларда қўл қовуштириб олға букилишдан иборат. Яна Африканинг жангалдоронларида истиқомат қилувчи қабилалардан бир хили кўришганда нуқул дўқ-пўписадан иборат сўзларни айтишади. Хитой вилоятларидан бирида аҳоли бир-бири билан кўришганда: «Сен бугун овқат едингми?», «Қорнинг тўқми?»—деб сўрашаркан, бу ҳам саломнинг бир тури. Тибетликлар саломлашганда бир-бирларига қараб тилларини чиқаришиб, иржайар эканлар.

Ўзбекларда саломлашиш, кўришиш, сўрашиш, илтифот қилиш ва, умуман, одамга бўлган ҳурматнинг кучли эканини ифодаловчи одатнинг йигирмага яқин шакли мавжуддир. Кўпчилик бу шакллардан тўла ва яхши фойдаланаётган бўлса-да, айримлар буни ё билишмайди ёки аҳамият беришмайди. Натижада саломалик сидқидиллик нишонаси эмас, балки қандайдир таъна, ғайри самимий маъно касб этиши ҳам мумкин. Масалан, баъзилар саломни бузиб: «Ҳаа, ҳой! Салом бердик!» деб саломлашади. Бу салом-алик бузилишининг бир шакли бўлиб, шунинг ўзида одамни менсимаслик аломати борлиги сезилади. Баъзилар эса, салом орқали ўзининг каттазанглигини ифодаламоқчи ҳам бўлиб: «Ҳа! Ишлар қалай? Ҳа, чой-пой қилмаймизми?» дейди.

Маданиятли, баодоб, тарбия кўрган киши умуман таниш-билишларини учратганда самимий саломлашиши, ҳол-аҳвол сўраши қарз ҳисобланади. Саломга алик олиш эса фарз ҳисобланади. Одамларга салом беришни, каттага ҳурматда ва кичикка иззатда бўлишни боласига ўргатмайдиган оила йўқ, боғча ва мактабларда ҳам ўргатилади: бу олий одоб, дарсхонага муаллим кириши билан талабалар «гурр» этиб ўринларидан туриб қарши оладилар

Бировга хат ёзсак ҳам гапни саломдан бошлаймиз. Кўчага чиқибон учраган кишига бош эгиб ўтилади. Таниш бўлмаса ҳам қарияга салом бериб ўтиш одобдан ҳисобланади. Дўстлар билан тўхтаб сўрашилади. Иш

бошлашдан олдин ҳар ким ҳамкасблари билан салом-алик қилишиб олади. Демак, ҳар биримизнинг ҳар куни ўнларча ва юзларча одамлар билан салом-алигимиз бор. Дарвоқе, салом кимга ва қачон берилмайди? Саломни бадмаст, безори, жамоат тартибини бузган, бадфеъл, одамгарчиликдан чиққан, тентак шахслардан аяш керак. Чунки ўз қадрини билмаган кимсаларга салом берсангиз, саломингиз беинобат қолади ёки сидқидил алик олинмайди. Ёки бундай шахсларга салом бериб ҳурматлаб турсангиз, улар ўз қилмишларини тўғри экан-да, деб ўйлаши ҳам мумкин. Ахлоқи бузуқ, бадмаст, бадфеъл ва безори кимсаларга нисбатан салом бермаслик йўли билан жамоатчилик ўз муносабатини англатиши қоидадир. Салом яна шундай вақтларда берилмайди: улфатларнинг суҳбати қизиб турган пайтларда халақит бермаслик учун бир чеккада одоб сақлаб турилади. Яна жамоат жам жойларда кечроқ келиб ҳаммани безовта қилиб қўл бериб кўришиш шарт эмас. Бундай пайтда қўлни кўкракка қўйиб: «Кўрганимиз—кўришганимиз!»— дейилади. Айниқса, овқат ейилаётганда қўл берилса, кишининг таъби хира бўлиши мумкин. Ёши улур одам ёки аёл киши қўл узатмагунча қўл чўзиб кўришиш ҳам одобдан эмас.

Бундан ташқари ҳолларда саломлашиш зарурий бир эътиқод.

Одам билан одам саломлашганда жуда нозик руҳий ҳолатлар рўй беради. Сўрашаётганларнинг феъл-атвори, қиёфаси, тарбиявий даражаси, ички кечинмалари, ўша пайтдаги кайфияти ва кўришувчига, салом берган кишига бўлган муносабати ва ундан фарқи «мана мен» деб билиниб қолади. Шундай шахслар ҳам бўладикки, сизга ноилож қўл чўзиб ўзи тескари қарайди. Бундай одам «сени кўргани кўзим йўқ» дегандай бўлади. Яна кўришганда тунд башара билан сўрашадиганлар ҳам учрайди. Баъзан кўришувчи қўлни маҳкам қисиб, қаттиқ силтаб, озор бериши ҳам мумкин. Бу ҳам одобсизлик, каттазанглик, «мен сендан зўрроқман», деган маънони англатишини унутмаслик керак. Ёки аксинча, қўлнинг учини бериб совуққина кўришувчилар ўзининг менсимаслигини, одобсизлигини билдиради. Бундай ҳоллар салом-аликнинг бузилишига сабаб бўлади. Салом-алик шу қадар муқаддас нарсаки, уни бузиш ҳақоратга тенгдир. Бу ҳоллар кўришувчилар бир-бирлари билан қандай муносабатда эканини яқ-

қол англатиб қўяди. Чунончи, саломнинг бузилиши қуйидаги ҳолларда содир бўлиши мумкин: бахил сажийни, нодон донони, одобсиз хушхулқни, тунд хушчақчақни, истеъдодсиз қобилиятлини, жинояткор диёнат аҳлини, аҳмоқ оқилни, мунофиқ олижанобни кўрганда ўзидан кетади, юраги қисилиб, қони қайнайди, ранги алланечук бўлиб юзидаги табассум чироғи кўнгилдан тўлқинланиб чиққан ҳасад-ғусса шамоли билан ўчиб қолади, бу эса салом-аликнинг бузилишига сабаб бўлади. Бундай одамлар бир-бирига хил келмаслиги аниқ.

Одам одамга хил келганда эса салом-алик бузилмаган ҳолда одоб, ахлоқ ва дил саховатининг ақл заковатига мужассамлиги асосида рўёбга чиқади.

Инсоннинг инсонга бўлган эътиқодий алоқаларининг самимият чилвири бўлмиш салом-аликни хомитиб узмасдан, ҳар икки томон пишитиб эшиши орқали ҳам одамлар бир-бирига чамбарчас боғланиши мумкин. Болаларни ёшликданоқ катталарни ҳурмат қилишга, таниш бўлмаса ҳам салом беришга ўргатиш уларнинг инсонпарвар бўлиб етишишига сабаб бўлади

САЛОМ СЕҲРИ...

Булардан ташқари, яна кўришганда кишининг ўзи ёки уй ичидагилардан бирортаси бемор бўлса кўнглини кўтариш, овутиш, муваффақиятга эришса табриклаш каби одатлар бор.

Кўриниб турибдики, мана шу юқорида келтирилган кўришиш, саломлашиш, сўрашиш ва илтифот этиш одатларида одамга бўлган қанча ҳурмат, иззат, илиқ илтифот, меҳрибонлик, одамшавандалик ва инсоний фазилатнинг чўғдек тафти бор! Одоб, ахлоқ ва эътиқоднинг юксаклиги ҳам шулар орқали намоёндыр. Бинобарин, кишиларни инсонпарварлик руҳида тарбиялашда салом-аликнинг аҳамияти зўр эканлигини сира унутмаслигимиз жоиздыр.

Салом ҳатто сеҳрли бир нарса, унинг сеҳри шу даражадаки, афсоналарда айтилишича, ялмоғиз кампирга дуч келган бир киши нима қиларини билмай, шошиб: «Ассалому алайкум!» деган экан. Шунда одамхўр, менга ҳам салом берадиган бор экан-да, деб ўйлаб: «Ҳар саломинг бўлмаганда икки ямлаб бир ютардим!» деган эмиш. Бу афсонанинг маъноси шуки — салом

ҳар қандай одамнинг, ҳатто ёвузнинг ҳам кўнглини юмшатади деган сўз.

Сидқидилдан ва самимий салом берган кишининг юзларидан томган ёғду ва кўзларидан чақнаган табассум нури алиқ олувчининг дилини равшан қилиб юборади.

Халқ мақолларида ҳам салом-алиқ одамийликнинг олий белгиси сифатида акс эттирилганининг гувоҳи бўламыз:

«Бир кун туз ичган жойга қирқ кун салом қил!», «Бир кўрган таниш, икки кўрган билиш», «Одамнинг юзи офтобдан иссиқ», «Салом бериш қарз, алиқ олиш фарз!».

Салом бериш фарз ва бу дил саховати инсонга бўлган ҳурматнинг белгиси эканини қўйидаги кичик ҳикоятда ҳам кўришимиз мумкин.

Ҳикоят. Қўҳна Ҳирот кўчаларининг бирида Алишер Навоий билан Ҳусайн Бойқаро отлиқ ўтиб борар эдилар. Ариқча бўйида қумтака¹ ўйнаб ўтирган бир гўдакка Алишернинг кўзи тушди. У отдан тушиб гўдак олдига келди, қўлларини кўкрагига қўйиб икки букилиб:

— Ассалому алайкум мавлонозода!— деб таъзим қилди. Бола ҳайрон, Навоийга қараб бир илжайиб қўйди-да, ўйинни давом эттира берди.

Навоий орқасига уч-тўрт қадам юриб, отга минди ва йўлида давом этди. Бу воқеани кузатиб турган Ҳусайннинг ҳайронлиги ўта кучли эди.

— Ажабо, Алишер! Тавқифи ман айлаб, ўшал ширхўр тифлға инчунун таъзим айламоқ не боисдан?— сўради у.

— Султон Ҳазратлари сезмадилар чоғи, тифли ул набиран пиримиз мавлоно Абдураҳмон Жомий эрур. Устодға ҳурматим зўрлиғидан набирасиға ҳам таъзим бажолиғ жоиз деб билурман.

Шунда Ҳусайн орқаға, бола ўтирган томон қаради, отдан тушмаса ҳам узангига оёқ тираб эгардан кўтарилди, ўша томонга бош силкитиб қўйди ва деди:

— Султон ила амир саломлари ширхўр гўдак бошиға қарзи алиқ вофир ўлмадиму?— илжайди Ҳусайн.

Алишер жавоб берди:

— Ўлмас, ўйлармен, Султон Ҳазратлари! У ҳам тез

¹ *Қумтака* — ёш болаларнинг ариқ ва анҳор бўйларида ҳўл қумдан қалдирғоч уясига ўхшаш уйча, саройча қуриш ўйини.

орада камолот отиға мингач, алик қарзини узиб ўзимизни қарздори салом қилғонидан гофил ўлурмиз.— Навоий маъноли кулиб қўйди. Улар сарой дарвозасига кириб кетдилар

Мана шу ҳикоятдан: таълим берган устознинг авлодларигача ҳурмат қилиш зарурлиги ва бу ҳурмат даставвал салом орқали рўёбга чиқиши ҳамда салом бериш қарз, алик эса фарз эканлигини зеҳнли ўқувчиларимиз англаб олган бўлсалар биз мақсадга эришган бўламиз, чунки салом-алик кундалик ҳаёт кечириб тортиб то сиёсий, дипломатик, илмий, бадий, ҳуқуқий, ахлоқий, хуллас, меҳнат ва турмушнинг барча соҳаларида одамлар ўртасида содир бўладиган инсоний алоқадорликнинг бошланишидир¹.

МЕҲМОННАВОЗЛИК

МЕҲМОН ОЛМОҚ ВА МЕҲМОН БЎЛМОҚ ЗИКРИДА

Эй фарзанд, билғилким, ҳар кун бегона одамларни меҳмон қилмағил, нединким ҳар кун меҳмон олсанг меҳмонга лойиқ ишларни кўнгул муродича қила олмағунгдир. Кўрғилким, кўнглинг ҳар ойда неча мартаба меҳмон чақирмоқ тилайди. Агар уч мартаба чақириб тиласа, бир мартаба чақирғил, уч мартабада қиладиғон харажатингни бир мартабада қилғил, то дастурхонинг айбсиз бўлғай ва айбжўй² ларнинг тили боғлиқ бўлғай.

Ҳар вақт меҳмонларинг уйингга оёқ қўйсалар, сен барча одамларинг била уларнинг олдилариға чиққил ва яхши сўз била мулоқот³ қил, то улар сенинг шукрингни айтсинлар.

Агар мева вақти бўлса, таом емасдан аввал мева келтурғил, то баҳузуридил есунлар.

Бир замон таваққуф қил, ундин сўнг барча одамларни ўлтурғуз ва ўзинг ўлтурмағил, токи барча меҳмонлар иттифоқ била есунлар. Меҳмонлар бир-икки сўрагунча сен ўлтурма. Улар ўлтурғил ва бизларга мувофақат⁴ қил (бизлар розимиз) десалар, сен айтғил-

¹ Инсон одоби. Тошкент, 1988. 137—143-саҳифалар. ² Айбжўй — камситувчи, айб ахтарувчи. ³ Мулоқот — учрашув, кўришув. ⁴ Мувофақат — келишиш, мувофиқлик, бировнинг розилигини олиш.

ким: «Мени қўйинглар, то сизларга хизмат қилғумдир». Агар яна такрор таклиф қилсалар, ундин сўнг ўлтурғил ва уларга мувофақат кўргузғил, аммо ҳаммадин пастда ўлтурғил. Ҳар соат: «Эй фалони, таомни яхши егил, ҳеч нима емадинг ва мен сенга лойиқ ҳеч иш қила олмадим. Иншооллоҳ келгуси сафар бунинг узрин яхшироқ қилғумдур»,— деб айтмағил. Бу улуғ ва муҳташамларнинг сўзи эрмасдур, балки бозорийларнинг ва авбошлар¹нинг лафзидур. Бундоқ сўздин халқ хижолат ерлар, таом ёмаслар ва овқатга тўймасдан туриб кетарлар. Бизларнинг Гилонда яхши расмларимиз борки, агар меҳмон чақирсалар, дастурхон ёзиб, таомларни келтуруб қўярлар ва кўзаларда сув ҳам келтуриб, дастурхоннинг четларига қўярлар. Барча меҳмонларни таомнинг атрофига ўлтурғузиб, ўзлари чиқиб кетарлар. Бир киши табақ ва косаларнинг саранжоми учун қолур. Меҳмон таомдин кўнгли хоҳлагунча ер, ундин сўнг мезбон ўтиришга келур. Араб халқининг дастури ҳам шундайдур.

Меҳмонлар таом еб бўлуб, қўл ювғондан сўнг атр ва гулоб келтуруб, мажлисни муаттар қилғил. Меҳмонларнинг чокар ва хизматкорларига ҳам яхши риоя қилғил, нединким, кишининг яхши отин улар чиқарурлар. Мажлисга нуқл²ни кўп келтурғил ва хушовоз мутрибларни³ ҳам ҳозир қилғил. Набиз ҳам муҳайё қилғил, нединким меҳмонлар таомдин сўнг шароб ичиб, нағма ва наво эшитсалар хушҳол бўлурлар. Агар коса ва таомингда бир айб ва тақсир воқе бўлса, бунинг била пўшида⁴ бўлур.

Шароб ичмак улуғ гуноҳдир. Агар гуноҳ қилмоқ тиламасанг бемаза ва бетартиблик қилмағил. Бас, агар менинг бу сўзларимни айтғондек қилсанг ўзингни меҳмонга ва меҳмоннинг ҳақин ўзинга вожиб билғил.

Ҳикоят. Эшитдимки, ибн Муқла Мапсур Тамимийнинг ўғли Насрга Басра ҳокими амалини берди. Сўнгни йилда уни чақириб кўп ситойиш⁵ қилди. Айтурларки, у кўп давлатлиғ ва неъматлиғ киши эрди. Халифа ундин кўп мол тамаъ қиларди. Улар ҳисоб қилдилар, кўп мол унинг (Насрнинг) бўйнига юкланди. Ибн Муқла унга деди: «Ё бу молни берғил, ёки зиндонга кирғил». Наср деди: «Эй мавлоно, менинг кўп молим бор-

¹ Авбош — бебош саёқ, дайди, безори. ² Нуқл — мева-чева. ³ Мутриб — чолғучи, созанда ашулачи. ⁴ Пўшида — яшрин, махфий. ⁵ Ситойиш — мақташ.

дур, ammo бу ерда ҳозир эмасдур. Менга бир ой муҳлат берғил ва бу миқдор мол учун мени зиндонга солмоқ муносиб эрмасдур». Ибн Муқла буни: «Мол бермоққа тоқати йўқтур, бу сўзни кўнгил била айтмади»,— деб гумон қилди. Ниҳоят унга деди: «Сени ўз жойингга юбориб бу молни олмоқ зарур. Ammo амиралмўъминининг фармони буки, менинг ҳовлимнинг бир ҳужрасида ўлтурғил ва бир ой менга меҳмон бўлғил». Наср қабул қилиб ибн Муқланинг уйида маҳбус бўлиб ўлтурди. Иттифоқо ул ой рамазон ойи эрди. Ибн Муқла ҳар куни Насрни ифторга чақириб, унинг била рўзасин очар эрди. Ийдин сўнг, ибн Муқла Насрга киши юбориб, ўшал молни талаб қилди. Наср: «Мен ул зарни бердим»— деди. Ул киши: «Кимга бердинг?» деди. Наср: «Ибн Муқлага бердим»— деди. Бу сўзни ибн Муқла эшитиб ҳайрон бўлди ва Насрни олдига чақириб: «Эй Наср, зарни менга қачон бердинг?» деди. Наср деди: «Мен сенга зарни берғоним йўқ, лекин бир неча муддат сенинг таомингни текин едим ва сенга меҳмон бўлуб, ҳар куни рўзани сенинг бирла очдим, энди ийд (байрам) келди, сенинг зар талаб қилишга ҳаққинг қолмади». Ибн Муқла бу сўздин хушҳол бўлди ва кулиб деди: «Зат (тилхат)ни олғил, хушвақт бўлиб кетғил, ул зарни сенга бағишладим». Наср бу сабаб била зар бермоқдин қутулди.

Бас, эй фарзанд, меҳмондил бўлғил ва меҳмонга таъна қилмағил, ҳар вақт очиқ юзлик бўлғил, токи ҳар кишиким меҳмонинг бўлса, шодлик била таомингни есин. Лекин ўзинг набизни кам ичғил, меҳмондин аввал маст бўлмағил ва ҳамиша очиқ юз, хуш хандон бўлғил. Ammo беҳуда кулмағил, кўп кулмак бир навъ девоналиғдур, оз кулмак бир навъ сиёсат ва бурдборлиғ¹дур, нединким, дебдурлар беҳуда ва бевақт кулгу ғам ва карбо² вақтида воқе бўлур.

Меҳмонлар маст бўлғондин сўнг кетмак тиласалар бир мартаба, икки мартаба тавозеъ била кетманг деб илтмос қил ва учинчи мартабада кетмак тиласалар, лутф кўргузуб рухсат берғил. Агар хизматкорларинг бир хато қилғон бўлсалар, меҳмоннинг қошида туршрўй бўлуб, уларни қоҳиш³ қилмағил ва хатосин афв қилғил.

¹ Бурдборлиғ — бардошлик, оғирлик, сабр-тоқатлик. ² Карбо — азоб-уқубат. ³ Қоҳиш — камситиш.

Агар меҳмон ҳар нечук қаттиқ сўз айтса, унга қаттиқ сўз демағил, балки ҳурматини сақлағил.

Ҳикоят. Ундоқ эшитибманким, халифа Муътасим бир гуноҳкорни олдига келтуруб ўлдирмоқ тилади. Ул киши: «Эй амиралмўъминин, мени бир коса сув би-ла меҳмон қилким, мен бағоят ташнадурман, ундин сўнг ҳарна қилмоқ тиласанг буюрғил». Халифа Муъта-сим ҳам ул онтнинг ҳурматин сақлаб буюрди, унга сув бердилар. Ул киши сувни ичғондин сўнг араб расми би-ла: «Ҳайран касираб ё амиралмўъминин энди бир коса сув би-ла сенинг меҳмонинг бўлдим. Агар мурувват тариқида меҳмонни ўлдирмоқ вожиб бўлса, буюрғил-ким мени ўлдурсинлар. Агар афв қилсанг, мен сенинг олдингда барча журмимдан¹ тавба қилурман». Муъта-сим: «Рост айтурсан, меҳмон ҳақи улуғдир. Энди гу-ноҳингни афв қилдим ва сен ҳам тавба қилиб, бундин буёқ ҳеч бир хатога қадам қўймағил»,— деди.

Демак, эй фарзанд, агар меҳмон бўлсанг, ҳар ки-шиникига меҳмон бўлуб боравермағил, чунки ҳашмат шавкатингга зиён еткарурсан. Агар меҳмон бўлуб бир ерга борсанг, кўп оч бўлуб бормағил ва тез юруб бормағилким, таом емакдин маъзур бўлуб ўлтурсанг мезмон озор топор. Агар таомни кўп есанг, халқнинг кўзига ёмон кўринур. Шунинг учун мезбоннинг уйига кирсанг ўзингга муносиб жойда ўлтурғил. У гарчи ошно кишининг уйи бўлса ҳам таом ва набизнинг устида корфармолик² қилмағил, яъни мезбоннинг хиз-маткорларига, «Эй фалони, бу уй менинг ўз уйимдур ва табақни у ерга қўйғил, ўзгаларнинг таом ва косасига қўл урмағил»— демағил. Ўз чокарларингга зулолни³ олиб бермағилким, дебдурлар, меҳмоннинг уйидин нар-са олиш — уят.

Шароб ичиб кўп маст бўлмағил, қайтар чоғда йўл асносида мастлик асари сендин зоҳир бўлмасун ва халқ ҳолингни билмасунлар. Ҳар неча мастлик тиласанг ўз уйингда бўлғил. Агар сен шароб ичғон вақтда тобеъ-ларинг ҳар неча гуноҳ қилсалар ҳам уларга адаб ва гўшмол⁴ бермағил, нединким, уни ҳеч киши адаб са-намас ва дерларки, бадмастлик қиладур. Неки қилмоқ тиласанг, шароб ичмағон вақтда қилғил, ул бадмаслик

¹ *Журм* — гуноҳ. ² *Корфармо* — иш кўрсатувчи, иш буюрувчи, ишбоши. ³ *Зулол* — тиниқ сув, оппоқ ширин сув. ⁴ *Гўшмол* — тан-беҳ.

эмасдур. Дебдурларким, девоналиғ гуногун¹ арбада², яна гуногундурким, мастлик девоналикдандур. Бас, бу айтгон сўзларидин парҳез қил. Бегона одамнинг қошида ҳеч вақт маст ва хароб бўлмағил. Ўзингнинг аёл ва бандаларинг орасида бўлгон тақдирингда ҳам одоб била умр кечирғил³.

МЕҲМОНДОРЧИЛИК ФАЗИЛАТИ

Жуда турли-туман мулозим киши.
Турли-туман бўлгай қўноқлик оши.
Никоҳ таомидир улар бириси,
Дунёга келса ё ўғилми, қизми.
Чақиргай сени ё қариндош-уруғ,
Яқин дўстларингми, кичик ё улуғ,
Ё марҳум номига оши азадир,
Ё унвон олиб, важҳ — овозадир.
Нима бўлмасин бу зиёфат, емак,
Ўйлаб кўр: бориш ё бормаслик керак.
Таклиф этса дўсту қариндошларинг,
Бору намоён эт тузук ҳунаринг.
Агар таклиф этса сени ёт — ўзга
Озми-кўп тамадди қилиб тур кўзга.
Чақиринса агар яқин қўшнилари,
Ёки дўстинг эса, қўнглинг ҳам тилар.
Улар уйига бор топиб сен эвин,
Уларни севинтир, ўзинг ҳам севин.
Агар ош қилинса ўзингга атаб,
Боргил одамийлик бурчини ўтаб.
Агар бўлса бундан бўлакчароқ ош,
Бориб юрма, унда қийналади бош.
Нотугал бўлмасми ўша зиёфат,
Кўнгил шодлигига етади офат.
Тўполон чиқарса ё масти бадном,
Сингиб кетмагандай бўлар бу таом.
Кўзи тўқ кишидан ўрناق ол, ўйла,
Суқлик қилма — обрў кетар бир йўла.
Нима дейди, эшит, нафсин тиювчи,
Куч топиб, нафсини тийиб қўювчи:
Киши пасти бўлма, бўғиз мойили
Нафсин дея бўлма томоқнинг қули.
Неча обрўли, зўр, доно, ботир эр,

¹ *Гуногун* — ранг-баранг, хилма-хил. ² *Ар-бада* — шовқин-сурон, қий-чув, ғазаб. ³ *Кайковус Унсурулмаолий*. Қобуснома, «Ўқитувчи», Тошкент, 1986, 57—61-саҳифалар.

Бўғзини тиёлмай охир бўлди ер.
Бировлар қозониб шуҳрат эл аро,
Тия билмади нафс — юз бўлди қаро.
Неча бойни кўрдим нафсининг тутқуни,
Нафси хароб қилди оқибат уни.
Бўғиз қули бўлма, ё нафси бузуқ,
Қул бўлсанг чораси топилмас тузук,
Неча турли ошда бўлар эсанг сен,
Одоб билан ош е, билар эсанг сен.
Улуғлар қўлини чўзмагунча то,
Одоблим, қўлингга олмагин ғизо.
Бўлак қаршисига узанма сира,
Олиб ё ўзингга бўлса рўпара.
Қанчалик тўқ бўлма, олиб тургин ош.
Одамга қараб ош ейишар, қардош.
Нима олсанг тишла, чайна майдалаб,
Пуфламагин аммо овқатга қараб.
Емакни сурмагин ўзингга яқин,
Озор бермасин бу қилиғинг тағин.
Таълим-қондани билолмас киши
Гуруннга қўшилса, юришмас иши.
Таомни шодон е, қўлингга олиб,
То бекач севинсин назарин солиб.
Жуда яхши деган бу ҳақда ҳушёр,
Боқиб кўрсанг унда рангин маъно бор:
Киши кўнгли гўё нозик бир шиша,
Синиб қолмасин, у, этгин андиша.
Киши кўнгли синса, кетар ҳаловат,
Яқинлик бузулар, етиб фалокат,
Яқинлик тиласанг, бўлгин аҳли дил,
Кўнги синмоғидан узоқлаша бил.
Таом емоғингда бўларкан меъёр
Сиҳату солимлик бўлар сенга ёр.
Очофат кишининг озиғи — бало,
Озиғи баломи, унга не даво?!
Бу дард ёпишсами, қийналар одам . . .
Назар солсанг яхши сўз деган табиб,
«Овқатни оз еган юради кулиб».
Соғлиқ тиласанг гар бедард, бекасал,
«Оз» деган дорини егин ҳар маҳал,
Кўрайин десанг гар сен узоқ умр,
Тез-тез тил гўштини қилгин тановул¹.

¹ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. «Юлдузча», Тошкент, 1990, 100—103- саҳифалар.

ЗИЕФАТ ОДАТИ

Агар сен чорласанг уйингга меҳмон,
Олдин тараддуд қил, э доно инсон.
Пок бўлсин ошу нон, уй-жой, тўн-тўшак.
Берган тузинг манзур бўлмоғи керак.
Емоқ-ичмоқ бўлсин покиза, эзгу,
Қўл чўзганда бўлсин ҳавас ва орзу,
Таклиф этмасанг-ку айби бир бўлар,
Чорласанг, у кўриб бирни минг қилар.
Дўсту қардошларинг узоқ ва яқин —
Барини чорла, то ўтагин ҳақин.
Келувчиси келар, келмаса агар
Шу сабаб дили кўп шодланиб қолар,
Томоқ қули бўлса, ахир кўп ёмон,
Кеки ўлса қолар, юрар кўп замон.
Назорат қил, тутгин барчага сув, ош.
Кечикканлар бўлса, хоҳ кекса, хоҳ ёш.
Овқат есалар сўнг, тутгин ичимлик.
Не тиласа бергин, бўлар сингимлик.
Улуғлар ошни еб, бас қилса агар,
Кичикларга овқат узат сар-басар.
Барисига етказ, таъна этмасин,
Сўкишмасин улар, наҳор кетмасин,
Қуюқ-сууюқдан сўнг шира-шарбат қил,
Булар билан мева қўйгин қуруқ-хўл.
Чорланувчи тўрт хил бўлар доимо,
Борувчи ҳам тўрт хил бўлар, эй, доно.
Баъзиси бир таклиф билан борсалар,
Ош-овқатни ейди нима берсалар,
Яна ўз уйига чақирмас киши,
Бош буркаб ейилар уйида оши.
Тағин бир тоифа бориб ер ошни,
Таклиф этар ўзи яна қардошни,
Яна бир бўлаги ошга бормагай,
Бўлакларга бурда нонни бермагай.
У — ўлик, тирикка санама ҳеч ҳам,
Қўшилма, у билан қўймагин қадам.
Бири ошга бормас ҳеч қадам қўйиб,
Аммо тез-тез чорлар сўқимлар сўйиб,
Булардан энг эзгу йўриқ шу эрур,
Доно мақтаган феъл тўлиқ шу эрур.
Хоҳи боргин, хоҳи бормагин ошга,
Нафсингни тий, аммо саломат яша,
Кўп еган одам чин ҳаста бўлади.

Юз—сарик, жойи-чи пастда бўлади,
Табиб сўз айтибди, қара, бунга тенг.
Мижозни билувчи, билим, кўнгли кенг:
Дардга сабаб бўғиз — ейилган оши.
Кишин дард қаритар, тугамас ёши.
Бўғизни тийиб юр — сен дардсиз яша,
Бу дарддан қилинар қизил юз иши.
Бу янглиғ бўлар кўр, зиёфат иши.
Чорлаганда борса ё келса киши¹.

МЕҲМОНДОРЧИЛИК ОДОБИ

Агар уйингизга бир одамни таклиф қилган бўлсангиз ёки чақирмаган бўлсангиз ҳам кўнгли тортиб, сиз билан бир оз суҳбатлашиб ўтириш мақсадида уйингизга меҳмон бўлиб келган бўлса, сиз уни хуш қабул қилиб, ҳурмат билан қарши олинг, салом бериб, кўришинг, йўқлаб келгани учун миннатдорчилигингизни билдиринг. Уйга таклиф қилиб, тўрга ўтқазинг. Ҳол-аҳвол сўрашганингиздан кейин дарҳол дастурхон ёзиб, овқат келтиришга ҳаракат қилинг. Нонни етарли қилиб ушатиб, ортиқча ушатсангиз нон исроф бўлиб қолади, исрофгарчиликдан сақланинг. Меҳмонга: «Қани, овқатга марҳамат қилинг», деб таклиф этинг. Аввал ўзингиз бошлаб беринг. Меҳмондан илгари қўлингизни овқатдан тортманг, оз-оз бўлса ҳам биргалашиб олиб туринг, бўлмаса меҳмон уялиб, таомдан қўл тортишга мажбур бўлади.

Меҳмонни «қани олинг» деб, ҳаддан зиёд қистаманг, уч марта таклиф қилсангиз кифоя қилади. Келтирган овқатингиз озроқ бўлса, ўзингиз оз-оз олиб, кўпини меҳмонга едиринг. Меҳмон тўйиб қўл тортгандан кейин, дарҳол тоза сочиқ бериб, қўлига сув қуйинг. Меҳмон билан суҳбат қилиб ўтирар экансиз, унинг аҳволи — руҳиясига эътибор бериб сўзланг, руҳий ҳолати кўтара олмайдиган сўзлар оғзингиздан чиқмасин. Баъзи сўзларингиз унга оғир туюлиб қолиши мумкин. Меҳмон олдида оила аъзоларингизнинг биронтасини уришиб, қаттиқ сўзлар сўзламанг, кўнглига турли фикрлар келиши мумкин. У кетмоққа руҳсат сўраб ўрнидан турса, уни эшиккача кузатиб чиқиб, соғ-саломатлик тилаб хайрлашинг, яна келиб туришини сўраб қолинг.

¹ У ш а к я т о б, 103—104- саҳифалар.

Агар сиз кўп кишини меҳмон қилиб чақирсангиз ҳам юқорида айтилганидек, меҳмондорчилик одобига риоя қилинг, қўлингиздан келгунча уларни хурсанд этишга ҳаракат қилинг¹.

МЕҲМОН ИЗЗАТИ

Агар сизни ҳурмат қилиб тўй, зиёфат, маъракага чақирсалар қабул қилинг. Бирор зарур ишга банд бўлиб боришингиз мумкин бўлмаса, узр сўраб, ҳурмат қилиб айтгани учун ташаккурингизни билдилинг.

Таклиф қилинмаган бирор кишини ўзингиз билан тўй, зиёфатга бирга олиб борманг. Тўй, зиёфатга боришдан илгари озгина овқатланиб олинг, у ерда очкўзлик қилиб таомни ҳадеб тушира бериш айб саналади. Мезбон қандай овқат қўйса, енг, эътироз билдирманг. Дастурхонга қўйилган нозу неъматларнинг бир қисмини мезбоннинг рухсатисиз уйингизга олиб кетманг, уятли иш қилган бўласиз.

Меҳмонларнинг қолган овқатларни зўрлаб ёки табаррук деб бир-бирларига едиришлари ярамайди, бундай ишдан сақланиш керак. Зиёфат тамом бўлгандан кейин кўп эзмалик қилиб сўзлашиб ўтирмай, мезбонга ташаккур айтиш ва кетмоққа ижозат сўраш лозим².

ИККИ ХИЛ МУОМАЛА

Фозиллардан бири ҳикоя қилади:

— Бир кун отга миниб сафарга чиқдим. Дала-дашда борар эканман, йўлимни йўқотиб, адашиб қолдим. Кеч ҳам кирди. Узоқдаги бир уйни кўриб қолдим. Дарҳол ўша уйга бориб, эшикни тақиллатдим. Уй эгаси — эркак киши йўқ экан. Унинг хотини чиқди-да, салом бериб, «кимсиз»? дея сўради. Мен мусофир бир киши эканимни, йўлдан адашганимни, рухсат этилса, бу кечани шу уйда ўтказиш умидида эканимни айтдим.

Аёл мени очиқ юз билан:

— Хуш келдингиз, азиз меҳмон! Эрим бир ерга кетган эдилар, ҳозир келиб қоладилар, қани марҳамат қилинг,— деб ичкарига таклиф қилди. Отимни отхо-

¹ Оз-оз ўрганиб доно бўлур. Донишмандлар бисотидан ҳикоятлар, ўғитлар, ҳикматлар. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1988, 123—124-саҳифалар. ² Уша китоб, 124-саҳифа.

нага боғлаб, уйга кирдим. У obu таом келтирди. Еб-ичиб, истироҳат қилиб ўтирган эдим, эри келиб қолди.

Мени кўриб, хотинидан кимлигимни сўради. Хотин меҳмон эканлигимни айтган эди, аччиғланиб:

— Нега қабул қилдинг? Менга меҳмоннинг кераги йўқ,— деб бақирди.

Мен дарҳол ўрнидан турдим, отимга миниб, у уйдан чиқиб кетдим. Эртаси кун яна бир уйга етиб бордим, эшикни тақиллатдим. Бир хотин чиқиб, менинг кимлигимни сўради. Мен мусофирлигимни билдирган эдим, у аччиғланиб:

— Бизга мусофирнинг кераги йўқ, меҳмон қила олмайман, боринг, кетинг,— деб эшикни ёпмоқчи бўлганди, шу чоқ эри келиб қолди. Хотинидан менинг кимлигимни сўради. Хотини мусофир эканимни айтган эди, у киши очиқ юз билан:

— Хуш келдингиз, азиз меҳмон!— деб мени уйига таклиф қилди. Отимни отхонага боғлаб уйга кирдик. У киши очиқ юз, ширин сўзлик билан ҳол-аҳволимни сўради. Иззат-ҳурмат қилиб ўтқазди. Яхши таомлар билан зиёфат қилди. Бу уйдаги ва кечаги уйдаги эру хотинларнинг муомаласига ажабланиб, табассум қилдим. У киши табассум қилганимнинг сабабини сўради. Мен кечаги воқеани сўзладим:

У киши деди:

— Ажабланманг, кеча сиз тушган уйдаги хотин менинг синглим. Менинг хотиним эса, унинг эрига сингил бўлади¹.

МЕҲМОНДОРЧИЛИКНИНГ ОДОБИ БАЕНИДАКИ, ЖУМЛА УН АДАБДУР

Адаби аввал — фуқарони меҳмон қилгай. Ва бойларнинг зиёфатга таҳсис (хос) қилмағайки, пайғамбар алайҳис-салом айтибдурлар: «Ямон таомдур ул таомки бойларни хос чиқуруб берилса ва қашшоқларни чақурмаса». Ва яна бир шарти шулки бир уйдин атосини чақурса, боласини ҳам чақиргай ё ул уйдин чақирилгон кишини яқин қариндоши бўлса они ҳам қўшиб чақиргай ва анинг маҳрум қилмағайки, бу иш жафодур.

Иккинчи, меҳмонни хўб икром ва эҳтиром қилгай ва меҳмоннинг икромининг муддати то уч кунғачадур.

¹ Уш а к н т о б, 196—197- саҳифалар.

Тўртинчи куни кўб-кўб такаллуф (дабдаба) қилмаса ҳам бўлур.

Учунчи, уйнинг деворларини меҳмон учун парда ва палос бирла ясамағайларки, макруҳдир. Лекин нақшлик фарш (кўрпа-тўшак)лар меҳмон остига ёзсалар, башартики ипак ва саъба (йиртқич ҳайвон)нинг терисидан бўлмаса жонздур

Тўртунчи, таомни меҳмон қошига тез келтургай ва кўб таъхир қилмағай. Ва яна нон ва ўзга таомни исроф бирла иш тутмағай. Ва нонни суфра (дастурхон)га тоқ қўйғай. Ва нонни қўрси (юмалоқлиги)нинг кўб-кўб улуғ қилмағайки, мутақкаббирлар расмидур. Ва яна суфранинг устига ҳозирларга кифоя қилгудек нон қўйғай. Ва зиёда қўймағайки, исроф ва таҳовун (хорлаш)га қўшилур.

Бешинчи, меҳмонга таом қўйгандин сўнг таом емакка изн бергай. Мустаҳаб улдурки, аввал уй эгаси таомга қўл узатгай. Ва яна қўлини ҳаммадан охир таомдан тортгай, башарти меҳмон бегона бўлса. Ва агар ўз ошно ва ёронларидин бўлса аввал аларни мурут (ҳурмат) қилгай, алардин илгари қўл узатмағай ..

Олтинчи, меҳмоннинг таомга ҳаддин ошиқ тарғиб қилмағай, уч мартабагача тарғиб қилгай андин зиёда қилмағай.

Еттинчи, меҳмонга таом емакликда мувофиқат (шерик)лик қилгай ва агарчи рўза нофила (қўшимча рўза)га ният қилгон ҳам бўлса.

Саккизинчи, лаззатлик ва латифроқ таомни меҳмонга едиргай ва ўзи ғайри лазизни егай. Ва агар таом оз бўлса ва меҳмоннинг очлигини англаса навъе қилгайки ўзи кам еб, таомнинг аксарини меҳмонга едиргай ва меҳмон таомдан **фориг** бўлгандин сўнг агар кетмакчи бўлса, ижозат бериб то эшиккача ҳамроҳ чиқиб узатгай, чунончи келган вақтда олдиға чиққандек. Ва меҳмондин жудо бўлгон ҳолатда меҳмонга бу дуони қилгайки: «Акрамтамуни жазакумуллоҳу ҳайран» («Мени ҳурмат қилибсизлар, сизларни худо яшилиқ билан мукофотласин!»).

Тўққузунчи, ҳар нимарсаки, уйда ҳозир бўлса, меҳмоннинг олдиға қўйғай.

Унунчи, такаллуф (ортиқча дабдаба) қилмағай таомда, магар яхши ният ва дуруст қасд бирла такаллуф қилса бўлур.

Меҳмоннинг соҳиби хонадонга қиладургон адаблари баёнидаки, бул ҳам ўн адабдур

Адаби аввал — ижобатдур, агарчи қўйнинг бир по-часиға чақурсалар ҳам, хусусан, аҳли салоҳ (яхши) ва фақир киши чақурса албатта боргай.

Иккинчи, ижобат қилгай рўзадор бўлса ҳам, бил-гимким, никоҳ учун қилган таомга чақирсалар баъзи уламолар ижобатни воҳиб дебдурлар ва баъзи уламо мустаҳаб дерлар ўзга даъватга ўхшашки, бас, агар кимарса беузри шаръий (шариат) бормаса гуноҳкор бўлмас ва мухтор (ихтиёр) ушбу қавл (сўз) дур.

Учунчи, золим ва фосиқ ва аҳли риё ва аҳли бидъат агар таомға чақирсалар бормағайки, мустаҳаб ушбу-дур. Тўртинчи, чақирмасдан бир кишини таомини усти-га бормагай ва агар икки киши чақирган бўлсалар, қайсики ҳамсояликда яқинроқ бўлса, аввал анга бор-гай. Ва агар баробар бўлсалар қайсиларининг ошно-лиғи кўпроқ бўлса, аввал анга боргай. Ва яна адаб ушбудурки, чақирилмаган кишини қўшиб олиб борма-гайки, макруҳдир, беизни соҳиби таом. Ва агар ўзи қўшилиб борса, чақирилган кишининг орқасидин соҳи-би таомнинг эшигига келганда айтгайки, бу киши ўзи келди, агар изн бўлса кирсин ва илло қайтсин деб.

Бешинчи, меҳмон ўзининг жойида андак таом еб боргай, токи меҳмон бўлган жойда кишилар орасида ҳирсу шора (очкўзлик) бирла таом емагайки, мазмум-дир.

Олтинчи, соҳиби хона ҳар жойдаки, ўлтурғазса, ан-да ўлтирғай ва ҳар нимарса келтурса, танавул қил-гай. Ва кўзини ҳар қаёнга қарамоқлиқдин сақлоғай ва соҳиби хонаға ҳеч ҳукме қилмагай ва таом жиҳатдин ва на ўзга важдин, магар бир-бирлари бирлан илгари-дин иттиҳод (алоқа) манд бўлсалар, ҳукме қилса бў-лур.

Еттинчи, меҳмонлар бир-бирлариға луқма берма-гайлар, магар ходимға ё ошпазга жоиздур, ва тариқи ихват (биродарлик) ушбудурки, бу иковиға ҳам бер-магайлар. Ва гадо ва ит ва пишакни ҳам ҳукми ушбу-дур.

Саккизинчи, залла (насиба) кўтармагай беизни соҳиби таом, анинг учунки таом учун қўйилгандур, на олиб кетмак учундур.

Тўққузунчи, соҳиби таомни дуойи хайр қилгай суф-ра (дастурхон) кўтаргандин сўнг

Ўнунчи, таомдин сўнг ижозат тилагай кетмоқға ва кўп сўзлашуб ўлтурмагайки, бу бобда: «Фаиза таам-тум фанташиру» («Овқат еб бўлдингларми, тарқалинглр») ворид бўлбдур ва беижозат ва берухсат ҳам кетмагай ¹.

ТАОМ ЕЙИШ ТАРТИБИ

ТАМҚИН² ШАРОФАТИНИНГ ВА ТАОМ ТАРТИБИНИНГ БАЕНИ

Эй фарзанд, билғилки, авом³, халойиқнинг барча ишларида вақт тартиби йўқдур. Улар вақтига ва бевақтида қарамаслар. Аммо хушманд⁴ кишилар ўзларининг ҳар бир ишларига аниқ вақтни тайин этибдурлар. Улар кеча ва кундузнинг йигирма тўрт соатни ўз ишларига тақсим қилибдурлар. Бир ишни яна бир ишдин фарқ этиб, унга вақт ҳад⁵ ва андоза⁶ пайдо қилибдурлар, токи ишларига бир-бирига аралашмағай. Уларнинг хизматкашлари ҳам қайси вақтда қайси ишга машғул бўлурин яхши билғайлар. Шунда уларнинг барча ишлари тартиб била бўлғай.

Даставвал таом емак сўзининг маъносин билғил. Бозор одамларининг одати шундоқдурки, уларнинг аксари қисми таомни оқшом ерлар, бу беҳад зиёндур ва улар ҳамиша ўз жонларига бешак қасд қилғайлар.

Сипаҳпеша одамларнинг одати шундоқдурки, улар вақтига ва бевақтига қарамаслар. Вақт топсалар, емакка машғул бўлғайлар. Бу одат ҳайвонларнинг одатидур, нединким улар ҳар вақт алаф⁷ топсалар емак била машғул бўлурлар. Аммо хос⁸ ва муҳташам⁹ одамларнинг одати улдурки, кеча ва кундузда бир мартаба таом ерлар. Нафсни тийишнинг бу йўли бағоят яхшидур. Лекин бадан бағоят заиф бўлур. Бас, энди шул нарса яхшидурки, муҳташам одамлар тонг вақтида хилватда бирон нарса ерлар. Шундин сўнг ташқарига чиқиб, то пешин вақтигача ўзларининг ишларига машғул бўлғайлар. Ундин сўнг ҳар на таом бўлса ҳозир қилғайлар ва атрофларида ким бўлса, уни ҳам чақириб бирга егайлар.

¹ *Муҳаммад Содиқ Қошғарий*. Одоб ас-солиҳин (Яхши кишилар одоби). «Шарқ юлдузи», 1990, 5-сон, 97—98-саҳифалар.

² *Тамқин* — сабот, оғирлик, нафсни тийиш. ³ *Авом* — кўпчилик. ⁴ *Хушманд* — ақлли. ⁵ *Ҳад* — чегара. ⁶ *Андоза* — ўлчов. ⁷ *Алаф* — ўт, кўкат. ⁸ *Хос* — эътиборли. ⁹ *Муҳташам* — мўътабар.

Эй фарзанд, агар таом бўлса ҳамтовоқларингни чақирғил, то сенинг бирла таом есунлар, аммо таомни тез емағил ва оҳиста егил. Таом емак вақтида одамлар била сўзлашғил, бу ислом шартидур, лекин боштингни қуйи солиб ўтур, ҳамтовоқларингнинг олғон луқмасига қарамағил.

Ҳикоят. Эшитибманки, бир вақт Соҳиби Исмоил бинни Соҳиби Аббос ўзининг қариндошлари ва надимлари била таом ер эрди. Бир киши табақдин бир луқма кўтарди. Унинг луқмасида бир мўй бор эрди. Соҳиби Исмоил уни кўруб деди: «Эй фалони, у мўйни луқмадин олғил». Ул киши луқмани ташлаб, мажлисдин чиқиб кетди. Соҳиб бир кишини буюрди. Ул киши чиқиб кетгон одамни қайтариб мажлисга келтурди. Соҳиб деди: «Эй фалони, нечун таом еб бўлмасдан бизнинг дастурхонимиздан чиқиб кетдинг?» ул киши деди: «Бир луқмада бир мўйни кўрғон кишининг таомин емак менга лойиқ эмасдур». Соҳиб бул сўздан ниҳоятда ҳижоланманд бўлди.

Эй фарзанд, таом вақтида ўз-ўзингга машғул бўлғил, ундин сўнг табақ қўймоқ буюрғил. Муҳташам халқнинг расми икки нав бўлур: мажлисга турлук таом келтуруб, баъзиси ўзиға бурун табақ қўйдурур, ондин сўнг ўзғаларға қўйдурур; баъзилар олдин табақни бошқаларға қўйдириб, ундин сўнг ўзи олур. Сўнғиси олижаноб, карам аҳлининг тариқидур ва аввалғиси сиёсат аҳлининг тариқидур. Аммо турлук таом ва ранго-ранг табақ келтурмак ул сабабдинки, барча одамнинг қорни бирдек эмасдур. Пурхўр¹ ва камхўр — ҳамма бирдек тўйсинлар. Агар сенинг олдингдағи табақ ичида бир мазалиғ нарса турғон бўлса, ўзгаларнинг олдида мазалиғ нарса бўлмаса, мазкур таомни ўзғаларға ҳам насиб берғил. Таом устида туршрўй² бўлмағил ва таомнинг фалони яхши, фалони ёмон демағилким, бу сўзлар таом устида яхши эмасдур³.

Ҳикоят

Ардашер Бобокон ҳақида шундай бир нақл бор. Ардашер Бобокон бир араб ҳакимидан: «Бир кунда қанча овқат ейиш керак?» деб сўрабди. Ҳаким жавоб

¹ *Пурхўр* — кўмаакай, кўп егувчи. ² *Туршрўй* — бадбуруш, қовоғи солиқ. ³ *Қайковус Унсурулмоалий*. Қобуснома. «Уқитувчи», Тошкент, 1986, 53—55-саҳифалар.

берибди: «Юз дирам оғирлигича ейиш кифоя!». «Бу овқат қанча қувват беради?», деб сўрабди Ардашер. Ҳаким жавоб берибди: «Шу миқдор овқат есанг, у сени оёқда кўтаради, ортиқ есанг, сен овқатни кўтара-сан».

*Емак лозим яшамоқ, сўйламакка,
Сен ўйлайсан, ҳаёт керак емакка*

Ҳикоят

Хуросонлик икки дарвеш биргаликда сафар қилишарди. Улардан бири заиф эди, чунки кун оралатиб кечқурун ифтор қиларди. Иккинчиси бақувват эди, чунки кунда уч маҳал овқатланарди. Тасодифан уларни бир шаҳарда жосусликда айбдор қилдилар, ҳар иккаларини бир хонага қамаб, эшикни лой билан суваб ташладилар. Орадан икки ҳафта ўтгач, уларнинг гуноҳсиз эканликлари маълум бўлиб, эшикни очганларида бақувват одам ўлиб, заифи тирик қолганини кўрдилар. Бу ҳол ҳаммани ҳайратга солди. Бир донишманд деди: «Агар аксинча бўлганида таажжубланишга арзирди, зероки, улардан бири кўп овқат ейишга одатланган эди, очликка бардош бера олмай ўлди. Буниси, овқатни жуда оз ейишга одатланган эди, ночор сабр этиб, ҳалокатдан халос бўлди».

*Одам оз емоқни одат айласа,
Бошга очлик тушса чидай билади.
Фаровонлик ичра кўпга ўрганган,
Тангликда қолганда очдан ўлади¹.*

Ҳикоят

Олимлардан бири ўз ўғлини кўп овқат емакдан тийиб: «Кўп емак танга зарар», деди. Ўғли унга айтди: «Эй ота, одамни очлик ўлдиради. Эшитмаганмисиз, зарифлар (аскиячилар): «Очлик азобини чеккандан кўра — тўқликдан ўлган яхшироқ», дейдилар.

*Кўп ема оғзингдан чиқиб кетмасин,
Оч юрма заифлик жондан ўтмасин.*

¹ Саъдий. Гулистон. Ғафур Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1968, 95—96-саҳифалар.

*Овқатдан танага келади лаззат,
Аммо ортиқчаси келтирар заҳмат.
Гулшакар зарардир кўп есанг агар,
Меъёрида есанг, нон ҳам гулшакар.
Меъда тўлиб кетиб, оғриси қорин,
Нафи бўлмас дори-дармонлар барин¹*

ЗАРУРИЙ НАРСАЛАРНИНГ ИККИНЧИСИ

ЕЙИШ ВА ИЧИШ ҲАҚИДА

Билгилки сен ҳукми ғизо ушбу бўлур:
Ўсмоққа лойиқ нарсаларни ўстирур.
Сингиб ҳам тарқалиб бўлса нарса адо
Ул нарсанинг ўрнини олгуси ғизо.
Гар тоза қонни ўзидан пайдо қилур,
Ундай ғизолар мақталур, нафли бўлур.
Буғдой унидан ёпилса гар оби нон,
Жўжа эти кўп мулойим, оромижон.
Кўкат есанг, яман кўкати хуш бўлур,
Истеъмоли бемор кишига мос келур.
Баъзи ғизо бўлгай ғализ, оқ нон шу ҳол,
Уч йил боқиб сўйган қўйнинг эти мисол.
Чарчаб — ҳориб келган кишига бор ғизо
Балиқ эрурки — разрозий ном эл аро.
Ғизодан бор яна латиф мисли пиёз,
Хардал, саримсоқдек ёқимсиз беқиёс.
Бундай ғизо туғдиради сафрони кўп,
Андин ясар табобатда давони кўп.
Ундай ғизодан баъзида савдо бўлур,
Баъзи жисмларда касал пайдо бўлур.
Қари така ҳамда қари молнинг эти,
Зиён эрур мисли кепак нони каби.
Бордир яна бир хил ғализ, ёқмас таом,
Дағал балиқ, сутдай пайдо қилур балғам².

ЕЙИЛАДИГАН НАРСАЛАР ТАДБИРИ ҲАҚИДА

Овқат емоқни одат эт сен бир маҳал,
Бўлмай десанг, лайлу наҳорда ҳеч касал.
Энг кўп емак икки бордир сенга мезон,
Муддатни чўз, чайнаб егил кўп марталаб.

¹ Уша китоб, 96-саҳифа. . Абу Али ибн Сино. Шеърлар ва тиббий дoston. Тошкент, 1981, 68-саҳифа.

Ҳазм истасанг, шошмай егил, ё майдалаб,
 Икки кунда уч бор емак ўрта-миён.
 Оғир бўлса чайнамоқлик гар тиш била,
 Андин оғир ҳазми онинг ютиш била.
 Кўнгил тусар ҳар нарсага жазм айласанг,
 Лекин ани ҳазми оғир деб ўйласанг.
 Зидди била иш тут, бўлсин акси мизож,
 Шояд ўша бадҳазм ғизо топгай ривож.
 Бир хил мизождан бўлмаган эрса ғизо.
 Ёмон ғизо анга бўлур яхши даво.
 Одат кишига куч мисол терс бўлмағил,
 Кўнгил тусар бўлса емак ўгрилмағил.
 Ҳар одатий аҳли андин топгай зарар,
 Пайини қирқмоқлик анга матлуб бўлар.
 Олдин суюқ, сўнгра қуюқ қил ҳар қачон,
 Таъми чучук бўлса анга қўшгин нордон.
 Қуруқликни ҳўлликка қўш, хуш қил, тузат,
 Совуқликни иссиқликка чатиб, безат.
 Совуғини қўшгил агар иссиқ мизож,
 Ҳўл мизожга аксин қўшсанг, топгай ривож,
 Агар семиз эт ёқмаса, хуш кўрмасанг,
 Ёғлиқ таом бадҳазм ўлиб, ҳол бўлса танг,
 Туз, мурч, қалампир сеп анга, хушхўр қилур,
 Юмшоқ бўлиб таом, таъбинг масрур қилур¹.

ЕЗДА ОВҚАТЛАНИШ ВАҚТИ ҲАҚИДА

Ёз ҳавоси оз емоқни кўрур лозим,
 Танлаганинг бўлсин доим енгил ҳазм.
 Ғализ этдан ўзингни тий, ўгир юзинг,
 Гиёҳ, кўкат, сутлар бўлсин ошу тузинг.
 Янги балиқ билан етилган қўзичоқ,
 Майли, таом ўлсин гоҳи эркак улоқ.
 Товуқ, жўжа, каклик эти ҳам қирғовул,
 Таом ўлсин, шуни доим қил тановул².

ИЧИМЛИКЛАР ҲАҚИДА

Бўлмай десанг гар хом семиз, кўпроқ ҳаёт,
 Сен учга бўл қорнинг ичин, келур нажот.
 Учдан бир жой нафас учун зарур ҳар он,
 Учдан бир овқатга, боқий сувга макон.

¹ Уш а к и т о б, 92—93- саҳифалар.

² Уш а к и т о б, 94- саҳифа.

Ташналикка оз совуқ сув бўлгай даво,
 Турган, илиқ сув кўп ичмак бўлмас шифо.
 Ичимликка музни кўп ишлатган ёмон,
 Чунки андин асабларинг топгай зиён.
 Ичирмагил музли сувни чўлласа ҳам,
 Бўлмаса гар семиз, серқон, миқти одам.
 Дастурхонда тўкин бўлса ҳам қанчалик,
 Ичаверма, ҳирс қўйиб то бўкканчалик.
 Сув ичмагил эсинг бўлса баъдаз таом,
 Ташна бўлиб, чиққач ҳатто тушиб ҳаммом.
 Риёзатдан сўнг сув ичмак ўзи кулфат,
 Оғир ишдан сўнгра мисли бало — офат.
 Зарурат гар талаб этса, куйса андак,
 Шундагина тановул эт сувни андак.
 Қачон таом йўл олади ҳазм томон,
 Аста-секин паст қоринга тушган замон.
 Майли шунда ичкинг келса сув ва шароб,
 Қонгунча ич, тўйгунча ич, бўлса сероб.
 Шароб ичиб ташна бўлиб ёнсанг агар,
 Сув кўп ичиб, чанқоқ кетиб, қонсанг агар,
 Оғзинг қуруқшаб чанқоғинг чандон эрур,
 Билгил ўшандай ташналик ёлғон эрур.¹

Ҳикмат

Бир донишманддан:

— Одам қачон овқатга шошилади,— деб сўраган экан, у:

— Бадавлат оч қолиб, ичи ачишганда, камбағал эса овқатга етишганда,— деб жавоб берибди.

*Овқатнинг кўп-ками соғлиғим хароб —
 Қилмасин деганлар, меъёрида ер.
 Бой қорин очганда гоҳи-гоҳида,
 Камбағал топганда ё борида ер.*

Ҳикоят

Бир донишманд ўз ўғлига деди:

— Эртага тонгда оғзингга бирор луқма овқат тикмай, эшикдан чиқма, чунки тўқлик хушмуомала ва чуқур мулоҳаза мояси, очлик эса енгилтаклик ва ақлсизлик доясидир.

¹ У ш а к и т о б, 94—95- саҳифалар.

*Рўзадан бузмагин табиатингни,
Хушмуомалалик одамзод нақши,
Тутган рўзанг бўлса бировга озор
Рўзани бутунлай тутмаган яши.*

Ҳикмат

Агар оч бўлсанг, қандай ош, нон кўрсанг сенда қаттиқ иштаҳа қўзғатади. Сен билан ўтирган улфатларингда эса иштаҳанг сенга нафрат уйғотади.

*Қуюқ, суюқ ҳар на топсанг уйингда,
Тўйиб еб олганинг яхшидир бе шак.
Ўзгалар таомин ҳавас айлама,
Пастлар атосидан қоқиб кет этак.*

Ҳикмат

Агар мезбон дастурхон атрофида ўзини ҳамма неъматлардан баланд тутса, унинг нонидан ўз жигаринг аъло ва унинг шарбатидан ўз қонинг бажо.

*Мезбон деяверса «ноним» ва «ошим»
Ундай дастурхонга узатма қўлинг.
Қовурмасидан ўз кашничинг яши,
Ундайлар уйига тушмасин йўлинг.*

Ҳикмат

Кимнинг қўлида қуйидаги беш нарса жилови бўлса яхши ҳаётнинг гарови бўлур: биринчиси тан сиҳатлик, иккинчиси омонлик, учунчиси ризқининг мўллиги, тўртинчи содиқ дўст ва бешинчи фароғат. Қимки шу беш нарсадан маҳрум этилган — хуш ҳаёт эшиги унинг олида бекилган.

*Хуш ҳаёт омили бешга етади
Барча доно шунга қилур ишорат.
Соғлиғу, омонлик, ҳам фаровонлик,
Яхши суҳбатдош дўст, дилга фароғат¹.*

¹ Абдураҳмон Жомий. Баҳористон. Танланган асарлар. Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1971, 305—306-саҳифалар.

ЕМАК ВА ИЧМАКНИНГ ОДОБЛАРИ БАЕНИНДАКИ, АНДА УТТИЗ АДАБ БОРДУР

Адаби аввал — таомни кам егай. Ва то дуруст очлик ориз бўлмаса (юз бермаса) таом емагай. Ва яна таомни кўб тўйиб емагайки, озроқ табъида очлик қолгай.

Иккинчи, шубҳалик таомдин ҳазар қилгай ва агар зарурат жиҳатидин шубҳага мубтало бўлса, бақадри имкон оз егай. Ва яна кўнглида нодим (надомат қилувчи) ва пушаймон бўлгай. Ва шубҳанок таом улдулки, важҳи ҳурмати (ҳаромлиги) зоҳир эмас, лекин лозим ё фосиқнинг таомидур.

Учунчи, ўз нафси учун таоми лазизнинг ўзиға махсус муҳайё қилмагай, ходимларининг таомидин ўзга, балки фақирона ғазо (овқат)ларга бетакаллуф қаноат қилгай.

Тўртинчи, таоми хуш ва лазиз агар бетакаллуф ва тартиб ҳозир бўлса, анинг танавул қилгай мутобиъати суннат (суннатга тобе бўлиш) учун, ва лекин гўшти доимий емагай ва тарк қилгай, қирқ кун туташ ҳам тарк қилмагай. . .

Бешинчи, неча нимарса бордулки, аларнинг бирининг устига бирини ақл ва шурб (еб-ичиш)да жамъ (бирга) қилмагайки, хилофи суннатдур ва яна музир (зарарли) дур: балиғ бирла сутни, сут бирла нордон нимарсани ва сут бирла тухумни, ва яна сут бирла гўшти, ва гўшти бирён (қовурилган) бирга қайнатилгон гўшти, ва қоқ гўшт бирла янги гўшти. Ва икки иссиғлиқ нимарсани ва икки совуқлиқ нимарсани, ва икки қобиз (қотирувчи)ни ва икки мусҳил (сурувчи)ни ва яна бири қобиз, бири мусҳилни, ва тез ҳазм бўладургон ғазо бирла узоқ ҳазм бўладургон ғазони. Ва ислик таомни ҳам емагайки, муҳолифи суннатдур. Ва ҳам пиёз ва саримсоқни (пиширмай) ҳам емагайки, пайғамбари худо. . . эмас эдилар. . .

Еттинчи, ўлтуруб таом егай.

Билғилки, бу бобда уч нав ўлтурмоғлиқ суннатдур. Аввал улки, икки тизини букуб ўлтургай. Лекин қорнини тизига еткурмагай юзтубан тушганга ўхшаш. Иккинчи — ўнг тизини кўтариб, чап аёғини букуб ўлтургай. Учунчи — икки тизини кўтариб қорниға ёпиштириб ўлтирғай. Ва яна суннат ушбудулки, кафш ва этикни оёғидин чиқаргай таом емак ҳолатда. Ва яна этоки ва енгини шимиргай.

Саккизинчи, таомни суфра ё дастурхон устига қўйиб егай. Ва поядор хонни оёқли хонтахта устида таом қўйиб емаклик макрукдир. Ва агар хони поялик (оёқлик) ердан кўп юқори бўлмаса, анинг устига ҳам таом қўйиб еса жоиздур.

Билғилки, хон устига таом қўйиб емак подшоҳлар феълидур. Ва дастурхон ёзиб таом емак ажам (форс)-лар феълидур. Ва суфра (дастурхон)да таом емак араб феълидур. . .

Ўнунчи, таомга аҳли мажлис қўл узатмағайлар, модоники, аларнинг улуғи қўл узатмағунча. Ва ул кишига қарағайлар, агар ўзи улуғ киши бўлса, ул мажлисда таомга тезроқ қўл узатғай. Ва аҳли мажлисни мунтазир қилмағай.

Ўн биринчи. . . (таомни) туз бирла ибтидо қилғай (бошлағай) ва охирида ҳам туз бирла хатм қилғай (тугатғай).

Ўн иккинчи, огоҳлик бирла таом егай ва ичгай.

Ўн учунчи, ўнг қўл бирла егай ва ичгай. Ва яна уч бармоқ — ибҳам, яъни бош бармоқ, саббоба, яъни бош бармоқ ёнидаги (бармоқ) ва вусто, яъни ўрта бармоқ бирла таом егайки, суннат ушбудур. Ва гоҳи бунсур (номсиз бармоқ)ни ҳам қўшса жоиздур ва мухолифи суннат эмасдур. Ва икки бармоқ бирла таом емак манҳий (ман этилган) дур.

Ўн тўртинчи, таомни ўз олдидан олғай. Аммо меваларни ҳар қайси тарафдин олса бўлур.

Ўн бешинчи, нон ва нон реза (ушоқ)ларини икром қилғай ва нонни икки қўл бирла синдирғай ва қўлини ёғини нонга суртмағай. Ва агарчи нонни емакчи бўлса ҳам. Ва оғзидин ё қўлидин тушган нон резани ё ўзга донларни дарҳол териб егайки, анда ҳосият кўбдур. Ва ташламагайки, такабурлик ва худпараст (худбини)-ликдур.

Ўн олтинчи, таом емоқлиғ вақтида тез-тез, шитоб бирла емағай ва агарчи оч бўлса ҳам ва бу нав таом емакни ҳирсу шара (очкўзлик) дерларки кўнгилнинг қасвати (қотиши) га ва кўрлигига боис бўлур, балки кўнгилни ўлдирғай.

Ўн еттинчи, луқмани ўрта олғай, ва на катта ва на кичик. Ва оғзидаги луқмани хўб чайнағай ва оҳиста ютгай. Ва таом иссиғ бўлса таомни пуфламагай ва сабр қилғай. Ва оғзини таомга андозадин зиёда оч-

мағай. Ва таомни ўнг тараф тишлари бирла чайна-
ғайки, суннат ушбудур. Магар ўнг тарафда тиш оғри-
ғи ва ё ўзга узри бўлса, чап тарафдаги тиш бирла чай-
наса ҳам бўлур. То оғзидаги таомни ютмағунча қўлини
таомға узатмағай. Ва тишлаган таомни яна зурф
(идиш)даги таомга қўймағай. Ва агар таом иссиқ бўл-
са замоне таваққуф (сабр) қилғай ва таомлик қўлини
косага ва табақға силкумағай. Ва ёғлиқ луқма ва ё
пора гўшти сирка ё монанди сиркага ботириб олма-
ғай, балки аввал қуруғ луқмани сиркага ботуруб, гўш-
тини анинг устиға қўйуб егай. Ва иликни ўнф (куч)
бирла ноннинг орқасига ё юзиға ё табақни лабига ё
дастурхонга урмағай.

Ун саккизинчи, таомнинг устида аввалдан то охи-
ригача хомуш бўлмағайки, мамнуъ (ман қилинган)
дур ва макруҳдур... Ва ҳеч таомни мазаммат қилма-
ғай (ерга урмағай).

Ун тўққизинчи, таомни танҳо емағай, агар имкон
бўлса, чароки кўб-кўб қўл таомға жамъ бўлмоғи
сабаби баракати таомдир.

Иигирманчи, иттифоқчилиғ қилғай аҳли суҳбатга
то инқироzi суҳбатгача. Ва яна суфра (дастурхон)
кўтарилмасдин илгари жойидан турмағай, магар зарур-
рат бўлса раводур.

Иигирма биринчи, агар зурфи таом (таом идиши)
устида мубтало (касал) кишилар ҳамроҳ бўлса, чу-
нончи жузом (мохов) ё барас (пес) ё қўтирга мубтало
кишилар, алардин парҳез қилмағай, башартики мута-
ваккил (таваккал қилувчи) бўлса ва агар аҳли та-
ваккул бўлмаса, парҳез қилмоғлиқ авлодур. Ва аларга
ихтилот (аралашув) ҳукми ҳам ушбудур.

Иигирма иккинчи, яхшироқ таомни ҳамкоса ва ҳам-
роҳига қўйғай ва ўзи анга қўл узатмағай. Ва муни
исор дерларки, савоби кўбдур.

Иигирма учунчи, агар гўшт хўб мулойим пишган
бўлса, қўл билан реза-реза қилғай. Ва пичоқ урмағай-
ки, суннат ушбудур.

Иигирма тўртинчи, маъқулот (емиш)ларики адад
(сано)га кирадиган бўлса онда адади тоқни риюя қил-
ғай, чунончи, хурмо ё анжир, ё самбўса ё чучбора бўлса,
ё уч, ё етти ва ала ҳозал қиёс (шу қиёсда) егай, ҳосили
калом (қисқаси) адади тоқ (тоқ сон) га ҳатм қилғай
Ва қошуқ бирла таом емакда ҳам адади тоқни риюя қи-

линса яхшироқдур. Масалан, икки киши бир табақга шерик бўлсалар, банавбат қошиқ бирла ош ичсалар, ҳар қайсилари бир қошуқдан ё уч қошуқдан ичгайлар. Ва агар танҳо бўлса, қошуқни тоқда хатм қилгай ва яна қошуқни кўб тўлдириб ичмагайки, аломати ҳирсу шара (очкўзлик) дур. Ва оз-оз ҳам ичмагайки, қошуқдан шўрпа ё ош супрага ё либосга томмагай. Ва яна қошуқдаги ошни ёрим ичиб, қолғонини косаи ошга қайтармагай. Ва қошуқ бирла ичишда чорполарга ўхшаш оғзини косон ошга кўб яқин келтирмагай. Ва яна оғзини кўб катта очмагай, қошуқ учун. Ва яна оғзини ичиға қошуқни элтмагай. Ва яна қошуқ бирла ичишда оғзидан нохуш овоз чиқармагай. Ва қошуқни табақ лабиға қаттиқ ташламагай. Ва яна қошуқни табақга тўнкариб қўйгайки, агар таомдан қатралар қолгон бўлса, анга томмагай.

Иигирма бешинчи, бармоқларини ва зурфи таом (таом идиш)ни хўб ёлагай, ва таомдин фориг бўлгондин сўнгра яламасдан қўлини ювмагай. Ва қўлини дастурхонга ва суфратга артмагайки, макруҳдир. Ва тириқайи бармоқларни ёламоқ ушбудурки, аввал ўрта бармоқни ёлагай, андин сўнг бош бармоқни ёлагай, андин сўнг бош бармоқни ёнидаги бармоқни ёлагай.

Иигирма олтинчи, агар киши пўстлик ё доналик меваларни емакчи бўлса, адаб ушбудурки, анинг донасини ва пўстини мевалиқ зурфга қўшуб қўймагай, балки узоқ ерга ташлагай. Ва агар мажлис танг бўлса ироқ ерга ташлашга мажол топмаса, аларни рўймол ё бир латта гўшаси (бурчаги) га жамъ қилиб сақлагай. Ва аҳли мажлисни кўзидан пинҳон тутгай. Ва агар рўймол бўлмаса чап қўлиға сақлағай ва агар фурсат топса чап қўл тарафида холи ер бўлса, анда ташлагай. Ва ташлашда эҳтиёт қилгай, то агар кафш бўлса ул ерда, кафшнинг ичини олуда (ифлос) қилмагай.

Иигирма еттинчи, янги меваға етишган вақтда дуои барақат қилгай, андин сўнг бир кичик бача (бола)ни чақуруб анинг қўлиға бергай. Ва яна бир ривоятда келубдурки, янги мева қўлиға еткан вақтда кўзига суртгай ва ўбқайки, ушбу феъл суннатдур.

Иигирма саккизинчи, таомдин сўнг тишни кавлагай хилол (кавлайдиган чўб) бирла. Билғилки, тиш бирла тишдан чиқарган таомни емак макруҳ эмасдур. Аммо хилол бирла чиқаргон таомни ташлагайки, анинг емак

макруҳдир. Ва тишни орасини кўб кавламай, токи тишни гўштига зарар еткурмагай. Ва ходимға хилолнинг тақсимида адаб ушбудурки, хилолнинг учини ўрта бармоқ бирла жинжилоқни ёнидаги бармоқнинг орасидан аҳли мажлисга тутгай. Хилол олғувчи ўнг қўлини орқаси бирла анинг бармоғи орасидан олғай ва дуо қилғай . . .

Иигирма тўққузинчи, таомдин илгари қўлини ювгай ва таомдин сўнг ҳам ювгай. Таомдин илгари бу кайфиятда ювгайки, икки тизи бирла ўлтиргай ва икки билакини икки тизини ўртасига қўйғай, андин сўнг икки қўлини учини бўғумгача ташт (чилопчин) ичиға ювгай. Ювган қўлини таштга силкумагай, токи қатралар фарш (тўшак) ва либосга сачрамагай. Ва қўлини ювгандан сўнг мустаъмал (ишлатилган) нимарсага артмагай, балки агар хоҳласа жомасини қўлтуғини тагига суртгай. Ва таомдин сўнг қўл ювгонда оғзини таштга ювмагай, мабодоки, баъзи аҳли мажлис хотираларига кароҳат (нафратли) бўлмагай. Ва қўлини ювгандан сўнг покроқ латтага артгай. «Ширъат а-л-ислом»дан келтурибдирки, ходимға адаб улдурки, таомдин илгари таштни аввал ўнг қўл тарафга, аҳли мажлиснинг кичикларининг олдиға қўйуб, илкни ювдиргай ва ушбу ўнг тарафдин бошлаб тамом аҳли мажлиснинг улуғларининг қўлиға сув қуйғай. Андин сўнг ўнг тарафига юргай. Ва яна адаб шулки, аҳли мажлиснинг барчаларини қўлларини ювдиргандан сўнг таштни холи қилғай, ўртада қилмагай, магар ташт тўлган бўлса ўртада зарурат учун холи қилса ҳам бўлур. Ва яна бир адаб шулки, эҳтиёт қилуб сув қуйғай, токи қатралари фаршга ё бир кишининг либосига сачрамагай. Ва яна ҳар қайси кишига уч навбатдин сув қуйғай. Навбати аввалда озроқ, иккинчида андин кўброқ, учунчида беннқитоъ (узмай) сув қуйғай.

Ўттузунчи таомдин фориғ бўлгондин сўнг ҳамд айтгай андин сўнг соҳиби таомни дуо қилғай. Агар аҳли мажлисда бошлиқ улуғ киши бўлса, ул киши дуо қилғай агар улуғ киши бўлмаса, ходим дуо қилғай¹

¹ *Муҳаммад Содиқ Қошғарий*. Одоб ас-соляҳин (Яхши кишилар одоби). «Шарқ юлдузи», 1990 йил, 5-сон, 98—100-саҳифалар.

СУВ ИЧМАКНИ ОДОБИ БАЕНИДАДУРКИ, АНДА УН БИР АДАБ БОРДУР

Адаби аввал — сувни ўлтуриб ичгай, магар монёв бўлса туриб ичса ҳам бўлур.

Учунчи, сувни уч навбат нафас олиб ичгай ва ҳар нафасда қосани оғзидан жудо қилгай. Нафаси аввалда бир ғурфа (қисм) ичгай, иккинчи нафасда уч ғурфа, учунчи нафасда беш ғурфа ичгай, сувни бирдан смирмагайки, макруҳдир.

Тўртинчи, сувга нафас урмагай

Олтинчи, сув ичмасдин илгари зурфдаги сувга хўб мулоҳаза қилгай, то хас ё ўзга нимарсалар тушган бўлмагай ва яна ичган вақтда эҳтиёт қилгай, то анинг қатралари фаршга ё либосга томмагай. Ва агар қоронғу кеча бўлса кўзани лабиға бир юпқа латтани парда тутуб сув ичгай. Ҳазрати ибни Аббос шишадин сув ичмакни дўст тутар эрдилар.

Еттинчи, оғиз ва қўли ёғлиқ бўлса, анинг бирла кўза ё обдастанинг дастасини ушлаб, олуца қилмагай, агар бинобарин зарурат ушламоқчи бўлса, хунсур (жимжилоқ), бунсур (номсиз бармоқ) бирла аларнинг дастасини ушлагай ва агар дастаси бўлмаса аввал қўлини ва оғзини пок қилиб, андин сув ичгай.

Саккизинчи, маскани оғзидин ва қосани синган еридан сув ичмагайки, анда чирклар жамъ бўлади. Ва ариғдин ва ҳавздин бошини тубан қилуб, оғзи бирлан сув ичмагайки, макруҳдир. Ва яна сув ичидин зарар қилувчи нимарса ичига кетмак эҳтимоли бордир.

Тўққузинчи, шарбат ё совуқ сувни бовужуди ҳожат ва рағбати тамом ўзи ичмасдан ҳозирларга бергайки, муни исроф дерларки, суннатдур ва савоби беҳаддур, башартики ўзи соқий бўлса

Ўнунчи, сув ичгандин сўнг ўнг қўлидаги кишига узатгай, агарчи чап қўлида улуг киши бўлса ҳам

Ўн биринчи, соқий, яъни сув берувчини дуо қилгайлар¹.

¹ У ш а ж у р н а л, 100-саҳифа.

УХЛАМОҚ, ДАМ ОЛИШ ВА ҲАММОМГА БОРИШ ОДОБЛАРИ

УХЛАМОҚ ВА ОСУДА¹ БУЛМОҚ ЗАКРИДА

Эй фарзанд, билғилки, донишмандлар уйқуни кичик ўлим дебдурлар. Ул жиҳатдин ўлғон киши ухлағон киши била баробардур ва икковининг ҳам ҳеч бири оламдин огоҳ эмаслар.

Кўп ухламоқ ёмон одатдурки, баданни суст ва табиатни вайрон қилур, юзнинг суратин бошқа ҳолга айлантирур. Олти нарса кишига етишса унинг юз суратини ўзгартиради: бири дарҳол муяссар бўлғон шодлик, бири ногоҳ етишғон ғам, бири қаҳр, бири уйқу, бири мастлик ва яна бири қариликдур. Одам қари бўлса сурати ўзгаради, аммо бу ўзгариш бошқа турга киради. Аммо киши ухлағон вақтда тирик ёки ўлик деб ҳукм чиқариб бўлмас, яъни ўлғон кишига ҳукм йўқдур.

Кўп ухлаш зиён қилғонидек, ухламаслик ҳам зарар қилур. Масалан, агар бир одамни етмиш икки соат, яъни уч кеча-кундуз жўрттага ухлатмасдан олиб юрилса, тўсатдан ўлим хавфи туғилади. Аммо ҳамма ишнинг ўлчови бордур. Чунки кеча-кундуз йигирма тўрт соат бўлур. Шундан саккиз соатни ибодатга, саккиз соатни ишратга ва руҳни тоза қилмоққа ва саккиз соатни мана шу ўн олти соат давомида қийналғон аъзоларга ором бермакка тайин этмоқ керакдур, токи аъзо ҳаракат такаллуфидин осуда бўлсин. Аммо жоҳиллар ушбу йигирма тўрт соатнинг ярмин уйқу била ўтқариб ва ярмида бедор бўлурлар. Қоҳиллар² икки ҳиссасида ухлаб, бир ҳиссасида ўзга ишга машғул бўлурлар. Оқиллар бир ҳиссасида ухлаб, икки ҳиссасида бедор бўлурлар.

Билғилки, кеча бандаларнинг роҳат ва осойиши учун яратилғон ва тан жон била тирикдур. Тан жоннинг маконидур. Жон унда мутаммакиндур.

Жоннинг уч хосияти бордур: ҳаёт, ҳаракат ва сукун (ҳаракатсизлик). Таннинг ҳам уч хосияти бордур: мамот (ўлим), сукун ва оғирлик. Модомики, жон тан била муттасил³ дур кўнгул танни ўз хосияти била сақ-

¹ *Осуда бўлмоқ* — дам олмоқ. ² *Қоҳиллар* — ялқовлар. ³ *Мут тасил* — туташ.

лар, ундин сўнг кўнгул танга иш буюрар, гоҳо кўнгил танни ўз хосияти била ишдин қўяр ва ғафлатга чекиб, уйқуга элтар. Таннинг уйқуга борғони бир қулаб тушғон уйдек бўлади. Уй қулағон чоғда ичида ҳар ким бўлса, уни босиб қолади. Худди шунингдек, уйқу ҳам кишининг ҳамма аъзосин босиб, гўё ер била яксон қилур. Шунда қулоқ сўз эшитмас, кўз ҳеч нарса кўрмас, бурун исни, оғиз мазани, қўл юмшоқ, қаттиқ, оғир, енгилни билмас.

Уйқу беҳикмат яратилмади, балки барча ҳайвонотнинг роҳат ва осойишлари учун яратилди. Аммо уйқу учун кўп вақт сарф қилиб, кундузни кечага айлантормоқ ҳикматдин эрмасдур. Аммо улуғлар ёз фаслида чошт¹ вақти кайлула² қилсалар раводур. Филжумла³ бизларга умримизнинг кўпроғи бедорликда ўткармак керакдур, нединким, туганмас узоқ уйқу олдимизда бордур.

Эй фарзанд, уйқу қилмоқ тиласанг оқшом ё кундуз танҳо ухлағил, ё бир зебо шоҳид била ухлағил, нединким ўлғон била ухлағон баробардур, икковининг ҳам оламдин хабари йўқдур. Лекин бири ҳаёт уйқусидир ва бири мамот уйқусидир. Аммо икковининг орасидаги бундай фарқни билмоқ керакдур.

Эрта туришни одат қил Ҳар кишиким қуёш чиққунча уйқуда бўлса, ризқи кам бўлур

Агар ишинг бўлмаса, кўнглинг тиласа шикор⁴ тамошасига борсанг ва сайд андозлик⁵ қилсанг раводур⁶.

Ҳикоят

Бир куни кечаси Макка биёбонида уйқусизликдан тинка-мадорим қуриб, ерга узала тушиб ётдим, туякашга дедим: «Мени ўз ҳолимга ташлаб кет!»

*Шўрлик яёв киши юролмас энди
Туя ҳам бу йўлдан толиққан дамда.
Ориқлар албатта ўлган бўлади
Семиз кишиларки шунча озганда.*

Туякаш деди: «Эй биродар, Макка — Ҳарам олдинда-ю, қароқчи-ҳаромий ортингда, олға юрсанг, бир

¹ Чошт — тушга яқин вақт. ² Кайлула — чоштгоҳ пайтидаги уйқу. ³ Филжумла — қисқаси, бир сўз билан, лўнда қилиб гапирганда. ⁴ Шикор — ов. ⁵ Сайд андозлик — овчилик. ⁶ Кайковус Унсурулмаолий. Қобуснома. «Ўқитувчи», Тошкент, 1986, 67—68-саҳифалар.

нарсалик бўласан, бунда қолсанг шак-шубҳасиз ўла-сан».

*Иўлда бирор кўлкада ухлаб олиш яхши-ку,
Сенсиз карвон жўнаса, тирикликдан қўлни юв¹.*

ЗАРУРИЙ НАРСАЛАРНИНГ УЧУНЧИСИ УЙҚУ ВА УЙҒОҚЛИК ҲАҚИДА

Тиним бериб, уйқу этса беҳаракат,
Қуввайи нафс, қуввайи ҳис топар роҳат.
Баданларинг қиздиради, бериб ором,
Уйқу билсанг, сенинг учун ҳазми таом.
Кўпайтирсанг гар уйқуни ҳаддан нари,
Хилтлар билан тўлуру мия қоринлари.
Кўп ухлашлик йиғар танда рутубатни,
Учиради ҳаёт берар ҳароратни.
Бедорлик ҳам маромида бўлса агар,
Таъбинг хушу ўзинг тетиксан муқаррар.
Куч-қувватни тиклаб берур ишлаш учун,
Чиқиндидан аритади бадан ичин.
Қам ухласанг, уйқусизлик пайдо бўлур,
Ғашдир дилинг, нотинч ўзинг, бўлмас сурур.
Руҳинг тушар, таъбинг хира кам уйқудан,
Сўлгин бўлиб рангинг бузуқ, озгай бадан,
Кўз киртаяр, ҳазминг бузар оз ухласанг,
Фикр ишламас, жисминг нурад, бошинг гаранг².

УЙҚУ ТАДБИРИ ҲАҚИДА

Кўп ухлама асло, нафсинг топар озор,
Сезгинг ночор бўлар кўпроқ бўлсанг бедор.
Овқат ҳазм бўлмаганда ухла узоқ,
Кекиригинг сассиқ келса ундан йироқ.
Кўп чўзилса оч қоринга агар уйқу,
Бошга урур аста-секин ахлат буғи.
Бир нарсага суяниб ёт егач таом,
Токи овқат ҳазм ерига тушсин тамом³.

ТАЛАБ АҲЛИ ЭСАНГ...

(кўп ухлаш билан вақтни бекорга
ўтказмаслик тўғрисида)

¹ *Саъдий*. Гулистон. Ғафур Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти. Тошкент, 1968, 70-саҳифа. ² *Абу Али ибн Сино*. Шеърлар ва тиббий дoston. Тошкент, 1981, 69-саҳифа. ³ У ш а к и т о б, 95—96-саҳифалар.

.. Талаб аҳли эсанг, бу сўзни тушун,
 Ярми умринг кун эрса, ярмиси тун.
 Гар тунинг уйқу бирла ўтса шу тоб,
 Ярми умринг тамом бўлди ҳисоб.
 Бир амаллаб кунинг узайтиргил,
 Кунга тундан юлиб олиб, улагил.
 Бир кун умрингдан ўтса қон ютасан,
 Бир куним ўтди, деб фиғон этасан.
 Ўтди юзлаб тунингу «ғинг» демадинг,
 Ўша ўтган тунинг ғамин емадинг
 Оҳ ором берувчи қанча насим —
 Эсди-ю уйқуда ётардинг жим.
 Келтирур гул ҳидини шаббода,
 Уйқу босган юракка не фойда?!
 Эсди шаббода — роҳатижон бу,
 Эсди шаббода-дардга дармон бу,
 Олмадинг баҳра ул насимлардан,
 Ҳастасан, нега дори ичмайсан.
 Чақалоқдек танингни бешик этиб,
 Ётасан табакай тўшакка кириб.
 Ўлимингдан олдин бир оз уйғон.
 Бош қўйиб ётма, бор танингда-ку жон!¹

УХЛАМОҚ АДАБИ БАЁНИДА

1. Иккинчи, ухламакни қасд қилган вақтда эшикларни маҳкам қилғай ва зуруф (идиш)ларни оғзини беркитгай ва тўшакни енги бирла ё ридо бирла шупургай ва фирош (кўрпа)ини уч мартаба силкиб солғай ва ўту чироғини ўчургайки, бу барчаси суннатдур

Тўртинчи, жойи хоб (ухлаш жойи)га кўп мулоҳим нимарсаларни тўшамагай ва юзини қиблага қилиб ўнг қўлига бир оз така қилиб (суяниб) ётгайки, суннат ушбудир.

Ёттинчи, яхши туш кўрса изҳор қилғай ва анга шукр қилғай. Ва ёмон ва паришон туш кўрса, ҳеч кимга изҳор қилмағай².

Абдураҳмон Жомий. Танланган асарлар. Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1971. Тузувчи Ш. Шомухамедов 152—153-саҳифалар. ² *Муҳаммад Содиқ Кошғарий.* Одоб ас-солиҳин (Яхши кишилар одоби). «Шарқ юлдузи», 1990, 5-сон, 91-саҳифа.

ҲАММОМГА БОРМОҚ ЗИКРИДА

Эй фарзанд, билғилким, агар ҳаммомга бориш ниятинг бўлса қорнинг тўқ вақтида бормағил, бу билад ўзингга зиён еткарурсан. Ҳаммомга ҳар кун боришнинг фойдаси йўқтур, балки зиёни бордур, чунки ҳаммом одамнинг суюклари, баданларини мулойим қилиб, қаттиқлигини йўқотади. Шундан кейин у ҳар куни ҳаммомга боришни одат қилур. Агар бир кун бормаса киши ўзини бемордек сезади, барча баданларин қотиб қолғондек ҳис этадур. Демак, ҳаммомга бир кун бориб, бир кун бормагон яхшидур, чунки бадан тинчланади ва халқ ҳам бу одатингни раъноликка¹ мансуб қилмаслар.

Хоҳ ёз, хоҳ қишда ҳаммомга борсанг, аввал совуқ хонада ўтир, бу хонада баданинг роҳат қилсин. Сўнгра иссиқ хонага, яъни ўртадаги уйга кириб, унда бир соат ўтирғил, токи иссиқ уйдан роҳат қилғил. Иссиқ сенга таъсир қилғондан кейин хилват хонага бориб, унда ювинғил.

Иссиқ сувнинг ичида ўтирмағил, кўп иссиқ ва кўп совуқ сувни бошингдан қуймағил, мўътадил² сувни қуйғил. Агар ҳаммом холи бўлса, ғанимат билғил, чунки донишмандлар холи ҳаммомни ғанимат билғайлар.

Ҳаммомга қандай киргон бўлсанг, шундай чиқиб кетғил, яъни мўйни қуритиб чиқғил. Чунки ҳўл мўй билад чиқиб йўл юрмоқ улуғларнинг иши эмас ва ҳўл мўй билад улуғларнинг саломига бориш ҳам одобдан эмасдур.

Демак, сен ҳаммомнинг наф ва зарарин билдинг, аммо ҳаммомда сув ва шарбат ичишдан парҳез қилғил. Бунинг зиёни кўпдур. Истисқо касали шундан пайдо бўлур. Агар жуда ҳам хумор ва ташна бўлсанг, оз ичғил, бу билад хумор ва ташналик шиддати босилғай.

Донишмандлар ҳаммомдан чиқадигон бўлсалар ҳаммомнинг жомахонасида бир оз ухлаб оладилар, сўнгра ҳаммомдан чиқиб кетадилар³.

¹ Раънолик — мағрурлик. ² Мўътадил — ўртача. ³ Кайковус Унсурулмаолий. Қобуснома. «Ўқитувчи», Тошкент, 1986, 66—67- сандифалар.

ЙЎЛ ЮРИШ ВА САФАР ҚОИДАЛАРИ

Ҳикоят

Бош яланг ва оёқ яланг бир пиёда мусофир Ҳижоз қарвони билан Қуфадан келиб бизга қўшилди. Унинг ҳеч нарсаи йўқ эди, лекин виқор билан қадам ташлаб дерди:

*Ҳачир миниб бормайман, на туяда юким бор,
На султоннинг қулиман, на қулларга шахриёр.
Дунёда ҳеч қайғум йўқ, дилим қўрқувдан озод,
Хотиржамман бус-бутун, кўнглим эса доим шод.*

Туя минган бойлардан бири унга деди: «Эй, дарвеш, қаяққа борасан йўл оғир, йўл машаққатига бардош бера олмай ўлиб кетасан, қайт орқангга». Дарвеш унинг гапига қулоқ солмай, йўлида давом этаверди. Қарвонимиз Нахлан Маҳмудга етганида бояги туя минган бой оламдан ўтди. Дарвеш унинг ўлиги тепасига келиб деди: «Мен пиёда юриш машаққатидан ўлмадим, сен нор туяда юриш роҳатидан ўлдинг!».

*Бир киши касал узра тун бўйи йиғлади зор,
Тонгда йиғлаган ўлди, соғайиб турди бемор.
Бир талай арғумоқ йўлларда қолди,
Манзилга оқсаган эшак етолди.
Ярали йигитлар соғайиб кетди,
Не-не соғломларни қора ер ютди¹.*

САФАРНИНГ ФОЙДАЛАРИ ТУҒРИСИДА

Турғун ер қайдаю айланувчи осмон қайда? Тўхтаб турган тупроқ қайдаю сайр этувчи юлдуз қайда?

У бир турғунликдан тупроқ босувчилар пойандози бўлди, бу бири қимирлашдан чўққиларнинг чўққиси бўлди.

Қийналиш ва машаққат адаб ва ҳурматнинг негизидир, сафар эса қийналиш ва машаққатга сабабдир. Сафар эриш ва куйиш қўрасидир, у эриш ва куйиш эса, эрнинг вужуд олтинини фили-ғишдан тозаловчидир.

Саъдий. Гулистон. Фафур Гулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1968, Тошкент, 72-саҳифа.

Сафар айрилиққа учраганларни матлабга етказувчи ва маҳрумларни мурод уйига киргизувчидир, хомларни пиширувчи ва овқатларни сингдирувчидир. Ажойиблар дунёсидан баҳра етказувчи ва дунё ажойиботидан хабардор қилувчидир.

Сафар кўнгилни ҳар томонга майл қилишдан ором бергувчидир. Мусофирни турли жойлардан хабардор қилувчи ул ва йўлларга йўллагувчи ул, аччиқ-чучукдан кўнгилни огоҳ қилувчи ул. Сафар водийсида мусофир оёғига дард-бало тикани кўп санчилади, лекин ҳар тикандан мақсад гули очилади. Йўл меҳнати қаттиқлигидан танаси кўп қақшайди, гавдаси йўловчилар оёғига тўшалади ва аъзоси оёқ остида ушалади, аммо кўнгли бузуқликлари тузалади ва руҳи кўзгуси жило топади.

Ҳар ўлканинг безакларини ва ҳар жойнинг тинчлигини йўловчилардан сўра ва мусофирдан англаб ол. Сафарга чиқмаган турғунлик роҳатини қайдан билсин ва ғарибликка учрамаган ватанда бўлиш яхшиликларини қандай аниқлай олсин. Денгиз турғундир, сувидан ютиб бўладими? Ариқ оқиб туради, тиниқ сувини тарк қилиш мумкинми? Қимирлаб турувчиларда ҳаётдан асар бор, жонсиз нарсалар тириклик нишонасидан бе-хабар¹.

Йўл юрмакнинг одоблари баёнидаки, анда ўн етти адаб бордур.

Учунчи, йўл юришда қадамни тез-тез қўймағай, оғир-оғир ҳам юрмағай, балки ўрта қадам қўйғай.

Тўртинчи, икки оёғига кийғай ё иккаласи яланг бўлғай, беузр бир кафш ё бир маҳси ё бир муза (этик) бирла юрмағайки, бу хислатлар макруҳдир. Ва яна попуш (оёқ кийими)ни нажосат (ифлос нарса)дин эҳтиёт қилғай.

Бешинчи, юрғонда танҳо юришдан ор ва номус қилмағай ё бир кишини кейиндин солиб юришга кўнгли кашол бўлмағай (тортмағай). Ва анга одат қилмағай.

Олтинчи, кўча лойлик вақтда бир кишига танг жойда дучор келса, ўзининг анинг либосига нажосат англаб қочиб турмағай.

Еттинчи, йўлда кўзини қадам узасидан айирмағай

¹ Алишер Навоий, 13- том. Тошкент, 1966, 236- саҳифа.

ва ҳар ёна беҳуда қарамагай ва огоҳлик бирлан йўл юргай.

Саккизинчи, йўлларда ўзини эҳтиёт қилиб йўл юргай, хусусан бозор жойда ва мардум (одам) кўп ерда, то макруҳи ва изо (азият) бир кишига андин етмагай. Чунончи, паҳлуси (ёни) бирла бир кишини урмагай ва ё кишини оёғини босмагай. Ва агар икки киши йўлда ҳамроҳи суҳан қилиб юратурғон бўлсалар аларнинг ўрталаридан кесиб ўтмагай, хусусан, хотунларни ўртасига кирмагайки, бағоят макруҳдир.

Тўққизинчи, йўлда қари кишиларни эҳтиром қилгай ва аларнинг ақиб (орқа) ларидан юргай. Хусусан, агар жаноби устози ё пири бирла йўлда ҳамроҳ бўлса, буларнинг албатта орқаларидин юргайлар. Аларни изларига эҳтиёт бўлиб, қадам қўймагайки, беадаблик бўлгай.

Унинчи, йўлда ҳамроҳларини риоя қилгай, агар илгари юрса, ниҳти хидмат бўлгай, агар кейин юрса, қасди мулоҳазаи адаб ва ҳурмат бўлгай. Балки ҳамма ёронлар йўл юришларида балиғлар сув ичинда юрган-дек бўлгайлар. Илгари ва кейинлик асло кўнгилларига келмагай.

Ун биринчи, йўл узра бир киши бирла сўзлашиб турмагай, саломлашиб тез ўтгайлар. Агар зарур сўзлари бўлса, бир гўша (чекка)га чиқиб сўзлашгайлар, аммо манзилда ва уйда ўлтирган бўлсалар, бир-бирларини ҳолларини сўрашмак хўбдур ва сабаби зиёдати улфат ва муҳаббатдир.

Ун иккинчи, йўлдин ётган тош ва изо (азият) еткурдуган нимарсаларни, агар воқеъ бўлса, ироқ қилгай. Бурнини суйини ва оғзидан балғамни йўлга агар ташласа, беркитуб ўтгай ва оғзини суйини олдиға ва ўнг тарафига ташламагай, балки чап тарафга ё орқасига ташлагай

Ун учунчи, йўлда нотавон ва мазлум кишиларни кўрса аларга мадад еткургай. Ва агар канизак ё гўдакни кўрсаким, қўлидин зурфи (идиши) тушиб синғон бўлса, алар анинг учун маҳзун (ғамгин) бўлсалар, аларга андоқ зурф (идиш) олиб бориб, аларни кўнгилни хурсанд қилгай . .

Ун олтинчи, кўча бошларида бекор ўлтирмагай, агар, мабодо ўлтирса, йўл ҳақини бажо келтиргай. Йўл ҳақи будирки, номаҳрамларга назар солмагай ва саломға жавоб бергай. Амри маъруф ва наҳий мункар қилгай

(яъни яхши ишга буюриб, ёмон ишдан қайтаргай) ва мазлумни фарёдиға етгай¹.

От минмак одоблари баёнидаки, анда етти одоб бордур . . .

... Учунчи, отлиғ ҳарчанд улуғ киши ва соҳиби шоҳ бўлса ҳам, пиёдага салом бергай, агарчи пиёда фақирҳол ва хурдсол (кичик) ва бечора бўлса ҳам.

Тўртинчи, отни йўлдан эҳтиёт бирла ҳайдагай. Ва ҳеч бир кишига озор еткурмагай ва яна тез-тез юргизмагай ҳарчанд зарур иши бўлса ҳам, хусусан, кечалари вақтда.

Бешинчи, отлиқ хизматкорни ва қулни ҳолини риоят қилгай, агар алар анинг инонида (яъни юганини тутиб) борур эрсалар. Бу тариқадаги отни тез ҳайдамагай, токи ул бечоралар югуриб юруб, ҳоримагайлар. Ва агар бориш жойи ироқ бўлса, аларни пиёда юргизмагайки, бу иш бидъат ва хилофи мурувватдир. Ва агар муяссар бўлса, аларга ҳам улов тоби бергай. Ва агар муяссар бўлмаса, гоҳи-гоҳи орқасиға миндиргай агар маркаб (улов) ни икки кишига тоқати бўлса ва илло гоҳи ўзи пиёда юруб аларни миндиргай.

Олтинчи, маркабни бошиға ва юзиға чўб ва ё қамчин бирла урмагай ва бир жойда отни устида таваққуф қилиб (тўхтаб) турмагай. Ва яна устида ухламагай ва линакка бормагай ва отни кўб оч ва ташна қўймагай. Ва яна кўб иссиғ ва совуқ жойда қўймагай. Ва агар борадурғон жойи кўп узоқ жой бўлса, гоҳи пиёда юрғай².

Сафарнинг одоби ва анга муталлиқ нимарсаларнинг баёниндадурки тўрт фасл бирла.

Фасли аввал — билгилки, сафар уч қисмдур, бири фарз, иккинчиси — фазилат, учунчиси — мубоҳ (рухсат этилган), аммо сафари фарз беш навдир. Аввал жиҳод учун, иккинчи ҳажжи фарз учун, учунчи ато ва ано чақирсалар ижобат учун, тўртинчи радди мазолим (зулмни қайтариш) учун, бешинчи талаби илми фариза учун, башартики ўз шаҳрида бу таъллум (илм) ҳосил бўлмаса. Аммо сафири фазилатнинг анвои кўбдур. Аммо сафари мубоҳ икки навдур, аввалги нави улки, сафар қилгай тижорат учун ушбу ният бирлаки,

¹ *Муҳаммад Содиқ Қошғарий*. Одоб ас-солиҳин (Яхши кишилар одоби). «Шарқ юлдузи», 1990, 5-сон, 91—92-саҳифалар.
² Уш а к и т о б, 92-саҳифа.

ўзи ва аҳли аёллари нафақаси шояд андин ҳосил бўлғай ва кишидин тамаъ қилмағайман деб Ва агар нияти зиёдати молу дунё бўлса, бу сафари тижорат анга вубол (зарар) ва охиратиға мазаррат (зиён)дир. Иккинчи навъи тафарруж (кўнгил ёзиш) ва томоша учун сафар қилмоқликдур, башартики гоҳ-гоҳ бўлса, гар одат қилса, жоиз эмас. Ва бу сафарларнинг барчаси эронларғадур. Аммо хотунларға ҳамма ҳолда бе-маҳрам сафар қилмоғи ҳаромдур.

Иккинчи фасл — сафарнинг фойдалари баёнидаки, ҳазрати Али сафарнинг фойдаларидин беш улуғ фойданинг қитъаи манзумоти (назмий қитъаси)да келтирубдурлар, ани зикр қилинур, яъни (мазмун шундай): «сафар қилғилки, сафарда беш фойда бордир. Аввалги фойдаси шулки, ғам ва андуҳ кетгай.

Иккинчи, касби зиндагоний (тирикчилик сармоясини) ҳосил бўлғай.

Учунчи, таҳсили илм.

Тўртинчи, такмили (тўлиқ) одоб ва ахлоқ.

Бешинчи, улуғлар суҳбатларини топғай. Бас, агар савол қилинсаки, сафарда хорлиқ ва танҳолик ва биёбон кезмоқлик ва қаттиқчилик тортмоғлиқ бордур. Жавоб айтармиз ангаки, ҳар оина бўлмоғлиқ жувонмардға бу машаққатлар бирла яхшироқдур ғаммоз (чақимчи) ва ҳасид (ҳасадчи) нинг аросида тирик юрмоқликдин.

Учунчи фасл — аҳли сафарнинг одоби баёнидаки, йигирма тўққуз одобдур.

Адаби аввал — сафар қилғувчи сафаридин бир оз кори хайр (яхши иш) ни қасд қилғай: ҳаж ё жиҳод ё радди_мазолим (золимни йўқотиш) ё талаби илм ё зиёрати равзаи муқаддаса (пайғамбар қабри) Ё тижоратики андин тараз таҳсили қути аёлу атфол (хотин ва болаларнинг ризқи) дур ё буларга ўхшаб нимарсани ният қилғай. Андин сўнг баҳукми «Шоварҳум фил умур» (ҳар бир ишда маслаҳатлашинглар) бир доно кишига машварат қилғай.

Учунчи, васият қилғай ва яна ато ва ано, ва арбоби ҳуқуқлар (ҳақ эгалари)дин рухсат тилагай ва мувафиқи суннат кунларда чиқғай. Панжшанба куни хўброқ ва агар шанба ё душанба ё чаҳоршанба куни ҳам сафар қилса мувофиқи суннатдур. Ва яна агар кишиларки ҳақи бўлса, аларни ҳақини адо қилиб чиқғай. Ва яна аёлу қариндош ва дўсту ёрон ва ҳамсояву

ошна ва аҳли ҳуқуқ бирла видолашув, аларнинг дуойи хайр талаб қилғай . . .

Ўн биринчи, йўлда кечаси кўброқ юргайки, узун марҳала (жойларнинг ва узоқ манзилларининг қатъ қилмоғлик (босиб ўтмоғлик) шабгирлик (тунги юришлик) бирла бўлғай ва бу амр (иш)га албатта тоғофул (ғофиллик) қилмағай ва кеча юрғонда агар хоҳласа бир соат тушуб ором олмоқда суннат улдурки, йўл узасидин гўша (чекка) роқ ерга тушгайки, йўл узра кечаси зарар қилғувчи жонворлар кўб бўлғайлар . .

Ўн учунчи, агар мухталиф (ҳар хил) йўллар келса билолмасаки мақсаднинг йўли қайсидир, ўнг қўлдаги йўлга қараб юргайки, ўнгда фаришта бордурки, йўл кўрсатур

Ўн тўртинчи, ҳеч вақт танҳо сафар қилмағай, хусусан тунда ва ҳамроҳлари уч тандин оз ҳам бўлмағай.

Ўн бешинчи, агар кўб киши сафарга чиқсалар манзилга тушқанда бир-бирлариға яқин тушгайлар, балки бир манзилда мужтамиъ (жам) бўлғайлар ва мутаффарриқ (тарқоқ) бўлмағайлар.

Ўн олтинчи, бир жамоа ҳамроҳ бўлиб сафарга чиқсалар алар ўрталарида бир олими муттақий (тақводор) киши бўлса, анинг ўзлариға амир (бошлиқ) қилғайлар, агар андоғ киши бўлмаса баҳимматроқларини амир қилғайлар ва бу амирга адаб улдурки, ҳамроҳлариға мушфиқ ва хизматкор бўлғай, ҳеч хизматни алардин дариғ тутмағай ва ўзи ҳуқумат маснади (тахти) да ўлтуруб, ўзгаларни ишга буюрмағай.

Ўн еттинчи, йўлда заифу нотавон кишилар ҳамроҳ бўлсалар, қудрати бор кишиларни йўлда қўйиб кетмағай ва аларга мадаккорлик қилиб, карвонга еткурғай. Ва агар алар нотавонлиқдан йўлда туруб қолсалар, аларга мувофиқатчилик қилиб тургай ва ташлаб кетмағай, то карвонга ҳамроҳ қилмағунча.

Ўн саккизинчи, киракашнинг даббаси (ҳайвон)ға қарордин зиёда юк ортмағай ва юкнинг ортишда ҳам онинг ҳозир қилуб назарида ортгайки, токи рози бўлғай. Ва киракашларнинг дуруштгўй (қўпол) ва сихтхўй (бадфеъл)лиқлариға таҳаммул (сабр) қилғай. Ва ҳосили калом тариқати шафқатни ҳар важҳдин қўлдан бермағай.

Ўн тўққузунчи, чаҳорпо (ҳайвон) ларга юкни бақадри тоқат ортгай ва аларни очлиқ ва ташналиқдин ҳифз қилғай (яъни сақлағай). Ва манзилға тушганда

то аларнинг орқасидин юкни олмағунча ўзга ишга машғул бўлмагай.

Йигирманчи, сафарга мо лобудда минҳудин (заруратдин) зиёда нумарсани олмагай. Ва зарурийга қаноат қилгай. Ва баъзи улуғлар айтубдурлар: мо лобудда минҳу, яъни зарурий (наrsa) сафарда бири либосдурки, анинг бирла сатри аврат (уят жойни бекитиш) ҳосил бўладурган бўлса. Ва яна бири сажжода (жойнамоz) дур — намоz ўтамак учун. Ва яна бири иб (арқон) ва кўзадурки, анинг бирла қудуғдин сув тортиб олгай. Ва яна бири кафш ва наълайи (этик) дурки, аёқ юганида кийгай ва сажжода устига боргай. Ва яна бир асои найзодор (учли ҳасса) дурки, офатларни ўзидин даф қилгай. Ва бу асода ўзга фойдалар ҳам бордур. Ва агар суннатни мулоҳаза қилуб соқолтароқ ва мисвок (тиш тозалагич) ва қайчи ва йийна ва сурмадон ҳам олса жоиздур.

Йигирма биринчи, ...агар мусофир билсаки, бир шаҳридаки анда ўлат ё ўзга фитналардин пайдо бўлгон бўлса, у шаҳарни устидин ўтмагай. Ва агар бир шаҳарда сокин бўлса, андин сўнг ўлат пайдо бўлса қочмагай

Йигирма олтинчи, сафардин қайтганда аҳлу аёл ва қариндошларнинг олдига баногоҳ (тўсатдан) кирмагайки, макруҳдир, балки шаҳрига яқин келганда бир кишини илгари юборгай ва аларни хабардор қилгай. Ва яна чошт (туш) вақтида ва асра киргайки мустаҳабдур. Ва макруҳдир кечаси кирмаклик ...

Йигирма саккизинчи, аҳлу аёл ва авлоду ақрабо (қариндош) ва ёрону дўстлариға туҳфа ва савғот (совғалар) олиб келгай — ҳар қайсиларини ўз ҳолларига лойиқ нимарсаларни. Ва масканиға қарор олгондин сўнг таом тартиб (тайёрлаб) бергай кўргувчи кишилар учун¹.

КУЧА-КУЙДА ЎЗИНИ ТУТИШ

Кўчада юрганда эҳтиётлик билан юриш, кийимларни ифлос нарсалар тегишидан сақлашга ҳаракат қилиш лозим. Оғизни очиб, ҳар нарсага аланглаб юриш яхши хислатлардан саналмайди. Бозорда ва одамлар йиғилган жойларда жуда эҳтиётлик билан юриш тав-

¹ *Муҳаммад Содиқ Қошғарий*. Одоб ас-солиҳин (Яхши кишилар одоби). «Шарқ юлдузи», 1990, 5-сон, 100—101-саҳифалар.

сия қилинади. Бепарволик билан қадам ташлаб, кишиларнинг оёқларини босиб олиш ёки туртиб юбориш, шундай бежо ҳаракатлар орқали бошқаларга озор бериш яхши эмас. Агар икки эркак киши ё икки аёл сўзлашиб турган бўлсалар, уларнинг ўртасидан ёриб ўтиш тарбиясизлик саналади.

Агар йўлда қария учраб қолса, ҳурмат юзасидан унинг ортидан юриш лозим. Иши зарур бўлиб шошиб турган киши четдан, йўловчи қарияга туртилиб кетмай, олдинга ўтиб кетиши мумкин.

Одамлар ўтиб турган йўл устида сўзлашиб туриб, ўтувчиларга халақит бериш тўғри эмас, четроқ жойда туриб сўзлашиш лозим. Йўловчи йўл устида ётган тош, тикан каби нарсаларни кўрса уларни четроққа олиб ташласа, бошқа йўловчиларга фойда етказган бўлади. Йўл устига тупурмоқ, бурун қоқмоқ ва ифлос нарсалар ташламоқ тарбиясизликдан саналади. Йўлда чол, заиф киши ёки кичик ёш бола учраб қолса, уларга ёрдам қўлини чўзиш зарурдир. Уларнинг юклари бўлса, дарров қўлларидан олиб ёрдам берган киши жуда ҳам олижаноблик қилган бўлади.

Кўчанинг бир чеккасида дам олиб ўтирган киши одоб-тарбия қоидаларига риоя қилсин. Ўтиб кетаётган хотин-қизларга тегажоқлик қилиш одобсизликдир. Дам олиш учун ёнига бирор киши келиб ўтирса, адаб доирасида ширингуфторлик билан суҳбат қилиб ўтирсин, иғво, фасодлардан тилини тийсин. Бирор киши тойиб, йиқилиб кетганини кўрса, дарҳол ўрнидан туриб, унга ёрдам берсин.

*Ҳамма одамга сен яхши қилиқ қил,
Тилингни хуш, чиройингни илиқ қил.
Эшитгил ҳар қаю сўз бўлса беҳроқ,
Қулоғингга уни ҳалқа қилиб тоқ¹.*

САЛОМАТЛИК ҚОИДАЛАРИ ЗАРУРИЙ НАРСАЛАРНИНГ ТУРТИНЧИСИ ЖИСМОНИЙ ҲАРАКАТ ҚИЛИШ ВА ҚИЛМАСЛИК ҲАҚИДА

Билсанг риёзат турлари неча-неча
Шарофатли бўлур агар у ўртача.

¹ Оз-оз ўрганиб доно бўлур. Донишмандлар бисотидан ҳикоятлар, ўғитлар, ҳикматлар. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1988, 121—122-саҳифалар.

Тўғри ва муътадил бўлиб, ўсган бадан,
Кир-чир ила чиқиндидан қутулар тан.
Ҳозир атур жисмингни у физо учун.
Гўдакларни йўллар нашъу намо учун.
Ортса риёзат ҳаддидан хориш бўлур,
Руҳинг тушиб, тинканг қуриб, ҳар иш бўлур
Ҳаддин ошса ёнгай ҳарорат, ёт ғариб!
Намлик кетиб, жисминг қолур кўп сарғариб,
Асабларинг заиф этур оғриқ чу зўр,
Ёш яшамай, ош ошамай, танинг қарир,
Риёзатсиз ётишдан кўп топма роҳат.
Бу роҳатдан тополмассан ҳеч манфаат
Жимжит ётсанг ифлос хилт-ла тўлур бадан.
Физога ҳеч ҳозирланмас бирор маскан¹.

ЗАРУРИЙ НАРСАЛАРНИНГ БЕШИНЧИСИ БУШАНИШ ВА БУШАНМАСЛИК ҲАҚИДА

Ортиқлик гар тан-жисмда бўлса қачон,
Ҳатто мия хилтдан бўшаш истар аҳён.
Томирдан қон олмоқ фойда баҳор чоғи,
Дори-дармон ишлатсанг ҳам, қилсанг сурғи.
Қайт қилишга ёз фаслида ўзни шайла,
Савдо ҳайдаш зарур эса кузни пойла.
Ғарғара қил, тишингни юв, мисвок ишлат
Оғиз, танглай тоза бўлур қолмас иллат.
Заҳар танғиб келса бўшат, эринмагил,
.. Ич тўхташдан халос этолсанг, мисоли —
Қуланж каби ёмон дарддан бўлгунг холи.
Кир-чиркининг даф этишга ҳаммомга бор,
Зудлик билан қушдай бўлғил ҳам беғубор
Тозаламоқ бўлсанг теринг кирдан тамом,
Баданингни пок этмоққа керак ҳаммом².

ЗАРУРИЙ НАРСАЛАРНИНГ ОЛТИНЧИСИ НАФСОНИЙ КАЙФИЯТЛАР ҲАҚИДА

Ғазабланиш қўзғатади ҳароратни,
Зарар этиб, олур тандан ҳароратни,

¹ *Абу Али ибн Сино*. Шеърлар ва тиббий дoston. Тузувчи Абду-содиқ Ирисов. Тошкент, 1981, 70-саҳифа.

² *Ушакитоб*, 70—71-саҳифалар.

Қўрқиш совуқликни қўзғар, ўйнаб юрак,
Ҳаддан ошса баъзан одам бўлгай ҳалок.
Шоду хуррам кечса ҳаёт яйрар бадан,
Эт семириб, андин етгай зарар баъзан
Озгинларни ўлдиради қайғу бешак,
Ким озмоқчи бўлса унга қайғу керак¹.

ОДАМ АЪЗОЛАРИ ҚАСАЛЛИГИ САБАБЛАРИ ҲАҚИДА

Аъзо, бўғин катта бўлмоғига сабаб
Бўлгай шакл берур қувват, ғизо талаб.
Кичикларга сабаб анча қарши бўлур,
Катта бўлмоғининг асли терси бўлур.
Аъзоларнинг тус-шаклини бузар сабаб
Пайдо бўлур бу орада ҳолга қараб.
Йўрғаклашда, кўтаришда ёки ҳатто
Эмиш, қўйиш ё белашда бўлар хато.
Ё энага боққанда кўп бергай ғизо,
Тўғри этмас бола эмизишни адо.
Заифликдан толар ҳолдан, бола қулар,
Охир синар қубба суяк гар йиқилар.
Ё пачақлар бурнин шунда, булар пучуқ,
Қайтаролмас аслига тиб, этмас тузук.
Синган суяк битмай туриб тортган мисол,
Бесабрлар қимирлатар, бузар дарҳол.
Хилт кўплиги тусни бузар моховсимон,
Эски силдек камлиги ҳам унга зиён.
Ё бир асаб бўшашгандан, юз фалаждан,
Бўйин агар тортишиш ҳам ушбу вайдан,
Шишу яра излари ҳам айлаб асар
Аста-секин тан шаклини шундай бузар.
Тунда пайдо бўладиган баъзи бирор
Ҳолатидан ҳосил бўлар белгилар бор.
Баъзилари билинади кўриш билан,
Сариқ касал ранги каби ё шиш билан.
Баъзилари қулоқ билан сезилади,
Чун истисқо каби қорин бузилади.
Ҳидлаб кўриб биладилар баъзан яққол,
Худди бадҳид, сассиқ яра-чақа мисол.
Баъзисини идрок этиб дарҳол сезар,
Оғзида-чи, нордон каби бўлгай маза.

¹ Уша китоб, 71-саҳифа.

Баъзан эса ушлаб кўриб билгунг чунон,
Бўртиб чиққан ўшал берчдай шиш, саратон¹.

ЕЗ ФАСЛИНИНГ ТАДБИРИ ҲАҚИДА

Соғлиқ сақлаш ишида бу амалий тиб
Икки амалдан топмишдир шундоқ таркиб.
Гар истасанг мижозинг чин қолмоғини
Ўз ҳолида, мос эт физоси чоғини.
Гар истасанг ўзгартирмоқ табъи бадан
Чора ахтар мизожингга тескаридан².
Соғ кишининг соғ-саломат, вақтини чоғ
Айламоқни истасанг гар, англа мутлоқ.
Маскан ўлсин анга доим шундоқ диёр,
Бир диёрким, ҳаволари соғ, беғубор.
Маскан десанг, юзинг бургил саҳро томон,
Шарқий шамол англа латифдир бегумон.
Ез чоғида тоғ томонда, яъни шимол
Тевараги очиқ бўлган ўлкада қол.
Тунда ўтир баланд жойда, ғир-ғир сабо,
Қундузи туш пастлик томон, хўбдир ҳаво.
Жун, пахталик усти-бошдан юзинг ўғир,
Қийим бўлсин енгил чун пояйи зиғир.
Хушбўй гиёҳ ишлат совуқ мизожини
Ҳидли мойдан танла қизилгул мойини.
Кўзларингни эҳтиёт қил чанг-ғубордан,
Ҳам тутундан, ҳам гидрдан, буг-биҳордан.
Самум, қуёш шуъласи ҳам чўғ аланга,
Қарши келса зиён бўлур кўзгинанга.
Чаплашилган ажи-бужи хатга сира,
Боқа кўрма, майда хатдан кўзинг асра³.

БАДАНТАРБИЯ ҲАҚИДА

Кучли риёзат қилмагил ҳамда мушкул,
Шуғулланмай ташлаб қўйма, ўртача қил.
Ёмон хилтлар йиғинидан бўлса хатар,
Риёзат қил, бадан андан кўмак топар,
Пиёда юр, ё кураш туш, шартни бажар,
То зўр келиб нафас тезлашгунга қадар,
Банд бўлмасин гавда агар бўлса озғин,

¹ Уша китоб, 73—74-саҳифалар. ² Совуқ мижоз бўлса ис-
сиқ мижоз овқат бер, акси бўлса, аксинча қил, демоқчи. ³ Уша
китоб, 92-саҳифа.

То бўшашув ҳаддан ортиқ кетмас учун.
Қилдир риёзатни одам серёғ, этдор,
Боғла белбоғни белига гар қориндор.
Озайтиргил, кун тиғида чарчатур иш,
Чунки терлаш бирла пайдо бўлгай хориш.
Жисм узра зарур бўлган барча билим,
Тадбирларинг айтиб ўтдим бўлим-бўлим.
Тандан бўшат ёки тўхтат чиқинди ё
Хоҳиш бўлган бошқа нени кўрсанг раво¹.

УЧ БУЮК ТАБИБ

Бир табиб қаттиқ касал бўлиб ётиб қолди. Унинг шоғирдлари йиғилиб устодларини даволашга киришдилар. Касал устод уларга:

— Севимли шоғирдларим, мени даволаш учун беҳуда заҳмат чекманг, тузалишдан умид узганман, ўлимим яқин қолганга ўхшайди. Вафот топганимдан кейин жуда қайғуриб оҳ-воҳ қилманг, чунки ўрнимга учта буюк табиб қолдириб кетаман. Шу уч зўр табибнинг маслаҳатларига ҳаммангиз эътибор беринг ва бошқаларни ҳам шунга даъват қилинг,— деди.

Шоғирдлардан бири:

— Бизларнинг азиз устодимиз, сиздан кейин ўрнингизда қоладиган учта табиб кимлар?— деб сўради. Устод кўзларини очди, ёнидаги шоғирдларига шундай жавоб берди:

— Сизларга сўзлаганим учта зўр табибнинг бири си — поклик, иккинчиси — парҳез, учинчиси бадантарбиядир. Доимо пок, озода бўлишлик, тиқиштириб, апилтапил емасдан ўз миқдоридида овқатланиш, ичкиликдан тийилиш, бадан аъзоларини ҳаракатсиз қолдирмасдан бадантарбия билан шуғулланиш — мана шуларнинг ҳаммаси саломатликни сақловчи энг яхши чоралардир².

НАЗОФАТ

Назофат деб аъзоларимизни, кийимларимизни, асбобларимизни пок ва тоза тутмоқни айтилув.

Поклик зеҳн ва идрокингни кенг ва ўткир қилув. Халқ орасида эътибор ва шуҳратга сабаб бўлув. Пок-

¹ Уша китоб, 96-саҳифа.

² Оз-оз ўрганиб доно бўлув. Донишмандлар бисотидан ҳикоятлар, ўғитлар, ҳикматлар. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1988, 235-саҳифа.

лик ила ҳар хил касаллардан қутулиб, жонимизнинг қадрини билган бўлурмиз. Пок бўлмак саломатимиз, саодатимиз учун энг керакли нарсадур. Пок бўлмаган киши аллоҳ ҳам халқ қошида севимсиздур. Йиртиқ, эски кийимлар киймак айб эмас, янги кийимларни кир қилуб, ёғини чиқаруб юрмак зўр айб ва гуноҳдур. Чунки бу иш шариятга терс, тарбияти баданга зид, ажнабийлар кўзига исломиятни чиркин қилиб кўрсатмоқ бўладур, ҳам бир йилга етадурган кийимлар олти ойга етмай, қирқулуб тамом бўладур. Бу исроф, мол қадрини билмасликдур. Ифлослик балосидан поклик давоси ила қутулмоқ керак. Балиқнинг ҳаёти сув ила ўлдиғи каби, инсоннинг саломатлиги ҳаво иладур. Агар таи пок бўлуб ювилиб турмаса, қулоқ кир бўлса, эшитмагани каби бадан ҳам ўзига керак бўлган ҳавони ичига ололмас, ичидаги рутубат ҳам кирдан ўтуб чиқиб кетолмас, чунки бадан элак каби кўзликдур. Агар кўзи кир олса, ун туруб сув ҳам ўтмас, шунинг учун тамиз бўлмаган кишилар қўрқинч касалларга тезгина гирифтор бўлурлар. Шодликлари ғамда, олтундан қадрли умрлари касалхоналарда ўтар. Мана шуларни риоя қилуб, шариятимиз бизга покликни фарз қилмишдур. Поклик мусулмонлиғининг илдизидур. Шунинг учун тани, кийими, жойнамози пок бўлмаган кишининг ибодати ҳам дуруст бўлмайдур. Расули Акрам набийи муҳтарам саллололоҳу алайҳи вассаллам афандимиз: «Ислом дини пок диндур. Бас, пок бўлингиз, пок бўлмаган киши жаннатга кирмас»,— демишлар.

*Халқи олам севгусидур тозалик, покни,
Поклик орттиргусидир фаҳм ила идрокни.
Ҳар кишини кўксида поклик нишони бўлмаса,
Тозалик майдонидан қувғайлар ул бебокни¹.*

МОЛ ЙИҒИШ, ТЕЖАМҚОРЛИК ВА ИСРОФГАРЧИЛИК ҲАҚИДА МОЛ ЖАМ ЭТМОҚНИНГ ЗИКРИДА

Эй фарзанд, ўзингни мол жам этмакдин ғофил тутмағил ва лекин ҳар нарсани этмак тиласанг жаҳд қил-

¹ *Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд аллоқ. «Ўқитувчи», Тошкент, 1992, 19-саҳифа.*

ғил, токи ҳалоллик била жам бўлсун ва ҳамиша сенга боқий ҳамда ёқимли бўлсун.

Жам этгондин сўнг яхши сақлағил ва ҳар ботил¹ иш учун уни қўлдин бермағил, нединким сақламоқ йиғишдин мушкулдир. Агар керак вақтида зарур иш учун олиб харж этсанг, ҳаракат қилиб унинг ўрнини тўлдурғил. Агар харж этиб, яна жойин тўлдирмасанг, агар Қоруннинг ганжидек² бўлса ҳам, у бир кунда йўқ бўлур.

Молни доимий турар деб унга кўнгул қўймағил. Токи бирор вақт у йўқ бўлса, тангдил бўлмағайсан.

Агар молинг кўп бўлса, уни тақдир ва тадбир била ишга яратғил. Нединким тақдир ва тадбир била яралгон озгина мол тақдирсиз ва тадбирсиз кўп молдин яхшироқдур. Агар мол оз бўлса ҳам яхши сақламоқни вожиб билғилки, ҳар киши оз нарсани сақлай олмаса, кўп нарсани ҳам сақлай олмағувсидур.

Мол жам этарда қоҳиллик қилмағил, бу бадбахтликнинг шогирдидур.

Ўзингга ранж берғил, яъни ўзинг машаққат тортғил, нединким мол қийинчилик била йиғилади ва қоҳиллик била йўқ бўлур. Донолар дебдурларки: «Ҳаракат қилинг, то ободон бўлғайсизлар ва озга қаноат қилинг, токи молларингиз кўп бўлғай, юмшоқ табиатли ва ширин сўз бўлинг, дўстингиз кўп бўлғай».

Демак, кўп ранж била топилгон ганжни ғафлат ва қоҳиллик била қўлдин бермак ақлли кишининг иши эрмасдур. Қашшоқ бўлгондан сўнг ҳар қанча пушаймон бўлса, суд³ қилмайдур. Демак, молинг барқарор бўлғунча машаққат устига машаққат чекғил, сен бундан баҳраманд бўлғайсан.

Бироқ мол ҳар қанча азиз бўлса ҳам, уни дўстлардин дариг тутмағил. Ҳар ҳолда молни гўрингга олиб бормагундур. Аммо дахлинг⁴ на чоғлиқ бўлса, ҳажринг ҳам ул миқдор бўлсун. Шунда сенга қашшоқлик машаққати юзланмағай. Ҳар кишики харжини дахлидин оз қилса, ҳеч вақт қашшоқ бўлмағай.

Бор молингга қаноатда бўлғил, қаноат туганмас ганждур ва сенга тақсим этилгон насиба, кундалик овқат сенга албатта, етишгусидир.

Яхши сўз ё халқнинг шафоати била ҳар ишки сенга

¹ Ботил — бузилган, бузуқ. ² Ганж — бойлик, ғазна. ³ Суд — фойда. ⁴ Дахл — даромад.

вожиб бўлса, ул ишга йиғилгон молни бадал¹ қилмағил, чунки молсиз одамнинг ҳеч қадри бўлмағусидур. Чунки халойиққа бойнинг ҳеч фойдаси бўлмаса ҳам уни дўст тутғусидур, ҳеч зарари етмаса ҳам қашшоқларни душман тутғусидур. Бас, халққа қашшоқликдин ёмон ҳол йўқдур.

Халқнинг оройиши² мол бермақдур ва ҳар кишининг оройиши на чоғлиқ кўп бўлса, унинг қадрин шул чоғлиқ билғил. Аммо исрофни шум эътиқод қилғил. Ҳар ишнинг бир сабаби бордур. Аммо қашшоқликнинг сабаби исрофдур. Исроф танҳо молнинг харжида эрмас, балки овқатда, хулқда, сўзламакда ва ўзга ишларда ҳам ёмондур. Исроф танни алдар, нафсга ранж еткарур, ақлни қочирур, тирикни ўлдирур. Кўрмасмусанму, чироқнинг тириклиги ёғ биландур. Агар ёғни ҳаддан зиёда солсанг, ёғ фатила (пилик)нинг бошига келиб, чироғ ўчур. У ёғки чироқнинг ҳаётига сабаб эрди, исроф жиҳатидин мамотиға (сўнишига) сабаб бўлур.

Донишлар дебдурларким, ҳеч бир ишда исроф қилмағил, исроф қилғувчи барча вақт зиёнкордур. Аммо тирикликни талх қилғундек қаттиқлик қилмағил. Рўзгорингнинг зарурий ишларида тақсир нуқсон кўргузмағил. Жонингга жабр қилмағил: мол ҳар нечаким азиздур, аммо жонингдин азиз эрмасдур. Алқисса, жаҳд этиб йиғилгон молингни бахилларнинг қўлига топширмағил ва шаробхўр, қиморбозларга эътимод қилмағил. Барча кишини ўғри гумон этмағил, токи молинг ўғридин омон бўлғай.

Мол жам этмакда ҳато қилмағил, ҳар одам ўз ишида хато қилса саодатдан маҳрум бўлғай ва муддаоларидин бебахра қолғай, нединким роҳат меҳнатдадур. Шундоқки, бугунинг роҳати кечаги меҳнатнинг натижасидур.

Ҳар нарса қўлингга тушса, бир тангадин икки ҳиссани ўз оилангга харж этгил, бир ҳиссани қарилиғ ва ожизлиғ вақтининг зарурий ишларига эҳтиёт қилиб қўйғил ва ундин кўз юмиб, асло унга қўл урмағил. Қолгон икки ҳиссани ўзингнинг зийнат ва асбобингга сарф этгил.

Жавоҳир, зар ва мис асбоби тартиб била бўлсин. Агар бундин зиёдроқ бўлса, мулк олғил ва бундоқ асбобларни олгондин сўнг сотмағил. Ҳозир сотиб, яна ке-

¹ Бадал — айирбош, алмаштириш, сарф қилиш. ² Оройиш — зийнат.

рак вақтида олурман деб ўйламағил, чунки олинмай қолиши ҳам мумкин, уйинг асбобсиз қолур ва оз фурсатда барча муфлис камбағалларнинг муфлиси бўлурсан. Ҳар зарурий иш учун қарз этмағил ва гаров бериб фойдасин емағил.

Қарзни бетамкин¹ликка улуғ далил билғил.

Қила олсанг, кишига танга қарз бермағил.

Хусусан, дўст кишиларгаки, қайтиб олмоқнинг озори бермағоннинг озоридин кўпроқдур. Агар берсанг, берғон зарни ўз молинг санамағил ва уни дўстимга бағишладим деб хаёл этғил. Ўзи бермагунча ундин талаб қилмағил, то олмоқ сабаби била дўстликка зарар етмасун ва дўстинг душман бўлмасун.

Молингдин мустаҳиқларга² едурғил. Ўзгаларнинг молидин тамаъ қилмағил, токим барча халойиқнинг яхшироқ ва азизроғи бўлғайсан.

Молингни ўзгаларнинг моли деб билғил, ўзгаларнинг молин ўз молингдан зиёдроқ билғил, токи омонатга хиёнат қилмаслик, тўғрилиқ била халққа машҳур бўлғайсан³.

УЙ ВА ЕР СОТИБ ОЛМОҚ ҲАҚИДА

Билғил ва шоҳид бўлғилки, эй фарзанд, агар сен ер, уй сотиб олмоқ истасанг ва уни сотмоқ истамасанг, қонунга итоат эт. Сотиб олмоқ бўлсанг, касодлик вақтида сотиб ол, сотмоқчи бўлсанг талаб қилинган вақтда сот, фойда қидир, бундан уялма, дермишларки, бирон нарсани сотиб олмоқчи бўлсанг, усталиқ қил. Савдолашувни қўлдин берма, чунки савдолашув ва сўраш — ярим савдодур.

Бир нарса сотиб олар бўлсанг, зарар била фойдаси бир хилда бўлсин. Хонавайрон бўлмоқни тиламасанг, даромад устидан харажат қилма. Агар сармоёга зарар етказишни истамасанг, зарар келтирувчи фойдадин сақлан. Мўл-кўлчиликка эга бўлмоқни, қашшоқ бўлмасликни тиласанг, ҳар ишда сабр қил. Сабр қилмоқ оқилларнинг ишидур. Ҳар қандай ишда ўз фойдангга бепарво бўлма, нединким, бепарволик ҳам аҳмоқликдур... Шошиш била ҳар бир иш раво бўлмас.

¹ Бетамкин — оғирлик, чидам.

² Мустаҳиқ — муносиб, лойиқ. ³ Қайковус Унсурулмаолий. Қобуснома «Уқитувчи», Тошкент, 1986, 72—75- саҳифалар.

Агар уй сотиб олмоқчи бўлсанг, тўғри одамлар яшайдирғон кўчадин сотиб олғил, шаҳар атрофидин, девор тагидаги уйлардан сотиб олмағил. Арзон бўлур деб бузуқ уй сотиб олмағил. Уй олмоқчи бўлсанг аввал қўшнини кўр, араблар аввал қўшни, кейин уй, деганлар.

Донишманд Абузуржмеҳр дейди: «Тўрт нарса оғир фалокатдур: биринчиси — ёмон қўшни; иккинчиси — катта оила; учинчиси — жиззаки хотин; тўртинчиси — муҳтожлик».

... Шундай бир кўчадан уй сотиб олғилки, қўшнинг инсофли одам бўлсин. Уй сотиб олғонингда қўшнини ҳурмат қил, унинг ҳақ-ҳуқуқига риоя қил, чунки шундай дейдилар: қўшни ҳаммадан ҳам катта ҳуқуққа эга.

Агар ер ва боғ олсанг, мададсиз¹ ва ҳамсоясиз ердин олмағил ва товонлиғ ерга рағбат қилмағил. Ҳар қандай ер олсанг айбсиз ва шубҳасиз ерни олғайсан ва айблиғ, шубҳалиғ ер олмағил. Ер олсанг унга иморат солмоққа машғул бўлғил ва ҳар кун янги-янги иморатлар қилғил, то ҳаммавақт уни янги ва хуррам кўргайсан. Ҳаргиз ер ва боғнинг иморатидин қўл тортмағилки, ерга ҳар қанча хизмат қилсанг азиз бўлур ва ҳосил берур. Агар хизмат қилмасанг ер юзи сенинг еринг бўлса ҳам ҳеч фойдаси йўқдур, балки зарардур².

ИҚТИСОД

Иқтисод деб пул ва мол каби неъматларнинг қадрини билмакка айтилур.

Мол қадрини билувчи кишилар ўринсиз ерга бир тийин сарф қилмас, ўрни келганда сўмни аямас. Саховатнинг зидди бахиллик ўлдиғи каби иқтисоднинг зидди исрофдур. Аллоҳ таоло исроф қилғучиларни суймас. Иқтисодни риоя қилган кишилар ҳамма вақт тинч ва роҳатда яшарлар, арилар қиш кунда емак учун бол йиғганидек, бошларига келадурган қора кунларни ўйлаб, оқ пул йиғурлар. «Тома-тома кўл бўлур», — демишлар. Ҳар нарса оздан кўпаур.

*Кўпни озайтирувчи хотун киши,
Озни кўпайтирмак эрур эр иши.*

¹Мададсиз — кўмаксиз, ёрдамсиз.

²Кайковус Унсурулмаолий. Қобуснома. «Ўқитувчи», Тошкент, 1986, 77—78- саҳифалар.

Ҳозирги замонда мақсудга етмак, ўз миллатига хизмат қилмак, халқга мақбул бўлмак учун илм ва мол лозимдур. Оламдаги ҳамма миллатларнинг ҳол ва қудратлари мол ва бойлиқлари ила ўлчанадур. Ҳар ерда бой миллатлар оғир келуб, паллани босуб хўжа ўлганидек фақирлари енгил келуб, қул ва асир бўлуб, осилиб қоладур. Мол топмакнинг энг баракатли йўллари: ҳунарчилик, экинчилик, чорвачилик, савдогарликдур. Буларнинг ҳар бирига ҳам бу замонимизда билим лозимдур. Боболаримизнинг «бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар» замонлари ўтуб, ўрнига «билгон битар, билмаган йитар» замони келди. Америкаликлар бир дона буғдой экуб, йигирма қадоқ буғдой олурлар, ёврүполиклар ўзимиздан олган беш тийинлик пахтамизни кетуруб, ўзимизга йигирма беш тийинга сотурлар... Сўзнинг қисқаси, ҳозирги замонга мувофиқ киши бўлмак учун илм ва маърифат ила баробар иқтисод, инсоф, туганмас саъй, битмас ғайрат лозимдур

*Халқ ичинда мўътабар бир нарса йўқ давлат каби,
Бўлмағай давлат жаҳонда қуввату сиҳҳат каби.
Иқтисод, инсоф зийнатдур вужуди одама,
Яхши неъмат йўқ кишига саъй ила ғайрат каби¹.*

ИСРОФ

Исроф — ўринсиз ва фойдасиз ишларга пул ва мол сарф қилишдир. Қўлда бўлган пул ва молни керакли жойларга сарф эта билиш, яхши идора қила олиш учун исрофдан сақланиш лозим. Шухрат қозонмоқ учун такаллуфли ва тантанали тўй ва зиёфатлар қилиб, пул сарф этиш нодонликдир. Исроф натижасида йўқчилик, кейин ҳар кимнинг мол, давлатига тама ва ҳасад қилиш келиб чиқади. Шунинг учун исрофдан сақланиш лозимдир:

Байт:

*Сен агар исроф этишни ташладинг,
Ул замон давлат этагин ушладинг².*

¹ Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. «Ўқитувчи», Тошкент, 1992, 33—34-саҳифалар. ² Оз-оз ўрганиб доно бўлур. До-нишмандлар бисотидан ҳикоятлар, ўғитлар, ҳикматлар. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1988. 145-бет.

МУНДАРИЖА

Тузувчидан	3
Хулқ-одоб ҳақида	5
Ота ва она ҳурмати	16
Кексалик ва йигитлик ҳақида	39
Фарзандлик бурчи	48
Билим ҳақида	56
Инсонпарварлик	67
Қамтарлик, кибру ҳаво ва манманлик	84
Қаноат ва очкўзлик ҳақида	92
Қасб-ҳунар ҳақида	108
Меҳнатсеварлик ва текинхўрлик	119
Фаҳм-фаросатли бўлиш ва зийраклик	123
Тўғрилиқ, ростгўйлик ва ёлғончилик	132
Ҷақимчилик, тухмат, ғийбат ва ёвузлик	147
Дўст тутмоқ ҳақида	152
Душмандан сақланиш	163
Ишқ-муҳаббат, вафо тўғрисида	171
Наврўз	188
Ичкиликнинг оқибатлари	217
Оила ва эр-хотин одоби	223
Сухандонлик ва суҳбатлашиш одоби	226
Сукут ва сир сақлаш хусусида	259
Саломлашиш қондалари	262
Меҳмоннавозлик	271
Таом ейиш тартиби	283
Ухламоқ, дам олиш ва ҳаммомга бориш одоблари	296
Йўл юриш ва сафар қондалари	301
Саломатлик қондалари	308
Мол йиғиш, тежамкорлик ва исрофгарчилик ҳақида	313

Маънавият дарслари: Урта мактабларнинг
10—11- синфлари учун мажмуа. Тузувчи:
С. Нишонова.— Т.: Уқитувчи, 1994.—320 б.

Уроки нравственности: Хрестоматия для 10—11
классов средней школы.

№ 146—94
Алишер Навоий номли
Ўзбекистон Республикасининг
давлат кутубхонаси
Тираж 8000
Карт. тиражи 16000

МАЪНАВИЯТ ДАРСЛАРИ

Т у з у в ч и

САНОБАР НИШОНОВА

Тошкент «Уқитувчи» 1994

Таҳририят мудири *Ҳ. Нуруллаев*
Муҳаррир *Х. Ҳайитметов*
Баддий муҳаррир *Б. Жўраев*
Техн. муҳаррир *Т. Скиба*
Мусахҳиҳлар: *П. Аъзамова, З. Фуломова*

ИБ № 6376

Теришга берилди. 9. 12. 93. Босишга рухсат этилди 5. 03. 94. Бичими
84×108/32. Тип. қоғози. Кегль 10 шпонсиз. Литературная гарнитураси.
Юқори босма усулида босилди. Шартли б. л. 16,80. Шартли кр.-отт.
16,957. Нашр. л. 15,5. 20000 нусхада. Буюртма № 2.

«Уқитувчи» нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома
№ 13—70—93.

Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитасининг Янгийўл ижара китоб фаб-
рикаси. Янгийўл, Самарқанд кўчаси, 44. 1994.